

**Комил Аваз**

**ХИВА  
ДИЛБАНДИ**



**Комил Аваз**

**Хива  
дилбанди**

(Эсселар, драмалар)

У32  
А 21

*Ушбу китобни Огаҳий  
номли Хоразм вилоят му-  
сиқали драма театрининг 75  
йиллигига бағишлайман.*

*Муаллиф*

К 4702620201 ҳатгийбуюртма — 1997  
М 362 (04)–97

© Комил Аваз. "Ёзувчи"  
нашриёти, 1997 йил.

ISBN 5-8255-0438-9

## СЎЗ БОШИ

Бир неча шеърӣ тўпламлар, насрий ва драматик асарлар яратган сермаҳсул ижодкор Комил Авазнинг Огаҳий номидаги мусиқали дарама ва комедия театрининг 75 йиллигига бағишланган ушбу "Хива дилбанди" китобида ўзбек мусиқа санъатининг атоқли арбоблари — мақом ва сувораларининг бетакрор ижрочиси, бу нодир мулкни бугунги авлодга бир қадар мукаммаликда етказган машҳур ҳофиз Ҳожихон Болтаев, қўшиқчиликда ўз мактабини яратган ажойиб хонанда Мадраҳим Шерозий, Хоразм булбули деб донг таратган Комилжон Отаниёзов ва бошқа маданият намояндалари билан қилган суҳбатлари, кўнгилга яқин машҳур кишилар билан мулоқотлари таъсирида битилган эсселари ва ниҳоят республика театрларида 1996 йилда саҳналаштирилган "Ташкилдаги ҳангома", "Икки карра икки-беш", "Ўғилтой" комедиялари, ушбу кунларда саҳналаштирилаётган "Огаҳий" драмаси жамланган.

Китобга киритилган бу асарларнинг ҳар бири ўзига хос жозиблага, таъсирчан қувватга эга. Суҳбатлар қандай ҳикоя қилинган бўлса, шундайлигича ўз оҳорида чиройли тил билан ёзилган. Унда Хоразм тил хусусиятлари мукаммал сақланганки, бу аввало, уларнинг ўқимишлилигини оширган. Суҳбатлар чўзилиб, воқеалар тарқалиб кетган эмас. Фикр бир нуқтага қаратилади, ҳар бир сўз, ибора тасвиридаги ҳолатлар мақсадга хизмат қилади.

Муаллифнинг яна бир ютуғи шундаки, у сўзловчи баён қилган вақтни, сана ва ҳолатларни ишончли ҳужжатлар, манбалар билан қиёслаб, изоҳлар ва баъзи чекинишлар орқали ҳақиқатни аниқ тавсифлаб беради. Масалан,

Огаҳий номидаги театрнинг ташкил этилиши тўғрисида турлича маълумот берилади. Муаллиф изланишлар натижасида бунга аниқ ҳужжат топган, яъни "Известия ТуркЦИКА" рўзномасининг 1922 йил 3 март 48-сонида Хоразм Совет Халқ Республикасида янги театрнинг очилиши тўғрисида ахбороти босилиб чиққан: "Хоразмнинг икки йиллиги байрами тантаналарининг иккинчи куни "Халқ уйи" номи берилган янги театрнинг очилиш маросими бўлди. Минг кишига мўлжалланган театр тўрт ойда қуриб битказилган. Ушбу кун театр бой безаклар билан безатилди. Театр очилишига атаб ёзилган "Шарқнинг уйғониши" поэмаси кўрсатилди. Рассомлар томонидан Осиёнинг уйғонишига бағишлаб чизилган расмлар кўрғазмаси намоиш қилинди. Очилиш маросимида икки мингдан зиёд одам қатнашди. Театрнинг очилиш маросимида қатнашган жамики мусулмонларда катта таасурот қолдирди". Эссслар ҳам жозибали битилган, уларнинг "суҳбатлар"га қараганда қаамрови кенг. Қизиқарли бадий тасвирлар, ҳаётнинг энг нозик нуқталарига урғу берилади, ўрнида чуқур фалсафий хулосалар чиқарилиши диққатга сазовордир.

Муаллиф бу асарларни ёзишга яхши тайёргарлик кўрган ва эҳтирос билан ёзгани кўриниб турибди. Булар орасида, айниқса, "Ҳейканик", "Лангар", "Гарчи эрурман толеъи Феруз", "Лайли ва Мажнун", "Матниёз Девонбеги — Комил Хоразмийми?"ларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Шу ўринда бир нарсага эътибор бериш ўринли бўлар. Комил Аваз кўплаб жанрларда ижод қилмоқда. Бизда кейинги пайтларда бир давр расм бўлган назмдаги нарсалар ҳам унинг диққатидан четда қолмади. Шундай бир гап борки, адиб бир жанрни маҳкам тутиб, ишласа, камолатга эришиши мумкин. Бу ҳам ўз йўлида ҳақдир, лекин ҳеч бир нарса маълум бир қолип ичида қолиши муқаррар эмас. Бу ҳар кимнинг ғайратига, кучиқтидорига боғлиқ. Кўп жанрларда ижод қилиб, донг таратган адиблар тарихда оз эмас. Шу жиҳатдан биз Комил Аваз эсселарини ўқиб, унинг бу жанрда ҳам кўпроқ ишлашига тилакдошмиз. Зеро, ҳар бир нарсанинг албатта ўз муносиб ўрни бўлади.

Комил Аваз драматургияга, жиддий бир мавзуга дахл қилиб кириб келди. Бутун Ўзбекистонни ларзага солган Гдлян қилмишлари билан боғлиқ бўлган "Жаҳаннам" драмаси ўз вақтида Огаҳий номидаги театр ҳаётида катта воқса бўлди, спектакль мудҳиш воқеалар ҳақидаги хақиқий айбнома бўлди. Ана шундан кейин қатор драма-

тик асарлар ёзди. Улар орасида Сайид Муҳаммад Раҳимхон-Соний таваллудининг 150 йиллигига бағишланган "Феруз" драмаси алоҳида ўрин тутати. То истиқлолгача бадном қилиб келинган ката давлат арбоби, шоир, бастакор, санъат ва адабиёт аҳлининг ихсосли ҳомийси Феруз сиймоси ҳаққоният билан гавдалантирилди. Хиванинг рус чоризми томонидан босиб олиниши воқеаси жараёнида Феруз характерининг асосий қирралари содда ва ёрқин очиб берилган.

Мазкур тўпламга киритилган драмаларнинг мавзуси ранг-барангдир. "Ташкилдаги ҳангома"да актёрларнинг саҳнадан ташқаридаги ҳаёти акс эттирилган. Гарчи унда кучли драматик тўқнашув бўлмаса-да, ҳазил-мутойибалар остида чуқур маънолар яширинган. Қалби йиғлаб турса ҳам кулиб биладиган, тўғрироғини айтганда, кулишга маҳкум этилган актёр умрининг қувончларию дардлари томоша кулгусидан кейин кишини чуқур ўйга толдиради. Сирасини айтганда, Комил Аваз кейинги пайтларда комедия жанрида кўпроқ ижод қилмоқда. "Икки карра икки — беш" ва "Ўғилтой" комедиялари республикамизнинг қатор театрларида муваффақиятли саҳналаштирилди.

Муаллифнинг яқиндагина ёзиб тугатган "Огаҳий" драмаси ҳақида алоҳида тўхталиш ўринли. Негаки, бу шоири замон ҳаёти ва ижоди бўйича қатор тадқиқот ишлари қилинди, китоблар, мақолалар ёзилди. Марҳум адабиётшунос Айёмийнинг "Мавлоно Огаҳий" драмаси саҳналаштирилди. Бироқ бу асарларнинг аксарияти "қизил империя"нинг қаттиқ таъсири ва руҳида ёзилган. Зеро, шундай талаб қўйилганлиги ҳам аниқ. Ўтмишга истиқлол нуқтаи назаридан қараб, тарихни ҳаққоний тиклашга кенг имкониятлар яратилган экан, бу ишда ҳамма бурчлидир. Комил Авазнинг "Огаҳий" драмаси ана шу ҳаққонийлик сари биринчи қадам, хайрли уринишдир. Драмада Огаҳий ҳаётининг эътибордан четда қолиб келаётган муҳим қирралари ҳам алоҳида урғу билан тасвирланган. Бу драма муаллиф ниятига жуда ҳам ҳамоҳангдир.

Муаллиф китобни "Хива дилбанди" деб аташида ишончли асос бор. Негаки, Огаҳий номидаги вилоят театри аввало Хивада ташкил этилиб, кейинчалик Урганч шаҳрига кўчирилган. Асарда театрнинг илк ижодкорлари, шу соҳада меҳнат қилиб шуҳрат қозонган санъаткорлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Халққа намойиш этилган биринчи спектакль актёрлари ва бошқа нодир суратлар китобни янада бойитган.

Биз юқорида Комил Авазни сермахсул ижодкор дедик, кейинги икки йилда "Минг ой умр ҳикматлари", Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган "Ўзбекистон, бор бўл жаҳонда" китоблари нашр этилди, учта пьесаси саҳналаштирилди, тўртинчиси устида иш бошланди. Қўлингиздаги ушбу китоб ҳам 1996 йилнинг маҳсулидир. Муаллифнинг "Феруз", "Жобби жўжакнинг ҳийласи" ва "Дейишма" асарлари асосида яратилган кўп қисмли видеофильмлар Ўзбекистон телевидениесининг олтин Фондидан муносиб ўрин олди. "Феруз" драмаси учун унга Хоразм вилоят ҳокмлигининг Огаҳий номидаги мукофоти берилди. Яқинда Ғафур Ғулом нашриётида унинг "Олис оҳанглар" деб номланган бадиаси нашрга тайёрланди.

Шоир ва драматург Комил Авазнинг орзулари мўл, режалари аниқ. Илҳомининг энг жўшқин мавридида ҳаётда ҳам, адабий машқда ҳам катта тажриба тўплаган адиб кўплаб забардаст асарлар яратишга ишончимиз комил. Унинг ушбу "Хива дилбанди" китоби ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

*МУҲСИН ҚОДИРОВ,*

*Маннон Уйгур номидаги Тошкент  
санъат институти ректори,  
санъатшунослик доктори, профессор.*

*НАФИСА ЗОҲИДОВА,*

*Санъатшунослик номзоди.*



*Санъат — садоқат мулки, мулк соҳиби иззатлидур,  
Театру — дорул ижод, ижод унда лаззатлидур.*

*Муаллиф.*

## ХИВА ДИЛБАНДИ

Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали дарма ва комедия театрининг таваллуд топганига бу йил 75 йил тўлади. Хоразмда саҳнавий томошалар қадимда ҳам кенг равнақ топган ва умумхалқ сайилларида "Қуржақчилар" томошалари катта қизиқиш билан олқишланган.

Асримизнинг 20-йилларида тарқоқ санъаткорлар бир труппага бирлашиб, халққа хизмат қилишдек эзгуният йўлида бошлаган ҳаракатлари 1922 йил 2 март куни Хивада "Халқ уйи" номи берилган янги театр биносининг очилиши билан ўз ечимини топган ва 12 кишидан иборат "Ҳукумат театри" тузилган. Шу боисдан ҳам Огаҳий театрини Хива дилбанди десак, айти муддао бўлади.

"Исвестия ТуркЦИКА" рўзномасининг 1922 йил 3 март 48-сонида Хоразм Халқ Совет Республикасида янги театрининг очилиши тўғрисида шундай ахборот босилиб чиққан: "Хоразмнинг икки йиллиги байрами тантаналарининг иккинчи куни "Халқ уйи" номи берилган янги театрининг очилиш маросими бўлди. Минг кишига мўлжалланган театр тўрт ойда қуриб битказилган. Ушбу кун театр бой безаклар билан безатилди. Театр очилишига атаб ёзилган "Шарқнинг уйғониши" поэмаси кўрсатилди. Рассомлар томонидан Осиёнинг уйғонишига бағишлаб чизилган расмлар кўргазмаси намойиш қилинди. Очилиш маросимида икки мингдан зиёд одам қатнашди. Театрнинг очилиш маросимида қатнашган жамики мусулмонларда катта таассурот қолдирди".

Етук санъаткор Машариф Полвонов бошлиқ Ҳукумат театри ўз ишини кичик саҳна асаридан бошлаб, тез орада тўлақонли драматик асарларни саҳналаштирди, халқ орасида ҳурмат топа бошлади. Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи", "Хива инқилоби", "Тухматчилар жазоси", "Заҳарли ҳаёт", Маннон Уйғурнинг "Фарғона фожиалари", "Қармоқ", "Те-

лефон", "Туркистон табиби", Гулом Зафарийнинг "Эрк болалари" каби пьесалари шулар жумласидандир.

1923 йил кузида Хивада биринчи марта Фотихий Буношнинг "Зухра ва Тоҳир" асари саҳнага қўйилиши Хоразм саҳна санъатининг катта ютуғи бўлди. Асарни саҳналаштиришда Машариф Полвонов, Ёқуб Девонов, Ойша Бикчурина ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. Зухра ролини Ханская, Тоҳир ролини Ёқуб Девонов, Зухранинг отаси ролини Машариф Полвонов, Тоҳирнинг отаси ролини Ханский, канизак ролини Ойша Бикчуриналар ижро этганлар.

Театр пойдеворига илк гишт қўйганлар қаторида С. Сарайманов, Ш. Солоев, К. Қутлиев, Ж. Калантаров, Ш. Оллоёров, У. Қурбоний, Р. Юсупов, С. Мухторова, Х. Абдуллажонов, Г. Жалил ва бошқаларни бугунги кунда ҳурмат ила тилга оламиз.

Хоразм давлат театри йил сайин ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиб, ўз репертуарини янги асарлар ҳисобига бойитиб борди.

Ўттизинчи йилларга бориб театр А. Мажидий инсценировкасида "Қўрқувли Техрон", араб достони асосида "Варка Гулшо", Ҳ. Ҳакимзоданинг "Ғолибият", А. Қодирийнинг "Бахтсиз куёв", Ғ. Зафарийнинг "Ҳалима", Хуршиднинг "Фарҳод ва Ширин", Чўлпоннинг "Ёрқиной" драмаларини, шунингдек маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган "Қаландар оға" ("Ўзгарош алангалари") ва "Насаб қурбони", "Сўнган юлдузлар", "Савдосизлик қандай ёмон" каби асарларни саҳналаштирдилар.

Хоразм давлат театри саҳнасида шу йиллари ўйналган ранг-баранг драматик асарлар халқнинг маданий, маънавий савиясини оширишда, унинг тафаккур доирасини кенгайтиришда катта роль ўйнади. Хоразмда театр чироғини илк бор ёққан элимизнинг зиёлилари, санъаткорлари олдида бош эгамиз.

Хоразмнинг маркази 1933 йили Урганчга кўчганлиги муносабати билан театр ҳам Урганчга кўчирилди ва Хоразм округ давлат мусиқали драма театри номини олди.

Театр давр билан ҳамнафас одимлаш, одамларнинг тараққиёт йўлидаги интилишларини акс эттириш борасида ўз репертуарини ранг-баранг асарлар билан бойита борди, томошабинлар эъзозига сазовор бўлди. Айни шу даврда театрга воҳанинг ҳамма районларидан, жумҳуриятнинг турли вилоятларидан М. Шерозий, Раззоқ ота Омонов, К. Раҳимов, К. Исқандаров, Р. Бойжонова, К. Бойжонов,

С. Камолов, М. Сафоев, О. Худоёрова, М. Худоёров, Ш. Девонова, О. Очилова, С. Девонова, О. Кариева, О. Рўзметова, С. Исмоилов, У. Қурбоний, О. Эшчонов, И. Ҳожиев, С. Ҳожиев, Р. Мусаев, С. Мусаева, В. Фаёзов, У. Ғайипова, З. Қобулов, Тамарахонум, Р. Шокиров, И. Қосимов, Юсуфжон қизиқ, А. Турдиев, С. Олимов, М. Отажонов, О. Сафаев, Х. Нодирова, Р. Абдурахмонова, К. Бобожонов, Ш. Рамозанов ва бошқа талантили актёр ва санъаткорлар, режиссёр, рассомлар, театр ташкилотчиларининг келиб қўшилиши театрнинг янада юксак поғоналарига кўтарилишига, унинг мусиқали драма театрига айланишига сабаб бўлди.

Ана шундай катта кучга, имкониятга эга бўлган театр К. Яшиннинг "Ёндирамиз", "Номус ва муҳаббат", "Гулсара", "Тор-мор", Н. Сафаровнинг "Уйғониш", Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи", "Холисхон" К. Гочининг "Маликаи Турондот", Гоголнинг "Ревизор", А. Навоийнинг "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" асарларини, "Тоҳир ва Зуҳра" каби пьесаларни зўр маҳорат билан саҳналаштиришга муваффақ бўлади.

Ўттизинчи йилларнинг охири ва қирқинчи йилларнинг бошига келиб Хоразм давлат театри шу даражага кўтарилдики, энди ҳар қандай мураккаб асарларни ҳам саҳналаштириш имкониятига эга эди. Восит. Халилнинг "Ошиқлар" спектаклининг яратилиши театр жамоасининг катта ютуқларидан бири бўлди. Улуғ Ватан уруши йилларида театр актёрлари ҳарбий госпиталларда, комиссариатларда, завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда халқимизнинг мардлигини тараннум этувчи томошалар кўрсатиб, дардчил одамлар қалбига ишонч, хонадонларга ёруғлик ато этганлар. С. Абдулланинг "Қурбон Умаров", К. Яшиннинг "Даврон ота", "Ўлим босқинчиларига", Ражаббоевнинг "Тилла Матёқубов", В. Фаёзовнинг "Қасам" каби ўнлаб асарлари муваффақиятли саҳналаштирилдики, театрнинг ижодий камолот сари ташлаган одими салмоқли ва салобатли бўлди.

Урушдан кейин театр ўз репертуарини янада бойитди, кўплаб элга манзур саҳна асарлари яратилди. К. Отаниёзов, Х. Болтаев, Н. Болтаев, С. Девонов, Р. Худоёров, Б. Раҳимова, З. Ғаффорова, Н. Шабанов, Л. Абдуллаева, Н. Юсупова, С. Раҳимова, М. Раҳимов, С. Иброҳимов, Р. Отажонова, Б. Искандарова, О. Отажонов, Х. Бобожонов, Р. Муротова, Э. Бекчанова, С. Отаниёзов, Р. Оллабергановдек қатор талантили забардаст гўяндалар,

актёрлар, мусавиру созандалар, раққосаларнинг келиб қўшилиши театрнинг довуғини янада юксак поғоналарга кўтарди.

1949 йилги Тошкент ва Фарғона водийси бўйлаб қилинган ижодий сафар Хоразм театри учун бениҳоя самарали бўлганким, шу йили Комилжон Отаниёзов Ўзбекистон халқ артисти, М. Шерозий, М. Сафоев, О. Очилов, Ю. Жабборов, К. Исмоилов, Н. Юсупова, М. Раҳимов, У. Ғайиповалар Республикада хизмат кўрсатган артист унвонига мушарраф бўлдилар.

Театрда саҳналаштирилган спектаклларнинг муваффақиятли чиқишида О. Ваисов, И. Худойберганов, К. Маткаримов, А. Киссурина, Арзамасов, М. Собировдай ва ҳозирда меҳнат қилаётган З. Девонова, М. Девонова, Ф. Худойберганов, Б. Маткаримовдай ишчи-хизматчиларнинг хизматлари катта бўлди.

Театрнинг яна бир бахти — хоҳ Хивада бўлсин, хоҳ Урганчда бўлсин, бош режиссёрлик вазифасида М. Полвонов, С. Сарайманов, Р. Шакиров, З. Қобулов, И. Ильялов, О. Отақулов, Х. Исломов, А. Муҳаммедов, Х. Аппанов, И. Ниёзметовдай театр илмининг зукко билимдонлари, ижодий жамоанинг камол топишида куч-ғайратларини аямайдиган фидойи санъаткорлар ишлагани ва бугунги кунда ҳам бажонидил хизмат қилаётганларидадир.

Шу ўтган 75 йил мобайнида театр саҳнасида 550 га яқин ўзбек ва қардош халқлар драматургиясининг энг сара асарлари ҳамда жаҳон классикасининг дурдона асарлари халқимизга намоиш этилди. Жумладан, Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" (5 марта саҳналаштирилган), Уйғун ва И. Султоннинг "Алишер Навоий", Уйғуннинг "Беруний", Айёмийнинг "Мавлоно Отаҳий", Айёмий, А. Отажонов, Р. Оллабергановларнинг "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" (6 марта саҳналаштирилган), Э. Самандаровнинг "Аждодлар қиличи", Ф. Шиллернинг "Макр ва Муҳаббат", Қароқчилар", В. Шекспирнинг "Гамлет", Роблеснинг "Ўлимдан кучли", Марцинкявичуснинг "Миндаугас" ва ҳоказо ва ҳоказо пьесалари саҳналаштирилган.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос спектакли яратиладики, унинг заминида актёрлар ҳам, театр ҳам шуҳрат қозонади. Чунончи, турли йилларда қўйилган "Лайли ва Мажнун"да В. Фаёзов, М. Раҳимов, С. Девонов, Б. Отажонов, Б. Омонбоев, Р. Бойжонова, С. Раҳимов, О. Очилова, Б. Искандарова, Ш. Рамазанова, Г. Раҳимова, М. Омонбоевалар, "Гамлет"да М. Бобожонов, К. Раҳимов, У. Ғайиповалар,

"Шикоятга ўрин йўқ"да Г. Ёқубов, Ш. Рамазонова, "Олма пишганда галинг"да Б. Раҳимова, "Жобби жўжакнинг ҳийласи"да Ж. Нурлаев, Ж. Шомуродов, К. Тожибоев, "Феруз"да Б. Омонбоев, О. Тоғонов, Ҳ. Нақиевлар, "Чирогимни ким ёқади"да Р. Матқурбонов, "Иккинчи тумор"да А. Йўлдошев, Ш. Қурёзова, "Бугуннинг шум боласи"да Ф. Раҳмонов, "Ташкилдаги ҳангома"да С. Жуманиёзов, П. Матёқубовлар шуҳрат топдилар.

Жумҳуриятда яна бир ижодий мактаб бор, бу М. Уйгур номидаги театр ва рассомлик санъати илм масканидир. Ушбу олий илм маскани театримиз учун қанчадан-қанча иқтидорли санъаткорларни етказиб берди-ким, уларнинг ҳар бири бир устундир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари И. Ниёзматов (бош режиссёр), О. Оллоберганов (бош рассом), К. Раҳимов (бош дирижёр), Ўзбекистон халқ артистлари М. Бобо-жонов, Б. Раҳимова, Г. Раҳимова, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар Р. Худоёров, З. Гаффорова, Х. Исломов, Ш. Рамазонова, Б. Отажонов, жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими Ш. Девонов, етакчи актёрлар А. Жуманиёзов, М. Ниёзматов, Х. Ортиқов, А. Исмоилов, Ж. Эшжонов, Ж. Нуруллаев, Ж. Шому-ратов, О. Бобожонов, Р. Матқурбонов, О. Тоғонов, П. Матёқубов, Р. Қўчқоров, С. Жуманиёзов, П. Ражапов, К. Жуманиёзов, Х. Нақиев, К. Тожибоев, Ф. Матжонов, М. Неъматов, Қ. Искандаров (бош дирижёр), З. Отаева, М. Омонбоева, Б. Омонбоев ва бошқа фидойи актёрлар, солистлар, созандалар, раққосалар ишлаганлар ва шу кунларда ҳам катта кўпчилиги ижод қилмоқдалар.

Театр ўз асарларини нафақат жумҳуриятимиз вилоят-ларида, балки қўшни Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистонда ҳам намойиш этиб келмоқда.

Мустақиллигимиз шарофати билан қадимдан сақланиб келаётган мумтоз мусиқа мулкимиз — "Танбур чизиги"ни театр қошида тузилган мақомчилар гуруҳи аъзолари О. Бобоназаров, О. Иброҳимов, А. Машариповларнинг фидойи-лиги билан ҳозирги нотага ўтказилиши нафақат Респуб-ликаимиз маданий ҳаётида, балки бутун Турон заминида беқиёс катта кашфиётдир.

Бу йил театрнинг 75 йиллиги Хиванинг 2500 йиллиги, Паҳлавон Маҳмуднинг 750 йиллиги билан муштарак кели-ши бағоя қувончли воқеадир. Театр жамоаси ушбу муборак саналарга бағишлаб, каминанинг янги "Огаҳий" спектакли-ни томошабинлар ҳукмига ҳавола этмоқчи.

Санъат — садоқат мулки, у янгиликни, ўзига хосликни ссади. Театрни ҳақиқий санъат масканига айлантиришга эришмоқ учун янги мазмун ва услублар муштараклигини кашф этиш йўлида тинмай изланиш кераклигини Огаҳий театрининг ҳар бир ижодий ходими қалбан ҳис этади ва шу йўлда бор имкон-қудратини сафарбар қилади деган умиддамиз.

## ҚАДР

1980 йилларнинг бошида машҳур гўянда Ҳожихон Болтаев билан истъоддли санъаткор, республикада хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Камолов учрашиб қолганда, улар ўртасида шундай қисқа савол-жавоб кечган:

— Бу, "Лайли-Мажнун"ни қайта қўйибсизлар деб эшитдим. Мажнун ким? — дея сўрабди Ҳожихон ака.

— Ҳе Ҳожихон ака, ҳозир ҳамма Мажнун,— деб жавоб берибди Камолов.

Мен қаламга олмоқчи бўлган истъоддли актриса, хушовоз хонанда, Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театри саҳнасида неча йиллаб Лайли, Ширин, Шоҳсанам, Барчин бўлиб гўзаллик, мардлик тимсолини моҳирона намоиш этолган, 100 дан зиёд беқайтариқ образлар яратган, концертларда булбулдек овози билан дилларни хушнуд этган, салкам 50 йиллик ижодий йўлни босиб ўтган Бибижон Искандарованинг менга айтиб берган бир воқеаси боис юқоридаги суҳбатни эсладим.

Бибижон Искандарованинг ўз ишига бўлган меҳр-муҳаббати илк қадамидан, ҳў узоқ 1942 йилдан бошланган. Ҳозиргидай эсида. Ўзбекистон халқ артистлари Ваҳобжон Фаёзов, Каримжон Раҳимов Урганч шаҳридаги Ҳамза номли мактабда ўқиётган (илгариги Сталин мактаби) қўнгироқдек жарангдор овозли ёшгина Бибижоннинг лапарларини тинглаб, "Гулсара" спектаклининг оммавий саҳналарида қатнашиш учун уни театрга таклиф этдилар, унинг тиришқоқлигини кўрган устозлар театрда доимий ишда қолишига даъват этдилар. Шу-шу Бибижон Искандарова ўз ҳаётини, тақдирини театр билан боғлади.

У илк роли — санитарка Лиза образини ("Фронт" спектаклидан) ўзга бир фахр билан эслайди.

Ўз ҳаётини хавф-хатарда қолдириб, жанг майдонидан ярадорларни судраб чиқадиغان жасур санитарка Лиза уларнинг дардига малҳам бўлади. Бибижон озодлик учун жо-

нини ҳам аямайдиган мард, фидойи қиз Лизани шу қадар жозиба билан ижро этадики, бу образни ҳеч ким эпизодик роль демасди, зал оёққа қалқарди.

Ёшгина Бибижон ҳали ўзи охиригача илғаб ололмаган ҳолда дилрабо лапарлари, оҳанграбо қўшиқлари, жасурликка ундовчи образлари билан одамларни ғалабага, янги марраларни эгаллашга ундади, илҳомлантирди.

1950-60 йиллар Бибижон Искандарова учун маҳорат мактабини ўташ йиллари бўлди. "Лайли ва Мажнун" спектаклида Лайли образини юксак истеъдод соҳиблари Ўзбекистон ССР халқ артисти Султонпошша Раҳимова, республикада хизмат кўрсатган артист Анабиби Очилова, кейинчалик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ширин Рамазонова бир-бировидан фарқли, ҳар қайсиси ўз овози билан қиёмага етказиб ўйнадилар.

1963 йили режиссёр Зуҳур Қобулов томонидан саҳналаштирилган "Алпомиш" пьесасида Барчиной образи Бибижон Искандарова ижодида янги поғона бўлди.

Театр саҳнасида қарийб 40 йил ижод этган, халқнинг меҳрини қозонган Бибижон Искандарова ҳақида матбуотда, радио-телевиденида негадир кам гапирилди, ижоди кам ёритилди. Ҳатто театрнинг 60 йиллик юбилей программаларида унинг номи негадир тилга олинмади ҳисоб.

Нақл қилишларича, Афинада Эпикур барпо этган фалсафа мактаби жойлашган боғ деразасига "Меҳмон, сенга бунда яхши бўлади, бунда дилхушлик олий лаззатдир" деб ёзиб қўйилган экан. Унга кирувчини ейиш-ичишдан ташқари ҳақиқатни топишга кўмаклашадиган ақлли суҳбат кутган.

Театр — санъат аҳли учун мисли бир боғ. Унинг кираверишидаги пештоқига шундай сўзлар ёзиб қўйилса: "Ижодкор, бунда сенга яхши бўлади, бунда ижод олий лаззатдир".

Лекин бу боғнинг тўрида олқиш гулшанига олиб чиқадиган шабнамдай тоза мармар зинапоялар бор, ана унинг пештоқига не деб ёзмоқ керак? Сирпанчиқ зинапоялар ўта чидамликни, чўққи сари интилишга бўлган эътиқодни ёстайди. Ана шу зинапоялардан бир-бир кўтарилишда биродарликнинг, ҳамжиҳатликнинг кучи бениҳоя каттадир. Ваҳоланки, чўққига чиқмасдан кўз қамашилар, сирганишлар, ҳатто йиқилишлар жуда ҳам кўпки, уларнинг аксарияти ижодий изланишларда, баҳсларда эмас, минг афсус, кўпчилиги ҳаёт аталмиш ўтқинчи кунлар икир-чикирига мубталоликдан ва баъзан



коллективнинг носоғломлигидан ҳам содир бўлади ва йиллар ўтиб оқсатади.

Машҳур рус шоираси Анна Ахматова: "Жаҳонда биздан кўра йиғлоқироқ, биздан кўра такаббурроқ ва биздан кўра соддароқ одам йўқ", — деб бежиз айтмаган. Ҳар бир талант эгасини, истеъдод эгасини ҳаётнинг майда-чуйда чалкашликларидан ажартиб, балки бироз бўлса-да кечириб, унга ато этилган табиат инъомини эъозлашимиз керакдир. Бироқ одам ва одамийликни соҳадан қатъий назар, ишдан ажратиб қараш нотўғри бўлса керак. Барибир аксар талантли одамлар йиғилган даргоҳ — хоҳ театр бўлсин, хоҳ дорилфунун, хоҳ бирор уюшма бўлсин, шу матлабга мансуб ҳар қайси шахснинг ўзи бир дунё, ўзи бир олам. Улар майда гаплардан холи бўлишлари билан бирга, ибрат тимсоли ҳам бўлмоқлари даркор. Бу ўринда айниқса санъаткорлар, ижодий ходимлар халқ ўртасида бир-бировининг фазилатини ташвиқот қилсалар айтиш муддао бўлур эди.

Улуғларнинг дўстлиги давлатдир, деб бежиз айтишмаган. Уларнинг яқинлигидан олам мунавварроқ, янада равшанроқ бўлмоғи кундуздек аниқ. Лекин баъзи театр даргоҳларида ишлаётган истеъдодли актёрлар, санъат соҳиблари бир-бирларини бизнинг кўнглимиздагидек эъозлашдан, қадрлашдан сал узоқроқдирлар. Шунинг билан бирга санъат соҳиблари қай даражада бўлмасинлар, ўзлигини йўқотмасликлари ҳам зарур.

Кимлар-чун тирилиб, кимлар-чун ўлиб,  
Саҳнада яшайди актёр дўстларим.  
Қалбида не ғулу турса-да тўлиб,  
Авж билан айтурлар "ёр-ёр" дўстларим.  
Бири Навоийдир, Беруний бири,  
Эртаси Карл Моор, ёинки Ҳамлет,  
Бугунги ролида ўтса гар амри,  
Эрта пьесада дер: "Қани амр эт".  
Бир дўстим хон бўлиб чиққан сафари,  
Титради ҳаттоки залдагилар ҳам.  
Ярим имосига муҳайё бари —  
Бир ёнда қадаҳлар, бир ёнда қарам...  
Юксак ижросидан бир баҳар аста,  
Актёрга олқишлар ёгилди роса,  
Во ажаб, ҳовлида чироқдан ўчган,  
Жўшқин ҳолатда у уйини ёлган,  
Плитага аста чой кўяр экин,  
Уни тарк этди сал виқор тўнгуси.

"Тахтдан" тушганига эзилган билан,  
Олқишлар завқидан қочди уйқуси,  
Турфа роллар ўйнар яна бир дўстим,  
Баъзан жўшиб юрар, баъзан хафароқ.  
Унвон ҳам олди у, анчайин ўсди.  
Ўзи бўла олмай қийналар бироқ.  
Бир жойда меҳмонда ўлтирган маҳал,  
"Эй, Ҳамлет", қўлимга сув қуй, дер кимдир.  
"Хўп", деру йўл қўймас "шаҳзодалик" сал,  
Не қилсин, кибрга балки бу камдир.  
Меҳнати оғиру театр ўйин,  
Ҳаёт саҳнасининг қонуни бўлак,  
Бизга осон тутманг, сизга ҳам қийин,  
Бунда ўзинг бўлиб яшамоқ керак.  
Нега артистларни келди сўзлагим?  
Дилни этгум келар ошкор, дўстларим.  
Қай ролда чиқмасин, фақат ўзлигин  
Сира йўқотмаса актёр дўстларим.

Санъат — қалб иши, юрак даъвати. Бибижон Искандарова пенсияга чиққач ҳам қўлини қовуштириб ўлтирмади. У вилоятдаги ҳунар-техника билим юртларида бадий ҳаваскорлик тўғарақларини тузиш, ёш талантларга ўзининг бой тажрибасини улашиш учун вилоят ҳунар-техника таълими бошқармаси ҳузуридаги маданият уйига ишга келди. У озгина вақт ичида атрофига талантли ёшларни жипслаштирди. 1984 йили Москвада бўлиб ўтган жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалида унинг шогирдларидан 5 киши якунловчи концертда қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Бибижон Искандарова тарбиялаган шогирдларнинг Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги чиқишларини айтмайсизми (1985), фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказилган қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари бадий ҳаваскорларининг "Ишчининг мағрур номи" конкурсидagi муваффақиятларни айтмайсизми, бари-барисида устознинг шижоати, маҳорати, жонқуярлиги ўз аксини топди.

Улуғ Октябрь инқилобининг 70 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган конкурсда "Совет ишчиси ва қишлоқ деҳқони" мавзусини халқ ижодида тўла акс эттирилгани учун Бибижон Искандарова раҳбарлик қилаётган билим юрти драма тўғараги коллективи диплом билан тақдирланди.

Бибижон Искандарова неварали, чеварали, пиру бадавлат, камтар инсондир. У маҳалланинг бирон-бир маъракасидан қолмайди. Сумалак оқшомларида, наврўз кечаларида ўзининг ёқимтой овози билан қўшиқлар айтиб одамлар дилини хушнуд этади.

Суюкли санъаткорнинг қадри ҳамиша баланд.

## МУҲАҚҚАР МУРАББИЙ

Огаҳий номидаги вилоят театри саҳнасида Л. Разумовскаянинг "Ҳурматли Елена Сергеевна" асари ўйналди. Бу воқеани биров билса, биров билмади. Минг афсус!

Ёш режиссёр Мансур Қуриёзовнинг илк маҳсули, театрдagi илк спектакли, ижодий фаолиятининг бундан кейинги мезони ана шу асардан бошланади.

"Ҳурматли Елена Сергеевна" мураккаб ҳаёт драмаси асосига қурилган, ўткир сюжетли асардир. Муаллима ва унинг ўрта мактабни битирувчи ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтадиган олишувда етуклик аттестатига қўйиладиган баҳолар шу қадар маҳобатли тус оладики, ечимини кутиб этинг жимирлаб кетади. Ўзи эккан меҳр уруғидан бешафқатлик униб чиққанини кўриб муаллима ларзага тушади. Мавҳумлик ва маҳдудлик Елена Сергеевнани эза бошлайди.

Файласуф аталмиш Володянинг гап-сўзларидаги сирлилик, хатти-ҳаракатларидаги бежолик, бир сўзли Пашанинг иккиланиши, Володядан ҳадиксираш, қўзичоқдай Витянинг бир кечада ўзгариб, қилаётган ғайритабiiй қалтис ҳазиллари Елена Сергеевнанинг энг сўнгги умидларини ҳам сўндира бошлайди. Энди унинг биргина илинжи бор, у ҳам бўлса Лялечка. Лялечка эса унинг гапини эшитиш ўрнига панд-насиҳат бера бошлайди. Демак, Лялечка ҳам одамийлик меҳридан йироқ, гўзалликни, сиртқи гўзалликни суядиган, одамзоднинг ички гўзаллик олаmidан бебаҳра, фаслга қараб ўзгарувчан, беқарор бўлиб қолган! Аммо қачон? Болалар тарбиясини боғчага, мактабга қўйган илк қадамидан бошлаш кераклигини ҳаммадан яхши биладиган Елена Сергеевна беғубор, эзгу эътиқод билан ўқитмадимми уни? Наҳот энди келиб-келиб ҳурматли муаллимага, юқори баҳо қўйиб берасиз, деб таҳдид қилиш фожиа даражасига кўтарилса? Унинг покиза туйғуларини оёқ ости қилсалар? Яна кимлар? Наҳотки Елена Сергеевна шуларни 10 йил ўқитган бўлса. Яна ким? Ҳурматли Елена Серге-

евна! Шуми энди унинг бир умр фидойилигининг маҳсули? Йиллаб ардоқлаган гоъларининг натижаси шу бўлдимми? Юрагининг тубидан отилиб чиқаётган фиғонини энди у кимга изҳор этади?!

Ана шундай кучли драматизм "Ҳурматли Елена Сергеевна" асарининг асосини ташкил қилади. Хўш, театр коллективи буни қандай ижро этди?

Асарнинг тўла маъносини қамраб оладиган саҳна ечимини театрнинг бош рассоми, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Отахон Оллаберганов жуда аниқ топган. У ўзи ишлаган 7-8 та эскиздан мантиқан тўғри ечим — "қоғоз папка"ни танлаган, яъни папка очилиши билан Елена Сергеевнанинг ҳаётига тааллуқли воқеалар бошланади ва унинг билан содир бўлган воқеалар тамом бўлиши билан ёпилади, гўё сизлар шундан керакли хулоса чиқаринглар, азиз томошабинлар, дегандай.

Елена Сергеевна — мураккаб образ. Бу образ устида жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ширин Рамазонованинг диапозони кенг, мушоҳадаси салмоқли. У Елена Сергеевна образини қиёмига етказиб ўйнайди, деган умиддамиз.

Спектаклни бошидан охиригача асабий ҳолатда тутиб турадиган образ — Володя образини театрнинг ёш актёри Отабек Эгамов ижро этди. У Володя образининг тўлақонли чиқиши учун кўп изланишлар қилганига қарамай, воқеа ипини ҳамиша таранг тутиб туролмай қолади. Ана шундай пайтларда актёрлар билан томошабинлар орасидаги мулоқотга путур этади, яна қайси бир актёр ипни тортқилайди, таранглашга уринади. Отабек Эгамов сўз билан ҳаракат омухталигига кутилгандай эришолмади. Асар кульминациясидаги воқеа — Ляляни зўрлаш картинаси томошабинга аниқ етиб келмаётир, қолган актёрлар ҳам шу жойини кўнгилдагидек ижро қилолмадилар, асосан рус характерини тўлақонли беролмадилар. Володя образини янада мукамаллаштиришга, томошабинга манзур қилишга Отабек Эгамовнинг кучи этади.

Ляля образи Зулфия Отаева ижросида анча пухта чиққан. Унга театрнинг бадий кенгашида, яъни мазкур асарнинг муҳокомасида Ляля образини янада чуқурроқ, мазмунлироқ чиқариш борасида йўл-йўриқлар берилди. Энг характерлиси, Зулфия айтилган тилак ва истаклардан тўғри хулоса чиқаришга интилган. У театрда 5-6 йил ичида қатор образларни яратиб, томошабинлар назарига тушди. Ў. Ҳошимовнинг "Баланд дорга осилма"сида Мадина, Э. Самандаровнинг "Аждодлар қиличи"да Гулсанам, К.

Матризаевнинг Айбдорлар"ида Дилором, "Ҳижрон" спектаклида Ҳижрон, "Холисхон"да Зуҳра, "Кремль курантлари"да Маша ва шу каби образлар Зулфиянинг талантини чархлади.

Паша образини театрнинг умидли актёри Комилжон Тожибоев меҳр-муҳаббат билан ижро этганини эътироф этиш зарур. Комилжон "Драматик актёрлар куйлайди" деган телевизион кўрсатувда муваффақият билан қатнашиб, кўп олқишларга сазовор бўлди. Унинг драматик мушоҳадаси кучли, лекин бу сафар у Пашани ўйнаш жараёнида ўзининг бор имкониятларини тўлиқ ишга сололмади. У Паша образини муаллиф кўзлаган даражада ўйнайди ва келажакда ёрқин образлар яратиб мухлислари таҳсинига сазовор бўлади деган умиддамиз.

Ва ниҳоят, Витя образи худди театрнинг ёш актёри Одамбой Абдуллаев учун ёзилгандай, бу образ унга сингишиб кетган. Бу эса унинг ютуғидир. Кези келганда шуни айтиш керакки, саҳнада актёр сўз айтадими-айтмай-дими, бундан қатъий назар, ҳамиша ижро ҳолатида бўлади. Бу эса ҳамма актёрлар учун ҳам осон бўлавермайди. Айниқса, узлуксиз воқеалар давом этувчи саҳналарда спектакль билан бирга нафас олмоқ, яшамоқ актёрлардан катта маҳорат талаб этади. Одамбой Абдуллаев эса сал чидамсиз, ҳолатдан чиқиб кетганини сезмай қолади, бунинг устига унда бўрттиришга мойиллик ҳам бор. Бундай зўрма-зўракилик рағбатлантиришга хос хусусият эмас, албатта. Одамбой Абдуллаев спектаклдан-спектаклга образини пишитиб, такомиллаштириб боради.

Саҳнада асарнинг бошидан охиригача воқеа билан, ташқи ва ички муҳит билан яқдил яшамоқ нафақат Одамбой Абдуллаевга, театрнинг бошқа етакчи актёрларига ҳам осон бўлмаяпти. Нега?

Театр саҳнасида йил давомида кенг кўламли асарлар деярли қўйилмайди, қўйилса ҳам ўйналмайди. Яна нега деган савол туғилади. Бу саволга театрнинг бош режиссёри, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. Ниёзметов шундай жавоб берган эди: "Театр кенг масшабли асарлар билан ўзини ўзи боқолмайди".

— Нега?— дейман яна, ахир колхозларда "Яллолашайлик" ёки "Қаҳқаҳа"га ўхшаган миниатюралардан таркиб топган асарларни ўйнайвериб, актёрлар маънавий қашшоқлашиб кетадилар-ку?

— Ҳа, актёрларда ўсиш бўлмайди, лекин театрнинг иқтисодий аҳволи учун яхши.

Ибодулла Ниёзметов аччиқ ҳақиқатни ҳозир айтаётгани йўқ, у йиллар давомида куйинади, лекин на чора. Бу ҳақда ҳозир катта минбарлардан туриб баралла айтаётирлар.

Бу саволга шу йил февраль ойида Тошкентда ўтказилган республика театрларининг II фестивали даврида ҳам жавоб изладим, кўпгина муҳокамаларда қатнашдим. Ҳамма театрларда бир дард — ижодий қийинчиликлар, қўйилаётган спектаклларнинг ғоявий-бадиий савияси пасайиб бораётганлиги қайд қилинди, саҳна ходимлари ўртасида ижодий изланиш ва фаоллик сусайиб, ҳафсаласизлик, хотиржамлик ҳукм сураётгани, театр санъатининг томошабин олдида обрўси пасайиб бораётгани ҳақида куйиниб гапирдилар, газеталарга ёздилар. Театримизнинг бу қадар оғир аҳволга тушиб қолганлигини жумҳуриятимизда юз берган оғир иқтисодий танглик билан боғлаб шарҳладилар. "Давлатдан бериладиган моддий ёрдамнинг ниҳоятда озлиги, томошабиндан тушадиган кимнинг камайиб кетиши театрларни қишшоқлантириб, молиявий тангликка олиб келди, — деб ёзади Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси котиби, профессор Мамажон Раҳмонов, — ҳозирги кунда театрлар мустақил яшаш йўллари излаяпти ва бу йўлда айрим нуқсонларга ҳам йўл қўймоқдалар. Аксарият театрларнинг репертуарларида жиддий асарлар ўрнини пул топадиган комедиялар ва энгил-елпи асарлар эгаллаётгани сезилмоқда".

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раиси Бернора Қориева бунга жуда лўнда қилиб такидлаган: Умуман, шаҳарга, вилоятга театр керакми? Агар керак бўлса, уни таъмирлаш учун ҳақиқий жонкуярларни излаб топиш ёки юксак ривожланган мамлакатлардаги каби шаҳар билан театр ўртасида шартнома тузиш зарур. Шундай шарт қўйиш керак: ё яхши спектакль ва шартнома муддатини чўзиш, ёки театр ишлаш-ишламаслиги ҳақида жиддий ўйлаб кўриш.

Яна "Ҳурматли Елена Сергеевна"га қайтамиз. Мана, театр саҳнасида жиддий пьеса қўйилди, хўш, ушбу асар саҳнада қанча умр кўраркан? Наҳотки, биз лоқайдлик билан бу пьесанинг саҳнадаги умрини қисқартирсак?

"Ҳурматли Елена Сергеевна"га 100га яқин билет сотилиб, залга премьерани кўриш одам келди, холос! Сиз бунга нима дейсиз, азиз юртдошлар!

## ҒАРОЙИБ ТОМОШАЛАР

("Наврӯз — 92 арафасида" деб номланган республика театрларининг кўрик-танлови хусусида)

Яқинда Тошкентдаги Аброр Ҳидояттов номли Давлат томошахонасида "Наврӯз-92 арафасида" деб номланган республика театрларининг кўрик-танлови муносабати билан ғаройиб томошалар гувоҳи бўлдик.

Қорақалпоқ театр жамоаси қирғиз дарматургиясининг ноёб асарларидан бўлмиш "Ота тақдири", Фарғона театри Ҳамзанинг "Тошкентга саёҳат", Сурхандарё театри Ш. Пардаевнинг "Осмонсиз уй", Хоразм театри К. Авазов, И. Ниёзматов асари, Қ. Раҳимов мусиқаси "Жобби жўжакнинг ҳийласи" ҳажвияси ва Бухоро қўғирчоқ театри Ш. Юсупов инсценировкасида "Чодир-Жамол" спектакллари билан қатнашдилар. Ундан ташқари, республикамизга ташриф буюрган меҳмонлар учун автобуслар, жами иштирокчилар учун базмлар, хуллас сал муболағаси билан нафас олиш ҳам пулга айланган бир даврда (жами харажатлар 300 минг сўмга яқин, деди Б. Қориева) бундай катта йиғинни ўтказиш катта жасоратдир.

Анжуманда конкурсу конкурсдан ташқари, ҳаммаси бўлиб 10 та театр қатнашди. Биз республика театрларида олиб борилаётган изланишларни кўриб бениҳоя хурсанд бўлдик, ненидир ўргандик, энг асосийси, ғаройиб томошалардан баҳраманд бўлдик.

Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган "Искандар" спектаклидаги топилмалар, Олимжон Салимов саҳналаштирган "Тошкентга саёҳат" спектаклидаги кутилмаган мезансценалар, Мансур Равшанов саҳналаштирган "Осмонсиз уй"даги ҳайратомуз чанқовуз садолари ила воқеа омукталиклари, Нажмиддин Ансатбоев саҳналаштирган "Ота тақдири" спектаклидаги миллий кенгликлар, Ибодулла Ниёзматов саҳналаштирган "Жобби жўжакнинг ҳийласи" ҳажвиясидаги миллий шева қочиримлари, Бухоро қўғирчоқ



театрининг афандилари ва ҳоказо миллийликка бўлган интилишлар анжуман қатнашчиларининг эътиборидан четда қолмади.

Ўрта Осиё, Қозоғистон театрлари ўртасида бўладиган "Наврўз-92" беллашувига пьесаларнинг танлови тўғрилигини эътироф этганимиз билан дилимизда тугун бўлиб, ечимини кутадиган масала, ўзбек миллий театрларининг тақдири, уларининг изланишлари, 60-70 йиллардан бери ўз ёғларида қоврилиб ётган вилоят театрлари хусусида гап юритиш кимларга топширилганидадир.

Хўш, ҳакамлар ҳайъати кимлар? 9 ҳакамдан 4 нафари ўзбек тилини билади, иккитаси ўзбек тилини чала-чулпа билади, учтаси эса умуман билмайди.

"Жобби жўжакнинг ҳийласи" ҳажвиясини пойтахт томошабинлари жуда яхши кутиб олдилар. Зал тўла томошабинлар пьеса тамом бўлгач, оёққа қалқиб узоқ олқишладилар. Таниш-нотанишлар илиқ самимият ила ҳар бир актёрни бағрига босиб қизгин қутладилар. Бу эса бизнинг улкан ғалабамиздир, чунки авваллари Хоразм шеvasини пьесада ишлатгани учун актёрларга танбеҳ берилган, чора кўрилган.

Лекин эртасига муҳокама чоғидаги ҳакамлар ҳайъатининг ва республика театр арбоблари уюшмасидаги айрим раҳбарларнинг муносабати тушуниксиз бўлди. Муҳокамани республика театрлар уюшмаси раисининг ўринбосари Т. Йўлдошев тубандаги сўзлар билан бошлади: (муҳокама рус тилида олиб борилди, мен тахминан таржимасини келтираман).

— Хоразм спектаклини мақтаб келган танлов комиссияси аъзоларидан ҳеч ким кўринмаяпти, нима, бошлайверамизми? На Муҳсин Қодиров, на Нафиса Зоҳидова, на Муҳаббат Тиллахўжаева кўринади, ҳеч қайси йўқ, нима қиламиз?

— Нимаям қилардик, менга сўз беринг,— дея ҳакамлар ҳайъати аъзоси Қ. Ортиқов чиқди ва шундай давом этди,— энди бу спектаклни танлаб келган театршуносларни муҳокама қилишдан не наф, поезд кетиб бўлган, нима олиб келишсаям кўрмай иложимиз йўқ.

Бу сўзларни у шундай беписандлик билан айтдики, гўё танловга борган театршунослар Хоразм театри спектаклини нотўғри танлаб олиб келгану, бу "ақллилар" вақтларини зое кетказиб кўришлари керак эмиш. Ваҳоланки, муҳокама илк намойиш этилган "Искандар" спектакли билан бошланиши керак эди, кейин иккинчи бўлиб "Илҳом" театрида намойиш этилган "Менинг оқ мерседе-

сим" спектакли ва ундан сўнг учинчи бўлиб "Жобби жўжакнинг ҳийласи" томоша қилинди. Майли, у олдин, ё бу кейин деганимиз иккинчи даражали бўлақолсин, лекин нега муҳокама танлов комиссиясига ҳужум билан бошланади? Нима, танлов комиссиясига кирган театршунослар буларга нисбатан билимсизми? "Жобби жўжакнинг ҳийласи"ни тўғридан-тўғри танқид қилишаверса бўлмасмиди? Йўқ, аввал камситиб, кейин "майли, нимаям қилардик" қабилда танқид қилишларининг сабабини билолмадик. Москвадан келган танқидчалар (улар ҳам жюри аъзолари) иккиламчи таржимадан балки биз тушунолмаганмиздир, деб сал-пал ён босишди ва тил билмаслик айбларини бўйинларига олишди. Буларнинг "таржимони" Қамариддин Ортиқов эса ўзбек тилини зўрға эплаб гапирдию, Хоразм шеvasини қандай таржима этдийкан, деб ҳозиргача гарангмиз.

Яна бир ҳакам Маннон Убайдуллаев "жўжак" дегани нима у деб биздан сўраяпти, танқид этиб бўлганларидан кейин. Ё тавба! Жўжа каттайиб товуқ бўлишини билмаган жюри аъзоси бу пьесага қайси виждони билан ёндашдийкан-а?

Бизни тўғри тушунишингизни илтимос қиламиз, ўзбек тилини билмайдиган театршунослар, Хоразмга кейинги 15-20 йилда бирор марта келиб спектакль кўрмаган мунаққидлар театрнинг 70 йиллигини қандай баҳолашлари мумкин?

Вилоят театрлари 60-70 йил давомида қандай пьесалар қўйди, томошабинлар билан мулоқоти қандай, тутган йўллари тўғрими, ё йўқми, миллий театр равнағи учун нима ишлар қилишяпти, бир оғиз сўз билан айтганда, театр жамоаси нима қилдию нималарга қодир деган саволларга жавоб бериш учун марказга олиб келган битта спектаклни кўриб ҳукм чиқариш инсофдан бўлмаса керак.

Қ. Ортиқов уялмай-нетмай марказ театрлари ва вилоят театрлари ўртасида катта фарқ бор, вилоят театрлари енгил-елпи пьесалар қўйиш билан машғул бўлиб қолдилар, деса, томошабинни ўйлаган театр ривожланишдан тўхтайди, деган фикрни билдирди яна кимдир. Демак, биз томошабинни ўйламай, уч-тўртта танқидчини ўйлаб пьесалар саҳналаштирсак тўғри бўлар экан-да. Ваҳоланки ҳар бир саҳна асари халққа маъқул бўлсагина яшаб қолиш ҳуқуқига эга бўлади, абадийликка юз тутати. Шундай экан, ўзбек театрлари миллий саҳна асарлари яратмоқлари, театрнинг миллийлиги учун курашмақлари зарур эмасми?

Биз тинглаган ҳакамлар оғзида Оврупа маданиятига сифиниш, Оврупа саҳна маданиятини ўрганиш оҳанглари кўпроқ жаранглироқ янгради, Тўғри, Оврупа саҳналарида жаҳон классик драматургиясининг шоҳ асарлари қўйилган, лекин биз ҳам ҳеч кимдан қолишмадик. Қарийб ҳамма вилоятларимиз саҳналарида "Гамлет", "Қирол Лир", "Макр ва муҳаббат", "Қароқчилар" ва ҳоказо драмалар қўйилди, яна қўйилиши мумкин. Хўш, ўзимизнинг миллий урф-одатларимизни, ўлиб бораётган удумларимизни, рақсларимизни тараннум этувчи миллий саҳна асарлари қачон классикага айланади? Япон миллий театри бўлса, ҳинд миллий театри бўлса, нега ўзбек миллий театри бўлмаслиги керак? Токайга қадар биз ўзбек тилини билмайдиган театршуносларга ем бўламиз? Аҳвол шундай давом этаверса, ҳеч қачон биз ўзлигимизга эриша олмаймиз. Ўзбекистоннинг мустақиллиги қайда қолди, қачонки биз театрларимизни мустақил баҳолашга қодир бўлмасак.

Сурхондарё театрининг бош режиссёри Мансур Равшанов "Осмонсиз уй" спектаклига чанқовузни киргизиш учун ойлаб қишлоқларни кезиб, ёзиб келсаю унга беписандлик билан қаралса! Қорақалпоқ театри қирғиз драмасини саҳналаштириб, саҳнада Иссиққўл манзарасини акс эттирса, Қ. Ортиқов деган зот "ўлаётган Оролни саҳнада акс эттириб нима қиласиз, унинг ўрнига тоғларни ясанг эди" деганидан кейин, саҳналаштирувчи режиссёр Нажмиддин Ансатбоев чидалмай "бу қорақалпоқ ҳаётидан эмас, қирғиз ҳаётидан олинган таржима асар, бу ерда Орол эмас, Иссиққўл акс эттирилган" дея бўғилиб кетди.

Хўш, бундай тутуриқсиз танқидларни эшитиш учун фестивалъ ўтказиш ҳожатмикан? Фестивалда қатнашаётган спектакллар 1991 йилда жамоатчилик кўригидан, бадий кенгашлардан, танқидчиларнинг фикр, мулоҳазаларидан ўтиб, халқ ҳукмига ҳавола этилган, ўтган йилнинг энг сара спектакли деб тан олинган, минглаб мухлислар орттирган пьесалар-ку!

Биз бу олиб келинган пьесалар танқиддан холи пьесалар демоқчи эмасмиз, йўқ асло, аксинча, марказ томошабинлари не дер экан, уни томоша этмаган театршунос олимлар не дер экан, йўлимиз, изланишларимиз тўғримикан деган хавотир режиссёрни, драматургни, актёрни ҳеч қачон тарк этмайди.

"Жобби жўжакнинг ҳийласи" ҳажвияси нотўғри олиб келинган дейишди-ю, бирор факт билан танқид қилишмади, аксинча, Хўжа Хўжик ролини ижро этган иқтидорли

артист Ж. Нурлаевга (унинг исми Жумабой Жуманиёзов деб эълон қилинди) 500 сўм пул мукофоти билан диплом беришди. Шундай тақдирлашга лойиқ роль бор экан, демак спектакль бор, унинг режиссёрлари бор, демак театр бор.

Ўзбекнинг ибратли мақоли бор — даъвогар суст бўлса, қози ҳаддидан ошади. Фестивалда қатнашган режиссёрлар ҳакамлар сўзига ўз вақтида зарба бермадилар, фақат як-ка-якка учрашганларидагина ҳис-ҳаяжонларига эрк бериб ўзаро ҳасратлашишди, ҳайратланишди, аччиқ-аччиқ сўкинишди ва фестиваль ёпилишидан бир кун аввалги муҳокамада ҳайтовур чиқишлар бўлди.

Қашқадарё театрининг артисти, Ўзбекистон халқ артисти Омон Беганжиевгина фестиваль ёпилиши куни берилган дипломни олмай вазирлик номига, Арбоблар уюшмаси номига бор ҳақиқатни аччиқ қилиб айтди.

Бу саҳна орқасидаги ғаройиб томошаларга зарба бериш йўлидаги илк қадамдир. Зеро, бу қадам дадил ва равон бўлса...

## САНЪАТ — САОДАТ МУЛКИ

*Баҳор байрамларнинг завқи, қувончи ўзгача. Куни кеча воҳа кенгликлариди Наврӯз наволари жаранглади. Халқ байрами намойишида азиз қадриятларимиз жамол кўрсатди. Бугун гўзалликка мафтун, яхшиликка садоқатли эл Халқаро театр кунини байрам қилади. Зотан, театр инсон қалбининг гўзал ва мафтункор ҳаёт чиройига бўлган ихлосини қониқтирадиган бетакрор санъатдир. Биз ана шу гўзаллик байрами арафасида Огаҳий номидаги вилоят музыкали драма ва комедия театри директори К. Авазовга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик:*

— Умуман Халқаро театр куни ҳақида қисқача гапириб берсангиз?

— Театр сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, томошахона демакдир. Лекин унинг моҳияти шунчаки томоша берадиган маскандан кенгроқ. Донишмандларнинг қайд қилишича, санъат халқнинг ўткир кўзи, зийрак фикри, эътиқодли қалбидир.

Санъатнинг адашишга ҳаққи йўқ. Чунки у ўз тажрибасини инсонлар қалбида ўтказади. Ана шундай муқаддас буюкликнинг намойиш майдони — театр қандай бўлиши кераклигини тасаввур қилганимизда, санъаткор сўзининг нақадар муқаддас эканлигига имон келтирамиз. Санъат — қалб иши, юрак даъвати. Қалб амри-ла иш кўрган инсон бир умр олий эзгу ният — одамлар қалбига нур таратиш иштиёқи билан яшайди. Ҳозир Халқаро театр куни бутун дунёда кенг нишонланади. Воҳамизда ҳам ҳар йили ўзига хос санъат байрами сифатида ўтказилади. Бу йилги байрамга вилоят театр намояндалари, унинг кўп сонли ихлосмандлари пухта ҳозирлик кўрдилар.

— Хоразм театри ўзининг бой тарихига эга. Айниқса, ушбу кунларда ана шу тарихни яратган инсонлар ҳақида гапириш жуда ўринли бўлади.

— Дарҳақиқат, биз ҳали Хоразм театри тарихини мукамал яратдик дея олмаймиз. Ҳамма вақт яқин юз йилликлар ичида содир бўлган воқеаларни тилга оламиз. Шу даврда шуҳрат топган санъаткорлар тўғрисида гапирамиз. Тадқиқотчилар тан олаётганидек, агар Хоразм кишвари тарихи 15 минг йиллар билан ўлчанадиган бўлса, унинг санъати ҳам ана шу даврга ҳамоҳангдир. Мақомларни олиб қарайлик. Биз ҳали фақат оғиздан-оғизга ўтиб, турли шаклларга келтирилган мақом куйларини биламиз, холос. Хоразм мақомларининг мусиқа чизиклари билан тарих қилиб қолдирилган мулкига ҳали ҳеч ким етарли дахл қила олгани йўқ. Айрим фидокорларнинг ҳиммати билан бошланган иш охирига етказилмаяпти. Худди шунингдек, Хоразм санъатининг театр томошалари соҳасини ҳам чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз зарур. Биз ҳозир театр тарихимизни Шерозий, Ҳожихон, Комилжон, Ваҳобжон каби устозлар номи билан бошлаймиз. Қаландар Бойжонов, Ражаббиби Бойжонова, Салима Ҳожиева, Сафоев Маҳмуджон, Онабиби Очиловаларнинг ҳаёти ва фаолияти жуда катта тарих. Уларни тадқиқ қилиб абадийлаштириш бизнинг бурчимиздир.

Ўзи овози ва сози билан элда обрў қозонган Матёқуб Раҳимов, Каримжон Раҳимов, Султонпошша Раҳимова, Назира Юсупова, Каримжон Исмоилов, Бибижон Искандарова, Ровия Отажоновалар ҳурматли ветеранларимиздир. Улар қариллик гаштини сураётган бўлсалар ҳам, театр санъатига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаяптилар. Салоҳиддин Камолов, Бикажон Раҳимова, Зоя Гаффорова каби ветеранларимиз ҳамон катта сафда ибрат кўрсатиб ишляптилар. Агар биз театр ҳаётини бошқарадиган раҳбарлар орасида Зуҳур Қобуловни ҳурмат билан тилга олсак, унинг муносиб издоши, ҳозир жамоанинг бош режиссёри. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ибодулла Ниёзматов фаолиятдан ҳамма мамнун. Бош рассомимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Отахон Оллабергановнинг меҳнати элда азиздир. Театр ҳаётида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ширин Рамазонова, Гулора Раҳимовалар ҳам муносиб ўрин тутадилар. Ўзбекистон халқ артисти Мадраҳим Бобожонов катта устоз даражасига кўтарилди. Етакчи актёрлардан Раҳматулло Матқурбонов, Одамбой Бобожонов, Шуҳрат Девонов, Жумабой Нуруллаев, Жуманазар Шомуратов, Оразқилич Тоғоновлар шу кунларда илҳом билан ижод қилаяптилар. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки,

Хоразм ўзининг дилрабо қўшиқлари билан машҳур. Катта устозларнинг муносиб йўлини давом қилдираётган Бекжон Отажонов, Раҳим Қўчқоровлар муносиб шогирдлар етиштириб чиқармоқдалар. Биз фахр билан буюк Навоийнинг 550 йиллигига бағишлаб "Лайли ва Мажнун" спектаклини тайёрлаганимизни қайд қиламиз. Томошабинлар ҳам, мутахассислар ҳам Хоразм саҳнасида янги овозли, ўзига хос таланти "Лайли" ва "Мажнун"лар пайдо бўлганини эътироф этмоқдалар. Булар умидли артистларимиз Мунаввара ва Бахтиёр Омонбоевлар, Фарҳод Қозоқов ва бошқа таланти ёшлардир. Биз воҳада театр санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган ҳамма санъаткорларни ҳам бирма-бир тилга ололмаймиз. Улар жуда кўпчилик. Ҳар бирининг ўзига хос услуби, ўрни ва қадр-қиммати бор. Зотан, ана шулар Хоразм санъати тарихини бунёд этаётган фидойилар.

— Ҳар бир вилоятда театр ташкил топишининг ўзига хос тарихи бор, албатта. Шу маънода Хоразмда театр қачондан халққа хизмат қила бошлаган?

— Хоразмда қадим замонлардан бери халқ театрлари фаолият кўрсатиб келган. Аммо театр драматургиясининг вужадга келиши бу асарларни ижро этадиган саҳна — профессионал театрни талаб қиларди. "Туркистон МИК ахборотлари" ("Известия Турк ЦИКа") газетасининг 1922 йил 3 мартадаги 48-сонида "Хоразм Халқ Советлар Республикасида театрнинг очилиши" номли хабар берилган. Ушбу хабарда Хоразм ўлкасида мингта томошабин сиғадиган театр очилганлиги ва унда илк бор Осиёнинг уўғониши мавзусидаги "Шарқнинг тирилиши" асари саҳналаштирилганлиги айтилади. Демак, биз ушбу муқаддас даргоҳнинг 75 йиллик тўйи арафасида турибмиз.

— Томошабин муаммоси ҳаммани ташвишлантиради. Уларнинг ечимлари тўғрисида тўхталсангиз.

— Агар биз келажакни аниқ кўрмоқчи бўлсак, тарихимизни пухта билишимиз ва бугунимизни қадрлашимиз зарур. Ҳозир театрда шундай бир куч вужудга келмоқдаки, эришган илгариги муваффақиятлар даражасига етишгина эмас, янги кашфиётлар қилишга ҳам қодирлик қуввати бор унинг. Агар спектаклларнинг мукамаллиги, саҳналаштирилаётган асарларнинг бадий юксаклиги ҳақида гап кетаётган бўлса, биз дунёда тан олинган буюк асарларни саҳналаштирганимизда ҳам театримизнинг ҳаммиша гавжум бўлишига эришишимиз қийин. Ҳар давр бошига ўз осмонини тиклайди. Санъат ҳам янгиликни,

Ўзига хосликни севади. Демак, биз бу масалани жуда жиддий ва ҳар томонлама ўйлаб кўришимиз керак. Биз келажагимизни ёрқинроқ ҳис қилиш ва ҳақиқий театр масканига айлантиришга эришмоқни ният қилсак, изланишимиз, янги мазмун ва услублар муштараклигини кашф этишимиз керак. Бошқа йўл йўқ.

— Айрим вақтлари тарғибот-ташвиқот ишлари кам, шунинг учун театрга одамларнинг келиши кўнгилдагидек эмас, деган гапларни эшитиб қоламиз?

— Замондошларнинг руҳий ҳолати кўп нарсани ҳал қилиб беради. Инсон кайфияти тушкун ҳолатда бўлса унга гуллар тикан, чаманзорлар хор бўлиб кўринади. Мен бу билан шу ташвишли кунларда санъатга ўрин йўқ, у кишилар қалбига кира олмайди демоқчи эмасман. Худди шу ўринда кучлар ва фаолият муштараклиги жуда зарур.

— Жуда тўғри. Халқаро театр куни муносабати билан тилакларингиз?

— Тилакларимни бир сўз билан айтадиган бўлсам, мунис, меҳрибон, меҳнаткаш, фидойи халққа фақат яхшилик тилайман. Унинг олган нафаси, бошлаган қадами, ўйлаган нияти, орзу истаклари яхшиликка ярасин.



## ТЕАТР — ДОРУЛ-ИЖОД

“Туркистон” рўзномаси мухбири  
Р. Ҳасаннинг саволларига жавоблар

— Комил оға, аввало театр ҳақида гаплашсак. Томошабин масаласи. Шаҳарни қўятурайлик, қишлоқдан келиб бирор саҳна асарини томоша қиламан дейдиган одамлар саноқли. Ўзимдан мисол, турмуш икир-чикирлари шу қадар кўп ва тигизки, сўнгги марта қачон театрга тушганим, кино кўрганимни эслай олмайман.

— Театр томошахона демакдир. Лекин унинг моҳияти шунчаки томоша берадиган маскандан кенгроқ. Санъат халқнинг ўткир кўзи, зийрак фикри, эътиқодли қалбини ўзида мужассамлаштирган бир мўъжизадир. Ўз тажрибасини инсонлар қалбида ўтказадиган ва инсонлар қувончини, ташвишларини, дардини, бир оғиз сўз билан айтганда, ҳаётларини намоиш этадиган муқаддас майдон — театр қандай бўлишини тасаввур қилганимизда, санъаткор сиймосининг нақадар улўғворлигига иймон келтирамыз. Зеро, театр жамиятнинг кўзгуси сифатида унинг кечаси, бугуни ва эртасини ўзида акс эттириши билан бирга жуда катта ижтимоий заруриятнинг ўзида мужассамлаштиради. Чунки элнинг, юртнинг камол топишида, унинг барча жабҳаларидаги иқтисодий ва маънавий юксалишларига театр катта ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг учун эса театرنинг халқ билан мулоқоти жуда яқин бўлмоғи лозим. Ана энди театр учун катта муаммо, томошабин муаммосига келдик. Бу масала дарҳол, ҳозир кўрсатилаётган ёки кўрсатилмоқчи бўлган асарнинг бадий мукамаллиги ва халқчиллигига бориб тақалади. Лекин мен шу ўринда бошқа бир эътирозни билдирмоқчи эдим. Сиз турмуш икир-чикирлари шу қадар кўп ва тигизки, сўнгги марта қачон театрга тушганимни эслолмайман деяпсиз. Мен бунга рози эмасман. Агар сиз театрни (Оғаҳий номли театр хусусида эмас гапим) севсангиз, 365 кунда 2 соат вақтни бир неча маротаба топардингиз. Ваҳоланки, сиз ва сизга ўхшаган зиёлилар театрдан узоқлашиб бораётирлар.

— Одамлар санъатнинг бу туридан совишдими, санъаткорлар янги ва қизиқарли мавзуларни кўтара олмаяптиларми?

— Совиш, совимаслик тушунчасига аниқлик киритиш учун ҳам юқорида айтмоқчи бўлган эътирозимни давом эттиришим керак. Меҳр кўзда деб бежиз айтилмаган. Яқин қариндошингизни тез-тез кўриб турмасангиз ётлашиб кетасиз. Дўстлик ҳам шундай. Умуман узоқлашиш энг яқин одамни ҳам ёт қилади, театр ҳам шундай. Демак узоқлашишнинг ўзи ҳам бир эзгу истакни сўндирувчи даҳшатли ҳодисадир. Лекин кимлардир театр томошасига кириб, ярмидан ё салдан кейин ташлаб кетиша бошлашса, бу театр учун фожеали ҳол бўлур эди. Бироқ бундай воқеани мен гувоҳи бўлмаганман, аксинча, одамларнинг театр томошасини охиригача қониқиш билан кўриб, ўзларига яраша бой таассурот билан залдан илиқ гапларни айтиб чиққанларини эшитганим учун ҳам бу масалада қатъиятлик билан узоқлашиш тушунчасига урғу бериб гапираяпман. Агар санъаткорлар янги ва қизиқарли мавзуларни кўтармаганларида, ҳали айтганимдай, одамлар томошани қониқиш билан кўришмас эди.

Лекин гап уларни жалб этишда, узоқлаштирмасликда. Шу хусусда ўтган йили "Хоразм ҳақиқати" рўзномаси мен билан иқтидорли жуналист А. Отажоновнинг мақолаларини чоп этди. Мен мақолани "Театр ва жамоатчилик кўриги" деб атадим. Чунки ҳар бир театрда янги саҳналаштирилган спектакл аввало жамоатчилик кўригидан ўтказилади ва қабулдан кейин кенг жамоатчиликка намоёйиш этилади. Ана шу жамоатчилик кўригига одамлар, театршунослар, шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, телерадио, газеталар ходимлари таклиф этилади. Хуллас, биз 150-160 одамга таклифнома ёзамиз Шулардан 15-20 тасига таклифномани олдингизми, вақт топиб келинг деб қўнғироқ ҳам қиламиз. Таклиф қилинганларнинг катта кўпчилиги мажлис ё Тошкент сафари, ё кимнингдир тўйи, кимнидир азаси, ё бирор маърака борлигини важ қилиб, келолмаслигини айтишади. Хуллас, янги спектакл қабулига 10-15 одам келади, холос. Таклиф этилган 150-160 одамдан 10 фойизгина одам, улар ҳам бўлим бошлиқларининг зуғуми билан, келса ажабмас. Шу мақолада мен Хоразм дорилфунунининг олимларидан бирининг сўзларини айнан келтираман: "Эй, театрингизга ҳозир ҳеч ким келмайди",— деган эди ўша олим беписандлик билан. Шу сўзлари билан кимни танқид қилаётганини билармикин? Билса, шундай демасди-ёв. Ахир олимлар-

нинг, зиёлиларнинг театрдан узоқлашиб бораётгани уларнинг маънавий қашшоқлигидан далолат бермайдими? Наҳотки, театрга келмаслик ҳозирги замонда мағрурликка кирса?! Тилга алоқадор спектаклга тилшунослар келмасая? Яна ажабланарлиси шундаки, театр спектакллари, томошабинлар ҳақида ғалати фикрда бўлувчиларнинг аксарияти яқин 4-5 йилда бирор спектаклга қадам ранжида қилмаган шахслардир. Ахир ўтган йили "Лайли ва Мажнун" бир ҳафта узлуксиз аншлаб билан намоиш қилинди, "Жобби жўжакнинг ҳийласи"чи? Зал тўла одам. Неча марта спектакл тамом бўлгач, тик туриб олқишларчи? "Лайли ва Мажнун", "Жаҳаннам" спектакллари Тошкент телестудияси томонидан суратга туширилиб намоиш этилиши Огаҳий театри артистларининг юксак маҳоратларининг натижаси эмасми? "Марварид таққан аёл", "Тили асалим", "Ғаройиб можаролар" спектакллари, қўғирчоқ театрининг ташкил этилиши-чи? Муҳсин Халилнинг "Сусанбил" эртагини театр ёшлари нақадар маҳорат ила ижро этганлари-чи? Репертуаримиз ранг-барангдир, ундан воқиф бўлиш учун эса театрга келиб кўриш керак. Ё нотўғрими? Менинг ушбу безовталигимга А. Отажонов "Миннатинг бошимга дурра" дея ёзган жавоби "Хоразм ҳақиқати"да чоп этилди. У киши бозор иқтисодиёти, кечқурун театрдан қайтишдаги қўрқув ва беҳаловатлик, автобусларнинг спектаклдан кейин камқатновлиги, уларнинг бекати театрга яқин бўлишлиги тўғрисида ёзди ва зиёлилар шу билан бирмунча тинчигандай бўлди. Ваҳоланки, театр мухлислари ва театрни севувчилар учун бу баҳоналар ҳеч қачон тўсиқ бўла олмайди. Чунки даврнинг нақадар оғир вақтларида ҳам халқ отда, аравада, эшакда, пиёда 30-40 чақирим ердан келиб, театр томошаларидан баҳраманд бўлганлар.

Ҳаёт оқими ҳеч қачон бир зайлда оқмайди ва у ё бу нарсага муносабат ҳам шу оқим таъсирида ўзгариб туриши табиий. Бироқ тўғриси айтмоқ ҳам керак, шу кун талаби даражасидаги драма асарлариям жуда кам, шу бу йил вазирлик тавсия этган 60-70 та саҳна асарини ўқиб чиқдик, минг афсуски, бирортаям пьеса тополмадик. Драматургларга мурожаат этдик. Шоир ва драматург Омон Мухторгина ёзиб беришга ваъда бердилар, "Иккинчи ҳаёт" деб аталадиган асарини тақдим этмоқчи. Бронислав Нушничнинг "Ғамгин қариндошлар" сатирик комедиясини саҳналаштирмоқчимиз. Театрнинг бош режиссёри И. Ниёзматов билан маслаҳатлашиб, янги пьеса саҳналаштиришга четдан режиссёр-

лар чақириш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

— Умуман чеккадаги театр — вилоят театрининг аҳволи қандай?

— Театрни марказда эмас, чеккада бўлишлиги уни бирон бир масъулликдан мосуво этолмайди. Театр ҳамма ердаям театр. Лекин, чеккадаги театрға марказнинг эътибори, марказий матбуот, радио ва телевидениенинг эътибори албатта кам бўлади, бу иқтисодий муаммолар билан боғлиқдир. Шу боис, томошабинлар доираси вилоят доирасидан чиқолмай, ўз қобиғида ўралашиб қолиш хавфи бор, бу эса театрнинг ижодий баркамоллигини анча сусайтиради. Энг ёмони, марказдаги мунаққидларнинг театрларни "марказий" ва "чекка" тушунчаларига бўлишидир. Спектакл сал суст бўлса, "ҳа энди, вилоят театри-да", ёки сал муваффақятли чиқса, "ҳа, энди вилоят театри-да, ҳаракат бўлса шунча бўлади-да" дея ҳар қандай ҳолатда ҳам вилоят театрига ачиниш билан қарайдилар. Бу эса камбағалга ғариблигини тинмай эслатиб туришгандай гап.

— Сизнинг театрға директор бўлиб келишингизни тасодифға йўйиш керакми ёки соҳага бўлган иштиёқ, уни қайта жонлаштириш истагимиз?

— Умуман театр нафақат марказнинг, балки вилоят раҳбариятининг ҳам эътиборига жуда муҳтож бир ташкилот. Мен ҳамиша театр фаолиятини катта қизиқиш билан кузатиб келганман. Бизнинг эски уйимиз театрнинг шундай ёнгинасида жойлашгани учунми, санъатга бўлган қизиқишимми (муסיқа мактабида ҳам ўқиганман, Р. Оллаберганов ўқитган) театрға ҳар куни кирардим. Маҳалламизда энг етакчи актёрлар, созандалар яшашарди ва кундузи ҳам, кечқурун ҳам маҳаллада театр ҳақида гурунг бўлар эди. 1951-52 йилларда бир ой давомида аншлаг билан қўйилган "Алпомиш"ға, "Фарҳод ва Ширин"ға ёзи билан ҳар кеч кирардим. Алпомиш ролида яғриндор, бақувват М. Раҳимов чиқардилар. Ҳозирда у киши Ўзбекистон халқ артисти, қўлидаги ўқ-ёйни шундай зарб билан тортиб отардики, ёнида турганлар қўлларини пешонасига тутиб" ўққа қаранг, ҳали тушмади, ҳали тушмади" деб "оҳ-оҳ" қилишганларидан "олисга учган" ўқни эртасига театр ёнидаги катта боғдан излардим. Ёзги тетарнинг биноси менга жуда тилсимли кўринар эди. Ана шу болаликдаги сирли таассурот ҳозиргачаям мени тарк этгани йўқ. "Ўзбек иши" мени яна театр билан маҳкамроқ боғлади. "Жаҳаннам" деган пьеса ёздиму, театрға боғланиб қолдим ва мени театрға адабий эмакдошликка таклиф

этишди. Менинг учун вазифа ёки мансабнинг катта-кичиклиги рол ўйнамаган. Неки иш топширилса-да, фидойилик билан бажариб ўрганганимданми, театр фаолиятини ҳозирда директор сифатида унинг ижодий равнақи учун турли хил услубу мавзуларга қўл уряпмиз. Услуб деганда турли ташкилоту муассасалар билан яқиндан алоқа қилиш, ҳомийлик тушунчасига кенгроқ маъно бериш борасидаги саъйи ҳаракатлар, мавзу деганда фожеаю комедия, спектаклларидан ташқари, қўғирчоқ, масхарабозлик удумларини тиклаш. Тарихий мавзуга қайтишимиз эса юрт тарихини ёритиш билан бирга ватанпарварлик туйғуларини тарабдор этиш ҳамдир. "Жалолиддин Мангуберди" спектаклининг янгидан саҳналаштирилиши бунга яққол мисолдир. Кўраяпсизки, театрга келишимнинг "тасодифийлиги" — "ўзбек иши", лекин тақдиримнинг бурилиш нуқтасига туртки бўлган асосий нарса — шу соҳага бўлган катта иштиёқдир.

— Шу ўринда тарихий мавзуга тегиб кетдингиз. Муштақиллик шарофатидан биз ўз тарихимизни қайта мушоҳада қилишга, уни сохтагарчиликлардан тозалашга киришдик. Аммо негадир Хоразм тарихи ва ундаги чалкаш нуқталар, "миллий-озодлик ҳаракатлари", "босмачилик" деб аталган даврларни одилона ёритиб берган саҳна асарлари кўринмаяпти.

— Тарихий мавзунинг чалкашлиги хусусида яхши айтдингиз, бизниям ташвишга соладиган нарса шу чалкашлик. Менинг назаримда, тарихий асарларга, хусусан араб алифбосининг арабча, форсча матнига тиши ўтмаслиги бирён ва шу асарларнинг ўзиниям камлиги бўлса керак. Бу кўпроқ инқилобгача бўлган даврга тааллуқли. Аслида ҳақиқий босмачиларнинг илкки ташрифлари Феруз замонасига бориб тақалади. Инқилобдан кейинги юрт учун, миллат учун курашган, қирғинбарот бўлган "босмачилар" тўғрисида эса ҳали ҳақиқий асарлар ёритилгани йўқ. Лекин уларнинг ҳам ҳаммаси бир хилда фидойилик этишган деб бўлмайди. Уларда ҳам оғмачилар, кимнинг тарозиси босимли келса, шу томонга ўтувчилар кўп бўлган, шунинг учун ҳам ҳақиқий оқни оқ, қорани қора дейдиган, сиз айтмоқчи, одилона асарлар яратилмоғи керак.

— Ўзингиз шу мавзуда бирор пьесами, фожеами ёзиш ниятингиз йўқми?

— Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II — Феруз хонлигининг илк даврига оид воқеаларни ўз ичига олган "Сақили наво" деган драматик дoston ёзган эдим, бу дoston

"Сухбатларда сараланган сатрлар" китобимда чоп этилди. Ушбу дoston асосида 5 кўринишли мусиқий драма ёздим, келаси йил Наврўз айёмида Феруз таваллудига 150 йил тўлади. Ушбу сана муносабати билан бу асарим саҳна юзини кўрса ажаб эмас. Бу асар тарихий мавзудаги асар бўлиши билан бирга, Хоразм маданияти, адабиёти ва мусиқа санъатига бўлган муносабатни қисман ўз ичига олади. Бу ҳам сиз айтган тарихий мавзуга баҳоли қудрат ёндошишимиз инъосидир.

— Тўғри, мусиқамизни "қайта жонлантириш" ҳаракати Хоразмда сезиларли. Масалан, вилоят ойнаи жаҳони орқали намойиш қилинаётган "Сувора" туркумидаги кўрсатувлар. Сиз ана шу кўрсатув ижодкори сифатида майдонга чиқдингиз. Бу сизнинг мусиқага қизиқишингизми ёки ижодкор тимсолида бошқа "мудраб" ётганларни уйғотиш истагимиз?

— "Сувора"лар асосан Хоразмда куйланади ва дарёнинг қуйи оқимининг икки тарафида машҳурдир. Ана шу машҳур "сувора"лар кейинги йилларда биров қадрсизланиб, инқирозга юз тутиб бораётгани бизни жуда-жуда ташвишлантираёттибди. "Сувора"ларнинг инқирозига уларнинг ижрочилари ҳам қисман сабабчидирлар, негаки, "сувора" айтиш ижрочидан кўп меҳнат, кўп иқтидорни талаб этади. "Сувора"ларнинг авжи баланд, қочиримлари сержило, бу эса кўпгина енгил-елпи қўшиқ айтиб, яхшигина кун кўраётган ҳозирги "гўянда"ларга оғирлик қилаяпти, шекилли, улар "ялла" бозликни хуш кўриб қолдилар ва натижада ҳозирги ёшлар устозлар Шерозий ота, Ҳожихон ака, Комилжон акалар ижро этган услубдаги "сувора"лар лаззатидан маҳрум бўлиб бормоқдалар. Шулар боис театр Хоразм телевидениеси билан ҳамкорликда "Сувора" оқшоми" рукнини ташкил этиб, ҳар бир "сувора"га алоҳида бир эшиттириш бериб бораёпти. Ушбу кўрсатувларимиз акс садоси одамларга сезиларли даражада таъсир этаяптиким, жуда кўплаб хатлар келаяпти. Турли ёшдаги одамлар бу кўрсатувга хайрихоҳлик билдириб, ўзларининг илиқ муносабатларини бидираяптилар. Бу кўрсатувлар классик мусиқамизни, хусусан "Сувора"ларни сақлаб қолиш, уларни келгуси авлодга етказиб беришга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

— Хоразм мусиқаси ҳақида гапираётиб, Феруз шахсини эсламасдан иложимиз йўқ.

Дарҳақиқат, Феруз Хоразмда матбаачиликка асос солиб, Навоий, Ҳофиз, Мунис, Огаҳийларнинг куллийётларини чоп эттириш билан бирга, Хоразмнинг олти ярим

мақомини ҳам нота қилдирган улкан давлат арбобидир. Феруз ҳам шоир, ҳам бастакор сифатида юзлаб ғазаллар, муסיқалар яратган ҳассос шоир, иқтидорли соз соҳиби бўлмиш буюк сиймодир. Унинг "Муҳаммаси Феруз", "Пешвари дугоҳи Ферузӣ", "Сақили Феруз"лари, талқинлари йиллар ўтган сари асрий гужумлар янглиғ кўркамлашиб, сайқалланиб, янада улуғворлик касб этиб яшайберадилар.

— Муштарийлар эътиборига бирорта янгилик — тарихимиз борасида "теша тегмаган" гап айтсангиз...

— Бу борада яна Ферузга мурожаат этамиз. У киши мақом хусусида шундай фармони олий берган эканлар: "Бизким Хоразм мамлакатининг олий хоқони Муҳаммад Раҳимхон Соний қуйидаги фармони олийга имзо чекдим. Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин, ушбу фармони олийга шак келтирган ва мақомларни камситган ёйинки уни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин.

*Муҳаммад Раҳимхон Соний,  
1299 ҳ. й.*

— Бир вақтлар театрларда "адабий эмакдош" деган махсус иш ўрни бўлган. Сиз ижодкор сифатида шу унутилган вазифани ҳам бажараяпсизми?

— "Адабий эмакдош"лик вазифаси ҳозир ҳам бор, лекин ҳозирча бўш, агар шу "адабий эмакдош"лик вазифасида кимдир ишлаганда ҳам, мен унга бажонудил кўмаклашиб, ёрдамчи "адабий эмакдош" бўлишдан лаззат топар эдим.

## ТУРКИЯ САФАРИ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Туркия сафари ҳақида ён дафтаримга қайд этган қораламаларимни узоқ вақтгача оққа туширолмай юрдим. Бу ўринда шуни айтишим керакки, биринчидан, қисқа сафар чоғи олинган жуда катта таассурот тафсилотларини бир ерга жамлаш қийинчилик туғдирган бўлса, иккинчи тарафдан, мен ҳам саноатга, ҳам санъатга муқайядлигим бу улкан ва ўз йўсинида ривожланиб бораётган мамлакат хусусида қоғоз қораламоқ мен ўйлаганча осон кўчманганлигидир. Мен Кўнё вилоятининг валиси таклифи билан Туркияга бораётган Хоразм вилоят ҳоқими Маркс Жуманиёзов бошлиқ Урганч шаҳар ҳоқими Рустам Султонов, Хива ҳоқими Эркин Раҳмонов, Хива педагогика билим юрти директори Зариф Қўчқоровлар билан бир учоқда Истамбулга учганимдан бениҳоя хурсанд бўлдим. Биз 15 июнь кuni Тошкент вақти билан кундузи соат 3 ларда Отатурк қўналғасига қўндик. Кези келганда, самолёт, аэропорт атамалари ҳақида икки оғиз сўз, бизда самолётни негадир "тайёра" дейишади. Агар у "тайр"— қуш маносидан олинган бўлса, самолёт қуш эмас, учиш маъносида олинса, "тайр қилмоқ" деб олиниши керак эди. Ниҳоят, шу боис тайёрагоҳ ўз-ўзидан аэропорт маъносини англамайди, лекин қайтариллаверганидан бир маврид тилимизга кириши ҳам мумкин, бундай мажбуран кириб-чиқиб кетадиган сўзлар оз бўлмаган-ку, ахир. Турклар самолётга "учоқ" дейишади, ҳарқалай топиб айтилган. Биз ҳамини бирор муаммо хусусида сўз юритсак, ҳа, энди бу мутахассисларга ҳавола деймиз ва ўзимиздан соқит этамиз. Аслида тилга муносабат фақат мутахассисларининггина иши эмас. Ахир, бу ҳаммага тааллуқли бўлган умум жамоа иши. Шунинг учун самолётни учоқ деб туркона ишлатиш бу тақлид эмас, балки тўғри топилмадан тўғри фойдаланишдир.

12 милён аҳоли истиқомат қиладиган Истамбул Оврупо ва Осиё мужассамлашган гўзал шаҳар. Уни айланиб, зиёратгоҳларда бўлиш учун махсус бориш зарур экан. Биз эса



иш билан зиёратни қўшиб олиб боришга ҳаракат қилдик, бу эса айтарли даражада осон кечмайди. Шундай бўлсаям машҳур Султон Аҳмад жоме масжидида ва Тўпқопи қаль-асида бўлдик. 1606-1616 йилларда бунёд этилган Султон Аҳмад масжиди дунёдаги энг маҳобатли, энг кўркем мас-жидлардан ҳисобланса ажаб эмас. Мармардан ишланган устунлари, салобатли масжид саҳни, қолаверса нақшиндор гумбазли масжид одамни бағоят ҳайратга солади. Айвон саҳнида оёқларимизни ечиб масжидга кирдик. Ичкари са-лобатидан юракда ботиний бир ғурур пайдо бўлади. Ислом дунёсининг ташвиқоти учун қилинган бу бино, мана қарийиб 400 йил бўлаяптики, кирганни лол қолдиради. Масжид ўртаси тўсилган, тўсиқ ичига муслим бўлмаганлар кирмас эканлар, бундайлар эса сонсиз-саноқсиз. Турли тилларда тушунтирувчиларнинг оғзига қараб туришибди. Туристлар, туристлар...

Бизлар, Хоразмда эрлар Турк лицейи ходимлари, "За-мон" ширкати ходимлари Бакирбей, Низвонбей, Аданабей, Маркс ака, Рустам Султонович, Эркин Абдуллаевич, За-риф Қўчқорович меҳроб ёнига бордик. Ризвонбей тиловат этди, оҳанги туркча экан.

Бизда тиловат "сувора" оҳангида ҳам қилинади, дедим оҳангни эшитиб, биздаям авваллари шундай ўқиларди деди Ризвонбей ва сурани шу оҳангда такрорлади, худди ўзимизни "Она сувора" оҳанги, ё тавба!

Жуда улкан, инсон ақлини лол қолдирадиган даражада салобатли, гумбазли масжид саҳнига турли хил гиламлар ораста қилиб тўшалган. Беқайтариқ ҳар қадамнинг ўзича сирли, ўзича тилсимлик касб этади. Гиламлар устида оҳиста юриб келар эканмиз, Маркс Жуманиёзович Урганч шаҳар ҳокими Рустам Султоновичга қараб:

— Нега бизнинг масжидларга ҳам мана шундай гилам-лар тўшаш мумкин эмас,— дея сўради.

Рустам Султонович:

— Бизда аввал масжид қуриш қерак,— деди.

— Борларига-чи? — Ҳеч кимдан садо чиқмагач,— шуғулланишимиз керак,— деди Маркс ака қатъий ва турк дўстларига юзланиб,— Бир йилда қанча турист келар экан? — дея сўради.

Бакирбей:

— 10 милён атрофида,— деб жавоб берди.

— Кўрмайсизми,— деди Маркс ака тўхтаб,— бировнинг тириси баъзан бир оилани боқолмайди, бировни ўлиси бир давлатни боқади.

Ажаб хўш мантиқ.

Масжиддан чиқиб , Тўпқопи саройига бордик. Султонлар қароргоҳи ҳисобланмиш бу саройга кириш дарвозаси Хиванинг худди Ичон қалъасига киришдаги Ота дарвозага ўхшайди. Ичли-дешли икки дарвоза ўртасида пошшобларга мўлжалланган супа бор. Кирган жойда сарой макети шиша ичида жуда чиройли этиб қўйилган. Тўпқопига кириш патталари — меҳмонлар учун 4 доллар, ўзларига 2 доллардан. Бамисли дарёдай оқиб келаётган одамларга қараб ва уларнинг аксарияти турк миллатига мансублигини кўриб ҳайратланамиз, ҳавас қиламиз. Миллатнинг ўз ўтмиши билан қизиқишидан ташқари, бой мероси билан мағрурланиши ҳам шу миллатнинг нечоғли улуғворлик сари одим отишини биз Тўпқопи саройида яна бир қарра туйдик. Мактаб болаларининг гурас-гурас келишини кўриб янада ихлосимиз ошди. Ҳаммасининг қўлида ручка, дафтарча, турна қатор бўлиб тизилишиб, бир-бирларининг қўлларидан ушлаганларича муаллималари раҳбарлигида кўришаяпти. Болаликлари бору, тарбиялари ҳам зўр. Дарров суҳбат қурдик. 5-синф болалари экан, ўқитувчилари мулойим. Биз Хоразмданмиз дедик, анграйиб туришди. Ўзбекистон дедик, ҳаммалари чуғурлашди. "Ўзбекистон", "Ўзбекистон"; худди қариндошларини кўргандай бирам суюнишади, бирам суюнишади. Лекин яна Хоразмданмиз десак, бир-бирларига қараб ҳайратланишади. Биз "Самарқанд", "Бухоро", "Хива" дедик.

Ўқитувчиси:

— Англадик, Самарқанд, Бухоро. Аммо Хивани билмас экан, уялгандай, билмаймиз,— деди. Шунда Маркс ака:

Нечун билмайсизлар, ахир Хоразм ота юртингиз-ку, нега ота юртингизни билмайсиз? Алп Арслон...

— Алп Арслон, Алп Арслон, ота юрт, дўғри, дўғри,— дея маъқуллади муаллим ва биз билан илиққина хайрлашди.

Мен юқоридагидай англашилмовчиликка кўп маротаба дуч келдим. Туркиядан келган меҳмонларнинг аксарияти Хоразмни билишмайди, бироқ Алп Арслонни яхши билишади, чунки Алп Арслон 1071 йилда Туркияга асос солган ҳукмдордир.

Тўпқопи қалъасида султонларнинг қароргоҳлари, хазиною арзхонаси, қурол-аслаҳалари жойлашган бинолари, пайгамбаримиз Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи васалламнинг оёқ излари, соқол туклари, соқоли, қиличу ўқ-ёйини зиёрат этар эканмиз, ушбу даргоҳда 300 йилдан бери ҳар

куни 24 соат қуръон тиловат этилишини кўриб, ислом дунёсининг ташвиқоти бу ўлкада нечоғли мустақкам ва тартибли эканига яна бир иймон келтирдик.

Туркия сафаримизнинг асл мақсади, Туркия ишбилармонлари тасарруфидаги тўқимачилик фабрикаларининг иш фаолияти билан яқиндан танишиш, бизда ташкил этилган қўшма корхоналарнинг тақдири билан боғлиқ қатор иқтисодий муаммоларни ҳал этишдан иборат эди. Биз "Нуртоп" фирмасига қарашли фабрикаларда бўлдик, уларнинг иш услуби, ип-йигирув, тўқув машиналари қуввати, ишчи-хизматчиларининг меҳнат ва турмуш шароитлари билан яқиндан танишдик. Мармара ва Тўпқопи фабрикаларидаги тўқув машиналари асосан Олмония, Япония, Швеция, Италиядан келтирилган, Туркия машиналари ҳам бор, лекин оз миқдорда. Тўпқопи фабрикасида 400 киши ишлайди, ишлаб чиқариш жараёни компьютерлаштирилган. 80 та ип-йигирув ва 14 та тўқув машинасига 3 та уста қарайди, таъмирлайди, машиналарнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлайди. Ишчиларга 3 сменадаям иссиқ овқат берилар экан. Мен бу фабрика билан мукамалроқ танишдим, чунки бизда қурилаётган "ХОРАЗМ-НУРТОП" қўшма корхонамиз ҳам шу Тўпқопи фабрикасига менгайди.

Фабриканинг ёпиқ майдони 22.000 кв. м ва очиқ майдони 400.000 кв. м ерни ташкил этади, йилига 5000 тн. 12 дан 60 номергача иплик ишлаб чиқарадиган бу мўъжазгина фабрикага қараб ҳавасинг келади, на шовқин, на сурон, на бақирӣқ-чақирӣқ эшитасиз, аксинча, қандайдир ишчан осойишталик, ишлаб чиқаришга хос бўлмаган вазминлик ҳукм суради. Ишлаб чиқаришга хос бўлмаган вазминлик иборасини ишлатдим, аслида ҳар қандай унумли, сифатли иш ана шундай ишчона вазминликда, босиқликда олиб борилмоғи керакким, машина ва одамлар ўртасида қандайдир тилсимий яқинлик пайдо бўлиши керак, ҳар бир одам ўз касбини меҳр билан ардоқласагина иш жараёни мана шундай улугворликни касб этади. Тўпқопи фабрикасининг президенти Маҳмудбейда ҳам шарқона камтарлик мужассамким, унинг оддийгина кийинишида, муомаласида ажиб бир соддалик, ажиб бир тортинчоқлик бор, гаплашган сари гаплашгинг келади.

Фабриканинг бир йиллик даромад фойдаси 12-15 млн. долларни ташкил этадиган фабрика президентидан бизнинг баъзи бир корхоналарнинг калондимоғ бошлиқлари андоза олишса ёмон бўлмас эди. Умуман Туркияда муомала, гаплашиш услуби ибратли ва ўрганишга арзийдиган бир

қол экан. Бозорда бир ўрта яшар туркдан бошга киядиган шапка қаерда сотилишини сўрадим.

Табассум ила:

— Буюринг,— деди. Мен яна саволимни такрорладим. У кетаётган йўлидан орқасига қайтиб мени эргаштириб кетди. Йўлда бир уяламан, бир ҳавас қиламан биродарлигимизга, ўзаро ҳурмату эъзозимизга. Ва ниҳоят бир кўримсизгина бино олдига келдик. Ҳалиги турк қардошнинг орқасида хуржун ҳам бор. Уйнинг 4-қаватига кўтарилдик. Бир чоғроққина хонани тақиллатиб очди, икковлашиб кирдик. Шапка тикадиган устахона экан, на кўрсаткич бор, на бирор ёзув, қидириб тополадиган жой эмас. Шапка танладик, менга арзонроқ баҳода сотишди. Ҳалиги нотаниш турк мен билан яна қайтиб илк бор унга мурожаат этган жойимизга келдик ва хайрлашиб яна йўлига равона бўлди. Бу Истамбулнинг оддий бир фуқаросининг муомаласи, энди зиёлиларининг ҳурмат, эътиборини-ку қўйберасиз.

"Туркия" газитининг бош дониши Невзат Ёлчинтош ҳузурида бўлганимда, меҳмонни кутиб олиш, кузатиш муомалалари, суҳбатдошлик тартиб-қоидалари хусусида бир рисола ёзилса ҳам оздек туюлади деб ўйладим.

Туркияда олимларга "хўжам" дейишаркан. Мени "Туркия" газети маҳкамаси олдида Невзат Ёлчинтошнинг ўринбосари Муҳаммадбей кутиб олди-да, бошлиғи олдига олиб кирди.

— Буюринг,— деди менга кираверишда,— хўжам, Комилбей ташриф буюрдилар,— дея Невзатнинг буйруғини кутиб турди. Худди отасини ҳурмат қилгандай "хўжам" деганида оғзидан бол томади. Ажабким, бизда аксарият тескарисининг гувоҳи бўласиз. Бизда баъзи жойларда бошлиқни авж билан тилга олиб кериладилар. Корхонанинг бирор ходимидан "Борми?"— деб сўрасанг, киноя аралаш,— Бизни бошлиқлар билан ишимиз йўқ, бўлиши керак, нера боради дейсиз,— дея жавоб беришади. Бу балки бойларни, иш буюрувчиларни ёмонлик қилган тузум боисдир, ҳарқалай бошлиқни ёнида ҳурматлаб, сал берироқда танимаслик даражасида беписандлик ила ерга уриш безак эмас, аксинча тарбиясизлик нишонасимасмикин?

Невзат Ёлчинтош билан "Мусулмон дунёси вақфи"га бордик. У ердаги манзара, у ердаги муомала, муноқаша ўзи бир дунё. Ҳар жума оқшоми ислом илми ва маданияти билан машғул олимлар йиғилиб бир пиёла чой устида ислом дунёсидаги янгиликлар, у ёки бу сура оятларининг

тафсири хусусида гурунглашиб, тортишиб, тарихга ўтиб кетар эканларким, уларнинг суҳбатини, муноқашасини тинглаб, ҳар бир соҳада, ҳар бир жабҳада мукамаллик, ўлчаш мумкин бўлмаган безак, мезони беҳудуд нақш эканига иймон келтирдим. Шу ерда ўтириб инглиз олимнинг бир йигит билан бўлган суҳбатини ўқиганимни эсладим. Йигит олимдан "Ла илоҳа иллаллоҳ" нима дегани деб сўраганида, олим иккиланмасдан "Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ", деб жавоб қайтарган.

Шунда йигит:

— Мен сиздан таржимасини эмас, маънисини сўраяпман,— деган. Олимнинг савол қаршисидаги ожизлигини пайқаган йигит ҳайратомуз сукутга чўмган. Бу суҳбатдан воқиф бир одам:

— Менда "Ла илоҳа иллаллоҳ"нинг тафсири бор, бирга ўқийқолайлик,— дебди. Олим тафсир 15-20 бет бўлса керак деб рози бўлган экан, қарашса, тафсир 5000 саҳифадан ортиқроқ экан. Уч оғиз сўзнинг тафсири битилган асар — Бадиуззамон Саид Нурсийнинг "Рисолаи Нур" куллиёти эди. Истамбулда "Мусулмон дунёси вақфи"даги суҳбатларни тинглаб, қандайдир ўнғайсизлик сездим, негаки, бизда 15-20 талаб китоблари чоп этилган ёзувчилар тўғрисида 5-10 саҳифалик рисола чоп этиш ўрнига, мунаққидлар, адабиётчилар, муаллимлар ёзувчининг ҳар бир сатрини чуқурроқ таҳлил этиш ўрнига, беписандлик билан "Ановими? Унда ўқийдиган нарса йўқ", дейишади. Лекин йиллар ўтиб шу "анови" авлодларнинг фидойилиги билан классик ёзувчига айланса ажабмас.

Туркияда яна бир ибратли иш — бу "Адабиёт вақфи". Бу вақфда ҳам ҳар ҳафтанинг пайшанба куни шоирлар, ёзувчилар, драматурглар, адабиётшунос олимлар йиғилиб, ҳафталик янгиликлар, янги асарлар хусусида гап юртишар экан. Вақфнинг ўз жаридаси бор. Билқис Иброҳим Ҳаққиўғли хоним вақфнинг хайрли фаолияти тўғрисида жудаям берилиб гапирди. Илиқ таассуротлар билан чиқиб, яна бир улкан вақф, "Туркия дунёси вақфи"га келдик. Вақф бошлиғи профессор Турон Ёзгон билан бир пиёла чой устида узоқ суҳбатлашдик. Турк дунёсига оид бир неча китоблар ҳада этди.

Хуллас, Туркия сафари, холисанилло, хосиятли, фойдали сафар бўлдиким, ҳали бу хусуда кўп мушоҳада этишимизга, фикр юритишимизга, қиёсий нуқтадан назар ташлашимизга тўғри келади.

## КОМИЛ ХОРАЗМИЙ — МАТНИЁЗ ДЕВОНБЕГИМИ?

Ўзбек адабиёти, хусусан, XIX аср Хоразм адабий муҳитининг шаклланишига беқиёс катта улуш қўшган забардаст шоирлардан бири Комил Хоразмийдир.

Комил Хоразмий мадраса мударриси Абдулла Охунд оиласида 1825 йилда Хивада туғилган. Табиийки, илмли хонадонда ўсиб, камол топган иқтидорли шоир Огаҳий назаридан четда қолмайди, Огаҳий унга бевосита раҳнамолик ҳам қилади.

Раҳнамолик сўзи айнан Муҳаммад Раҳимхон Соний — Ферузга кўпроқ тааллуқлидир. Чунки Феруз Комил Хоразмийдан 20 ёш кичик бўлгани билан Комил Хоразмийнинг қарийиб 35 йиллик ижодий фаолияти унинг хонлик даврига тўғри келади. (1864 йилдан 1899 йил, вафотигача). Комил Хоразмий Сайид Муҳаммадхон даврида (1855-1864 йиллар) девонда хаттотлик, сўнгра мирзабошилик вазифасида ишлаган.

Феруз тахтга ўтирганидан руслар Хивани забт этгунларига қадар (1864-1873 й.й.) қарийиб 10 йил мирзабошилик қилиб келган. Руслар Матмурод девонбегини Калугага сургун қилганларидан сўнг (1873 й.) Гандимён сулҳини қўли билан ёзган Комил Хоразмий девонбеги вазифасига тайинланади. 1880 йилда Матмурод девонбеги сургундан қайтиб келгач, Феруз уни яна ўз вазифаси — девонбегликка тайин этади. Комил Хоразмий ҳам ўз вазифасига — мирзабошиликка қайтади. Умрининг охирига бориб мирзабоши вазифасини ўғли Муҳаммад Расул Мирзога топширади. 1897 йилда Тошкентда шифохонада даволанади, лекин турли муолажалар ёрдам бермайди. Ўзбек адабиётининг устунларидан бири Комил Хоразмий 74 ёшида — 1899 йилда Хивада вафот этади.

Комил Хоразмий — ҳассос шоир. Унинг ижоди, шу даврда Хоразмда яшаб ижод этган барча шоирлар каби, Алишер Навоийнинг улкан меъроси таъсирида шаклланган. У Огаҳийнинг бевосита шогирдидир.

Комил, не тонг, гар огаҳ эса сўз камолидин,  
Доим аниси Рожий ила Огаҳий эрур,  
— дея ўзини Огаҳий ва Рожийга яқинлигини ифодалайди.

Комил Хоразмий Навоий, Мунис, Огаҳий, Фузулийларга эргашиб, уларнинг асарларини синчковлик ила ўрганиб, аларнинг руҳига киришга интилади, муҳаббатни баланд пардаларда куйлайди. У инсонни муҳаббатсиз тасаввур қила олмайди. Инсон қалбининг улкан хазинаси муҳаббат деб билган Комил Хоразмий мантиқан кучли фикрни ўртага ташлайди.

Замиринг айлагил ишқу муҳаббат маъдани, Комил,  
Не қадру эътибор ўлғай садафга дурри ғалтонсиз.

Дурри яктосиз садафнинг қадри бўлмаганидек,  
муҳаббатсиз қалбнинг ҳам қиймати йўқдир.

Комил Хоразмий лирикасида турли бўёқларда чизилган, мусаввирана чизгилар орқали гўзаллик яратиш услуби бениҳоя зўрдир:

Жонбахш лаълинг устида ул хол ҳиндулармидур?  
Ё чашмаи ҳайвон уза зоғи сияҳмўлармидур?

Ёрнинг жон бағишлайдиган лаби устидаги холи ҳиндуларга ўхшайди, ёхуд ёр лабини — ҳаёт чашмасига, холни эса лаби устидаги сияҳмўларга — қора тукли зоғчаларга ўхшатади.

Қора ранг шарқ адабиётида гўзаллик тимсолида чизи-лиши ҳаммага аён. Навоий:

Қора ранг элга тожу торақдур,  
Ким бу ранг ичрадур муборақдур.

Огаҳий:

Ул қаро кўз боқмаса, бахтинг қароси бўлмас оқ,  
Бу қаро етмиш онинг кўзи қаросидан санго.

дея қора бўёқни гўзаллик тимсоли сифатида улуғлайди. Қаролик ошиқлар учун оллоҳнинг саодатли инъомидир.

Боғи жамолинг саҳнида ўйнар кўзунг мардумлари,  
Ёхуд Хўтан гулзорида сайр этган оҳулармудур?

Жамолинг саҳнида ўйнаётган кўзинг қорачуғлари  
Хўтан гулзорида сайр этиб юрган кийикларми дея гўзал  
ёр сувратини бутун қадди бўйи ила чиза бошлайди.

Сунбул эрурми сарвға чирмошиб ўсган боғ аро,  
Ёхуд чўлашғон қадинга шабранг гисулармудур?

Адл бўйли сарвға сунбул чирмашиб ўсгандай, шабранг-  
тундай қора гису — ўрилган сочларинг сарв янглиғ адл  
қадингга чўлашганга ўхшайди. (Шоир Хоразмча "чирма-  
шиб", "чўлашган" сўзларини жуда топиб ишлатган.)

Хатти муанбарму эрур чоҳи занахдон даврида,  
Ё салсабил атрофида райҳони хушбўлармудур?

Ул гўзалнинг чохи занахдони — сақоқи чуқурчаси ян-  
глиғ кичик оғзи, лаблари атрофида хушбўй райҳонларми?  
Яна ҳайратланиш...

Шаҳло кўзунг атрофида киприкларингму, йўқ эса —  
Қурғон кийиклар сайдиға сайёд мўндулармудур?

Шоир гўзалнинг шаҳло кўзи атрофидаги киприкларни  
кийиклар атрофини ўраб турган овчилар, мўнду — ту-  
зоқларига, қошларини мижанг — киприкларнинг нозу ис-  
тиғноларини отқувчи камонга ўхшатади:

Ғамзанг мижанг новакларин отмоқғадур икки камон,  
Ё кўзларингнинг устида пайваста абрўлармудур?

Шоир энди ёрнинг ҳис-ҳаяжонини тасаввур эта бош-  
лайди:

Зоҳир арақларму эрур гул барги хандонинг уза,  
Ё лаъли хотам даврида сероб лўълулармудур?

Мана бу ўхшатишга қаранг, арақ-тер, зоҳир-чиққан,  
кўринган. Гулбарги хандонинг уза кўринган терлар,  
лаъли хотам-лаъл кўзли узук, мажозий маънода оғизга,  
гўзал оғизга нисбат берилади, яъни ҳаяжон боис чиққан  
терлар чиройли оғиз теграсида ёхуд лаъллар янглиғ  
гўзалдирлар. Бу янглиғ гўзал маъшуқанинг ғамза хадан-  
ги-истиғно, нозу карашма ўқи, қай тарафга отилса ҳам  
бехато кетмайди.



Ғамзанг хадангин ҳар тараф отсанг тегар ман зоринга,  
Жон ила кўнглим ёхуд ул ўқларга қобулармудур?

Энди шоир ўзининг ҳис-ҳаяжонини, ҳайратини янада  
ривожлантириб дейди:

Ҳайрони дийдоринг бўлиб турмуш қошингда хўблар,  
Йўқ эрса қўйгон ўтруда машшота кўзгулармудур?

Бу ойжамол, хушсувратлилиғ, бу сарв янглиғ қадди  
расолиқ, камондай пайваста қошлару истиғноли қайрилма  
киприклар ҳайрони бўлмиш хўблар-маъқул топганлар,  
анинг қаршисида машшота — пардозловчи қўйган  
кўзгуларга ўхшайди.

Бу байтнинг ботиний маъноси яна ҳам чуқурроқ ва  
тушуниқлироққим, яъни Оллоҳ жамоли кўринадиган кўзгу  
бу инсонлар, инсонларнинг қалбидур. Одамларга Ол-  
лоҳнинг акси тушганидан уларни севмаслик гуноҳи азим-  
дир.

Ушбу ғазални баҳоли қудрат шарҳлашимга тубандаги  
байт туртки бўлди:

Тортар риёи шайхлар масжидда жаҳр айлаб фиғон,  
Ё кўкка боқиб кўчада ҳар кеча ит улармудур.

Бу байт бундан 5-10 йиллар аввал, шоир, риёкор  
шайхларни кечалари осмонга қараб итдай увлашларини  
сатира остига олди деб кўкка кўтарилган эди. Энди-чи?  
Энди ҳам саводсизларча ёндошилса, яна юқоридаги фикр  
айнан такролланиши мумкин.

"Жон нахш лаълинг устида ул хол ҳиндулармидур."

(Ҳатто муаллиф М. Юнусов "жонбахш" ҳам демасдан  
жон нахш (?) дейди) мисраси билан бошланадиган, ёрни  
кўйловчи, реал дунё ва унинг лаззатларини диний одат-  
лардан устун қўювчи шеърда риёкорни ҳавога қараб  
улувчи итга ўхшатиш даражасигача бориб етади:

"Тортар риёи шайхлар масжидда жаҳр айлаб фиғон,  
Ё кўкка боқиб кўчада ҳар кеча ит улармидур..."

(М. Юнусов, "Комил Хоразмий",  
Ўздавнашр, 1960 йил, 76-бет).

Аслида Комил Хоразмийнинг муҳаббатни куйловчи ғазалларига қандай ёндошмоқ лозим? Тўғри, риёкор, очкўз руҳонийларни танқид қилувчи ғазаллари ҳам йўқ эмас. "Мулла-имом" радифли ғазалида:

Маврака борса тўйиб, ҳам сидириб, ҳам супуриб,  
Қўлга тушганни уйига келтирур мулла-имом.  
Ҳар бало олдига келганда "емасман", — демогай,  
Заҳри-заққумни томоғдин ўтқарур мулла-имом.

Бундай очкўзлик, ҳасислик ҳамма касбларда, ҳамма замонларда бўлганидек, диндорлар орасида табиий равишда бордур. Лекин диндорлар орасидаги иккиюзламачилик кечирилмас ҳолдир, негаки покликка, эътиқодга ундовчи шахслар ўзлари айтганларига риоя қилмаса, аларнинг обрўйларига ўн чандон кўпроқ зарар еткусидир. Шунинг учун ҳам тасаввуфда динга эмас, Оллоҳга сиғинадилар.

Хўш, Комил Хоразмийнинг юқоридаги байтини қандай тушунмоқ лозим? У бир ғазалида шундай дейди:

Ҳусни кўзгуси бордур мазҳари жамолиллоҳ,  
Манъи ишқим этмонглар, эй гуруҳи нодонлар.

Демак, Оллоҳ жамолини кўришга етишиш учун ҳусни кўзгуси бордир, ишқимни манъ этманглар, эй гуруҳи нодонлар. Яъни қалб — кўзгу, қалбан кўриш, қалбан оллоҳ жамолига етишиш Нақшбандий тариқатининг асосий талаби ва ақидаси бўлмиш "Дил ба ёру даст ба кор" ҳикматида ифодаланган. Ана шу пурмаъно ҳикматга улуғ Навоий ҳам эргашган. Хоразмда яшаган барча шоирлар қатори Комил Хоразмий ҳам Алишер Навоийни ўзига устоз деб билган. Шу боисдан ҳам шоир масжиддаги ошқора жаҳрриёлиғ деб баҳолайди:

Тортар риёи шайхлар масжидда жаҳр айлаб фиғон,  
Ё кўкка боқиб кўчада ҳар кеча ит улармудур.

Комил Хоразмий ғазал бошидан охиригача ёр таърифини ошқор этмай, дил кўзгусида кўриб, гўё пардалаб сирли тус бермоқ учун тасаввуф тариқатига ишора этади.

Ва ниҳоят шоир кулиб дейди:

Комил, қошингга келдиму барча рақибу ҳийлабоз,  
Ё шери ғаррон олдида бир неча тулкулармидур.

Ғаррон-ўрмон шери қошиға тулкилар янглиғ ҳийлакор рақиблар келдиким, бу шерга эмас, тулкилар учун қийин ҳолатдур.

Тасаввуф илмининг олиму уламоларига шер нисбати ҳам берилади ва бу йўлда ҳийла ишлатувчи иккиюзлама-чилик, риёкорлик қилувчилар тулки мисол ҳийлабоз ҳисобланадилар. Шу боис ҳам Комил Хоразмий ўзини шерга менгзайди ва шер атрофида ўнгишиб юрган чала-мулла, риёи шайхларни тулкиларга ўхшатади.

"Ё шери ғаррон олдида бир неча тулкулармидур",—

дейдию, лекин барибир тавба-тазарру улкан иноят эканини юрагидан таъкидлайди.

Илоҳи, неча кўб жиноят манго,  
Карам айла авфу иноят манго.  
Залолат тариқида саргаштамен,  
Раҳи ростга қил ҳидоят манго.

Алишер Навоий ҳам ўзининг "Муножот"ида шундай дейди:

"Илоҳи, иноятингга умидворменким, гуноҳим беҳаддур ва раҳматингга сазоворменким, хатоу саҳвум беаддадур".

Алишер Навоийдек пок, порсолиғда якто ҳисобланмиш улуғ зотнинг тазарру муножоти моҳиятан авлодлар учун буюк илтижодур.

Комил Хоразмий моҳир хаттот, ҳуснихат шоирдур. Араб алифбоси ҳарфларининг номларидан фойдаланиб ғазаллар битганким, афсус, арабча ёзиб кўрсатиш имкони йўқ. Шундай бўлса ҳам бу ёзувда айнан кўчириб шарҳланса ҳам ўзининг чиройлилигини бўйи-басти ила намоён эта олади:

Айну шину қофинға то бўлди кўнглум мубтало,  
Долу род долу ҳажрингдин дами эрман жудо.

Айн, ши қоф — ишқ ва долу род дол — дард сўзлари мужассам бўлганидин, ишқингга токим кўнглим мубталолиғидин дарду ҳажрингда дами эрман жудо — дамдин жудодурман дейди.

Миму жиму нуну вову нун киби кўнглум мудом,  
Ҳажр аро саргаштадур, эй лому ёд лому ё.

Мажнун киби кўнглим мудом ҳажр аро саргаштадур, эй  
Лайли.

Хоу алифу ломи зулфунг кўргали кўнглум қуши,  
Бўлди банди гайну миму батаи дому бало.

Холи зулфинг кўргали кўнглим қуши, ғамга бойланди,  
банди бўлди, негаки хол дон, зулф тузоқ, тузоққа дон  
ташлангандай, яъни зулф сиртмоқдаги донга ташланган  
қуш, кўнгил қуши бандга тушади.

Истарам лайливашимдин мажлис ичра лому бо,  
Деди: эй Мажнун, магар ичмишдурурсан миму ё.

Лайливашимдин мажлис ичра лаб-лутф истадим, у де-  
ди: Эй мажнун, магар ичмишдурурсан май, яъни мастми-  
сан ё, нечун лабимни сўрдинг.

Кофу вову соларимдин то юзунг бўлди ниҳон,  
Тоу ё роу қо бўлмиш манга субҳу масо.

Кўзларимдин токи юзинг яширдинг, тийра — қоронғу  
бўлди манго субҳу масо — кеч бўлди, тонгим тундай  
қоронғу бўлди.

Айну роу зодима солғил қулоқ, эй сангдил,  
Токай айларсан манга ҳижронда жиму вову ро.

Арзима солғил қулоқ эй тошбағир, токай ҳижронинг  
ила манга жавр қиласан.

Вову алифу лому қо бўлди кўнгул рухсоринго,  
Боу лому боу ломосо қилур доим наво.

Вола-шайдо бўлди кўнгил рухсоринггаким, булбулдай  
доим наво қилади.

Ҳар киши бўлса санго гар айн алифу шину қоф,  
Ҳажр аро иш анго оҳу нуну алфу лому қо.

Ҳар киши бўлса санго гар ошиқ, ҳажр аро анинг  
ишидур нола.

Қофу алфу нун ютар кўб кофу алфу миму лом,  
Роу ҳоу мим қил ҳолиға ай ширин лиқо.

Қон ютар кўп Комил, раҳм қил ҳолига, эй ширин лиқо  
— гўзал юзли ёр.

Комил Хоразмий ижодига назар ташласангиз, бағоят серқирра ва сержилодир. У моҳир бастакор, хушовоз хонанда бўлганидан, ёзган ғазаллари ўйноқи, равон ва хушсухандир.

Бани шайдо эдан ул маҳваши таннозлардурлар,  
Ниёзим қилмайин манзури масти нозлардурлар.

Ҳамиша қон эдам кўнглумни ҳам бубул киби нолон,  
Лаби чун ғунчаву ҳусни чаман пардозлардурлар.

Туну кун тор янглиғ ёр эдим танбуру қонуна,  
Наво қилсам, наво бандан жудо ул созлардурлар.

Тузуб дутор, сетор ило гоҳи "Рост"у "Ушшоқ",  
Гоҳи "Сегоҳ", Насрулло"у "Чапандоз"лардурлар.

Самоёндин топорди ўзига лаззат дилу жони,  
Асиру зор эдан ул сози хуш овозлардурлар.

Дегил беҳуд ул ёри мувофиқ бандин ўлса дур,  
Бани ул дилрабодин ойирон ғаммозлардурлар.

Қолиб аҳбобдин ўз кулбам ўлмиш манзили ғурбат,  
Тилим лолу қадимни дол эдан дамсозлардурлар.

Аларким бу жаҳон лаззатидин қўл юдню кўз юмди,  
Қаноат боли-ла парвоз эдан шаҳбозлардурлар.

Ниҳон тут зинҳор асрорингни Комил мунофиқдин,  
Ки зоҳир дўст, ботин душман ҳамрозлардурлар.

Ана шу ботин душманлар ҳамрози бўлган шоир аксар ғазалларида мунофиқликдин арзи дод этади. Бу албатта бошқа мавзу. Мен Комил Хоразмий ижодининг серқирралигига ишора сифатида учта турли ғазалини олишни, шу билан унинг ижодини мукамал ўрганишга олиму фозиларимизни эътиборини жалб этишни ният қилдим.

Хўш, Хоразм олти ярим мақомини нотага туширган сазандаи замон, бастакор (у ижод этган "Мураббаи Комил", "Пешрави Феруз" ва бошқа куйлар нота ҳолида ҳозиргача сақланади), 3680 байтлик адабий мерос қолдир-

ган улкан шоир, девонбегилик мансабигача кўтарилган давлат арбоби бўлмиш Комил Хоразмий шу вақтгача ҳамма илму ирфон соҳиблари томонидан Матниёз девонбеги деб келинмоқда? Бу нима, унинг шахсига юзаки қарашми, ёки ҳақиқатда ҳам Ҳазарасп девонбеги Матниёз Комил Хоразмийми?

Манбаларга мурожаат этамиз:

"Комил хаттотлик (каллиграфия) ва мусиқа соҳасида ўзини жуда эрта танитгани учун уни саройга хазматга таклиф қиладилар. У дастлаб Саид Муҳаммадхон саройида, кейинча Муҳаммад Раҳим II замонида олдин оддий каллиграф сифатида, сўнг мирзабоши сифатида ишлайди. 1873 йил 29 майда Хива Россия составига қўшилганидан кейин тузилаган сулҳнома Комил қўли билан ёзилади."

(М. Юнусов. "Комил Хоразмий",  
Ўздавнашр, 1960 йил, 42-бет)

"Шундай қилиб, мазкур шартнома бир томонлама характерга эга бўлиб, фақат рус императорлигининг манфатларини кўзлаб тузилган эди. Ушбу шартноманинг учинчи моддасига биноан, Хива хонлигига қарашли бўлиб турган Амударёнинг ўнг қирғоғи бутунлай Россия ихтиёрига ўтди ва шаҳзода Лейхтенбургнинг таклифига биноан Тўрткўл территориясида Матниёз девонбегининг боғи ўрнида Петро-Александровск шаҳрига асос солинди. Олинган ер ўрнига Матниёз девонбегига Уллибоғ деган жойдан 3227 таноб ер ажратиб берилди." (Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул, "Феруз: шоҳ ва шоир қисмати", 44-бет).

Демак, бундан кўриниб турибдики, руслар келгунга қадар (1873 й.) Комил Хоразмий мирзабоши Матниёз девонбеги эмас экан. Ушбу далилни Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасул ўзлари ҳам мазкур китобларининг айнан шу бетида, кейинги абзацда тасдиқлайдилар: "Комил Хоразмий руслар билан сиёсий-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тарафдори эди. Комил Хоразмий 1863 йилдан, яъни Муҳаммад Раҳимхон Хива тахтига чиққандан бошлаб саройда мирзабошилик вазифасига тайинланди" (44-бет).

Хўш, 1873 йилгача мирзабошилик вазифасида ишлаган Комил Хоразмийнинг Тўрткўлдаги боғи қаердан келиб чиқди? Боғ эгаси Матниёз девонбеги ким?

Тарихнавис Баёнийга мурожаат этамиз:

"Вақтеким, хон ҳазратлари шаҳардан чиқиб кетдилар. Амир тўра, дарҳол, Аркка келиб хон бўлди ва эгнига

гулнор чакмон ва бошига жигали телфак кийиб тахтада ўлтурди. Уч-тўрт дарвозабону табақачи ва бир неча баққолу қассоб кириб, хонлиқ муборак бўлмай, деб фотиҳа бердилар. Амир тўра, филҳол, Муҳаммадмурод девонбеги била Паҳлавон Мирзабошини тамоми афродлари била тутиб келтурмакка амр этди. Амирнинг кишилари аларнинг жустижўларида юрудилар." (Баёний. "Шажарайи Хоразмшоҳий", 217-бет).

Бундан кўриниб турибдики, мирзабоши Комил Хоразмий амирул умаро Сайид Маҳмуд билан ҳамфикр эмас экан. Амир тўранинг ҳамфикри ким?

Яна ёзишмаларга мурожаат қиламиз:

"Муҳаммад Ниёз девонбеги — Муҳаммад Раҳимхоннинг рус хотинидан туғилган ўғли. 1217 (1856) йилда Сайид Муҳаммадхон уни амалидан туширган. Кейинги вақтларда Муҳаммад Ниёз Амирул умаро Сайид Маҳмуд тўранинг ноиб сифатида Ҳазараспда девонбегилик қилган. Хон Ҳазараспга борганда, катта зиёфатлар қилиб, хоннинг бошидан тангалар сочган ва унга қимматбаҳо сарупо, ясалган от, жиловдорликка бир йигитни тортиқ қилган." (Огаҳий. "Риёзуд давла", 127-бет ҳамда 129 варақлардан олинди деб ёзилган. "Хива давлат ҳужжатлари". Ҳтом, 319-бет.)

Яна ўқиймиз:

"1873 йил рус қўшинлари Хивага келган маҳалда Матниёз (Муҳаммад Ниёз) Ҳазараспда девонбеги бўлган". (М. Йўлдошев, "Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши", 264-бет, Костенко. "Город Хива в 1873 г." воен. с. б. 1873 йил, 12-сон, 340-бет.)

Бу далилни, яъни Матниёз девонбегининг мавқеини Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрусул ҳам инкор этмайдилар: "Бу тўғрида инглиз тарихчиси Мак-Гахан шундай ёзади: "Матниёз Саид Амирул Умар (хоннинг амакиси ва қайнотаси — Д. Р. Ш. М.) сингари сулҳпарварлар партиясига мансуб кишидир. У паст бўйли, кўзлари катта, сийраксоқол, кўримсиз бир киши эди. У русларга жуда хайрихоҳлик билан қарар эди... У қирқ беш ёшларда эди." (Военные действия на Окусе и падение Хивы" деб кўрсатилган Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасулнинг "Феруз: шоҳ ва шоир қисмати" китобининг 45-бетида.) Лекин улар бу нисбатни Комил Хоразмийга бериб: "Комил бу вақтда қирқ бешда бўлмай, элликка кирган, хонликда катта эътиборга эга бўлган киши эди. У Муҳаммад Раҳимхоннинг отаси Сайид Муҳаммадхон замонасида са-

ройда оддий хаттот бўлиб, кейин мирзабошилик мансабига кўтарилган, сўнгра эса девонбеги сифатида катта ижтимоий-сиёсий, маданий ишларни амалга оширди". (Шу китоб, 45-бет.)

Хўш, "сўнгра эса девонбеги сифатида..." дейилганда "сўнгра"си қачон?

Яна Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасулнинг мазкур китобда ўзлари жавоб берадилар: 1873 йилнинг 12 августида Отажон тўра ҳовлисида Гандимён шартномаси имзоланди. Сулҳ шартномасини Русия томонидан Туркистон генерал-губернатори генерал-адъютант фон Кауфман, Хива томонидан Муҳаммад Раҳимхон Соний Баҳодирхон имзоладилар. Ушбу сулҳ шартномаси матни шоир ва давлат арбоби Полвон Мирзабоши — Комил Хоразмий томонидан тузилди." (42-бет)

Бундан аниқ кўриниб турибдики, Комил Хоразмий 1873 йил 12 августгача мирзабошилик вазифасида ишлаган экан. Нега уни Матниёз девонбеги билан аралаштириб юрибдилар?

Хиванинг Русия томонидан босиб олинишини жонли гувоҳи бўлган рус ҳарбий хизматчиси Ф. И. Лобисевичнинг Матниёз билан Ниёзматнинг фарқини билмаслиги табиий, бизнинг олимларимиз наҳотки Матниёз (Муҳаммад Ниёз), Ниёзмат (Ниёз Муҳаммад) эканлигини фарқлай олмайдилар?

"Паҳлавон Ниёз девон — Паҳлавон мирзабоши, Абдулло Охунд махдум бўлиб, Паҳлавонжон номи билан шуҳрат топган. Паҳлавонжон созанда ва хуш овоз бўлган. Муҳаммад Раҳимхон ўз саройига чақиртирган ва унга мирзабоши, кейинроқ эса девонбегилик амалини берган, Хоразмининг барча савдо ва бож йиғиш ишлари Паҳлавон девонбеги қўл остида бўлган. Паҳлавонжон шеърлар ҳам ёзиб, "Комил" тахаллуси билан машҳур бўлган, олти ярим мақомлик мусиқа нотасини яратган. Аммо хон Муҳаммад Мурод Шайх Назар (Аввалги девонбеги)нинг Россиядан қайтиб келиши билан уни қайтадан девонбегилик амалига тайин этиб, Паҳлавон девонбегини мирзабошиликка тушириб қўяди. Бу ҳодиса Паҳлавонжонга қаттиқ таъсир қилади. 1315 (1897) йили вафот этади. Паҳлавонжон мирзабоши ўлиmidан бироз илгарироқ мирзабошилик иши хон томонидан унинг ўғли Муҳаммад Расулбойға берилади." ("Хива давлат ҳужжатлари", II том, 332-бет. Ҳасанмурод қори Муҳаммад ўғли Лаффасий, "Хива шоир ва адабиётчи-



ларнинг таржимаи ҳоллари", ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма № 9494, 15-17-варақлар).

Эътибор қилинг, Паҳлавонжон девонбеги дейилади, Матниёз девонбеги эмас. Лекин шоирнинг вафот этган йили бошқа манбаларда 1899 деб кўрсатилган. Баёний "Шажарайи Хоразмшоҳий" асарида Матниёз девон тўғрисида шундай ёзади:

"Ҳижратнинг минг уч юз ўн олтиланчисида ва шаввол ойи ва панжшанба кунда Сайид Абдуллоҳўжа бақо оламига хиром этиб, ондин Муҳаммад Аминхўжа ва Саъидуллоҳўжа отлиғ икки ўғил қолди. Хон ҳазратлари Иломхўжани Сайид Абдуллоҳўжанинг ўрнида қойим-мақом этдилар. Мундин бир йил ўтгандин сўнг (1317 ҳ. й — К. А) хон ҳазратлари Муҳаммад Ниёз девонга Тозабоғ ҳавлисин йиқиб, ўрнига бир ҳавли тошдин бино қилмоқни буюрдилар." (245-бет)

Баёний яна давом этади:

"Ҳижратнинг минг уч юз йигирма бирланчиси ва товушқон йилида Муҳаммад Ниёз девон Тозабоғ ҳовлисининг биносини итмомга еткурди. Ҳовлининг атроф девори тошдин бўлиб, ичи чўпқори (ёғочдан) бўлмиш эди, фақир анинг авсофи ва тарихини бу тариқа айтдим, тарих:

Шоҳи Муҳаммад Раҳимхони замину замон  
Зилли зилили худост бир хамаи бандагон.  
Соли бинояш бажид гўфт Баёний чунон:  
"Ҳавлийи" шоҳонайи шоҳи Сулаймон нишон.

Бу тарих ҳисобида етти адад ким келиб эрди, амали таъмия билан "бажид гўфт" етти ададни идхол этилди. Яна Тозабоғ ҳовлисининг олдида бир кичик мадрасага муштамал бўлгон масжиднинг чўбқори бино этилмакнинг ҳам амрин этиб эрдилар. Ул масжиднинг ҳам биноси ушбу йил итмомига етиб эди." (250-бет)

Ҳижратнинг 1321 (1901-1902 йиллар) Комил Хоразмий дунёдан ўтганига 2-3 йил бўлади. Комил Хоразмий — Паҳлавонжон мирзабоши билан Матниёз девонбеги бошқа-бошқа одамлар экани тўғрисида яна кўп далиллар келтириш мумкин бўлар, бу энди олимларга ҳавола.

## "РОСТ" БЎЛСА, РОСТ ЧАЛИНГИЗ!

Феруз — Муҳаммад Раҳимхон Соний, 1892 йили "Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу Фармони Олийга шак келтирган ва мақомларни камситган ёйинки уни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!" деб фармони Олий қабул этгани маълум. Фараз қилинг, Муҳаммад Ёқуб позачидек Муҳаммад Ҳасан Мутриб Хонаихаробдек, Абдулла маҳадик, Худойберган Сунито, Отажон усулчи, Бобо буломон, Машариф Қамбар, Собир маҳрамлардек машҳур созандалари, Хоразм мақомининг зукко билимдонлари Комил Хоразмий, Расул Мирзодек шоиру фузалолари, Матёқуб дўнмас, Полли дузчилардек сувора устозлари яшаб турган бир муҳитда, мақом созларини бузмаслик, уни камситмаслик хусусида қайғуриб, хон томонидан фармон қабул қилиниши бугунги авлодлар учун, келажак учун асрлар давомида ибрат бўлғуси ҳужжатдир. Бундан 100 йил муқаддам мақомларни асраш, уни бизга ва келгуси авлодга бус-бутун, ривожлантириб етказиш борасида қайғурилган эканким, демак, хавотирга асос бўлган.

Феруз мақомлар ижросини ҳам ўта қаттиққўллик ила назорат қилишга эришган. Нақл қилишларича, Бухорои шарифдан амирнинг даъвати билан Хивага мақом усталари ташриф буюрганлар. Феруз меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олиш тадоригини Комил Хоразмийга топширган ва улар шарафига берилган шоҳона базмда шахсан ўзи қатнашган. Гурунг бир жойга борганда хон меҳмонлардан:

— Соз бўлсинми? — деб сўраган.

— Соз бўлса, "Соз" бўлсин,—дейишган улар,

Феруз аввал меҳмонларга, сўнг Хиванинг зукко созандаю гўяндаларига маъноли нигоҳ ташлаб дебди:

— Нима чаласизлар?

— Ихтиёрингиз, хон ҳазратлари, "Рост" чалсакмикан?

Феруз меҳмонларга юзланиб:

— "Рост" чалишсинми? — дебди.

— Рост бўлса, "Рост" чалишсин, — дебди улар.

Меҳмонларнинг бу илмоқли истаги хонни бағоят мамнун этган ва у ҳам завқ билан созандаларга буюрган:

— "Рост" бўлса, Рост чалингиз, — кейин шундай давом этган: — Созни Бобо буломон бошқарсин.

Созандалар ҳайрат ва саросимада хонга қарашибди. Чунки буломон билан соз бошқариш қандай бўларкин, ахир салдом билан мақом куйини охиригача чалгунча буломончининг оғзи тупукка тўлиб кетади-ку! Бу қалтис аҳволни меҳмонлар ҳам дарҳол илғашди, чунки улар ҳам мақом усталари-да. Шунинг учун ҳам хон меҳмонларининг кинояга ўхшаш қочирикли сўзларига жавобан, Хива созандаларининг маҳоратини намойиш этиш истагида атайин созни буломончи бошқарсин, деб буюрган эди.

— Бобо буломон, тушунмадингми? — деди Феруз овозини сал кўтариб.

— Тушундим, тақсир, — дедию Бобо буломон созни бошқариб кетаберди.

Созандалар Бобо буломонга эргашиб салобат билан "Сақили Рост"ни авжлатиб борабердилар. Хон созга путур етмаслигига ишончи комиллигидан, меҳмонларни ҳайратга солмоқчи бўлганини, албатта, Бобо буломон яхши тушунди. Лекин у ҳам тирик одам, оғзига тупук тўлиб, нафаси қайта бошлади. Хоннинг амри вожиб, ўлса ўладики, ишончни оқлаши шарт. Бобо буломонни тер боса бошлади, куй авжлангандан авжланаяпти ва табиийки, синов дақиқалари узайганидан узайиб, ҳамманинг диққат-эътибори Бобо буломоннинг ҳолатига қаратилган. Куй ярмидан анча ошганда Бобо буломон кўз илғамас чаққонликда ёнбошига бир туфлаб олади. Ҳеч ким сезмаганидан барча созандалар хушнуд бўлиб, куйни юксак ижрода тамомлайдилар. Базм қатнашчилари, айниқса, меҳмонлар созандалар маҳоратига таҳсинлар айтиб, хонга катта миннатдорчилик билдирадилар.

Феруз созандаларнинг мукамал ижроси ва моҳирона бошқарган Бобо буломонга илтифот маъносида олдидаги лаъли табоқдаги ширинликлардан бир донасини олиб Бобо буломонга беришни девонбегига буюради. Хоннинг амри дарров бажарилади. Меҳмонлар назарида ширинлик ўралган бу оддий қоғознинг баҳосини мезбонлар яхши билишади. Бу ихчам ўроғлик (конфетга ўхшаб) қоғозлар ичида ширинлик эмас, балки ҳар қайсиси ичида 10 донадан

10 лиқ (ўнлик) тилло бўлиб, мукофотнинг қиймати 100 тилло эди. Албатта, хон бу қадар юксак илтифотни ҳаммага ҳамма вақт ҳам кўрсатавермасди.

Суюнганидан Бобо буломоннинг юраги тарс ёрилай дебди. Кечаси билан ухлолмай, тиллоларни бир неча бор санаб чиққан: негаки, 100 тиллолик одам Хивада бой саналган. Бобо буломоннинг тонгга яқин кўзи илинганда томдаги тақир-туқурдан уйғониб, ташқарига чиқибди. Не кўз билан кўрсинки, уч-тўртта уста уйининг учагини (томини) бузиб очишяпти. Хоннинг кечаги илтифотидан ҳали тамоман ўзига келмаган Бобо буломон томбузарларга дағдаға қилибди:

— Ҳой, устазузарлар, бу не шаккоклик?! Бу ишларингдан хон хабар топса, ҳаммангнинг уйингни куйдиради-ку! Қани, ҳамманг ошоқа (пастга) туш!

Томбузар усталар парво қилмай, қайта шиддатлироқ ҳаракат қила бошлашибди.

Бобо буломоннинг бадтар жаҳли чиқиб:

— Кармисизлар, кўрмисизлар, ахир, ман хон созанда-симан, Бобо буломонман. Бу уй меники, яна янглишиб бузаётган бўлманглар. Хонга арз қиламан, каллангизни ҳам ўйланг,— деб бақирибди.

— На деб турибсан,— дебди усталарнинг каттароғи,— кўр ҳам эмасмиз, кар ҳам эмасмиз, биз хоннинг буйруғини бажаряпмиз.

Бобо буломон қараса, усталарнинг ҳаракати жиддий. Шундан сўнг ялинишга тушибди:

— Тўхтанг, жоним устажонлар, тўхтанг, менинг билан биринг хон ҳузурига юринглар, агар хон менинг ёнимда шу буйруғини тасдиқласа, учак тугул, бутун уйимни йиқсангиз ҳам розиман. Йўқ десангизлар, ўзим бориб келай, шунгача бузмай тулинглар.

Усталарнинг бошлиғи рози бўлибди. Бобо буломон югуриклаб хон ҳузурига арзга борибди:

— Хон ҳазратлари, бу на деган гап, бу на кўргулик? — деб йиғламсирабди буломон,— бирор янглиш бўлса гарак, усталар уйимнинг томини очиб, бузишяпти.

Феруз қаҳр билан:

— Ҳеч қандай янглиш йўқ! И-и, кеча сиз (хон киноя билан гапирганда "сиз"лаган) боргоҳнинг устини очдингиз, созни буздингиз, биз индамадик, бугун биз бузсак, сиз индайсиз-а!

— Ахир, хон ҳазратлари, оғзимга тупик тўлиб, тос ўлвадим, нишатин, бир ола самликда (ҳеч ким эътибор

бермаган вақтда) бир туфлай қўйвадим, бир қошиқ қонимдан ўтинг, олампаҳо!

— Яхшиям тўғриси айтиб, бўйнингга олдинг,— кунимсирабди хон,— йўқса, кўргулигингни кўрар эдинг,— деб Мамат маҳрамга усталарни қайтариб олишни буюрган.

Хивада ўз замонида ибратли шов-шувга сабаб бўлган бу воқеани ҳозир ҳам қариялар ички бир қониқиш билан эслашади, буломончининг оти Ҳудик эди, деб гоҳ баҳслашишади.

Гап буломончининг отида эмас, балки куйга бўлган эҳтиром, ихлос, билағонлик, уни эъозлашда, нечоғли фидойликдадир. Оддий одамдан тортиб, давлатнинг хонигача куйнинг тўғри ижросига масъуллигидадир. Ферузнинг куйинчаклик билан 6,5 мақомнинг "танбур чизиги"га ноталаштирилишига бош-қош бўлиши бир олам таҳсинга лойиқ, шу воқеанинг ўзиёқ уни абадиятга дахлдор этиб қўяди.

Хўш, ана шу "танбур чизиги", уларга муҳрланган куйлару қўшиқлар бугун қай аҳволда? Вилоят ҳокимлиги бошчилигида 6,5 мақомни ҳозирги нотага кўчириш иши бошлаб юборилди. Огаҳий номидаги вилоят театри қошида билимдон мутахассислар Озод Бобоназаров, Озод Иброҳимов ва Аҳмаджон Машариповдан иборат ижодий гуруҳ тузилиб, уларнинг фаол ишлаши ва сара мусиқа асбоблари сотиб олиши учун қарийб 100 минг сўм пул ажратилди.

Шу кунларда "Рост" ва "Бузруг" мақомларининг мушкilotларини, ғазаллар танлаб насрини ва уфорисини ҳозирги нотага кўчириш ишларини тамомладилар. Хиванинг 2500 йиллигига ушбу ишни ниҳоялаб, китоб ҳолида чоп этишга жазм қилинган, иншоолло, бу ишлар амалга оширилар.

## ДИЛ КАЛОМИ

Бугун таваллудлар, тўй айёмида  
Буюк аждодларга этурмиз таъзим.  
Бугун файзлироқдур тонг Замаҳшарда,  
Бугун тароватли кўҳна Хоразм.

Бугун Кубро бобо юрти меҳрли,  
Иймон, эътиқоддан гулгун жамоли.  
Дилларни яйратар нечоғ сеҳрли,  
Истиқлолнинг эсмуш майин шамоли.

Дарҳақиқат, Истиқлолнинг майин шамоли қадим қад-  
риятларимиз дарахтини силади, биз ўзлигимизни таний  
бошладик, буюк аждодларимиз руҳини шод этишга бели-  
мизни боғладик. Оллоҳ мадад берсин.

Дунёда ўзлигини танишдан ҳам зўрроқ илм бўлмаса  
керак. Негаки, одамзод неча замонлардан бери тафаккур  
қудуғини чуқурлатиш, ундан қониб сув ичиш билан, унинг  
чуқур, сокин юзига қараб, ўзини бор бўй-басти ила  
кўришни истаб яшаб келмоқда.

Қудуқдан қанча кўп олсанг, у шунча кўп сув беради,  
унинг кўзлари очилиб, тозариб гумбирлай бошлайди. Аммо  
ана шу қудуққа бот-бот беписандлик билан қараб, унинг  
лойқаланишига не-не ҳукмдорлар сабабчи бўлмаганлар.  
Лекин барибир Оллоҳ таоло қудуқ кўзларини очувчиларни,  
фидойи заҳматкашларни, олийҳиммат юрт эгаларини ду-  
нёга келтираберди.

Табаррук зотларнинг фарзанди бўлмоқ  
Беқиёс шарафдур, беқиёс масъул.  
Асрлар давоми осонмас бермоқ  
Мозий мақомига оҳангдор усул.

Бу замин чайқалиб турганда, Эгам  
Лангар деб яратди Полвон Отани.  
Унинг куч-қуввати, ўт нафасидан  
Дунёда ўрнини топди Ватани.

Яна алғов-далғов, мард Абулғозий  
Қилич, қалам олди, тикланди замин.  
Битдилар улуғлаб Мунис, Огаҳий,  
Одамлар туйдилар муҳаббат таъмин.

Мақому созларга умр бағишлаб,  
Қанот берди Феруз авлодлар учун.  
Яшади ўтганлар руҳин олқишлаб,  
Муносиб бўлай деб ажодлар учун.

Огаҳий демушким, йилда бир Феруз  
Қўй сўйиб ош берган Маҳшарбобода.  
Куброю аларни ҳар туну ҳар рўз,  
Зикр этган бешвақт тиловотида.

Феруздек мутафаккир инсон, Хоразм юртига 47 йилдан  
зиёдроқ давр хонлик этган, фазилат соҳиби бўлмиш  
ҳукмдор бешвақт тиловотида зикр қилган бу улуғ аллома-  
ларнинг номи энди-энди мустақиллигимиз шарофати, юр-  
тбошимиз Ислом Абдуганиевичнинг раҳнамолиги туфайли  
тилга олинмоқда, таваллудлари кенг нишонланмоқда.

Донишманд юртдошимиз аз-Замаҳшарий ўзининг  
қарийиб 70 йиллик умрида 50 дан зиёд асар яратган  
беназир улуғ олимдир. Агар одам унинг ҳар китобини бир  
йилдан мутолаа қилганда ҳам 50 йилда ўқиб чиққан  
бўлади. Хўш, агар ўқишга 50 йил кетса, уни ёзишга неча  
йил кетади? Ўлчами тенгсиз. Унинг ҳикматларининг ўзи  
бир дунё, Қуръоннинг тафсири "Ал-кашшоф" бир дунё.  
Ҳикмату насиҳатлар жамланган "Атвоқ уз-Заҳаб" ("Олтин  
шодалар") бир дунёю араб грамматикасига бағишланган  
"Ал-муфассал" бир дунё.

Дейдиларки, Шом ҳокими Музаффариддин Мусо ушбу  
"Ал-муфассал" китобини ёд олганга 5000 кумуш танга пул  
ва сарупо совға қилишга ваъда берган. Бир эмас, бир қанча  
киши бунга сазовор бўлган. "Ал-муфассал"га ёзилган  
шарҳнинг ўзи 30 дан зиёддир.

Аз-Замаҳшарийнинг кўплаб ҳикматларидан тубандаги  
3-4таси унинг бутун ички дунёсини ёритиб туради:

— Олам узра шундай юргинки, то бутун оламнинг елкасига оёқ қўйгандек бўл, шунда жами махлуқотдан устун бўлурсан.

— Хайр-саховат ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шону шарафга сазовор ва муносибдур, чунончи дур садафга қараганда юқори даражададур.

— Ўткир қиличнинг бошга тушадиган зарбаси баъзи нодонларнинг ҳукми остида муте бўлиб юришдан афзалдур.

— Олижаноб ва шариф киши шундай кишики, у ҳозир бўлмай, ғойиб бўлганида унинг суҳбатини хоҳлаб, мулоқотини орзу қиларлар, башарти у суҳбатга келиб қолса, унинг ҳайбатидан сергакланиб ҳушёр тортарлар.

Шу кунларда чуқур эҳтиром ила таваллудининг 850 йиллигини нишонлаётган яна бир улуғ бобомиз шайх Нажмиддин Кубродир. Шайх Нажмиддин Кубронинг бизга қолдирмиш тафсиру ҳадису тасаввуфга оид кўплаб китоблари улкан бойлигимиздир.

Ҳазрат ёзиб қолдирган рубойлар у кишининг дуёқарашини кўз ўнгимизда намоён этади:

Бир дев бор ичимда, асти пинҳон бўлмас,  
Бошини эгмак анинг осон бўлмас.  
Иймон не эканлигин минг англатсам ҳам,  
Кофир у ашаддий, ҳеч мусулмон бўлмас.

Шайх Нажмиддин Кубро илму урфонда замонасининг тенгсиз олими бўлиши билан бирга мардлик тимсоли сифатида ҳам беқийсдир. У мўғул босқинчиларига қарши жангда қаҳрамонона ҳалок бўлди.

Мир Алишер Навоий "Насоимул-муҳаббат"да шундай ёзади: "Дерлар шаҳодат вақтида (Нажмиддин Кубро) бир кофирнинг парчамин (байроғин) тутқан эрмишлар. Андоққи, шаҳодатдин сўнгра 18 киши айира олмайдирилар ва парчамни кесиб айирдирилар".

Жалолиддин Румийнинг ушбу машҳур байти ҳам шунга ишорадур:

Ба як даст майи холиси иймон нўшанд,  
Ба яке дасти дигар парчамин кофир гиранд.

Яъни: Бир қўл билан холис иймон майини ичадилар, бошқа бир қўл билан кофирнинг байроғидан тутадилар.

Бу икки улуғ ватандошимизнинг ҳаётий лавҳаларини ёритишда вилоятимиз қалам ва санъат аҳли баҳоли қудрат



ижод эмоқдалар. Республикада хизмат кўрстаган санъат арбоби, Огаҳий номли вилоят театрининг бош мусаввири Отахон Оллаберганов Аз-Замаҳшарий ва Нажмиддин Кубронинг ёрқин сиймоларини катта полотнода моҳирона яратди, бу сувратлар ҳукумат комиссияси томонидан қабул этилди. Драматург Неймат Солаев Аз-Замаҳшарий тўғрисида "Жоруллоҳ" деб аталган 5 лавҳали пиесани ёзиб тугатди. Унинг бобокалонларимиз ҳаётига оид лавҳаларини театрининг бош режиссёри, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ибодулла Ниёзматов саҳналаштирди. Ана шу лавҳалар ва тантаналарга бағишлаб тайёрланган катта концерт дастури намойиш этилди.

Шунингдек, Республика телевидениеси ходимлари, санъатшунос олим Нафиса Зоҳидова, Республикада хизмат кўрсатган артист Маҳкам Маҳамедов, тасвирчи Рафаэль Камоловлар томонидан Аз-Замаҳшарий тўғрисида телевизион кўрсатув ва Нажмиддин Кубро ҳақида видеофильм сувратга олинди.

Каминанинг ҳам Аз-Замаҳшарийга бағишланган "Минг ой умр ҳикматлари" деб номланган туюқлар куллийети яқинда нашрдан чиқди.

Булар албатта улуғ элдошларимиз Аз-Замаҳшарий ва шайх Нажмиддин Кубронинг илмий, адабий меросини ўрганишда ва ҳаётларини ёритишдаги илк уринишлар, илк дебочалардир.

## УЛУҒЛИК МАРТАБАСИ

Буюк аллома, мутафаккир, назм соҳиби ва улкан Ҳатмат арбоби Алишер Навоийнинг ижоди ва ҳаёти, мана, беш ярим асрдан зиёд давр мабойинида авлодлар учун ибрат ва андоза ойинасидурким, унга қараб ҳайратланиш, завқланиш, тасанно айтишдан кўнглингизга равшанлик, руҳиятингизга қувват, жамики хешу ақраболарингиз, танишу нотанишларга яхшилик қилиш, мадаккор бўлишдек олийжаноблик ҳиссиёти инади, саховатли яшаш истаги жунбушга келади.

Алишер Навоийни Пир деб аташга, унга сиғинишга кўнглининг ўзи мойил бўладиким, Оллоҳ назар солган кишиларгина бу янглиғ эъзозга, эътиқодга мушарраф бўладилар.

Бу ўринда Мавлоно Ҳасан шоҳ Ҳаззол қизининг ушбу гўзал байти ёдга тушади:

Агарчи меҳр бо тақдир лоязол барояд,  
Ба моҳи ман нарасад гар ҳазор сол барояд.

Яъни, агар тақдиримга офтоб нури тушмаса,  
Минг йил ўтса ҳам кўзга нур тегмайди.

Бунда меҳр-офтоб, яратганнинг Ўзи бўлгани учун ҳам бу байт асрлар давомида яшаб келаяпти.

Оллоҳ назари тушган, тақдирини ўз нури билан ёритган Алишер Навоийнинг юксак мартабасини янада маснад этган воқеъ, унинг давлатпарварлиги, инсонпарварлиги ва баҳру уммондек саховатлигидур.

Тарихдан маълумким, Ҳиротнинг гуллаган даври Шоҳруҳ ва унинг хотини Гавҳаршодбегим замони эди. Султон Ҳусайн Бойқаро замониға келиб, Ҳирот янада

юқори кўтарилди, гуллаб-яшнади. Ҳиротнинг бутун Осиёда кўркам шаҳарлардан бирига айланишида, албатта, бевосита мутафаккир шоир, йирик давлат арбоби Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёсдур.

Султон Ҳусайн Бойқаро унга вазирликни таклиф этганида, яъни 1472 йилда Алишер 31 ёшида эди. Қўйидаги бир тамсил Навоийнинг нақадар хирадмандлиғидин далолат беради. Алишер Султон таклифини қабул этмаслик борасида кўп важларни кўрсатди, лекин Султон ўз фармони билан Амир Музаффар Барлосдан бошқа амирларнинг Алишердан олдин муҳр боса олмасликларини билдирди. Таъсирли уруғларнинг беқлари бундан хурсанд бўлмасликларини илгаридан англаган ва барча амирлар ундан кейин имзо қўйишлари уларнинг обрўларига путур етишидан кўнгилларига хижиллик кетабошлаганини сезган Навоий ўз имзосидан кейин қўл қўйиш мумкин бўлмайдиган даражада пастга имзо қилиб, муҳр босгани ила бари рақибу ағёрларини ҳайратга солган, уларни уялтирган.

Алишер Навоий ўзининг мансаби ва мавқеидан халқ фаровонлиги, илму урфон ва юрт ривожини, ободонлигини йўлидан кенг фойдаланганлиги бизга кўп тарихий манбаълардан маълум.

Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкиратуш-шуаро"сида Алишер Навоийнинг қурдирган биноларини фахр билан санайди. Тарихчи олим Хондамир Алишер бино қилдирган "Ихлосия", "Шифоия", "Низомия", "Хисравия" мадрасалари хусусида тўхталиб, бу мадрасаларда минглаб талабалар ўқиганини, талабалар фақат ўқиш билан машғул бўлсинлари учун уларга нафақалар тайинланганлиги ва талабалар орасидан катта олимлар етишиб, шу мадрасаларда дарс берганларини қайд этган.

Алишер Навоий барпо этган соғайиш, илм олиш масканларида замонасининг энг етук ҳақимлари, табиблари шифоталаб камбағалу етим-есирларни даволар эдилар ва талабаларга дарс берар эдилар. Овқат ва доривор текин бўлган. Навоий қурдирган хонақоҳларнинг халқ кириб-чиқиши учун ҳамиша очиқ бўлган саҳнида ҳар куни етим-есирларга, камбағал фуқарога текин овқат ва нон улашилган. Маълумдирки, Алишер Навоий вазирликдан келадиган даромадларидан ташқари ер, сув, чорваларидан, рабату карвонсаройларидан, дўконларидан келадиган келимларини ҳам халқ илм олиши, соғу саломат бўлиши, тўқ бўлиши учун сарфлаган. Унинг қўли очиқлиги ва

ҳимматини масжид, мадрасаларга васият қилиб қолдирган вақфномасидан ҳам ўқиш мумкин.

Олийҳиммат Алишер Навоий ҳар йили камбағал, юпун бечораларга икки минг қадар пўстин, жун чакмон, кўйлак-лозим, дўппи-телпак, кавш улашиб турган, деб ёзади Ғафур Ғулом ва Хоки Мусаллода ва у қурдирган биноларни: масжид, хонақо, мадраса, шифохона, кўприк, ҳаммом, карвонсарой, раста, бозор, тим, рабобларни 400 дан ошади, дея қайд этади.

Алишер Навоий бино этган "Унсия"да ўзи яшаган ва у срда мукаммал кутубхонани юзага келтирган. Бу кутубхонадан замоннинг барча илм ва санъат аҳли кенг фойдаланганлар. Албатта Алишер Навоийнинг буюк мақсадларидан бири илм, санъат ва адабиёти ривожлантириш, уни халққа яқин қилиш эди. Шу боисдан ҳам замонасининг олиму фозилларини, адибларини ўз атрофига уюштирди, уларга моддий ва маънавий ёрдамлар бериб турди.

Навоийнинг уйида деярли ҳар кун шоирлар, мунаққидлар, санъаткорлар, олимларнинг йиғилиши, улар ўртасидаги ижодий фикрлашув, муноқаша, мушоиралар ижод аҳлининг фикрий ўсишларига, қобилиятларининг ўткирлашувига катта таъсир этар эди. Навоий иқтидорли ёзувчиларни, санъаткорларни қимматли ҳадялар билан мукофотлар эди. Восифийнинг "Бадойиул-вақоё"сида таърифлаган воқеаси фикримизга далил бўла олади, яъни Алишер замонасининг машҳур ҳажвчиси Абдулвосининг талантини тақдирлаб, уни 10 минг танга пул, зийнатли эгар-анжоми билан бир от, йигирма қават энг яхши мовутдан (суқурлотдан) қилинган чакмон билан мукофотлади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома"сида Навоийнинг кўп яхши нарсалар ихтиро қилганини сўзлаб, ҳар киши ҳар ишда бир нарса ижод қилса, у нарсаларнинг ривожланиши учун Алишерга нисбат берур эдилар, дейди. Жуда хўб ва яхши айтилган.

Биз Алишер Навоийнинг муборак таваллуд кунлари унинг халқпарварлиги, адолатпарварлиги, юртпарварлиги хусусида сўз юритишни жоиз топдик, у юртини беҳад ардоқлаган, элини жону дилидан суйган буюк инсондир.

Навоийё, эмасдур нася нақд била тенг,  
Беҳишт воизу пиргўҳау Ҳирот манго.

Ёхуд:

Яхшилар ичра ватан тутса Навоий не тонг,  
Кимики ёмонлар била бўлди, ёмон бўлдило,—

дейди. Навоийнинг ватанпарварлиги борасидаги қилган ишларини, юрти равнақи йўлидаги ҳимматини ўйлаб, у кишининг ўлмас сиймоси олдида минг бора таҳсинлар айтасан ва ҳозирги кунда қайси бир замондошнинг бирор арзирлик иш қилмай, кўкрак уриб иззатталаблигидан юрагингни ачинишга ўхшаган бир туйғу кемира бошлайди ва яна Навоийнинг беқайтариқ ҳикматлари кўз ўнгингда гавдаланади, шундай буюк инсонларнинг фарзанди эканингдан қалбингда ғурур, кўзларингда нур жилолана бошлайди. Минг бор таъзим Сизга, эй улуғ устоз!

Алишер Навоийга бағишловлар беҳад ва бешумордир:

— Сўз гулшанининг булбулигўёси Навоий,  
Маъни садафининг дурри яктоси Навоий.

Ҳам авжи фасоҳат уза шаҳбози маони,  
Ҳам кофи балоғат уза анқоси Навоий.

Ҳам баҳри латофат аро ғаввоси гуҳар ганж,  
Ҳам боғи назокат гули саҳроси Навоий.

Ҳам килки шакаррелигидан сўзлари ширин,  
Сўз шакарининг тўти шакархоси Навоий.

Чун "Ҳамса" анга рутбада беш ганжи ҳақойиқ,  
Девони муҳаббат маю мийноси Навоий.

Ёзганда магар килки қазо назмида отин,  
Ул номага дебочаи афзоси Навоий.

Назм аҳли жаҳон базмида юз минг, яна бешак,  
Ул зумра аро сарвари аълоси Навоий.

Сўз шаҳдига бермади мундоқ киши зийнат,  
Маъни юзининг ошиқи шайдоси Навоий.

Дарҳақиқат, маъни юзининг ошиқи шайдоси бўлмиш Навоий, халқнинг миннатдорчилик дуосини олган, чуқур эъзозига, эътиқодига мушарраф бўлган, меҳру муқаббатини қозонган, ўзига тириклигидаёқ абадий ҳайкал яратиб кетган буюк даҳо, ўлмас сиймодир.

## ҲЕЙКАНИК

Қаддини расо тутиб кириб келаётган Исломхўжани кўриб Феруз негадир асабийлашди. Аравача жиқирлашидан унинг кайфиятини бузилганини сезиш қийин эмас эди.

Йўқ, асло, касалмандлигининг аравачада арз сўраб ўтиргани учун эмас, ахир касалманд бўлсаям хон-хон, қаддини минг расо тутсаям вазир-вазир, барибир эгилмай иложи йўқ. Ҳозир Феруз бағрини бошқа бир алам тирнаб ўтди. Ожизлик... Ожизлик унинг кўнгилчанлиги, аркони давлатга сўнгги вақтларда ён босишининг нишонасимикан? Ҳозир-ку бир ҳисобдан кечиримлидир, лекин соғу саломат даврида ҳам қилган кўнгилчанликларини қандай баҳолаш лозим? Нега ўшанда Исломхўжа раъйини қайтара олмади? Бу мубҳам, иштибоҳли андишаларига таскин топиш учун биррав Исломхўжанинг ишбилармонлиги, қолаверса қудандачилиги, унга кўпроқ ишонганлигини кўз олдига келтирмоқчи бўлди, лекин қониқмади.

Исломхўжа бошини сал эгиб салом берди. Феруз бадтар эзилди, шайтон уни ожизликнинг янада машъум қаърига торта бошлади ва у ўзини энгиш учун гавдасин хиёл ростламоқчи бўлиб силкинган эди, кўкраги кечагига қараганда энгилроқ кўтарилдиким, нурсиз кўзида бир зумда зиндалик чўғи ялт этгандай ва олам лаҳзада нурафшонлик касб этиб, кўз ўнги ёришгандай бўлди.

Хон Исломхўжанинг саломига беписандлик ила алик оларкан, ўзини яна мағрур ҳукмдордай ҳис этди ва ўшанда қилган уятли хатосини вақтида тузатганидан қалбига бир зум оройиш инди. У Мамат маҳрамга "ичкарига олиб кир" ишорасини қилдиким, Исломхўжанинг айтмоқчи бўлган гапи бўғзида қолганини сезди, баҳорнинг нафис эпкиннидай ҳузурбахш илиқликдан тани-бадани роҳатланиб, бор вужудини яшаш иштиёқи қамради. Ичкарига киргач, ўзини холи қолдиришга амр қилди.

Феруз ҳорғин миясидаги жонланишдан аввал роҳатланди, сўнгра бу бардамликни ҳаяжонга йўйди ва бирдан бу янглиғ хуш тасодиф эшоннинг кароматиданми-кан деган фикр оромини бузди.

Ажабо, нечоғ тилсимий бу дунё! Агар шундан кейин туш кўрмаганида эшонни яна Хивага қайтарармиди? Балки... туш эшон нафасининг ҳосиласидир. Шу вақтда бир оғиз "қўй, менга тегма, қариган чоғимда дарбадар, беватан бўлмай" демади-я! Аксинча, "Хоннинг амри вожиб, уни бажармаган банда кофир, хотини учталоқ" деди. Мен осий банда, эшоннинг айби бунча кўп эканки, дарров рози бўлди деб такаббурлик қилдим. Албатта, бунда Исломхўжанинг гуноҳи беқиёсдур. "Индамасангиз бу эшонлар танглайнмизда бағдош қуради, Эшонни Хивадан ҳайдамасангиз салтанат обрўсига путур етади, аркони давлат безътибор бўлади", деб васваса қилди. Лекин Исломхўжа уламолар орасида безътибор бўлишига ўзи сабабчи эканини тан олганида, балки бу хатолиғ мендан ўтмаган бўлур дея хон яна асабийлаша бошлади. Ўзи воқеа нимадан бошланган эди?

Исломхўжа бир сафар жума номозига кечикиб қолади. У жумамасжид олдида қўш от қўшилган аравасидан савлат тўкиб тушади-да, уламоларнинг устини босқилаб, меҳроб томон шаҳд билан келаверади. Ваъзхонлик қилиб турган жумамасжид вонзи Муҳаммад Юсуф ҳожи эшон Исломхўжанинг бу янглиғ беписандилигидан ғазабланиб, уни масжиднинг ўртасида тўхтатади:

— Тўхтанг, Хўжам! Қайтинг орқангизга! Бу не беписандлик?!

Исломхўжа бошига совуқ сув қуйилгандай таққа тўхтайди ва хато эшитмадиммикан деган тусмол ила уёқ-буёққа аланглайди.

Юсуф ҳожи эшон Исломхўжа эшитмадиммакан деб овозини қаҳрли баландлатди:

— Исломхўжа! Орқангга қайт дедим сенга, эшитмадингми?— Эшоннинг ўзига хос бўлмаган алфозда сенсирашидан Исломхўжанинг ўрислар таълимотини тарғиб қилиб юрганига ишорани ҳамма тушунди,— Орқангга қайт!

Шундай ҳам сокин масжид саҳнига оғир жимлик чўкди. Уламоларнинг нафас олишлари эшитила бошлади. Исломхўжанинг қулоқлари шолғомдай қизарди. У шаҳд билан орқасига қайтдию тўғри хоннинг ҳузурига келди.

— Тақсир, сизнинг хонлигингизда кўришимиз хўрлик, эшитишимиз ҳақорат бўлғайму?

Исломхўжанинг бу тақлид осмондан тараша ташлагандай қўрс гапириши хонга ёқмади.

— Тушунтириброқ гапир, не гап?— қовоғини уйди хон.

— Юсуф ҳожи эшон масжиддан ҳайдади, кўр-кўрона жамики уламолар ўртасида беобрў қилди мени, ҳазратим,— сал тин олиб, таҳқирланган алфозда Исломхўжа давом этди.— Мени беобрў қилиши салтанатни беобрў қилгани эмасму?

— Бу не ғалтинг гап? Нега ҳайдайди?— жаҳл билан овозини кўтарди Феруз.

— Сал кечикканим дастак бўлди унга, ўрисларга ён босишимни юзимга солмаса ҳам,— йиғламасдан бери бўлди Исломхўжа,— бир-икки эшитдим, у мени ўрисларга сотилган, таъзирини бераман деб юрган экан. Бугун баҳона топилию ўчини олди, заҳрини сочди. Ахир ўрислар таълимотини тарғиб этиш боргоҳнинг сиёсати-ку! Боргоҳ сиёсатин оёқ ости қилишга не ҳаққи бор унинг?

Исломхўжа, бу гапларга не дейсиз, дегандай хоннинг оғзига қаради.

Эл-юртда, фуқаро орасида нуфузи ниҳоятда баланд бўлган Феруз бир лаҳза саросимага тушди. Эшонни жазолашга амр қилмоқчи бўлдию лекин унинг ислом оламидаги обрўсини ўйлаб андишага борди.

— Исломбой, эшон билан ярашмоғинг даркор.

— Нечун бу не сиёсат?..

— Ярашмоғинг даркор,— унинг сўзини ўйчан бўлди Феруз,— эшоннинг нафаси ўткир, салтанатимизнинг бир улкан ўраси<sup>1</sup>, олим киши, шунинг учун ҳам жами уламолар унинг оғзига қарайди,— бирпас сукут қилди-да, давом этди,— кечқурун сарпо юборгин уйига, иззатини баланд тут.

Исломхўжага хоннинг гапи ёқмаган эрсада, хон амрини бажаришга мажбур. У Ферузни тadbирли, узоқни кўрабиладиган хон эканига кўп марта ишонч ҳосил қилгани учун ҳам қизишмасдан берган муросаи маслаҳатига рўйхушлик билдирди. Дарҳақиқат, Хива салтанати, билимдон уламоларию фозил-фузалолари, улкан шоирларининг олам аро мавқеи баландлигидан маҳобатлидур. Майли, яраш бўлса, яраш!

Исломхўжа шу таскинда кечга яқин бир қўчқор, бир қоп гуруч, эшонга ярашиқли сарпо билан ички бир маҳрамини Юсуф ҳожи эшонникига юборди.

1 Ўра — устун (*шева*).



Қопини Юсуф ҳожи эшоннинг ўзлари очганидан маҳрамнинг вужудига титроқ тушиб, биррав довдираб қолади.

— Нима гап? Нови булар? Ким бериб юборди?— Эшоннинг ўсиқ қошлари остидан йитди боққан чўғли кўзларига дош беролмаган маҳрам ерга қараб, аста:

— Хўжам бериб юбордилар,— дейди.

— Олиб боринг хўжангизга, мен у кишининг садақасига зор эрмасмен. Хўжангизга айтинг, худодан қўрқсин.

Юсуф ҳожи эшон бошқа сўз айтмай, қопини ёпиб, ўзини ичкарига олди.

Исломхўжа учун бундан ортиқ ҳақорат йўқ эди. У эрталаб хон ҳузурига келганида кўзларига қон тўлган эди.

— Шундайму?— деб сўради Исломхўжанинг қаҳрли нидосини эшитган хон ва сал сукутдан сўнг,— бўпти, Юсуф ҳожи эшон билан ўзим гаплашаман,— деди.

Исломхўжа бошқа бир сўз демай, бошини қуйи эгганича чиқиб кетди.

Феруз пешин номозидан сўнг Юсуф ҳожи эшонни ўз ҳузурига олди.

Салом-алиқдан кейин, ҳол-аҳвол сўрашишди ҳамки уларнинг гапи сира қовушмади. Дунё кезган донишманд, табаррук устодини, ҳа-ҳа, устодини, чунки у Огаҳий тарбиясини олгани билан ҳам, замонасининг ҳассос шоири Муҳаммад Юсуф ҳожи эшон — Дойини ўзига устод биладиган одамни Хивадан бадарға қилиш хусусида гап бошлаш хон учун нақадар оғир эди.

Юсуф ҳожи эшон хонни ортиқ қийнашни ўзига эп кўрмади.

— Қисинманг, хон ҳазрат, икки ой чиданг, икки ойдан сўнг ҳаж сафарига жўнайдилар, амр этмасангиз ҳам кетаман, бутунлай кетаман. Сизнинг кўнглингиздаги ҳукми бажариш бурчимиз, токим хон амрини бажармаган кимса ўзи кофир, хотини учталоқдур.

Феруз ялт этиб Юсуф ҳожи эшонга қаради. У фикридан қайтиб оғиз жуфтлаган эди, эшон ризолик аломати бирлан қўлини кўтарди...

Ҳозир ҳам эшоннинг шу сафарги мискин ҳолати кўз ўнгида намоён бўлдию, Феруз оғир тин олди. Ҳорғинлаб, ҳолдан тоя бошлади. Олисан Дойининг товуши келгандай бўлди.

Анинг кажравлигиндин бир асар булдулки, нодонлар Муаззаздур, ҳабибуллоҳ, донолар муҳаққардур.

Эшоннинг она тупроғидан қувилгани — таҳқирлангани эмасму?!

Феруз яна ўзини қийнай бошлади. Нега бу янглиғ бағри қаттиқлик қилганини сабабини излаб кўрди, поёнига етмади. Ушанда "йўқ, кўнглимда сиз учин у қадар оғир жазо йўқ" дейлмади, ҳақиқатдан тонолмади. Эшоннинг иқтидорига, ҳиссиётига иймон келтирдию, фикридан қайтмади, иккиланишига эса эшоннинг ўзи йўл қўймади.

Юсуф ҳожи эшон ҳажчилар билан жўнаб, Хивани буткул тарк этди. Хоннинг юрагида айрилиқ оғриғи билан бирга ғулғулага ўхшаган нохуш кайфият вужудини кўп вақт тарк этмади ва оғир ана шу нохушлик унинг борлиғига вақти-вақти билан титроқ солиб турди. Айниқса, бир оқшомги тушидан кейин юрагидаги ғулу янада авжланди. Хоннинг туши даҳшатли эди. Тушида бир шер, баҳайбат бир шер, уни тишида тишлаб ётоғидан олиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Шу пайт эшик олдида Юсуф ҳожи эшон пайдо бўлдилар ва шернинг йўлини тўсдилар-да, қатъиятлик билан:

— Ташла,— дедилар. Хон эшоннинг овозини аниқ эшитди. Шер хонни оғзидан ташлаб чиқиб кетдию, Юсуф ҳожи эшон ҳам ғойиб бўлдилар. Хон кўрқув аралаш сесканиб уйғонди. Ҳали тонг оқаришига анча бор, лекин хон қайтиб ухламади.

Тонг отиши билан Феруз уламоларни, туш йўрадиғанларни Аркка йиғди. Анча кўнгил кўтарар гаплардан кейин Абдумўмин эшон:

— Хон ҳазратлари, Матюсуф ҳожи эшонимиз сизни бир балои қазодан хўп асрабдилар, раҳмат у кишига,— деди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Абдумўмин эшон ўзи давом этди,— Асли Матюсуф ҳожи эшонимиз кўзи очиқ авлиёлар...

Барча тарқалгандан кейин ҳам Абдумўмин эшоннинг бу сўзлари Ферузнинг миёсида айланаверди, айланаверди. Юсуф ҳожи эшонни Хивага қайтариш лозимлигини у илк бор кўнглига туйди.

Шу аснода бир неча вақт ўтди. Вақт тезоқар дарё, бирпасда қанча сувлар оқиб ўтади.

Шу орада Феруз яна бир ғаройиб туш кўради. Бу сафарги тушида Юсуф ҳожи эшон қўлидаги бир даста калитни кўрсатиб:

— Сенга йўқ, бу калитлардан сенга йўқ,— деди.

Феруз қўлларини эшон томон узатганча уйғониб кетади. У уйғониб ҳам анча эслаб ётди, эшон билан гапла-

шишга уриниб кўрди, уни чиқмади, калитга талпинди негадир, бироқ мажולי етмади. Юсуф ҳожи эшон яна калитларга ишора қилдилар-да, кўздан ғойиб бўлдилар.

Эртасига туш йўриш вақтида Абдумўмин эшон орзиқиш ва армон билан нидо этди:

— Жаннатнинг калитлари эшонимизнинг қўлларида эканда, вой-бўй!..

Абдумўмин эшоннинг бу башоратомуз сўзлари Ферузни оғир ўйга толдирди ва "кўзи очиқ авлиёни" тезроқ Хивага қайтариш иштиёқи юрагини жунбушга келтирди, лекин одам юборсам келармиканлар, мени кечирармиканлар деган андиша оромини бузди.

Бекор андиша қилган экан, Юсуф ҳожи эшон яна бағри кенглик қилиб, хоннинг амри вожиб дегану йўлга тушаверган. Уни кўзларида севинч ёшлари билан Хивага олиб қайтдилар ва тўғри уйига ҳам туширмай боргоҳга, хон ҳузурига олиб келдилар.

Юсуф ҳожи эшон хонни бағрига соғинч туйғуси билан узоқ босиб турди. Бундан ийиб кетган хон анча суҳбатлашганларидан кейин:

— Мана муҳр, устод, олинг, ёнимда бўлинг, хонликни бирга сўрағали,— деди.

— Йўқ, хон, муҳрни бошқаларга, иштиёқмандларга беринг, мен муҳрни олсам, жиловингиз қўлимда бўлади,— мийғида кулдилар эшон,— худо кўрсатмасин...

Бу жумоқли сўзларига хон ташбеҳ излаб уринмасин дея қўшиб қўйди:

— Муҳр қувватли нарса, мени масжидда тинч қўйсангиз ҳам бўлаверади, ҳей-вўй...

Пири устоди рози бўлса бас — Хон рози бўлди.

Ёпирай, ёпирай, ҳозир устоди оғир хаста, бориб кўришга эса мажולי йўқ. Водариг! Тахт бор, мажол йўқ! Феруз кўзларини аста очиб уёқ-буёққа разм солди, ҳеч бир шарпа сезмагач, бармоқларининг учи билан намланган киприкларини секин-оҳиста сийпалади.

Ҳей, ўтдинг-ку, дунё! Ҳей! Тўхта-тўхта, нега Юсуф ҳожи эшон "ҳей" деб кўп айтадилар, Полвонёни — Ҳейканик, эски номи Ҳейканик дейдилар...

Сиёвушга, Кайковуснинг ўғли Сиёвушга боғлайдилар, Сиёвушни Сиёваш — қорапаранг, қорамағиз, беқиёс ҳусн соҳибни дейдилар. Эшонимизнинг суҳбатига бир марта мушарраф бўлган одам бир умр ҳам ёдидан чиқармас. У киши Сиёвушни Хоразмшоҳларнинг аждоди дедилар ва алхусус шундай экан, Ҳей-Қай, Кан-Чашма. Қай эса по-

дшо, демак Ҳайканик — подшонинг чашмачасидир. Қадим подшолар чашмаси Хивада бўлиши ажаб тарих... Эшонимиз айтмиш ана шу узоқ тарих силсиласида шу чашмалардан сув ичган, сувидан элни баҳраманд этган бизнинг номимиз ҳам унут бўлмас... Ахир не-не боғлар яратдик шу чашмадан, шу сувдан, ис-не ташна толибларга илм бердик қуриб мадраса. Шу боис шояд карим унутғайлар айрим саҳву хатоимизни...

Бехос миясига келган бу дилкушо фикрдан Ферузнинг руҳияти тиниқлашди ва кўзини хиёл очиб, мулозимларга сас берди...

## ЛАНГАР

Энг маҳобатли, муҳташам чинор ҳам уруғдан унади, юксалади. Ерга тушган уруғнинг бу янглиғ кўркам ва улкан бўлиб ўсиши, чуқур илдиз ташлаши, албатта, тупроқнинг кучига, унинг унумдорлигига бағоят боғлиқдир.

Бу мантиқ ҳар бир миллатнинг, ҳар бир давлатнинг равнақига, ривожига дахлдор. Бугунги кунда янада юқорилаб шохалашимизга, кенг барг ёзишимизга сабаб — бизнинг неча минг йиллик илдизимиз борлиги ва унинг бақувватлигидандур. Биз муқаддас илдизларимизни эъзоллашимиз, қадримизни улуғлашимиз, миллат сифатида ўзлигимизни танишимиз сари ташлаётган қадамимиз ҳосиласи бугун ўзга бир чиройда, нурафшон сиймоларда намоён бўлмоқда.

Бақувват илдизларимиздан бири, файласуф шоир Паҳлавон Маҳмуд ана шу азиз силсилада муносиб ўринга эга.

Паҳлавон Маҳмуднинг асрлар давомида авлиё деб тан олинмишида муқаддас бир туйғу бор. Бу туйғуни узоқ вақт англашимизга, тан олишимизга тўсиқ бўлиб келган нарса, бу албатта, бизни беилдиз ўсишимизга ишонтирган мафкуранинг беаёв кураши натижаси. Ҳатто биз авлиёнинг луғавий маъноси билан ҳам қизиқиб кўришга жазм этмадик, негаки, даҳрийлик устун жамиятнинг маҳсули сифатида худониям тан олмадик. Худосизлар юртида худо дейишлик жамиятга яшаётган даврга қарата тош отиш билан баробар эди. Аммо мустақиллик шарофати туфайли авлиёю анбиёларни таний бошладик, Худони таний бошладик. Қарангки, авлиё дегани дўстлар дегани экан. Магарам авлиёуллоҳ дейилса, Худонинг яқин дўстлари, яқинлари тушунилади. Демак, азиз инсонлар бизларнинг дўстларимиз, авлиё, валилар экан.

Ҳали ҳозир ҳам Паҳлавон Маҳмудни эллик йилдан зиёдроқ давр кураш тушиб, елкаси ерга ерга тегмаган паҳлавон ва дидактик рубойлар ёзган бир шоир деб қарашлар йўқ эмас. Ваҳоланки, Паҳлавон Маҳмудни эл орасида азизу мукаррам этиб, абадиятга дахлдор этган нарса — унинг 1000 дан зиёд яратган фалсафий рубойларидур.

Бердим қаламимга сўз, тилим лол этдим,  
Орифману кўнглимда ажиб ҳол этдим.  
Сўз давлати султонлари таслим бўлди,  
Бу мулкни тафаккур ила ишғол этдим.

Сўз давлати беқиёс улкан мулк, бу мулкка эга бўлиш учун инсоннинг тафаккур кўлами бағоят кенг бўлмоғи даркор.

Паҳлавон Маҳмуд сўз давлати соҳиб бўлишдек юксак масъулиятни паҳлавончасига ўз гарданига ола билган чинакам тафаккур сарваридур. Унинг маънавий дунёсини бир қадар тушунишимизга асосли манба борким, унда шоир қалбининг мақсад ва моҳияти гўзал бир йўсинда, кучли эҳтирос билан ифодаланган. Бу манба Паҳлавон Маҳмуднинг рубойларидур. Шу ўринда бир нарсага алоҳида эътибор бериш зарур. Шоир яшаган давр руҳияти ва ҳолатини чуқур билмай туриб, рубойларда ифодаланган теран фалсафий хулосалар, ҳаётий ҳақиқатларни тўлиқ илғаб олиш қийин.

Чингиз босқини юртни хароб қилганидан кейин ҳам қарийиб бир асрдан кўпроқ вақт воҳа талон қилинди. Мислсиз фожеалар тўфондан кам эмас эди. Бунинг устига тўфонни Нуҳ ўзи тилаб олган бўлса, у шоир Ватанига ёвуз душман дастидан келди. Ватан ва халқ дарди билан тубандаги мисралар яралди:

Давр жаври-да кўп кўз йиғидан қон кўрдим,  
Офат барисин қўймади, обдон кўрдим.  
Нуҳ минг яшади, биргина тўфон кўрди,  
Мен бир яшадим ва мингта тўфон кўрдим.

Донишмандлар деганидек, даҳоларнинг шахсий ҳаёти бўлмайди. Зотан ўз дарди, ғами билан яшаган одам даҳолик мақомига етолмайди.

Умрнинг маънисини не, менга де,— дедим,  
Ё шаъм, ё чақмоқ, ёки парвона,— деди.

Дунёга умид боғласа кимки, не,— дедим,  
Ё маст, ё аҳмоқ, ёки девона,— деди.

Паҳлавон Маҳмуд ушбу рубойида инсон умрининг қадр-қиммати, мазмун-моҳиятини чуқур ифодалаган. Шамдек атрофга нур таратиб яшамоқ, ёки чақмоқдай бир чарақлаб сўнмоқ, ёхуд нурга талпиниб ўзини қурбон қилмоқ... Инсониятнинг тиниқ бир манзараси, хулоса эса ҳар кимнинг қалбида.

Биз бу пайтгача Паҳлавон Маҳмудни куч-қудрат ва назм истеъдодида таниб келдик. Агар рубойларини тиниқроқ таҳлил этиб кўрсак, унинг фақат ҳаёт сирларининг гини эмас, ўша пайтда кўпларга пинҳон фалак сирларинида чуқур билган олим эканидан ҳам огоҳ бўламиз. Ой нурининг омонатлигига беҳуда урғу бераётгани йўқ:

...Ҳеч ой каби олмасман омонат нурни,  
Оғтоб нуридек асл, ёниқ тилломан.

Ой ҳолатининг беқарорлиги, Қуёш ҳаракатининг барқарорлиги шоир фалсафасига асос қилинган.

Шоир яна бир рубойида теран бир ҳақиқатни баён қилади. Итларни буткул йўқотишнинг иложи йўқ. Демак, инсон ит тегса ҳам ҳаром бўлмайдиган дарё мақомига етмоғи керак. Шоирнинг бу даъвати кучли рағбат ва иштиёқ билан яшашга ундайди:

...Номард-ку бир ит, мард эса — дарёи муҳит,  
Ит тегса бу дарё ҳаром ҳаргиз бўлмас.

Шу пайтгача Паҳлавон Маҳмуд рубойлари бир томонлама таҳлил этилиб, унинг эътиқод илмига дахлдорлиги четлаб ўтилди, гоҳо давр имкониятига боғлаб талқин қилинди. Тубандаги рубойда вақт ва ўзлик тушунчалари чуқур маънога эга. Ўзликка етмоқ, ўзингни топмоқ инсоний комилликнинг етук поғонасидур. Вақт эса бу жабҳада тангри инъом этган энг буюк мулк, беназир имкониятдир.

Дўст бўлгали бир умрга доно танла,  
Ҳамда гўзал бир гули раъно танла.  
Бўлмаса гар айлама нобуд вақтинг,  
Ўзингни топ, ўзингни танҳо айла.

Паҳлавон Маҳмуднинг дунёқараши ҳаёт ҳақиқатларида жуда тиниқ ифодаланади. Гарчи бир қарашда сатрларда афсус-надомат баён қилинса-да, унинг асл хулосаси ёмонликка қарши кураш ва енгмоқ фалсафасидир.

Дунёнинг иши тўс-тўполон, жанг деб бил,  
Номарднингмас, марднинг иши танг деб бил.  
Дунёнинг иши бу — нард ўйинидан бадтар,  
Омадли эрур ҳийлаю найранг деб бил.

Ношукурлик ҳар недан ёмон дейди шоир:

Маҳмуд ношукурликка томон бўлса, ёмон,  
Ҳақ бергучида гар ҳақ тамом бўлса, ёмон.  
Айбламанингиз кимсани эскирса либос,  
Ҳар нски либос ичра ёмон бўлса, ёмон.

Забардаст шоир, мард паҳлавон, алломаи мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд 81 йил умр кўрди, 645 ҳижрийда (1247-1248) туғилиб, 727 ҳажрийда (1327-1328) Хивада вафот этди.

Ҳаётлигидаёқ элу юрт эътиқодига, одамлар эъзозига мушарраф бўлган бу олий зотнинг таваллудига мана 750 йилдан ошдиким, одамлар унинг пойи қадамига зиёратга келадилар, юкинадилар.

Паҳлавон Маҳмуднинг туғилиши ва ҳаёти билан жуда кўп кароматли ривоятлар мавжуд, бу ҳам бежиз эмас. У ўзи айтмоқчи,

Кимга назар тушса — муқаддас бўлғай,  
Қолса назардан — назари паст бўлғай.

Ривоятларнинг бири Хивани бунёд этилиши билан боғлиқ. Бу ривоятни Нуҳ паайғамбар номи билан боғлайдилар, яъни пайғамбарнинг ўғли Сом тушида машъала ёққан одамларни кўради ва ўзи ухлаган қум устида худди тушида кўрган машъалалар тартибида мавзё қуради. Шунда отаси:

— Ўғлим, мавзёни кемага ўхшатиб қурибсан, ахир бу қум устида чайқалиб туради-ку, — дейди.

Шунда Сом:

— Дунёга лангари ҳам келади, — деган экан.

Ана шу лангар Паҳлавон Маҳмуд сиймосида дунёга келган дейди ровийлар. Дарҳақиқат, Паҳлавон Маҳмуд номи билан боғлиқ ҳикоятларда мардлик ва эзгулик



туйғулари уфуриб туради. Уни Полвон Ота, Полвон Пир деб аташларида ҳам катта ҳурмат ва эътиқод бор.

Чингизхон билан элу юрт учун бўлган ҳаёт-мамонт жангларидида ҳалок бўлган юртдошлари хотирасига бағишлаб барпо этган ёдгорлик қабристони, то умрининг охирига қадар елкаси ерга тегмаган паҳлавон, донишманд туфайли элнинг оройиш топиши, унга орқа этиб одамларнинг қадди расо яшаши ҳазратнинг лангарлигидан далолат эмасми?

Неча-неча тўфонда юрт чайқалди,  
Неча-неча ёқилди, кўп чақилди.  
Ахир Эгам назарини қаратди,  
Лангар этиб Полвон Пирни яратди.

Бу дунё тилсимлари беададурким, лол қолмай иложинг йўқ. Даврлар ўтгач, тириклигида хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо, ким бўлсаям қариндош-уруғидан бирорта суянчиғи қолмайди, лекин вақти келиб, Оллоҳ таоло авлодларнинг пешқадамлари юрагига буюк бобокалонларини хотирлашни, улар руҳини шод этишни, номларини абадийлаштиришни солади ва юз, икки юз, минг йиллардан кейин олис юлдузларимиз яна равшанлашиб, пок нурлари ила элу юртимизга файз бағишлайдилар. Улар тириклик чоғларида ҳам порлаганлар, абадиятга айланишлари учун яратган Эгам уларга ақлу идрок, куч-қудрат ва илоҳий ҳиммат ато этганким, неча-неча алғов-далғовлар, неча-неча тўфонлар ўтса ҳам тарих саҳифаларидан ўчиб кетмайдилар.

Яна бир мўжиза буюк алломаларни тирилтириш, улуғлаш учун вақти-вақти билан пешқадам кароматли одамларнинг яралишидир.

Ҳазрат Алишер Навоий асарлари вафотидан кейин қарийиб тўрт асрдан зиёд даврдан кейин улкан маърифат соҳиби Муҳаммад Раҳимхон Соний Феруз амри ила Хивада тошбосмада чоп этилди ва яна 50-60 йилдан сўнг назм султонининг беш юз йиллиги нишонланди. Ҳатто иккинчи жаҳон уруши ҳам бу муборак санага тўсқинлик қилолмади. Қамалдаги Петербургдаям Навоийхонлик ўтказилган. Навоийга бағишлаб шеърлар, қасидалар, пиесалар, роману қиссалар яралди, театру кинода жонланди ҳазрат.

Урушнинг айни авж палласида Тошкентда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг, Муқимий номидаги театрнинг қад кўтариши мўъжаз эмасми?

Турон заминини бир туғ остига бирлаштирган забардаст бобомиз Амир Темур элимизга 600 йиллардан кейин қайт-

ди ва бир табаррук инсон туфайли орамизда жонланди, яна от минди.

Паҳлавон Маҳмудни Хиванинг Абулғозидан кейинги маърифатли хони Муҳаммад Раҳимхон I улуглади, мақбарасини Пирнинг вафотидан қарийиб 500 йилдан сўнг қурдирди ва унинг ўғли Оллоқулихон шоирнинг қабрини маҳобатли зиёратгоҳга айлантирди.

Паҳлавон Маҳмудни эъозлаган Муҳаммад Раҳимхон I нинг, Алишер Навоийни турон заминиди тирилтирган Ферузнинг, Усмон Юсуповнинг, Нақшбанду Ат-Термизий, Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавию бошқа алломаларнинг муборак таваллуд тўйларини ўтказишга бош-қош бўлган, Соҳибқирон Амир Темурнинг букун янглиғ улугланиши учун юртибошимиз Ислоҳ Каримовнинг яралишида ҳам каромат йўқмикан? Булар ҳам юртга лангар этиб яралмаганмиканлар? Тилсим ила яралган бу дунёнинг сир-синоти бисёр, буёғи яратганга аён.

Қайтариш ножоиз бўлса ҳам, буюк боболаримиз илоҳий инсонлар бўлиб яралганларига шак келтириб бўлмайдӣ, негаки 2-2,5 йилда 27 минг байтдан зиёдроқ "Хамса"ни дунёга келтириш учун Алишер Навоийни илоҳий бўлиши керак деган ўйга қандай бормайсиз?

Ҳар қайси бир тўлиқ фалсафий асар бўлмиш 1000 дан ортиқ рубоийлар битган, элик йилдан зиёд куршага тушиб елкаси ерга тегмаган, Ҳиндистонда кўрсатган мардлиги эвазига беҳисоб асирда бўлган ватандошларини Хивага олиб келган Паҳлавон Маҳмуднинг лангар этиб яралганига бугунги кунда ким шубҳа қила олади?

Бутун турк миллатини бир туғ остига бирлаштирган жаҳонга машҳур, мард бобомиз Соҳибқирон Амир Темур тўғрисида яратилган асарларнинг беҳисоблиги-чи? Шу бонисдан, буюк аждодларни ўз даврида эъозлаган ва бугунги кунда бошларига кўтараётган инсонлар сарварини давримиз учун, мустақил элимиз учун лангар этиб яралганига шукроналар айтмоғимиз даркор.

Юқориди таъкидлаганимиздек, буюк алломаларимиз, албатта, тириклик чоғларида одамлар меҳрини қозонганлар, юртга зиё бахшида этганлар. Улардан ўз замонасида айрилиш беқиёс катта йўқотиш бўлганига ёзиб қолдирилган тарихлар гувоҳ.

Алишер Навоий вафотига кўплаб тарихлар битилган-ким, ҳар қайси ҳазратнинг нечоғлик улуг илоҳий инсон бўлганини шундай кўз ўнгингизда намоён этади.

Ҳазрат Навоийнинг шогирди, машҳур тарихчи Хондамир ўзининг "Макоримул ахлоқ" ("Яхши хулқлар")

асарида шундай ёзади: "Фозиллар пешвоси Мир Мунший лақабли Сайид Раҳматулло у хайрот ишлари эгасининг (Алишер Навоийнинг — К. А.) ёшлари сони қадар олти-миш иккита тарих топган. Яширин қолмасинким, давлатли Олий ҳазратнинг тарихи ва марсияси ҳақида замон шоирлари ва фозиллари томонидан жуда кўп қитъа ва қасидалар айтилаган. Аммо бу фақир сўз узайиб кетишидан андиша қилиб, улардан фақат шу қадарингина келтириш билан кифояланиб, китобни қисқартдим"...

Тубанда Хондамир келтирган тарихлар уч-тўртта бўлсаям ҳайратли ва ҳаваслидур. Ҳайратлилиги араб алифбосининг абжад ҳисобида ноёб фикрларни тўғри ҳисобларда баён этиш, ҳаваслиси Навоийга бўлган эътиқод, эҳтиромнинг юксаклигида.

Мударрис Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий:

Он қутби замонда чун бирафт аз олам,  
Тарих шуд онки, "қутби ақтоб бирафт,"—

дейди, яъни замона валиси оламдан кетгач, "қутби ақтоб бирафт" (қутбларнинг қутби кетди) жумласи вафоти тарихи бўлди, абжад ҳисобида *مطب انطاب برنت* 906 чиқади. Ҳижрий 906 йил-мелодий 1501 йилдир.

Фасоҳат эгаси ва балоғат манбаи жаноби Мавлоно Фасиҳиддин Соҳибдор таънинг нозиклиги билан ул ҳазрат (А. Навоий) мулозимлари ичида мумтоз ва мустаснолик шарафига эга эди, у киши бу тарихни айтди:

Афсус зи мири осмон қадр,  
Кафтод ниҳоли умраш аз бех.  
Дар мотами ў-чу дида хун мерехт,  
"Хун резийи дийда" гашт тарих.

яъни, афсуски, осмон қадрли Амир умирининг дарахти томири билан йиқилди. Унинг мотамида кўз қон тўкканидан "Хун резий дийда" (*خونریزی دیدہ*) вафот тарихи бўлди-906.

Ул ҳазратнинг ўз тенгқурлари орасида ортиқ даражада яқинлик билан мумтоз бўлган табиблар зубдаси Мавлоно Дарвиш Али бу назми айтган:

Дар мотами он қидваи арбоби вусул,  
Абнойи замон шоҳу гадо гашта малул,

Ҳижрат барасул қард он сайиди қавм,  
Тарихи вафоти ўст "ҳижрат барасул."

яъни, у ҳақиқа етишганлар пешвоси мотами билан шоҳдан тортиб гадогача, барча одамлар хафаланди. У қавм сайиди пайғамбар олдиға ҳижрат қилди. Шунинг учун "Ҳижрат барасул" (هجرت برسول) вафоти тарихи бўлди — 906.

Ушбу битикнинг ёзилиш сабабчиси бўлмиш Паҳлавон Маҳмуд вафотига айтилган тарихда ажиб бир тилсим бор, негаки, ҳазрати Пирнинг таваллуди Хивада бўлиши, ойю куни яқинлашган ҳомилани кўтариб Кўҳна Урганчдан келишда бир қаромат туйсанг, унинг вафотига айтилган тарихда яна бир қаромат кўради одам.

Хейвақ (خېواق) абжад ҳисобида ҳижрий 727 йил, мелодий 1327-1328 Паҳлавон маҳмуднинг вафот этган йилидир. Пирнинг вафотига минг бор ғам чекиб "Пир оламдан кетди — ҳей-вақ" деб оқ урган элдошларининг нидоси бугун ҳам олис мозийдан келиб тургандай. Хейвақни, Хевақ, Хева, Хива бўлиши ажабланарли эмас, албатта. Аммо, Пирнинг вафоти билан бугунги кунда 2500 йиллиги нишонланаётган Хиванинг муштараклигида улкан тилсим кўрамиз ва олийҳиммат Пир бобомизнинг лангар этиб яратилганига яна бир бора иймон келтирамиз.

Яқинда ёзувчи Неъмат Солаев Паҳлавон Маҳмуднинг Ҳожихон Болтаевдан эшитган бир рубойисини берди, баҳоли қудрат таржима этдим:

Оташба зимистон зи гули саври беҳ,  
Як парча намат ки атласи Румий беҳ.  
Бешнав суҳани Маҳмуди Пирёрвали,  
Аз одами беҳайри саки лўли беҳ.

яъни:

Баҳор гулидин қишнинг ўти афзал,  
Рим атласидан парча намати афзал.  
Эшит Маҳмуд Пирёрвали сўзини,  
Беҳайрдан лўлининг ити афзал.

Беҳимматлилик беҳайр лўлининг итидан ҳам ёмон дейиш учун битик соҳибининг меҳри дарё, юраги уммон, салоҳияти кўк қадар юксак бўлмоғи даркор.

Олийҳиммат, файласуф шоир Паҳлавон Маҳмуд ибн Пирёрвали бобомизнинг порлоқ сиймоси озод юртимиз осмонида пурнур, пурзиё бўлаверсин, омин!

## "ГАРЧИ ЭРУРМАН ТОЛЕЪИ ФЕРУЗ"

"Ферузким шоҳаншо доно эрур,  
Фазилатда суҳандон эрур,  
Ёзиб неча турлик абётлар,  
Битиб неча хил ашъорлар,  
Шаҳи адл хисравидин пано,  
Фалак тахт меҳру анфар анжум сифо  
Қуёшдек сафоси жаҳонгирдур,  
Ки васфида ажз ичра таҳрирдур.

**ФЕРУЗКИМ, МУҲАММАД РАҲИМХОН СОНИЙДУР.**  
Ул отаси Сайид Муҳаммадхон тарихи ҳижрий бир минг икки юз дағи саксон биринчи йили охират бўстониға сафар қилганидан кейин, Муҳаммад Раҳимхон ота мерос Хоразм тахтиға эғалик этиб, тахти жулус қилган. Ул Огаҳийдан шеър машқин таълим олиб, Феруз тахаллуси билан ҳар хил ишқий-мажозий ғазал, мухаммас, маснавий, мусаддас, мураббаълар ёзадур. Анинг замонида адабиётчи, шоир, ёзувчилар тараққий қилиб, оларға дағи тарбиялар қиладур. Феруздағи мусиқаға ҳаваскор бўлғонидин Комил Паҳлавон Мирзабошиға фармон қилиб, олти ярим мақом танбурға катта бир нота таълиф қиладир. Ферузнинг ҳузуринда доимий етти-саккиз нафар гўяндалар соз, танбур, гижжак, буломон машқ этиб ўлтурадурлар. Масалан: Муҳаммад Ёқуб харрот дсвон ва Муҳаммад Ёқуб позачи, Аваз дорчилар кабилар. Буломонға Қаландар дўнмас деган, Полвон сўта кабилар ҳамиша Феруз хизматиға тайин бўлганидек, бошқа сипойизодаларнинг баъзиларға дахл бўлмас эрдилар. Аммо Ферузнинг аҳволотини билмак истасангиз, албатта алардин маълумотлар олиб, Ферузнинг асроридин воқиф бўла билурсиз. Феруз замони адабиётчиларини кўрмак орзу қилсангиз, "Мажмуайи шуаро"ни томошайи назар қилсангиз, андин баҳра ола билурсиз. Бул саҳифада хулосаки қилиб ўтдик. Мақсад — Ферузнинг адабиёт шеърла-

ридин бир-икки газал намуна кўргазиб ўтмакчимиз. Аммо Феруз Хоразм тахтида 47 йил 8 ой 20 кун хонлик қилиб, охир умрида фалаж хасталигига мубтало бўлиб, 66 йил умр кўриб, тарихи мелодий бир минг тўққиз юз ўнинчи йил август ойининг ўн бешланжиси, сунбуланинг йигирма бирланжи куни — тарихи ҳижрий бир минг уч юз йигирма саккизланжиси мувофиқи ит йили моҳи шабоннинг йигирма бешланжиси душанба куни намози пешинда ушбу ёлғончи золим фалакдин юз дўндириб, бақо бўстонига сафар курсин сайидага киргузиб, беҳишти жовидонийга бориб манзил қиладур".

Биз юқорида мулла Ҳасан Мурод қори бин Муҳаммад Амин Хевақий Лаффасийнинг "Тазкирайи шуаро"сида Ферузга бағишланган саҳифани тўлиқ, ўзгартирмасдан келтирдик. Ушбу тазкирада келтирилган маълумотдан зиёдини Лаффасий ёзолмагани тушунарлидир (тазкира 1945 йили ёзилган). Бу қадар холисонилло ёзиш ҳам ўша даврга нисбатан мардлик ва журъатлиликка киради.

Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг асл исми Бобожон, яъни бобоси Муҳаммад Раҳимхон шарафига қўйилгандир. У 1863 йили отаси Сайид Муҳаммадхон вафотидан сўнг, 19 ёшида отамерос Хива тахтига ўтиради. Туронзаминнинг забардаст шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий Ферузни ёшлигидан ўз тарбиясига олади. Муҳаммад Юсуф Баёний ўзининг "Шажарайи Хоразмшоҳий" асарида Огаҳийнинг Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг тахга ўтиришига бағишлаб ёзган 92 байт мавъизасини (насиҳатини) келтиради.

Тарихнинг мураккаб даврида яшаб ҳукмдорлик этган, ижод билан шуғулланган Феруз ҳаётининг бешта асосий қирраси борким, буларсиз унинг шахсини тўлалигича кўз олдимизда гавдалантириш қийин.

**БИРИНЧИДАН.** XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ўзбек адабиёти равнақига ҳисса қўшган жуда катта адабий кучни Ферузсиз тасаввур этиш ўринсиз бўлади. Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Рожий, Холис, Равнақий, Нишотийлар қаторига қўшилган Баёний, Ҳабибий, Роғиб, Девоний, Мутриб, Аваз, Чокар, Султоний, Содиқ, Саъдий, Ғозий, Асад, Оқил, Шиносий, Фаррух, Комёб, Комрон, Ғуломий, Ходим ва бошқа элликдан зиёд тарихчию шоирлар, мутаржиму хаттотларнинг ўсиб, камол топишида Ферузнинг ҳиссаси беқиёсдир. Феруз ҳар бир иқтидорли ёшни ўзи танлаб, ўзи тарбия этгани хусусида ҳам жуда кўп воқеотлар мавжуд. Улғайиб, кейинчалик шоирларга ҳомийлик этган Аҳмаджон Табибийнинг саройга таклиф этилишини шоир

Ходим (Бобожон Тарроҳ) шундай хотирлайди: "Хоннинг кўнглига яхши гурунг эшитиш тушса, ёнбошлаб ётганича ўтирган вазирларидан бири номини айтиб: "Фалонкас, гурунг эт!"— деб буюрарди. Агар қонун бобида гурунг эшитишни хоҳласа, Толиб Махзумга мурожаат этилади, агар мақоми паст, шўх гапларни эшитишни истаса, Қаландар дўнмасга буйруқ қилинади. Ана шундай кунларнинг бирида хон Худойберди Махзумга: "Гурунг эт!"— деб хитоб қилди. Худойберди Махзум гурунг бошлади:

— Тақсир, чарчи саройида Али маҳрам деган чарчи (аттор)нинг Аҳмад деган бир ўғли бор, жуда уқувли, шоир йигит... Агар уни саройга олдириб, қандай ғазал ёзишни буйруқ қилсангиз, истаган ғазалингизни дарров ёзиб беради!

Бу гапни эшитган Феруз кичик Мамад маҳрамга буйруқ берди:

— Дарров бориб чарчи саройидан Аҳмад деган шоирни олдири! Худойберди Махзум сўзини синаб кўрамир.

— Хўп, жаноби олийлари,— деб Мамад маҳрам саройдан чиқиб кетди.

Орадан бирон соат ўтмай, Табибий қибла Тозабоққа, хон олдига кириб келди. Аҳмадjon Табибий ориқдан келган, кўса одам, юзида биронта ҳам туки йўқ эди. Буни кўрган Муҳаммад Раҳимхон Худойберди Махзумга караб:

— Ҳали бу бир ёш бола-ку,— деди.

— Тақсир бу ёш бола эмас, ёши боргон шоир шу. Қандай ғазал буюрсангиз, бирпасда ҳозир қилади.

— Майли, синаб кўрамир. Қани, шоир, "Шоҳим манга айлади хизматда дегил" мисрасига бир ғазал тирка!

Аҳмадjon Табибий Давлатгалди дўғма ёнида тик турганича, тўққиз байтдан иборат ғазални битди ва Давлатгалди дўғма қўлига икки қўллаб топширди. Давлатгалди дўғма эгилганича хон қўлига ғазални олиб борди. Феруз ғазални диққат билан ўқиб чиққач, юзида майин табассум пайдо бўлди:

— Худойберди Махзум, бу йигит шоир экан-ку, бу модаризод шоир экан-ку!— деди.

Мана шу воқеадан сўнг Аҳмадjon Табибий саройда қолиб, бу ердаги шоир ва олимларнинг пешқадам вакилига айланди".

Шоиру адабиёт аҳлига ҳомийлик этмоқ учун ҳукмдор авваламбор ўзи адабиётни тушунмоғи, уни суймоғи, ардоқламоғи лозим. Бу ҳусусда Муҳаммад Юсуф Баёний "Шажарайи Хоразмшоҳий" асарида шундай ёзади: "Хон

ҳазратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундан Феруз тахаллуси била мутахаллис бўлуб, шеър айтур эрдилар. Сўнгроқ шеърга кўпроқ ҳарис бўлдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоққа сахал қобилияти бўлса, навъи шеърларини айтиб даргоҳи олийга бора бердилар. Хон ҳазратлари ўз ғазалларидан юз ғазални шоирларга бериб буюрдилар: "Бунга пайравлик этиб, ғазал айтинглар". Шоирларнинг ҳар бири анга пайравлик этиб, юз ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Тибибийга амр этдилар, токим, улар ғазалларни маснавий зимнида жам қилиб, бир китоб этгай. Табибий фармони мужиби била амал қилиб, ул ғазалларни жамъ қилиб, ҳар ғазални ёзмоқчи бўлгонда, маснавий била ул ғазални айтгон ким эрканни баён этиб, ул китобга "Мажмуат уш-шуаро" от қўйилди. Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат қилуб, китобхонлик этдурар эрдилар. Андоғким, Юсуф Ҳожи Охунд ва Исмоилхўжа Охунд ва Худоберган охунд ва олиму улум маъқул ва манқулда мулло Муҳаммад Расул ва фақири ҳақир мажлиси ҳумоюнлариға ҳафтада икки мартаба ҳозир бўлиб, китобхонлик эта эрдук. Гоҳо домла Муҳаммад Расул била икковимиз кириб, суҳбати ҳумоюнларида китобхонлик бўлур эрди ва сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлик этарга тарғиб этар эдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар. "Анносун ало дини мулукаҳум"нинг муқтазосича, тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар. Андоғким, Навоий, алайҳурраҳма дебдулар, байт:

Шаҳ дарёву халқ эрур анҳор,  
Иккисининг суйиға бир маза бор...".

Бундан зиёд айтиб бўлмас!

**ИККИНЧИДАН.** Турон заминига жаҳон адабиёти ва тарихи дурдоналарининг келтирилиши, уларни туркийга ўгиртириб, Хивада қурилган тошбосмада чоп эттириши — Ферузнинг келажак авлодларга қолдирган бебаҳо ҳазина-сидир. У забардаст шоиру фузало, олиму илм аҳлига арабий ва форсийдан таржималар этиб, қасидаю ғазаллар битишни, девонлар тузишни топширади ва яқиндан ҳомийлик этади. Хонликнинг бириничи йилидаёқ устози Огаҳий унинг топшириғи билан Низомиддин "Табақоти Акбаршоҳий" асарини форсийдан ўзбек тилиги маҳорат билан ўгиради. Ўзининг даъватига кўра Огаҳий томонидан



таржима этилган "Қобуснома"ни қўлига олиб, кўзига суртар экан, хон шундай дейди:

— Минг таҳсин, устоз, ушбу таржимангиз ила авлодларимиз бу пандлардин баҳра олгай, токим бизнинг отимиз ва сизнинг сўзингиз олам инқирозигача замон авроқида боқий қолгай!

**ОГАҲИЙНИНГ ИЗДОШЛАРИ БЎЛМИШ** қатор тарихнавису таржимонлар Ферузнинг даъвати ва фармони ила арабий ва фарсидан туркийга ўгирганлар. Баёний шундай таърифлайди: "Фақирга китоби "Тарихи Табарий"ни форсий тилдан туркийга таржима этмак хизматини буюриб эрдилар. Шу сабабдин рукоби ҳумоюндан кета олмай, амри олийлари билан қолиб эрдим".

Ожиз — Худойберган Хавақий, "Мишкот ул-масобиҳ" асарининг III-IV жилдларини, "Канз ул-ибод фи шарҳ ил-аврод" ("Аврод тунги ибодат шарҳи тўғрисида") деган китобни, Хокий "Тарихи Комил"нинг еттинчи жилдини, Холис "Тарихи фаришта" асарининг бир қисмини, етук таржимонлар Муҳаммад Шариф маҳдум Руфъ Охунд билан ҳамкорликда Ал-Масъудийнинг "Мураввиж уз-зихоб ва маодин ул-жавоҳир" ("Олтин ва жавоҳир кони")асарини араб тилидан таржима этган. Холис яна хоразмлик машҳур олим Тоҳир Муҳаммад ибн Муҳаммад Тойинбий Хоразмийнинг "Силсилаи хўжағони нақшбандия" ("Нақшбандия хўжаларининг силсиласи") номли асарини таржима қилганлар. Таржима этилган асарлар ва таржимонлар рўйхатини яна давом эттиравериш мумкин. Мақсадимиз — ана шу катта ишлар бошида турган хон Феруз фаолиятининг бир қиррасига назар ташламоқ ва халқ мулки ҳисобланмиш нодир асарларни туркийга ўгиртириб, бебаҳо хазинанинг яратилишида унинг тутган ўрни нақадар буюк бўлганлигини айтишдир. Зеро, босмахона бўлмаса, фармойиш ила таржима қилинган китоблар кенг миқёсда дунё юзини кўрмасликлари мумкин эди. Шу боис ҳам, ишбилармон хон Феруз Туронзаминда — илк бор Хивада литографияни ташкил қилади. "Подшоҳи замон типлитографияси"нинг илк маҳсулоти Абу Наср Фаробийнинг "Нисоб ус-сабиён" ("Болалар насибаси") асаридир (1876 й.).

Ферузнинг буйруғига биноан 1880 йилда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достони, Шермуҳаммад Муниснинг "Мунис ул-ушшоқ" девони, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг "Таъвиз ул-ошиқин" девони, Комил Хоразмийнинг бешта девони, Комил Хоразмийнинг сўзбошиси билан Ёқубхужа ибн Иброҳимхўжанинг "Девони

Холис" тўплами, 1882 йилга келиб яна Алишер Навоий асарлари чоп этилади. Бу сафар Комил Хоразмийнинг сўзбошиси билан нашр этилган "Чор девон" ягона тўлиқ асар сифатида матбаачилик тарихида алоҳида ўрин тутди. Қисқа давр ичида Ўрта Осиё маданияти тарихида биринчи бўлиб ташкил этилган типлитографияда ўттиздан зиёд шоиру таржимонларнинг асарлари нашр қилинди. Улар бугун ва бундан кейин ҳам тадқиқотчиларимиз учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**УЧИНЧИДАН,** Ферузнинг маърифат ва маънавият, ободончилик ва қурилиш соҳасидаги сиёсати ҳам алоҳида таҳсинга лойиқдир. Баёний "Шажарайи Хоразмшоҳий" асарида шундай ёзади: "Маълум бўлсинки, хон ҳазратлари бағоят мушфиқ-фуқаро ва бағоят хайрдўст киши эрдилар. Кўп мадрасалар ва масжитлар бино қилдилар ва кўп мадрасаларнинг биноларига сабаб бўлдилар". Баёний мазкур асарда Феруз қурдирган мадраса ва масжидлар рўйхатини, шунингдек, хон тарғиби ва ташвиқи билан бошқа амалдор шахслар қурдирган мадраса ва бинолар рўйхатини ҳам келтириб ўтади.

Шундай қилиб, Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасул ўзларининг "Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати" асарида таъкидлаганларидек, асримиз бошларига келиб хонликда 130 мадраса, 1636 масжид бўлган. Мадрасаларда таҳсил оладиган муллаваччалар сони 2300 кишидан зиёд эди. Хонлик ҳудудида 1500 мактаб бўлиб, уларда йил давомида 45 мингдан зиёд талаба ўқиган. Демак, баъзи олимларнинг шу бугунги кунга қадар "Хива хонлигида бир-икки фоиз саводли кишилар бўлиб, булар ҳам буржуазия синфи вакилларидан иборат эди", деб такрорлаб келган фикрлари мутлақо асоссиз эканлигини кўрамиз.

Ферузнинг саъй-ҳаракатлари билан Туркиядан келган Ҳусайин Қўшасев деган муаллим ёшларга тарбия бера бошлайди. Унинг турмуш ўртоғи Комила Қўшаева 1906-1907 йилларда Урганчда очилган янги усул мактабида қизларни ўқитади. Феруз хонликда фаолият кўрсатаётган бу хил маърифат ўчоқларига жуда кўплаб ёрдам берган. Мана шу хилдаги саъй-ҳаракатлари билан илм-маърифатга кенг йўл очиб берган Феруз сиймоси ўта донишмандлиги билан кўз ўнгимизда гавдаланади.

**ТЎРТИНЧИДАН.** Соз илми ва гўяндачилик (мусиқа, айтим) борасидаги тутган йўли, унинг куюнчаклик ила Хоразм мақомларини тиклаш, сақлаш ва кейинги авлодларга тўла етказиб бериш учун қўлидан неки келса аяма-

ганлиги, санъат аҳлини рағбатлантиришининг ўзи ҳам Ферузни абадиятга дахлдор ҳукмдор сифатида намоён этиб турибди. Хоннинг ўзи ҳам мусиқашунос, ҳам шоир бўлиши давлат учун катта бахт эди. Соз илмидан бохабар бўлганлиги сабабли ўнинг ғазаллари ўйноқи ва куйларга мосдир:

Соз айлагил субҳу масо, гаҳ "Рост" чертиб, гаҳ "Наво",  
"Дугоҳ"у "Сегоҳ"у "Сабро" ҳар бирисидур ғамзудо,  
Раҳм этмайин ул дилрабо айлар эди нозу адо,  
Ҳижрони ичра борҳо тортар эдинг ранжу ано,  
Бу дам тутуб расми вафо шўхи ситамкорининг келур.

Феруз қаттиққўл хон бўлиши билан бирга, санъатни, мусиқани жуда чуқур тушунувчи, иззатловчи бағри кенг инсон эди. Унинг созга, созанда аҳлига бўлган ҳурмат ва эътиборини кўрсатувчи жуда кўплаб нақллар ҳозиргача халқнинг оғзидан тушмайди. Хоразм халқи хон саройида хазмат қилган санъат аҳли — Матёқуб дўнмас, Матёқуб позачи, Полли дузчи, Ҳусин калот, Расул Мирзо, Хударган маҳадик, Бобо буломончи, Отажон сўта, Машариф маҳрам ва бошқаларни ҳали-ҳалигача зўр ҳурмат-эҳтиром билан ёдлайди. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳар бир созандаю гўяндага созандалик шаҳодатномасини Ферузнинг ўзи тақдим қилган, вақти-вақти билан уларнинг маҳоратларини имтиҳондан ўтказиб турган. Кимки созни, куйини, мақом ижросини, талқинларини бузса, жазолаган. Айниқса, мақомга бўлган эътиборни кучайтирган ва бу борада махсус фармон ҳам қабул қилган.

## "ФАРМОНИ ОЛИЙ

Бизким Хоразм мамлакатининг Олий хоқони Муҳаммад Раҳимхон соний қуйидаги фармони олийга имзо чекдик.

Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу фармони олийга шак келтирган ва мақомларни камситган ёйинки уни бузуб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!

*Муҳаммад Раҳим Соний. 1299 ҳ. й.  
жумодул аввал (1882)".*

Мана шу фармоннинг ўзиёқ Ферузнинг мусиқага бўлган ихлоси нақадар юксак эканини кўрсатади, шу билан бирга, мусиқа мданияти ривожига нечоғли масъулият билан қараганидан дарак беради. Феруз даврида санъатга эътибор шу даражага етдики, хон фармонига мувофиқ, қўшиқлардан иборат махсус баёзлар тузилди, мусиқий рисоалар битилди, олти ярим мақом нотага туширилди. Санъатга нақадар фидолик, меҳр бу!

**БЕШИНЧИДАН.** Ферузнинг сиёсатдонлиги ва давлат ишларини юритиш бўйича қилган саъй-ҳаракатларининг ўзи алоҳида бир мавзу. Муҳаммад Раҳимхон соний мураккаб бир даврда 47 йил хонлик қилди. У давлатни бошқарган 1863-1873 йиллар, яъни дастлабки ўн йил мустақил ҳукмдорлик йиллари бўлса, 1873 йил 12 августдан 1910 йил 15 августгача — 37 йил Россия империясига қарам бўлиб ҳукмдорлик қилган йилларидир. Сиёсат ҳамиша том маънодаги ақл-заковатни, санъаткорликни талаб этади. Хонлиқнинг дастлабки ўн йиллигида Феруз тахтни мустаҳкамлаш, хонлик ҳудудида яшаётган ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқларининг оғизбирликларини таъминлаш, уларнинг аҳил, мувоса яшашлари учун адолат туғини баланд кўтариб иш юритди: ёмонларни жазолади, яхшиларни улуғлади. Босиб келаётган чор қўшинига қарши салтанатни оёққа турғазди, рус тўпларига қарши қилич яланғочлаб от солди, сулҳ тузди, ўз юртида эрксиз хон бўлди. Лекин у ақл-заковат билан, санъат билан ҳукмдорлик этишда давом қилаверди. Мадрасалар қурди, масжидлар барпо этди, сув иншоотларини қайта қурди, мамлакатни ободонлаштирди, Европа маданиятининг илғор анъаналарини элга олиб келди. Россиядан врачлар олдириб, тиббий ёрдам марказларини ташкил этди. Амбулаториялар очди. Бу пайтда хонлик ўз пулини зарб этиб турди. Гарчи Россия ҳукумати бу иқтисодий тадбирни тақиқлашига қарамасдан, бу иш давом этаверди. Хонлик бозорларида Россия пуллари анча вақтгача хон тангаларини сиқиб чиқарма олмади. "Бозор билан йўлни халқнинг ўзи танлайди", деганлари тўғри.

Нечун халқ Ферузни яхши ном ила ардоқлаб суйган? Ферузнинг кароматли инсон, адолатли ҳукмдорлиги тўғрисида халқ оғзида тоҳануз нақл-ривоятлар мавжуд. Буларнинг барида Феруз донишманд, бағри кенг ҳукмдор сифатида талқин этилади. Шу билан бирга, давлат сиёсатини юритишда унинг қаттиққўллиги сезилиб турган.

Ниҳоятда қийин бир даврда юрт маъмуриги, халқ фаровонлиги, маърифати, маънавияти учун фидокорона курашиб яшаган Феруз, хон бўла туриб, бир давлатнинг тақидирига эга бўла туриб, кўп нарсаларга қўли калталиқ қилаётганидан изтироб чекиб яшади. Шунинг баробарида ижод ҳам этди, ғазаллар битди, мусиқалар яратди, халқнинг маънавият хазинасини бойитди. Феруз ҳамиша руҳиятни, маънавиятни, асрлар оша тараққий топиб келатган халқона удумларни, олий қадриятларни сарбаланд тутди, халқни ва унга тегишли барча маънавий бойликларни инсоният сарвари тимсолида талқин қилди:

Гарчи эрурман толеъи Феруз ила оламга шоҳ,  
Лек ул парилар сарвари олдидадурман қул букун.

## "ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН"

Алишер Навоий достони асосида (Хуршид инсценировкаси) тайёрланган спектакль ҳақида мулоҳазалар

Араб саногиди беш хамса демакдир. Беш дostonни бир китобга жамлаб, илк бор "Хамса" яратган шоир Низомий Ганжавийдир (XII аср). Низомийдан кейин ҳиндистонлик шоир Хусрав Деҳлавий (1253-1325) "Хамса" яратди. Навоий замонида "Хамса"дан ошириб бир китобга етти дoston жамлаган шоир Абдураҳмон Жомийдир.

Бу "Хамса"лар форс тилида битилган бўлиб, туркигўйлар жаҳон адабиётининг бу дурдоналаридан бебаҳра эдилар. Туркий тилда "Хамса" яратилишидай савоб ишга буюк Навоий бел боғлади ва ниҳоят 42 ёшида уни ёзишга киришди. Навоийнинг "Хамса"си форсийдан таржима эмас, балки янги асардир. Бу ўринда Навоийнинг ўзи шундай ёзади:

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,  
Улусға майли беадоза бўлғай.

Яъни, маълум афсонани шундай шеърга солгинки, янгича бўлсин ва халқда унга нисбатан мислсиз интилиш уйғонсин. "Лайли ва Мажнун" ана шундай янги ташбеҳлар ила битилган ўлмас дostonдир. Асрлар давомида Навоий асарлари хоразмликларнинг тилидан тушмай эъзозланиб келиши халқимизнинг буюк алломага бўлган чексиз муҳаббати рамзидир.

Яқинда Алишер Навоий таваллуди кунини Огаҳий номидаги вилоят театрида янгидан саҳналаштирилган "Лайли ва Мажнун" спектакли намойиш этилди. Бу ўлмас ижод ихлосмандлари спектакль сўнгида театр ижодий коллекти-

вини давомли қарсақлар билан олқишладилар. Кўпчилик таассуротлар оғушида залда анчагача туриб қолди. Бу спектакль вилоят театрида 1936 йилдан буён муваффақиятли қўйилиб келинмоқда. Ҳар гал унинг премьераси театр учун байрамга айланади.

Ҳозирги кунда нафақат вилоятларда, балки мамлакат бўйлаб театрлар инқирозга юз тутган бир вақтда бундай ҳақиқий театр байрами бўлиши залнинг лиқ тўлгани катта воқеадир. Навоий руҳи бизни ҳаминша қўллаб-қувватлашига шу кеча яна бир қарра имон келтирдим.

Ҳар бир шоир, ёзувчи ижодининг бош йўналишини белгилаб берувчи шоҳ асари бўлади. "Ҳамса"— Алишер Навоий учун ана шундай мумтоз асарлар мажмуасидир. Албатта бу дostonларнинг биридан иккинчисини устун қўйиш тўғри эмас. Негаки уларнинг ҳар бири ўзича буюк, ўзича қадрлидир. Жумладан, икки пок қалб ишқи ёниб куйланган "Лайли ва Мажнун" ҳам:

Сўзни нечаким узотгим охир  
Йиғлай йиғлай туготгим охир,—

— дейди Ҳазратнинг ўзлари. Шаффофлик уфуриб турган сатрларда тонг янглиғ софдил қиз — Лайлининг борлиқ вужудию Лайли номи ила тунни кунга уловчи, жунунлиги боис отини, қабиласини унутган Қайснинг оҳу фиғонлари ўз аксини топганким у ўқиган, эшитган қалбларни ларзага солади.

Ибн Саломдай бадавлат йигитга қайрилиб қарамаган Лайли ҳам Қайс дардида қаттиқ ғамнок бўлади. Унинг кўйида чеккан фиғонларини баён этувчи боблар дostonнинг энг таъсирли, ишқ оташига тўла қисмларидир.

Табиатан зийрак, оқил, тиришқоқ Қайс мактабда ўз ҳамдарсларидан ўтиб кетиб уларни хижолатда қолдиради. Бу ҳақда Навоий меҳр билан шундай ёзади:

Ҳар неча сабақ дебон фузунроқ,  
Гўёки билиб эди бурунроқ.  
...Оз вақтда айлади замона,  
Они бори илм аро ягона.

"Хирад мактабида илм варақларини очаётган Қайсга ишқ тундбоди ётиб ул варақларни совуради. Яъни Лайли ҳусни гулшани гулларидан Қайс кўнгли оёғига ошиқлик тиканлари санчилади".

Мажнун фақат ўз ишқи билан ўралашиб қолган худбин кимса эмас, у теварак атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарай олмайди. Айниқса, тирик жонзотларга етган озор унинг қалбини ҳам жароҳатлаб ўтади. Нафс итлигидан тамом кечган, дашт узра кийиклар билан ошно тутунган Қайс уларга отилган ўқдан ларзага келади. Навфал бошлиқ сайёдларни инсофга чақиради:

Ким ғофил улус киби чекиб ўқ,  
Ваҳш этидан ўзни истамак тўқ.  
... Бу неча рамида жонидин кеч,  
Бежурм гуруҳ қонидин кеч!

Бу илтижони Қайс Бахтиёр Омонбосв шундай таъсирчан, ифодали қилиб айтадики, беихтиёр ҳар бир киши табиат қўриқчисига, бегуноҳ жонзотлар ҳимоячисига айлангиси келади. Беш аср илгари битилган бу ҳайқириқ табиат заволга юз тутган йигирманчи аср учун энг долзарб, замонавий нидо бўлиб янграйди. Ҳа, классик асарлар учун вақт ва замон чегараси ёт. Уларда қаламга олинган мавзу барча даврлар учун хос хусусият.

Қайснинг олижаноб қалби мафтун айлаган арабда машҳур ҳукмдор Навфал (артист Ж. Шомуродов) унга кўмак беришга астойдил бел боғлайди. Меҳрининг самимийлиги шунчаликки, унга ҳатто ўз қизини бермоқчи бўлади. (Лекин Мажнун қалби фақат Лайли учун тепарди). Навфал Лайлининг қайсар отасига қарши уруш очади. Уни енгай деб турганида Қайс туш кўради. Тушида Лайлининг отаси жангда мағлуб бўлсам қизимни ўлдираман, дея онт ичгани аён кўринади. Мажнун Навфалдан дарҳол урушни тўхтатишни сўрайди. Ўзи яна дашт сари йўл олади.

Лайли отасининг жоҳиллиги боис бир-бирларига етишолмаган тоза вужудлар қиссаси спектаклда қабристь. кўриниши билан яқунланади. Лайли васияти ила бу муҳаббат қурбонларини "жонсиз келин, ўлик куёв"ни бир кафанга ўраб, бир тобутга соладилар. Қавму қардошлар оҳ урадилар. Бу мотамсаролик томошабин қалбини ҳам ларзага солади. Достоннинг спектаклга олинган қисқача мазмуни шундан иборат. Театрнинг бош режиссёри жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ибодулла Ниёзматов, театрнинг бош рассоми, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Отахон Оллаберганов, театр балетмейстери жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Зояхо-



ним Гаффоровалар шундай бир гўзал спектакль яратдиларки, ҳали бу тўғрида кўп ёзилажак. Бу мизансценалар, декорация, балетлар кўрганни ром этади.

Спектакль муҳокамаси чоғида Ўзбекисон халқ артисти Матёқуб Раҳимов (у ҳам театр саҳнасида биринчилар қатори Мажнунни ўйнаган) тўлқинланиб ижрочиларни қутлаб бир-бир бағрига босди.

Лайлини саҳнама-саҳна ривожлантириб, ўстириб, муҳаббат йўлида қурбон бўлиши табиийлигига ишонтира билган истеъдодли актриса, вилоят Ёшлар мукофоти соvrиндори Мунаввара Омонбоева алоҳида таҳсинга сазовор. Мусиқали драмада образ яратишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Ижро этилаётган ашула 3-4 дақиқа давом этса, аксарият ҳолларда актёр ашулачига айланиб қоладида, образ ҳолатидан чиқиб кетади. Ва яна воқеа оқимиға тушиши учун бир неча дақиқалар ўтиб кетадики, драма мақсадини тутиб турадиган ип узилади. Мунавварада эса уни маҳорат билан улаб кетиш истеъдоди бор. У ария куйлаётганда ҳам, гапираётганида ҳам бутун борлиғи билан Лайлини ҳис этади. Қай пардаларда овози чалғигандаям шу чалғитишини табиийлаштириш учун у дарҳол бошқа паст актаваға ўтиб, нафасини ростлаб олади. Бу эса образнинг янада юксалишини таъминлаган. Бу ҳолат охириги кўринишда "Чоргоҳ" ариясида моҳирона ифодасини топган. Мунаввара қўшиқ ва дарматик ижрони омухта олиб борадиган санъаткордир.

Лайли образини жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Гулора Раҳимова ҳам ўзига хос жозоба билан ўйнайди.

30-40 йилларда шароит анча оғир, меҳнат қаттиқ бўлишиға қарамай олис қишлоқлардан отлиқ-у яёв томошаға келишганини қариялар завқланиб гапиришади. Театр-кинонинг телевизор, видео номли рақиблари чиқди-ю, одамлар хонанишин, театр томошаларига кам келадиган бўлиб қолишди. Баъзан шундай ҳам бўлади: айрим кишилар: э, ҳақиқий Лайлию Мажнунни ўйнаганлар ўтиб кетди. Биз 30 йил давомида Ваҳобжон — Мажнунни кўришға боргандик дейиши мумкин. Албатта ҳар бир санъаткорнинг фақат ўзига хос ижроси, бетакрор образ яратиши табиий. Нега энди Бахтиёр — Мажнун ёки Лайли — Мунавварани кўриш учун бориш мумкин эмас?! Ахир уларнинг ижроси ҳам жозибали-ку. Яна бир ҳақиқатдан кўз юммаслик керак. Ҳозирги томошабин жуда инжиқ. Давр шиддати, фан-техниканинг кескин ривож, ахборотлар оқими ҳаддан зиёд кўплиғи боис ҳис-туйғуларимиз сўникликка юз тут-

маяптимикан?! Кўнгил ойнамизни занг босмаяптимикан Иншооллоҳ, бу тахлит беморликларини яна сеҳрли санъат санъаткорлар даволағай.

Қайс образини иқтидорли актёр, вилоят Ёшлар мукофоти лауреати Бахтиёр Омонбоев билан хушовоз артист Фарҳод Қозоқов ижро этадилар. Бу Фарҳоднинг театрга ишга келганидан биринчи роли. Мен Бахтиёрни репетициялар давомида кўп кўрганман, у билан суҳбатлашганман. У Қайс образига ўта масъулият билан киришди, тинмай изланди. Бугунги олқишлар ана шу машаққатлар эвазига дунёга келди.

Лайлининг отаси — Омир ролида чиққан Ўзбекистон халқ артисти Мадраҳим Бобожонов спектаклнинг тўлақонли чиқишига катта ҳисса қўшган. Бу ролни жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Рўзимат Худоёров ҳам ижро қилади, Қайснинг отаси Маҳди ролида талантли гўянда Бекжон Отажонов бутун меҳрини бериб ўйнаган. Навфал Ибн Салом (О. Тоганов). Зайд (О. Эгамов) ва ниҳоят (Ж. Шомуродов) бутун ижодий коллектив хизматларини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Қадамбой Раҳимов бошлиқ созандалар маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Постановкачи режиссёр И. Ниёзматов изланишлари боис спектаклга янги бир образ киритилди. Бу — Навоий сиймосидир. Томоша ибтидоси ва нитиҳосида оппоқ либосга бурканган нуроний чеҳра намоён бўлади. Навоий монологи учун "Алишер Навоий" спектаклидаги айрим байтлар олинди ва камина баҳоли қудрат мисралар битдим.

Мана, дўстлар, ошиқлар тақдиридан бўлдингиз огоҳ,  
Лайлию Мажнун учун тунлар уриб чиқдим ман оҳ.  
Бегуноҳ икки гўзал ишқ йўлида бўлмиш дилгир,  
Фироқлари қаламимдан тўкилган томчилардир.  
Ҳар сатрида минг дард тўлиғ ушбу ошиқлик қиссасин  
Битганимча, йиғлаб йиғлаб қуйдим охир нуқтасин.  
Эй Навоий, неки битдим, эътиқодни васф этдим,  
Шояд бўлғай менинг ҳам кун келиб элда ҳикоятим.

## ОГАҲИЙ

Икки қисм, 7 кўринишли мусиқали тарихий драма

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

Огаҳий  
Оллоқулихон  
Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз  
Комил Хоразмий  
Матёқуб меҳтар  
Отамурод қушбеги  
Сўвирбой  
Раҳимонберди маҳрам  
Кишжон  
Санамжон  
Гулжамол  
Назира  
Зулайҳо  
Кампир  
Шиговул  
Жуманиёз  
Қодир  
Эгам  
Ҳозиқ  
Сиддиқ  
Эшик Оғаси  
Аббат  
Мулозимлар ва Раққосалар  
Рус зобитлари ва аскарлари.

Воқеалар 1839-1840, 1873 йиллари Хивада бўлиб ўтади.

### 1-ҚИСМ

#### 1-КЎРИНИШ

Парда "Бузрук" куйи билан аста-секин очилади. Сўвирбойнинг уйи. Ўртада оқ наMAT ташланган супа. Дастурхон ёзиллик хонтахта атрофида Отамурод қушбеги, Ҳожиниёз муфти, Раҳмонберди маҳрам ва Сўвирбойлар ўтиришибди. Супа ёнидаги айвон устунида чопонлар осилдиқ. Қандилли чироқ нури супа ва меҳмонларнинг юзларини ёритиб, хонага қандайдир сирлилик бахшида этиб турибди. Парда очилгач, мусиқа аста-секин пасаяди.

Ҳожиниёз. Мен сизни танимаяпман, Сўвирбой! Қиз сизникими ахир?! *(жимлик)* Келиб-келиб кимсан Сўвирбойнинг қизи бепарда ишқий ғазалларнинг жинниси бўлса, уларсиз яшаб билмаса! Сўвирбойнинг қизи-я!

Кел Огаҳий оғушига урэн бўлиб, эй гулбадан,  
То кўйлак осо титрабон бошдин оёқингни ўпай.

Урэн бўлиб, ялонғоч бўлиб қўйнимга кир дейди у беҳаё! Ахир бу бориб турган шармандалик эмасму?!

Сўвирбой. Етар! Муфти ҳазрат, етар! Нима қилай? Йўл кўрсатинг! Айтинг, нима қилай? Ўлдирайми?!

Отамурод. Ўзингизни босинг, Сўвирбой! Айб қизда эмас, ғазал ёзганда!

Раҳмонберди. Тўғри, валекин бари айб Огаҳийда эмасдур. Айтувчи аҳмоқ бўлса эшитувчи доно бўлиши керак эмасму?

Ҳожиниёз. Огаҳийда айб йўқ дейсиз-а, Раҳмонберди, ахир у нобакорнинг беҳаё ғазаллари болаларни йўлдан оздирмоқда, даҳрий қилмоқда! Битта исботи мана, Сўвирбойнинг қизи. У ярамасни танобини тортмоқ лозим!

Раҳмонберди. Қизишманг, муфтим! Унчалик эмасдур.

Ҳожиниёз. *(Раҳмонбердига)* Айтинг-чи, у баттол кимга кесак отмаган, кимга тегмаган? Мана, қушбеги ҳазратларининг қарамоғида бўлса-ю, вазири аъзамни писанд қилмаса! Бу такаббурлик бўлмай нима? Хўш, нима?

Раҳмонберди. Ана шу тарафи бор, такаббурлиги бор. Ўзиям ўлгудек ақлванд, хон ҳам унга қулоқ солади.

Ҳожиниёз. Ахир...

Отамурод. *(муфтининг сўзини кескин бўлиб)* Бас қилинг! *(ўрнидан туриб кетади, қолганлар ҳам ўринларидан туришади)* Хон ҳазратларининг фармони олийларини садоқат ила бажармоқ ҳам қарз, ҳам фарз. Бунда сеники-меники деган гапга ўрин йўқ!

Ҳожиниёз. Эй-вой-ей! Мен сизни дилингизни оғритмоқчи эмасдим, валекин юрагим ачиганидан айтаяпман бу гапларни. Истамасангиз айтмайман. *(Жимлик)* Янглишмасам, амакиси Мунис вафотидан кейин шаппотдай болани Хоразмдин катта мамлакатга мироб қилиб қўйишда сизнинг ҳам, падари бузрукворингизнинг ҳам ҳиссалари бор эди шекилли, мени маъзур тутинг!

Отамурод. Мироблик уларга ота мерослигини биласиз-ку, нима қиласиз жигимга тегиб!

Ҳожиниёз. Алам қилади-да! Ишни сиз қиласиз, номи уники! Азобини сиз тортасиз, роҳати уники! Охир-оқибатда, хоннинг олдида кимнинг мавқеъи баланд? Уники, Огаҳийники! (*Жимлик*) Мени афу этинг, сиз юрагингиз қон бўлиб, минг ранж ила фуқарони қазувга ундайсиз, фуқаро эса, очу тўқ, совуғу изгиринда яшаш азобини, қазув заҳматини кимдан кўради? Сиз вазиру қушбегидан кўради. Қамчисидан қон оқизади деган номни сиз оласиз, у бўлса, гўё фуқаропарвар, хон одами сифатида обрўси баланд бўлаверади! Қачонгача?!

Раҳмонберди. Ҳайронман, тавба?! Қайси қурилиш бўлмасин, масжидми, мадрасами, Огаҳийнинг номи билан боғлиқ! (*Отамуродга*) Наҳотки, хон сув тақсимоотидаги пала-партишликдан, жанжаллардан беҳабар бўлса! Наҳотки ҳосилдор ерларни шўр очаётганидан беҳабар бўлса?!

Ҳожиниёз. (*Кесатиб*) Ахир у кишим хонни мақтаб тарих ёзадилар, ерлар шўр очиб на ўлмиди. Унинг касби маддоҳлик, қасидабозлик!

Сўвирбой. Ҳа, саройда унинг нуфузи баланд бўлмай, кимники бўлсин! Ахир унинг ишонган ўралари бор! Ана, Матёқуб меҳтар бир ўра, Отажон аълам бир ўра! У эсирмай, ким эсирсин!

Ҳожиниёз. Ана бир ўраси, Отажон аълам Ўрусияга элчи бўлиб кетаяпти! (*Кесатиб*) Балким, биз ҳам Огаҳийнинг патагини ялашимиз керакдур, шунда хондан бу қадар дакки емаган бўлармидик, биз ҳам эркалаб юрармидик...

Отамурод. (*Унинг сўзини бўлиб*) Кесатманг! Хўш, нима қилмоқ керак?! Нима қил дейсиз?

Ҳожиниёз. У баттолни танобини тортмоқ керак! Қанча чидаш мумкин?!

Отамурод. Иншоолло, танобини тортурмиз! Огаҳий амалпараст, иккиюзламачи одам. Хонга шу маъқул.

Раҳмонберди. Ташҳовлини неча йиллар, не азоблар билан қурганмиз, унинг иккиюзламачилиги хусусида тўғри дедингиз, қаранг, бир ғазалида:

Ё Огаҳий янглиғ тут шаҳ даргаҳида маскан,  
Даҳр аҳли вафосидин то кўрмагансен офат,—  
деса, яна бир ғазалида:

---

1 Ўра — устун (*шева*).

Сақфида ер сарбасар ондин ёғар гарди хатар,  
Амниятдин йўқ асар, ваҳ, не ажаб кошонадур,—

дейди. Тавба! Ҳозиргина мақтаган кошона патигидан хавф-хатар ёғар эмиш, бу кошонада омонликдан асар йўқ эмиш! Наҳотки, хон кўру қар бўлса! Олқишидан бохабару ёмонлашидан бехабар бўлса?!

Ҳо жини ёз. Хон нохуна бўлмаса, бизни ит талагандай талатармиди унга!

Халқа қурубон қилма алоло, э шайх,  
Оламға ўзинг айлама расво, э шайх.  
Ким борча риёу ҳийла, макрингни  
Фош этма улус аро саропо, э шайх,—

дейди у шаккок кофир! (*Раҳмонбердига*) Ахир мана, сиз қурган Тошҳовлидан париларни ким қувиб чиқарди? (*Жимлик*) Ҳатто хон Бухоро уламоларидан, дин пешволаридан париларни чиқариш учун кўмак сўради. Бухоролик уламолар париларни чиқарадиган илмли одам ўзингизда бор дейишди. Яхшиям Хонқада Оллоқули эшон бор эканлар, йўқса хон бир умр Тошҳовлига киролмасди. Тошҳовли вайронага айланарди. Тўғрими?

Сўвирбой. Тўғри айтдингиз, у кофир кароматга ишонмайди.

Ҳо жини ёз. Фақат битта "шайх" рубойиси учун уни Насимийдай тириклай терисидан чиқариш керак! (*Қушбегига*) Магарам сиз лоқайдлик қилсангиз, биз дин аҳли уни йўқотиш чорасини кўрурмиз. Мени маъзур тутинг, биз сизни хон бўлурсиз деган умидда эдик, ҳозир ҳам шу умиддамиз.

Отамурод. Жим! Деворнинг ҳам қулоғи бор!

Ҳо жини ёз. Ана шу қўрқоқлик, ана шу қусур бизни қўл-оёғимизни боғлаб келган. Етар! У ярамас ўз ашъорида очик айтаяпти-ку:

Бор икки шум бухлу ҳасад бирла даҳр аро,  
Ҳақ лаънатига бир-бирисидин қариб эрур.

Ўлтурса ҳар киши гар оларни савоб учун,  
Тангри инояти анга бешак насиб эрур.

У кимни ўлдиришни ошкор айтаяпти, фаҳмлаган бўлсангиз керак. Бу сизу мен!

Отамурод. Нега? Нега мен? Нега сиз?

Ҳожиниёз. Вақф ерларидан олинган ҳосил можаросидан то ҳануз хон бизни ёмон кўради. Бунга ким сабабчи? Огаҳий сабабчи! Бизни бахил деди, ҳасадгўй деди, шаър қилди. Мана исботи! (Жимлик) Келиб-келиб Сўвирбойдай палаги тоза, шажараси бейик, дастурхони бутун сулоланинг шаънини булғамоқчи бўлса! (Сўвирбойга) Сўвирбой! Узр, сиз йигит билан қизни беғараз дўст тутинганини кўрганмисиз? (Жимлик) Кўрмагансиз! Ахир унинг ғазали бир баҳона! У каззоб беҳаё ғазаллари билан қизингизнинг мурғак қалбига чанг солган. Қизни кўзини очмоқ лозим! Токим унинг қопқонига илинмасин!

Сўвирбой. Бас қилинг! (Узоқдан келадиган қўшиқнинг мусиқаси аста бошланади) Пичоқ устухонимга тегди! Бас етар! Қонимни қайнатманг! Ўлдираман! Икковиниям ўлдираман! (Чироқ аста ўча бошлайди, қўшиқ авжланади)

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас,  
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас.

Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсун, гар гадо,  
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам эмас.

Парда.

## 2-КЎРИНИШ

Парда "Бузрук" куйи билан очилади. Узоқдан Жайхун тўлқинлари мавж уриб турибди. Дарё қирғоғида кимлардир қоп, кимлардир замбар, кимлардир чот, кимлардир ёғоч кўтариб, у ёқдан-бу ёққа ўтиб турибди.

Жуманиёз. (Иш буюраяпти) Қопларни қулф-калитли қилиб жойлаштиринг, сув олиб кетмасин! Ҳов ёғочларни қопларни олдидан лангар этиб ташланглар! Ҳов, Эгамберган! Йигитларингга айт, кўпроқ чот босиш керак, чот опкесинлар!

Эгам. (Овоз беради) Яхши!

Қодир. (Овоз беради) Замбарга йўл беринг, ҳов, четроқ тур! (Саҳнани кесиб ўта бошлайди) Замбара йўл беринглар, имиллама, четроқдан ўт! (Шу пайт саҳнага Огаҳий билан Ҳозиқ иккови кириб келади).

Огаҳий. Ҳорманглар, йигитлар! Биродарлар, ҳормангиз!

Жуманиёз. Ассалому алайкум, мироб бува! Бор бўлинг!

Огаҳий. Ваалайкум ассалом, хўш Жумаёз, дарёни жилов қалай? Бош баржакми?

Жуманиёз. Шукур худоға, бош бармин нера борар эди. Бундин тошқинларни кўпини кўрганмиз. Худо хоҳласа, буни ҳам жиловлаймиз! Ғам еманг!

Истабон айш, Огаҳий, ғам бошинга келтирмаким,  
Даҳр базму айши андуҳи ғамина арзимас.

*(Огаҳий кулади)*

Мироб бува, хотиржам бўлинг, ғамни ўйлаб айшдан қолманг!

Огаҳий. Вой Жумаёз-ей, ахир:

Юз йил ўлсанг ёр васлининг сафолиғ субҳида,  
Бир замонлиғ ҳажри шоми музлимиға арзимас.

*(Ҳаммалари бош ирғаб тасдиқлашади)*

Ҳозик. *(Огаҳийга)* Топиб айтгансиз, тақсир, ҳажр шомининг бир замонлиғ қоронғулиги юз йиллик кайфу сафони зимистон қилади-я! *(Даврага йиғилган одамлар таҳсин айтадилар)*

Эгам. Тасдиқ лекин! Тасдиқ Огаҳийга!

Қодир. Баракалло, ўғлим, кўп яшанг! *(Шу вақт дарёдаги сув сатҳини ўлчайдиган таёқ билан Раззоқ киради)*

Раззоқ. Мироб бува, сув бир зайилда турибди. *(Таёқни кўрсатиб)* Мана, пешиндаги ўлчовдан ўзгаргани йўқ.

Огаҳий. Дурвадикдан олов кўринмайдими?

Раззоқ. Йўқ. ҳозирча кўрингани йўқ, илойим кўринмагай!

Огаҳий. Майли, жойингдан жилма, оловни кузат, сувни кузат, кўзингни сувдан олма! На дадим, Раззоқберган!

Раззоқ. Хўп бўлади! *(Чиқиб кетади)*.

Жуманиёз. *(Огаҳийга)* Одамлар эрталабдан бери туз тоттишгани йўқ, тамадди қилиб олсалар, нима дейсиз?

Огаҳий. Ихтиёрингиз, майли, қилақолишсин. *(Одамлар чекка-чеккада ўтириб, чой-нонга ҳозирлик кўра бошлайдилар, кимлардир ўтириб у-бу ея бошлайди. Жуманиёз қолганларга ҳам хабар бериш учун саҳна тўрига кетади)*



Ҳозик. (Огаҳийга) Оловни кузат дедингиз, тушунмадим, оловингиз нимаси?

Огаҳий. Мавлоно Ҳозик, бизда аввал ҳам, буюк Беруний бобомиз мироблиги замонида ҳам, кейин ҳам тошқинни олов ёқиш билан огоҳлантирганлар. Бизга бу ота мерос!

Ҳозик. Қаранг-а, аждодлар тошқин огоҳини яхши топишган, Ҳеч бир дарё Жайхунчалик ўжар эмас.

Огаҳий. Шу боисдан йил 12 ой кечаю кундуз дарёнинг бевошлиги билан, ўжарлиги билан курашамиз. Гоҳ енгамиз, гаҳида у бизни енгади. Шу сабабдин тинчимиз йўқ. Тошсақани, қачуларни қайтадан қилдик, Юмуртовдан тош келтириб, дарё канорини мустаҳкамляпмиз. Айтганингиздай юмуш кўп, қайси бирини санаб чиқасиз. Деҳқоннинг меҳнати оғир.

Неки бордур мақсадинг, бўлғуси ҳосил сув ила,  
Неки этдинг ҳам ҳавас бўлғуси восил сув ила.

Ким юварлар то уруғ тушганча ернинг шўришин,  
Ҳамул боғ ичра етилмуш самар хил-хил сув ила.

Бари важ ўлчамлидур, мезони рустдурким ажаб,  
Бўлмағай обод кими этди исроф ул сув ила.

Неқадар сувдин умр лаззате топаса ҳам вале,  
Беқадр ким этди, хор ўлғуси хоҳил сув ила.

Ташлабон конораси тошганда Жайхун гаҳида,  
Ўйнашиб бўлмас қолиб ким тағофул сув ила.

Гул этар, сунбул этар етган ерини мақдами,  
Меҳнати ҳам кўп оғир наҳри фоил сув ила.

*(Намат кўтариб кириб келган Жуманиёз Огаҳий ўқиган  
ғазалнинг анча қисмини эшитиб туради)*

Жуманиёз. (Огаҳийга) Келинлар, чой ичинлар,  
ўтиринлар, оёгингиз бироз дамани олсин.

Огаҳий. Хўп бўлади. Қани, ўтиринг, мавлоно.  
(Огаҳий билан Ҳозик иккови ҳам намат устига  
ўтирадилар)

Жуманиёз. Мироб бува, ҳозир ўқиган ғазалингизда  
оғир меҳнат билан сувни бошқаришни айтиб ўтдингиз:

Меҳнати ҳам кўп оғир наҳри фоил сув ила.  
Бунга тасдиқ. Лекин мана бу ғазалингизда эса, ишқ  
ҳажрида тўкилган кўзёшларингизни тошқиндан ҳам оши-  
рибсиз-ов, энди уни бошқариш қай тарозу билан  
ўлчанади? Эгамберган, дуторни олиб гал! Ҳозир эшитур-  
сиз.

О га ҳ и й . Мавлоно Ҳозиқ, Жумаёз менинг му-  
наққидим, битигимни сиёҳи қуримасдан таҳлил қилиб, ёд  
олади.

Ҳозиқ. Бале! Ғазалхонлар нечоғ талабчан бўлса,  
назм аҳли шу қадар масъуллик ила иншо этади. Баракал-  
ло! *(Шу вақт Эгам Жуманиёзга дуторни олиб келиб  
беради)*

Жуманиёз. *(Қўшиқ бошлайди)*

Фурқатингдин мавж урар бу дидан пурхунда сув,  
Ўйлаким шўриш қилур пайдо тошиб Жайҳунда сув.

То бўлуб гирён югурдим ҳар тараф истаб сани,  
Сели ашким бирла оқти водию ҳомунда сув.

Ўйла тўфон хез бўлди ашку оҳимким, бори  
Ер юзин ғарқ айлаб эмди мавж урар гардунда сув.

Еткурур ҳар дам ҳаётим боғига сероблиғ,  
Тердин оқиб ҳар тараф ул чеҳраи гулгунда сув.

Паст фитрат муддаидин обрў кўз тутмаким,  
Чашма сори шармдин йўқтур рухи ҳардунда сув.  
Ҳар кўнгул қизса ҳасад ўтидин, ондин истама  
Раҳмким, мумкин эмас ўлмоқ аён қонунда сув.

Қил равонроқ назм ила маъни риёзин тозаким,  
Огаҳий назми равондур гулшани музmunда сув.

Ҳозиқ. *(Қўшиқ тамом бўлгач Огаҳийга)* Бале, топиб  
айтгансиз, асли миробсиз-да, сувга меҳрингиз баланд. На-  
змингизни муштарақ этибсиз сув билан. Азалдан биз  
тўртта унсурдан яралганмиз: сув, ҳаво, олов ва тупроқ.  
Шул сабабдин назмингизда сувнинг тиниқлиги, шаффоф-  
лиги акс этмуш:

Қил равонроқ назм ила маъни риёзин тозаким,  
Огаҳий назми равондур гулшани мазmunда сув.

Баракалло! Ҳофиз Жуманиёзга ҳам олқишимиз беадад-дур! (Жуманиёзга) Назму созни овозингиз ила омухта этибсиз, кўп яшанг!

Эгам. Мироб бува, қўшиқни эшитдик, раҳмат, энди сурнай чалинса не дайсиз? Сурнай сасиннан дошқин ҳайиқиб, пасайиб кетмасмикан?

Қодир. Тўғри айтдинг, бу ўтирганларни барибир енгиб бўлмайди деб сув қайтиб кетса ажабмас. Қани, эй сурнайчи, бошла, дали дарё эшитсин сасингни! ("Сурнай лазгиси" чалинади, Эгамнинг қистови билан раққос йигит ўйинга тушади. Ўйин давомида томоша аҳли уни қиздириб туради ва яна Қодир билан бир-икки кекса ҳам қўшилади ўйинга.)

Эгам. Яша, ўйин деган ина бундин бўлади!

Қодир. (Ўйинда тўхтаб) Поҳ-поҳ, яшасин Мадрим эгри, асли ўйин шунга чиққан! (Ўйин давом этаётганда отларнинг туюқ саслари эшитилади ва бироздан кейин Отамурод, Ҳожиниёз, Раҳмонберди, Шиғовул, Сўвирбойлар кириб келадилар. Сурнайчи уларни кўриши билан таққа тўхтайди, ҳамма ҳайрон. Огаҳий, Ҳозиқ ва барча ўтирганлар ўринларидан турадилар.)

Отамурод. (Оломонга) Боринг, анқайиб туманг, ишингизни қилинг! (Одамлар тарқалгач, Огаҳийга). Нима гап бу, Матризо? Ўзингиз мироб бўлатуриб, тошқин дея аюҳаннос солиш ўрнига, одамларни жонини олиб ишлатиш ўрнига, қачуларни мустаҳкамлаш ўрнига, ўйин-кулгига бало борми? Шундай доғули вақтда сурнайга бало борми?!

Ҳожиниёз. (Истеҳзо билан) Тақсир, Огаҳийга от ўлса эт, арава синса ўтин! Унга барибир, ғазал, соз, ўйин бўлса бўлди.

Огаҳий. (Ҳожиниёзга) Кесатманг! Одамлар тонг саҳардин бери туз татишмаган, ҳали ҳамма қийинчилик олдинда. Бизнинг ҳисобимиз бўйича, шу ерда сув номозшом билан хуфтон ўртасида тошиши мумкин. Биз ҳаммасидан огоҳмиз, одамларимиз сергак, сув сатҳини дақиқа сайин ўлчашаяпти. Сиз, ҳожим, мақолни ўрнида ишлатмадингиз, мен ҳудудимиздаги борлиқ дарё канорасини айланиб чиқдим. Сизга ўхшаб ҳаз-ҳузурда юрганам йўқ, сиз мироблигдин узоқ одамсиз, нега суқиласиз?

Сўвирбой. Ҳей! Осмонни ўраси бўлсанг ҳам пастга туш! Кўзингни оч, оёгинг ерга тегсин! Ким билан гаплашиб турганингни унутма! Динимиз Ўраларини ҳақорат қилишга ким қуқуқ берди сенга, ким?! Ярамас, кофир!

Огаҳий. Оғзингизга қараб гапиринг, бой, ҳақорат қилманг! Мен бунга йўл қўймайман, тушунаюпсизми? Йўл

қўймайман! Ким билан гаплашаётганимни яхши биламан! (Муфтига) Сиз ҳам, муфти ҳазратлари, эшитиб қўйинг, дарё канорасини мустаҳкамлаш, қачуларни мустаҳкамлаш менинг зиммамда, сиз суқилишманг! (Қушбегига) Сурнай дейсиз, ҳатто жангга ҳам сурнай билан, карнай билан киришган!

Ота мурод. Бевақт қичқирган хўрознинг боши танидан жудо бўлади. Ҳозир ақл ўргатишмас, тошқинни енгши керак! Хон ҳазратларининг фармони шу! (Жимлик) Матризо! Шу манманлигинг бошингга етмаса деб қўрқаман.

Огаҳий. Хоннинг фармони бўйича ҳозирча мен миробман, хон мендан сўрайди. Менга халақит берманг! (Шу пайт Раззоқ қўлида сув ўлчаيدиган таёқ билан киради)

Раззоқ. Ассалому алайкум! (Ҳеч ким индамайди)

Огаҳий. Хўш?

Раззоқ Мироб бува, сув сатҳи ўзгаргани йўқ, шу туриши, олов ёқишмади.

Огаҳий. Кўзингни сувдан узма, кузат! Бир кўзинг оловда бўлсин, бир кўзинг сувда! Тушундингми?

Раззоқ. Тушундим. (Жимлик)

Огаҳий. Нега анқайиб турибсан?!

Раззоқ. Кетаверайми?

Огаҳий. Ҳов-ва! (Раззоқ тезда чиқиб кетади)

Раҳмонберди. Матризо, бу не гап? Тушунмадик? Суқулишманг дейсиз? Сизни олдингизда қушбеги ҳазратлари турибдилар. Хоннинг ишонган вазирлари олдида дўмбўйинчилик қиласиз, гап қайтарасиз, ҳақорат қиласиз!

Ҳозиқ. Ҳақоратни сиз қиляяпсиз, ахир бу киши мироб, ишни кўзини билади. Одамлар қалбида ишонч пайдо бўлади. Сурнайни рўкач қилдингиз, ахир мусиқа, соз, ўйин-кулгу ҳар қандай одамни белини бақувват, руҳини тетик этади. Буни тушунмаганингиз сизнинг фожиангиздур!

Раҳмонберди. Келиб-келиб, энди сен келгинди бизга, хоразмликларга создан сабоқ берадиган бўлдингми? Э, чала табиб!

Ҳозиқ. Ҳақорат қилманг!

Раҳмонберди. Ундан ҳам бадтар! Хон ҳаммоми нима бўлди? Даволаш хоналари керак дедингиз, ўртада катта ҳовуз керак дедингиз, тошни қиздириб, буғлатиш лозим дедингиз, сиз туфайли ҳаммом қурилиши баҳсга айланиб кетди. Ва охир-оқибатда хон ҳазратлари сизни бурнини тикавермасин деди.

Ҳозик. Сиз қурувчи одамсиз, лекин мен табибман...  
Раҳмонберди. (Унинг сўзини бўлиб) Табиблигингизни ҳам кўрдик.

Ҳожиниёз. (Кесатиб) Табибман деб оғиз кўпиртирасиз, лекин сизнинг нотўғри ташхисингиздан неча одам майиб бўлди ва иссиқ нафасли "даволашингиз" қусридан неча одам нариги дунёга риҳлат қилди.

Ҳозик. Тухмат қилманг, муфти ҳазратлари, худодан кўрқинг! Нима бўлса, Оллонинг иродаси билан бўлур, лекин сиз далилсиз гапирганингиз учун гумроҳсиз! (Оғир жимлик)

Сўвирбой. Меҳмонман деб шарият арконларига тил теккизманг! Ҳамма нарсанинг ўлчами бор, мезони бордур!

Раҳмонберди. Нималар деяпсиз, Сўвирбой оға! Магарам бу кишимда андиша бўлса, хон ҳазратларининг гапидан кейин аллақачон кетган бўлар эди. Ахир кет деса, ит кетади-ку!

Огаҳий. Бу қандай беҳаёлик! Шундай улуғ табибга нисбатан бу янглиғ ҳақорат замон азкорида кечирилмас ҳолдур. (Жимлик) Мавлоно Ҳозик дунё кўрган олим, қўли энгил табиб, хон ҳазратларининг амри ила Мирхонднинг "Равзат-ус-сафо" асари таржимасини итмомиға еткурган забардаст мутаржимдур. Ҳиротдай юртдан келган, Бухоро табиблик мактабини кўрган бул табаррук донишмандга тош отишга уялмайсизму?! (Жимлик) Хон ҳазратлари даргоҳида бу улуғ зотнинг ҳасадгўйлик ила ёмон отлиғ қилдингиз. Минг афсус, мавлоно бутунлай кетаяптилар. Хоразмдай бағри кенг юртдан шундай инсоннинг норизо бўлиб кетиши элимиз учун иснод эрмасму?!

Отамурод. Кетса тўрт томони қибла!

Ҳозик. Қушбеги жаноблари, Олло таоло менинг йўлимни очиқ қилғай. Мен Хоразм элидан хафа эмасман, қўлимдан келган ишни қилдим. Баъзи бировларнинг ғарази, адовати, фасодларидин бу юрт довуғига асло доғ тушмағай. Полвон пиридай лангари бор, Мунису Огаҳийдай олиму шоирлари бор юрт абадул-абад хор бўлмағай! (Жимлик, Огаҳийга) Мен сиз билан хайрлашгани келган эдим. Муродим ҳосил ўлди. Хайр, азизим Матризо! ("Бузрук" куйи бошланади) Хайр! Илоҳим бошингиз тошдан бўлғай, Хоразмдай муқаддас юртни васф этишда қаламингизга баракот, элнинг файзу ободлиги йўлида мироблиғ ишларингизга ривож, фуқаронинг, эл-улуснинг назаридан четда қолмағайсиз. Сувдай сероб, азизу мукаррам

бўлғайсиз. *(Мустиқа кучаяди, Огаҳий иккови қучоқлашиб хайрлашадилар)*

Огаҳий. Хайр, устоз! Бошингиз омон бўлғай! *(Ҳозиқ аста юриб чиқиб кетади, Огаҳий уни кузатмоқчи бўлиб юра бошлайди, мустиқа кучаяди)*

Отамурод. Матризо! Сен тўхта! Сақага кетамиз, сен ҳам биз билан борасан! *(Улар энди чиқаман деган пайтда ҳаллослаб Раззоқ кириб келади)*

Раззоқ. Мироб бува! Олов ёнди, сув кўтарилаяпти!

Огаҳий. *(Югуриб тепага чиқади)* Халойиқ! Қулоқ беринг! Сув тошаяпти! Эҳтиёт бўлиб ишланглар! Сув тошаяпти! Жумаёз!

Жуманиёз. Лаббай! Мен шу ердман.

Огаҳий. Одамларингизга айтинг, дейишдан хабардор бўлишсин, дарё гирдоби домига тортмасин!

Жуманиёз. Хўп бўлади!

Огаҳий. Раззоқберган!

Раззоқ. Лаббай!

Огаҳий. Сен тепадаги оловни ёқ! Тўмандагиларни огоҳ эт! Тез бўл!

Раззоқ. Ҳов! Тепадагилар! Оловни ёқинглар! *(Югуриб чиқиб кетади, тепада олов ёнади, чирқ ёниб-ўча бошлайди. Ҳаммалар иш билан овора: кимда бел, кимда кетмон, кимда қоп, кимда сават. Хавфли садо акс этган мустиқа чалинади)*

Жуманиёз. *(Шовқин-сурон орасидан бақиради)* Қопларни ташланг! Кўзингга қара! Банд этинг! Чот опкел, чот босинг!

Қодир. *(Овозини баландлатиб)* Ён ташлаяпти! Кўзингга қара! Қайт деяпман, қайт! Орқангга қайт! *(Ғирашира қоронғуликда саҳна олдига Қушбеги, Ҳожиниёз, Сўвирбойлар чиқишади)*

Сўвирбой. *(Қушбегига)* Тақсир, важоҳати ёмон-ку!

Ҳожиниёз. Кўрасиз, Огаҳийнинг манманлиги бошига етади.

Сўвирбой. Аини муддао! Буни жонига тошқин оро кирди, тошқин!

Ҳожиниёз. Сўвирбой, ҳар неки итлофнинг вақти-соати бордур, сабр даркор.

Отамурод. *(Муфтига)* Аввалги тошқинни Оллоқули эшон дуо қилиб қайтарган дейишади. Балки, сиз ҳам дуо қиларсиз?

Ҳожиниёз. Тақсир, менинг нафасим етмайди, оржизлик қилади. Худо таоло бизни шу илмдан бенасиб етган.

Отамурод. Қани, сақа томонга кетдик. *(Улар кетишади, шу пайт дейишнинг "шалоплаган" қаттиқ товуши гумбурлаб эшитилади, муסיқа садолари астида овозлар эшитила бошлайди)*

Эгам. *(1-Овоз)* Дод! Нурим кетди, Нурим кетди! Халойиқ! Ходани узат! Арқонни узат! Арқонни ташла! Нурим, арқонни ушла!

Қодир. *(2-Овоз)* Эҳтиёт бўлинглар! Дейишдан орқароқ туринг! Имилламанг! *(Яна гумбурлаган овоз эшитилади)*

Эгам. *(Овози)* Ҳой, ушла! Қўлингни бер, арқонни ушла арқонни! *(Шовқин янада кучаяди, муסיқа ҳам)*

Огаҳий. *(Овози)* Жумаёз, Эҳтиёт бўл!

Қодир. *(Овози)* Эҳ, аттанг! Жумаёз ўзини сувга ташлади-я! Қайт! Уларни деб ҳалок бўласан!

Эгам. *(Овози)* Мироб ташлади ўзини! Э-вой, бу қутирган сувга ишонч борми?!

Қодир. *(Овози)* Арқонни ташла!

Эгам. *(Овози)* Узат! Арқонни ушлолмаяпти! *(Пауза)* Ана энди ушлади! Худога шукур! Энди чиқишади! *(Муסיқа пасаяди. Тепаликдан саҳна олдига Жуманиёзни икки йигит кўтариб келади ва аста ерга қўяди. Йигитларнинг ҳам, Жуманиёзнинг ҳам уст-боши шаллабо, сув. Бироздан кейин ҳамма ёғи сув Огаҳий аста саҳна олдига тушиб келади)*

Эгам. Қонхўр дарё! Бир замонда тўртта одамни ютди-я!

Огаҳий. Нима?!

Эгам. Тўртта одамни ютди!

Огаҳий. Э-воҳ! Бу не кўргулик?! Токайгача шундай бўлади? Токайгача?!

Не учунким чора йўқ тор ўлур кўзга жаҳон,  
Бу ўжар Жайхун этар токай дилу қалбларни қон?!

*(Нидоли қўшиқнинг муסיқаси бошланади)*

Қодир. Водариг! Ўн гулидан бир гули очилмаган навқирон йигитлардан ажралдик-а! *(Тиз ташлаб)* Эй худо! Бандаларингга раҳм қил! Ўзинг сақла, сув балосиннан, кўринган-кўринмаган офатларингдан ўзинг сақлағайсан! *(Муסיқа кучайиб, узоқдан қўшиқ эшитилади, чироқ аста ўчабошлайди.)*

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас,  
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас.  
Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсун, гар гадо,  
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам эмас.

Парда .

### 3-КЎРИНИШ

1-Кўринишдаги сахна, панжаралар боққа қараган. Парда шўх мусиқа билан очилади, қизлар куйлаб, ўйинга тушаяпти.

Хуснингни тамошо қилибон баҳра олурлар  
кўзим била кўнглум  
бир-биридан афзун,  
Зинҳорки эмди ёзибон юз уза кокул  
айлаб они пинҳон,  
манъ этма тамошо.  
Менким, эшикинг бандалари ожизидурман  
шукр этмак ишимдур  
гар очу ва гар тўқ,  
Лутфингга қилурман бори ҳол ичра таваккул  
ё раззоқу маннон,  
сансан анго доно.  
Ҳай-ҳай не тароватлиғ эрур боғи жамолинг,  
ким тергусидур гул  
ондин ҳама олам,  
Мундин дурур анвои гулу лола била мўл  
ҳам жайби гулистон,  
ҳам домани саҳро.  
Ҳажринг ғами заҳрини ичиб Оғаҳий зор  
ўлмакка етибдур  
комига етушмай,  
Қилма нафаси ҳолини сўрамоқда тааллул,  
эй Исойи даврон,  
қилғил ани ихё.

*(Ўйин тамом бўлгач, қизлар кулишадилар)*

Гулжамол. Яшанг, қизлар! Оғаҳийниям қулоғи қизиди, а Санамжон?

Санамжон. Вой, чиқонжон-ей! Гап ташламасанг, кунинг ўтмайди сени.



Зулайхо. Ҳей, қизлар, хино ёқарға кечикмайлик, борайлик, кетдик. Қани, Санамжон, Гулжамол, Назира, юринглар!

Санамжон. (*Ўнғайсизланиб*) Яхши, сизлар бораверинглар, мен кейинроқ бораман.

Назира. Қизикмисан, сени олиб кетамиз деб келдик, баҳона топма!

Санамжон. Бораверинглар дедим-ку.

Гулжамол. Назира, сизлар кетаверинглар, мен ўзим олиб бораман. (*Қизлар чаққон чиқа бошлайдилар*)

Назира. Майли, кеч қолманглар, тезроқ боринглар! (*Қизлар кетишади*)

Гулжамол. (*Санамжонга*) Кийин, юр, бўлсанг-чи, кеч қолмайлик.

Санамжон. Биласан-ку, мен боролмайман. Мана уйдан кўчага чиқма деган.

Гулжамол. Ахир тўй деган умрда бир марта бўлади, бир марта. Зебонинг энг бахтли куни-ку бугун! Сен билан биз бормасак уят бўлмайдами? Энг яқин чиқонмиз-а!

Санамжон. Қийнама мени, шунча қийналганим ҳам етар. Бандилиқда қаноти қайрилган қушман, бағрим қон бўлди ўзи. Қаерданам учратдим уни. Билсанг, шундан бери юрагимда ўт! Ўзимни қўярга ер тополмайман, ўтирсам ҳам, турсам ҳам, юрсам ҳам хаёлимда, худди олдимда тургандай. Ҳозир ҳам қизлар билан унинг ғазалини айтдик, лекин хаёлимда у! Отам минг банди этгани билан, уни хаёлимдан чиқаролмайман!

Гулжамол. Бахтлisan, Санамжон! Бағрим қон бўлди дема. Севиш бу Оллонинг инояти. Севилмоқдан ҳам ўзга бахт борми дунёда. Ахир Огаҳийни бутун эл суяди. Ана, неча ҳофизлар унинг оташнафас ғазалларини айтадилар. Сени ўзинг ҳам ундан илҳомланиб, ажойиб ғазаллар битгансан, мухаммас боғлагансан:

Сочди афлок кўзёшин, тушди уфқдин чиммат санга,  
Истадим тилсимий тун хуршидедин ҳиммат санга,  
Тонг отиб етгай фараҳлик нуридин навбат санга,  
Мунчаким, э дил, етишти ҳажридин заҳмат санга,  
Узмадинг ҳаргиз умидинг васлидин, раҳмат санга.

Санамжон. Эҳ, Гулжамол, Гулжамол! Қани айт, ўз тенгдошингдан катта одамни севмоқ айбми? Айтгин, айбми? У пок муҳаббатимизни оиласига хиёнат, бевафолиг деб тушунади. (*Пауза*) Қани, сен менга айт, нима қилай,

нима? Наҳотки, ашъорида ишқни куйлаб юрган одам, (пауза) ушшоқ аҳлини ҳар байтида васф этган одам:

Қилиб раҳм Огаҳий кўз ёшинга келди ҳамул ёшинг, Бу ёшингдин не тонг эврулсам, ул ёшингдин айлансам,—

деган одам наҳотки андиша қобигидан чиқолмаса?! Наҳотки... (йиғлайди)

Гулжамол. Кўп куйинма, чиқон, у шу андишаси билан ўз муҳаббатини эл кўзидан, миш-мишлардан пинҳон сақламоқчидир. Нима кўп-гап кўп, тош отувчи кўп. Кўнглингни тўқ тут, кўп куйинаверма. (Пауза) Барибир сен бахтлисан! Сенга ҳавас қиламан, чиқон, сен бахтлисан! Майли, мен бораё бўлмасам.

Санамжон. Майли, борақол, хайр. (Гулжамол чиқиб кетади, мушиқа бошланади. Санамжон аста юриб панжара олдига келади.) Тўй!.. Қиз учун келинлик либосидан ҳам қимматлироқ инъом бормикан дунёда! Зебонинг бахтли онларига боқийлик тилайман. Мен-чи? Менга ҳам келинлик либоси насиб етармикан? Менга ҳам бахт кулиб боқармикан? Азизим, йўл кўрсат! Ўйимда, хаёлимда, кўз ўнгимдасан. (Қўшиқ айтади)

Луфт айлаб, э пайки сабо, ҳолимни султонимга айт,  
Яъники жоним дардини ишқиди жононимга айт.

Оҳу фиғоним булбулу қумрини хомуш этканин,  
Ул қомату сарву юзи гулбарги хандонимга айт.

Ман лол ўлиб кўрган чоғи бир сўз худ айта олмоғум,  
Бори сан аҳволими ул ошуби давронимга айт.

(Қўшиқнинг шу жойида Санамжоннинг онаси Кишжон аста кириб тўхтайдди. Санамжон унинг кирганини сезмайди)

Зиндони ғамдин Огаҳий топғай қачон озодлиғ,  
Лутф айлаб, э пайки сабо, ҳолимни султонимга айт.

Кишжон. (Қўшиқ тамом бўлгач) Қизим, бу не азоб? Нега тушунмайсан? Ахир у сенинг тенгинг эмас! Тушунсанг-чи, болам, гўдаклик қилма! Унинг хотини бўлса, ёши катта бўлса, нега азоб тортасан? Ўйласанг-чи, одамлар нима дейди, эл-юрт нима дейди. Сенинг ўрнингда бошқа қиз бўлса, уни бошимга ураманми деб дод соларди, умрини лаънатлаган бўларди.

С а н а м ж о н . Нима десангиз денг, онажон! Кўнглимга қарши боролмайман! Айтдим-ку сизга, усиз яшашни хоҳламайман!

К и ш ж о н . Асли мен бахти қаро айбдорман! Ёлғиз қизим, чиқонлари билан ўйнаб келсин деб юборгандим. Наврўз сайлига бордингу шу бахти қарога мубтало бўлдинг.

С а н а м ж о н . Онажон! Унимас, мени бахти қаро денг! Мени гумроҳ денг! Нима десангиз ҳам розиман. Яхшиси менга йўл кўрсатинг, нима қилай? Онажон! Айтинг, нима қилай?!

К и ш ж о н . Нима дердим, эҳтиросингга эрк берма, ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилмаган фариштасан, беғуборсан. Қанча жойдан совчилар келди, йўқ дединг. Отангга раҳминг келсин. Хоннинг даргоҳида унинг мавқеъи баланд, ахир. сен туфайли, сенинг бедаволигинг туфайли отангнинг обрў-эътибори чил-парчин бўлмасин. Сени беўй босган қадамингга отанг бардош беролмайди. *(Шу пайт Санамжоннинг отаси Сўвирбой киради, улар сезишмайди)* Бу фикрингдан қайт!

С а н а м ж о н . Йўқ, онажон, мени тушунсангиз-чи, наҳотки аёл бўла туриб, ахир сиз онасиз-ку, нега тушунмайсиз? Ҳеч бўлмаса, сиз тушунишингиз керак! Мен юрагимга қарши боролмайман, онажон, боролмайман!

С ў в и р б о й . Сени мана шу юрагингни суғуриб оламан! Э, уятсиз, безбет! Мен сени ғазал битишингга, ихлосингга суюниб. шеър битса битар, ёшлик ҳаваси деб эътибор бермаган дим. У ярамас, мараз, пасткаш одам!

С а н а м ж о н . Унда айб йўқ, отажон! Айб менда, мен гумроҳда!

С ў в и р б о й . Сен Огаҳийни кимлигини, қандай одамлигини билмайсан, магарам билганингда бундай беҳаёликни қилмаган бўлардинг. Ахир у кофир, динсиз, диёнатсиз, такаббур, нокас! *(Жимлик)* Сен шундай бадбахтни ёнини оласан, онангни юзига, менинг юзимга оёқ қўясан, беҳаёлик қиласан! Сен кимга ўхшадинг?! Мен одамлар олдида, эл-юрт олдида, саройда қандай бош кўтариб юраман! Биласанми, мен етти иқлимга номи кетган Сўвирбойман! Падари лаънати! Сени бунақа эсирарган, беҳаёлигинг бизни хонадонимизга тавқи лаънат келтиради! Мен эса, бунга йўл қўймайман! Икки қулоғинг билан ҳам эшит! *(Хотинига)* Сен ҳам эшит, магарам яна Огаҳий номини тилингга олсанг, тилингни суғуриб оламан, тириклай ерга кўмаман! Тушундингми?! *(Хотинига)* Сени ҳам! *(Кетаётиб)* Кўрнамак, беҳаё! *(Чиқиб кетади)*

Киш жон. Эшитдингми? Отанг айтганини қиладиган одам, беҳаёлик қилма! *(Чиқиб кетади, мусиқа бошла-нади)*

Санамжон. Эй танграм! Бу не кўргулик?! Йўл кўрсат! Мени тушунадиган бирор кимса борми ўзи?! Бунча нотавон, шўрпешона бўлмасам, эй танграм! *(Ашула айта-ди, речетатив йўсинда айтилса, маҳбул бўлади)*

Токи тушти ишқ барқидин дили маҳзунга ўт,  
Ҳар нафас оҳим шароридин тушар гардунга ўт.

Кўнглум ўтига сув урмоқ бирла таскин истаманг,  
Ким онинг бир учқуни солғуси юз Жайҳунга ўт.

Телбараб ҳар ён югурдим тортиб ўтлуғ наволар,  
Лолалар эрмаски тушти тоғ ила ҳомунга ўт.

Чархи дун ёқти ҳаводис ўтига жону дилим,  
Сол мукофоти учун, ёраб, бу чархи дунга ўт.

Шеъринг ўлғай, Огаҳий, ишқ аҳлига муздин совуқ,  
Дард ўтидин бўлмаса, махлут агар мазмунга ўт.

*(Чироқ аста ўча бошлайди, олисдан қўшиқ эшитилади)*

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас,  
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас.

Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсун, гар гадо,  
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам эмас.

Парда.

#### 4-КЎРИНИШ

Парда мусиқа билан очилади. Боғ чеккаси. Огаҳий безовта бир ҳолатда у ёқдан-бу ёққа юраяпти.

Огаҳий. Учрашмоқ ниятида хат ёзибдики, демак жиддий бир гап бор. Нима бўлган экан-а... Тавба, нега бунча безовтаман. Бу не савдодурким, сония сайин қал-бимга қутқу, вужудимга ўт солади?! Водариг! Бу қандай бедаволиғ! Йўқ! Унинг эҳтирос домига тушмасликка қув-ват бер, имкон бер, эй Худо!

Мен рози эрдим олам аро барча ҳолга,  
Ваҳ, найлайинки, бермагусидур ризо кўнгул.

Мени покравлиғдин адаштирама, эй Тангрим! Э, ваҳ!..  
Нима қилмоқ керак? Нима қилмоқ керак?! *(Шу пайт саҳна чеккасида Санамжон кўринади. Огаҳий унинг келганини сезмайди.)*

Хату холинг фироқида туну кун,  
Чекти нолам ўти фалакка тутун.

С а н а м ж о н

Жонфизо лутфингиз айлаб ёд,  
Жонга ҳар лаҳза айладим бедод.

О г а ҳ и й

Янги ойдек қошингиз чу ёд этдим,  
Гоҳ келдим ўзимга, гоҳ кетдим.

С а н а м ж о н

Шукурким бу дам изиди маннон,  
Берди васлингиз била янгидан жон.

Огаҳий. Келинг, омонмисиз?.. Омонликми?!

Санамжон. Худога минг қатла шукурким, сиз борсиз. Васлингизни кўришга мушарраф бўлдим. Биласизми, азизим, менинг ғамли кунларимни фараҳбахш қиладиган бирдан бир илинж бу сиз!

Огаҳий. Санамжон... Мен сизга нима десам экан... Биласизми, севмоқ сизнинг бахтингиз. Мен сизни бу бахтдин Мосуво, бенасиб этгум йўқ. Ва лекин, аввал ҳам айтганман, ҳозир ҳам айтаман...

Санамжон. *(Унинг сўзини бўлиб)* Йўқ, йўқ! Бу ҳақда оғиз очакўрманг!

Огаҳий. Йўқ, айтмасам бўлмайди. Тушунинг, ази-зам, ахир сиз очилмаган гулсиз, дуркун нав-ниҳолсиз, биллурдай тоза шалоласиз. Мени деб ўзингизни ўтга ташламанг. *(Оғир жимлик)* Ахир мен соҳиби хонадонман. Вафо расмин бузмоққа ҳаққим йўқ. Вал охир-абад сизнинг менга бўлган сидқи вафоингизни, ашъоримга бўлган меҳру муҳаббатингизни умрим адоғигача кўксум маснадида сақлағайман. Мен сизни бахтли кўриб бахтиёр ўлурман.

Ёшлик гулшанига путур етказманг. Борча ҳавою ҳавасингиз ўткунчидур. Сиз ҳали кўп бахтли онларнинг шоҳиди бўласиз.

Санамжон. Йўқ-йўқ, бахтли онларнинг шоҳиди эмас, шаҳиди бўламан! *(Жимлик)* Агар сиз мендан юз ўгирсангиз, бу олам мен учун зимистон, тубсиз бир зиндон!.. Майли, сиз андиша қилинг, мени аянг, лекин сизни номингизни қалбимдан, хаёлимдан, вужудимдан ҳеч ким ўчиrolмайди! *(Жимлик)* Мен бикр ўтсам ҳам розиман, аммо сиз мен учун бор бўлсангиз бас! Ёлғиз сиз учун яшаб ўтаман! *(Ашула айтади)*

Келмишам хилватингиз аро ёлғуз,  
Мени еткурди ҳақ санго ёлғуз.

Ҳар на комингиз раво қилурам,  
То абад меҳр ила вафо қилурам.

Сиздин айрилмоғим даме ҳаргиз,  
Сиза кўрмон раво ғаме ҳаргиз.

*(Шу пайт от туёғининг саси эшитилади. Саҳнага ғазабга тўлган Сўвирбой кириб келади ва қўлидаги қамчи билан Санамжоннинг боши аралаш уради. Санамжон нинг бошидаги рўмоли сирғалиб тушади.)*

Санамжон. *(Даҳшат ичида)* Гуноҳим нима, отажон! Сўвирбой. Гуноҳингми?! *(Яна урмоқчи бўлиб қўлини кўтарганда Огаҳий шиддат билан бориб унинг қўлини ушлайди)* Сенинг гуноҳинг — ифбат либосини йиртиб, мана бу диёнатсиз, пасткаш билан овлоқда учрашиб туришинг. Ишонмасдим, мана кўрдим! Мен сенга нима деган эдим? Мен сўзимдан қайтадиган одам эмасман. Сен манжалақи, бизни уйда йўқлигимиздан фойдаланиб, эрсираб қолдингми? *(Огаҳийга)* Юбор қўлимни, ярамас!

Огаҳий. *(Унинг қўлидаги қамчини олиб, ирғитиб юборади)* Ўзингизни босинг!

Сўвирбой. *(Даҳшат аралаш)* Сен аблаҳ билан ҳам ҳисоб-китоб қиламан! *(Санамжонга)* Йўқол, беномус! Сен билан уйда гаплашаман, тириклайин терингни шиламан! *(Санамжон судралиб чиқиб кетади)*

Огаҳий. Санамжон беғубор, мусаффо қиз, унда айб йўқ. Қизингизга қўл кўтариб, катта гуноҳ қилдингиз.

Сўвирбой. Сен туфайли у бадном бўлди. Яккаю ягона қизимни шарманда қилдинг! Энди калимангни

қайтар! (Пичоғини қинидан суғуради, шу пайт бир қўлида дутор билан Жуманиёз кириб келади.)

Жуманиёз. (Ҳовлиқиб) Нима гап, устоз, Сўвирбой оға. нима гап?

Сўвирбой. (Жуманиёзга) Бурнингни тикма! Қоч! (Огаҳийга) Қонингни ичаман! Мени Сўвирбой дейдилар! Қизимни оёқ ости қилишга, топташга йўл қўймайман!

Жуманиёз. (Дуторни бир чеккага қўйиб) Сўвирбой оға, ўзингизни босинг! Жаҳлга эрк берманг, Сўвирбой оға!

Сўвирбой. Қоч! Йўлимни тўсма! Бу баттолни жазоси ўлим! (Ташланади. Жуманиёз Сўвирбойни қўлидан тортиб, олиб чиқа бошлайди) Аблаҳ! Мараз! Итдан тарқаган! Барибир ўлимнинг мени қўлимда! Ўлдираман!

Жуманиёз. Ўзингизни босинг, Сўвирбой оға! (Олиб чиқиб кетади)

Огаҳий. (Ҳаяжон билан) Водариг!.. Тезоблиғ ҳамиша тоқат деворини вайрон қилади...

Кимники жаҳолат домига тортар,  
Зеҳни сўқир бўлур, қалби ҳам аъмо.  
Беўй қадамидан андуҳи ортар..  
Барига шоҳидсан, тўзим бер, Худо!..

*(Огаҳий шеърнинг бир байтини айтганда Жуманиёз саҳнага киради ва шеърнинг давомини эшитиб туради.)*

*Огаҳий айтиб бўлгач, Жуманиёз индамай дуторни олиб, ўйчан турган Огаҳий ёнига келади. Чироғ аста-секин ўчиб, олисдан қўшиқ эшитилади)*

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас,  
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас.

Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсун, гар гадо,  
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам эмас.

Парда.

2-ҚИСМ

5-КЎРИНИШ

Парда мусиқа билан очилади. Арк айвони, икки устун ўртасида тахт турибди. Тахтдан бериди, пастида Оллоқулихон, унинг ўнг томонда Отамурод қушбеги, Ҳожиниёз муфти, Раҳмонберди маҳрам, чап тарафида Матёқуб меҳтар, Огаҳий, Шиговул, эшик олдида Эшик оғаси. Хон бошлиқ аркони давлат янги девор қурилиши макетини муҳокама этмоқдалар.

Оллоқулихон. Мана, Матёқуб меҳтарнинг саъй-ҳаракатлари ила қилинган девор тархи. (*Макетни кўрсатиб*) Ушбу девор битганидан кейин биз ташқи қалъани — "Дишон қалъа" деб номлагаймиз.

Матёқуб. Таҳсин, хон ҳазратлари, номини ҳам топиб айтдингиз, "Дишон қалъа!"

Отамурод. Хон ҳазратларининг ниятлари холис ва абадиятга дахлдордур!

Ҳожиниёз. Кўҳна китобларда: "Эй ўғлим, хонадонинг осойишта бўлсин, десанг, деворингни баланд қил," деганлар. Хон ҳазратларининг ушбу ихлослари Оллоқ даргоҳида мустажоб бўлғай!

Оллоқулихон. Ният-ку холис, валекин, мана неча ойдурким, "Дишон қалъа" девори боис бошимизда бир олам ғавғо. Юртда арининг ини бузилгандай, ғалоҳовур тинма-япти.

Шиғовул. Эл-юртчилик, хон ҳазратлари, аммо лекин раиятда гап йўқ. Бари ғийбату бўҳтонлар шумният, бузуқ оғизлардан чиқмоқда. Кимлардир урушдан гапирса, кимлардир қалъани сув босармиш, Нуҳ тўфони бўлармиш деб фуқарони чалғитаяпти.

Огаҳий. Тавба денг, Матризо! Салтанатда бадниятлар?!

Ҳожиниёз. Билмас экансиз-да! Аркони давлатни эл олдида бадном этиб, раият кўнглида гумон ва адоват уйғотиб, бузғунчилик уруғини сочаётган кимсалар иззат-ҳурматда!

Оллоқулихон. (*Босиқ*) Ким экан у адоват уруғини сочиб, иззат топиб юрган кимсалар?

Ҳожиниёз. Бош мироб Матризо! (*Жимлик*) Хон ҳазрат, бадхулқ, ғаразли ғазаллари авом орасини бузмоқда, фуқарони салтанатга қарши қайрамоқда! (*Оллоқулихон сергак тортиб Огаҳийга қарайди*)

Огаҳий. (*Хотиржам*) Олий ҳазрат... Тўғри, мен бадхулқ амалдорлар ҳақида шеър битганман. Аларни баъзи бировлар ўзларига олган эканлар, на илож.

Ҳожиниёз. Аввал ўзинга боқ, кейин ноғора қоқ! Ўзингни фаришта қилиб кўрсатма! Тошқинда ғарқ бўлганлар уйидаги доду фарёднинг овози тингани йўқ ҳали. Тўрт навқирон йигитнинг қони тутади сени, чунки сен сабабчисан!

Отамурод. Хон ҳазрат! Ҳамма тошқин билан олишиб юрганда, бу миробимиз иш ўрнига карнай-сурнай чалдириб, ўйин-кулгу билан машғул бўлди. Не-не



ҳосилдор ерлар сув остида қолди, пайхон бўлди, йигитлар қурбон бўлди.

Оллоқулихон. Ҳа де эзаверманглар! Тошқин ҳам жанг! Жанг қурбонсиз бўлмайди. *(Жимлик, шу вақт қабулхонада шовқин эшитилади. Эшик оғаси чиқади)*

Кампир. *(Қабулхонадан овози)* Қўйвор мени! Қўйвор дейман, қандай одамсан ўзи, қўйвор! Хонга кирмоқчиман!

Эшик оғаси. *(Овози)* Эна, ўтириб туринг!

Оллоқулихон. Нима гап? Нима шовқин?!

Эшик оғаси. *(Кириб)* Бир қарри кампир хонга арзим бор деб ҳеч гапга қулоқ солмаяпти.

Оллоқулихон.. Айт, кирсин!

Эшик оғаси. Хўп бўлади. *(Чиқиб кампирни бошлаб киради)*

Оллоқулихон. Хўш, эна, нима гап?

Кампир. Сенми хон?

Оллоқулихон. Ҳа, мен.

Кампир. Сен хон бўладиган бўлсанг, нега фуқарони хўрлайсан, оёқ ости қиласан?

Оллоқулихон. Очиқ гапиринг, эна, кимни хўрладим, кимни оёқости қилдим?

Кампир. Мени, мени хўрладинг, мени оёқости қилдинг. *(Жимлик)* Ахир, сени деб, юртни деб, тахтинг учун, бахтинг учун яккаю ягона ўғлим шаҳид бўлди. Сени урушингда ҳалок бўлди, сени деб! Нега мени ҳолимдан хабар олиш ўрнига, мана бу *(Раҳмонбердини кўрсатиб)* маҳраминг, хоннинг буйруғи деб уйимни бузмоқчи, қандайдир девор қураман дейди. *(Хонга)* Келиб-келиб кучинг мендек ғарибу нотавонга, бир бевага етами?

Оллоқулихон. Эна, уйингиз қаерда?

Кампир. Шихлода.

Оллоқулихон. Биз сизни хўрламоқчи эмасмиз, магарам девор сизнинг уйингизни устидан тушса, кўнглингиздагидек жой қуриб берамиз.

Кампир. Менинг кўнглимдагидек жой — ўзимнинг жойим. Ахир бутун умрим шу уйда ўтган. Энди сенинг деворингни деб, ота-бобомни руҳи чирқилласинми?! Ўғлимнинг руҳи мени излаб қайга боради? Йўқ, мен рози эмасман. Агарда уйимни бузсанг, у дунё, бу дунё обод бўлмайсан, қарғайман. Мендек беванинг қарғиши сенга, бутун авлодинга тавқи лаънат келтиради, косанг оқармайди. *(Жимлик)* Яна ўзинг биласан, хон! *(Аста чиқиб кетади)*

Оллоқулихон. *(Жимликни бузиб)* Мана, мен айтган ғавғонинг бири. Хўш, бу ҳолга аркони давлат не деюр!

(Жимлик) Токим одамлар бизнинг ишимиздан ризо бўлмаса, у ишдин хайр чиқмағай.

Раҳмонберди. Хон ҳазратлари! (макетни кўрсатиб) Мана, пахса девор, кўп жойлари уйлар устидан, ҳосилдор боғлар устидан келаяпти. Ахир бу серфайз хонадонлар соҳиблари бири қош, бири кўз, не қилмоқ керак? (Оғир жимлик) Ҳамма бизга тиш қайраяпти, мени-ку емоқчилар. Девор қурилишининг бош айбдори мен бўлаяпман. Мен сизнинг олдингизда ёмонотлиғ бўлишдан кўрқаман! (Жимлик) Агар деворни уй эгаларининг айтганича бураверсак, бу қандай девор бўлсин! Деворнинг тирноғи 30-40 қулоч бўлгач, уни ҳар 50-60 одимдан бураверсак, қандай бўлади? Ахир деворнинг балеңдлиги ҳам буравермасликни тақозо этади. (Жимлик) Бу ёғи яна сизнинг ҳукмингизга боғлиқ.

Матёқуб. Дуруст, бу девор фуқарони ўт-сувдан, ёғий ўқидан муҳофаза қилиш учун қуриладиган улкан иншоот. Кимнидир уйи йиқилади, кимнидир боғи, кимнидир ери бузилади. Хон Ҳазрат, магарам кўнгилчанлик қилсангиз, Раҳмонберди маҳрам айтгандай, бири қош, бирин кўз десангиз, қалъа девори сиз ният этгандай маҳобатли бўлмағай.

Раҳмонберди. Хон ҳазратлари, мени афу этинг, сизнинг фармонингиз ила бунёд этиладиган ҳар қандай иншоот, авлодлар наздида, абадиятга муҳрланмоғи ва асрлар давомида ардоқланмоғи лозим.

Матёқуб. Мана, ҳозирги қалъамизнинг деворини кўринг, қалъага киришдан олдин унинг салобатини кўриб, иймон келтирасиз, ота-боболар руҳига тиловат қиласиз.

Огаҳий. Хон ҳазрат, "Ичон қалъа" кема шаклига мангзийди, Хейвақнинг боқийлик рамзидур. У тоабат тўфону гирдобга бардош бергай, чунки унинг лангари бор. Пиримиз Полвон ота унинг лангаридур! (Жимлик) Шу боис, бунёд этилмоқчи бу муқаддас девор тархи яна бир бор мукамалроқ ишланса, пиримизнинг қувваи руҳлари ила замон адоғигача мунҳад бўлмағай!

Оллоқулихон. Дуруст, валекин фуқаронинг ҳам дили оғримасин. (Шу пайт Эшик оғаси бир-икки қадам ичкари кириб йўталади) Нима гап?

Эшик оғаси. Хон ҳазратлари, англиз элчиси ташриф буюрди.

Оллоқулихон. Кирсин!

Эшик оғаси. Хўп бўлади. (Чиқади, хон тахт томон юради. Аббат мулозими билан киради)

Аббат. Буюк Хива мамлакатининг олийнишон соҳиби даврони, Оллоқ файзи ила саховат булутларини сувга сероб этган, етти иқлимнинг олийҳиммат сарвари бўлмиш Оллоқули Баҳодирхон жаноби олийларига ўзининг муборак пойи қадами ила неча-неча мамлакатларни обод этган, меҳр нуридан равшанлик ато этган улуғ Англия халқидан ва унинг саодатнишон буюк қиролидан саломлар бўлгай!

Оллоқулихон. Аббат жаноблари, буюк англиз давлатининг саломларини етказган сиздай закий элчи жанобларига ташаккуримизни изҳор қиламиз.

Аббат. Хон жаноби олийлари, сизнинг рухсатингиз билан Қиролимиз ёзмиш муборак мактубни ўқиб берсам.

Оллиқулихон. Марҳамат.

Аббат. Хива хони Оллоқули Баҳодирхонга! Кўп замонлардан бери Русия аҳли сизлар тарафга ҳаракат этиб, вилоятларингизни олмоқ фикридадир. Уларнинг мақсади тамоми Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонни олиб, ўзлари учун Ҳиндистон тарафига йўл очмоқ. Русия подшоҳи бир улуғ подшоҳдурким, унинг лашкари ва дастгоҳини таърифлаш қийиндир. Сизларда унинг озгина лашкарига ҳам қаршилиқ кўрсатувчи қувват йўқдир. Улар яна эллик йилдан сўнг сизларнинг вилоятларингизни олур. Агар вилоятларингизни ўз қўлларингизда қолишини ва унга ҳеч ким дохил қилмаслигини истасангиз, уни бизга хатлашиб беринг. *(Ҳаммалари хонга ҳайратда қарашади, Аббат ўқишда давом этади)* Хоразм инглиз юрти бўлди деган сўз тарқалиб кетса, сиз бу хавфдан холи бўласиз. Бизнинг сизга бу сўзимиз бир юзаки, нафсоният юзасидан бўлиб, истагимиз холис дўстликдир. Бизнинг мақсад Русияга Ҳинд йўлини беркитишдур. Биздин сизга фойда етар, асло зарар етмасдур. Хатлашганда хоҳлаганингизча шартнома ёздиринг. Биз қабул қилурмиз. Нома тамом, вассалом." *(Элчи мактубни Оллоқулихонга беради)*

Оллоқулихон. Элчи жаноблари! Ушбу мактубингиз орқали Англиёдай буюк давлатнинг бизга нисбатан ғамхўрлигидан бағоят хушнуд ўлдик. Эшик оғаси!

Эшик оғаси. Лаббай, хон ҳазратлари!

Оллоқулихон. Элчи жанобларига шоҳона мурувват кўрсатилсин ва совға-саломлар ила сийлансин! *(Элчига)* Сиз жаноблари билан иншоолоҳ кўришурмиз. *(элчи таъзим қилиб, Эшик оғаси билан бирга кетади. Оллоқулихон тахтдан туриб, саҳна олдига келади)* Хўш, бу гапларга нима дейсиз?

Матёқуб. Хон ҳазратлари! Тангри таоло сизга Хоразмдай буюк кишвар тақдирини инъом этган, амрингиз вожиб!

Отамурод. Бул ваҳмли дашном замирида алдов ва шумлик бор. Қолаверса, 50 йил-а! унгача ким бор, ким йўқ. Ўт тушган жойини ёқади. Бошига тушса, авлодлар тадбирини кўрар.

Огаҳий. Тўғри, ўт тушган жойини ёқади. Эллик йилдан кейинги авлод тақдири кимгаки бефарқ экан...

Оллоқулихон. Англизлар талабини қабул қилиш керак демоқчимисиз?

Огаҳий. Асло! Агарки, ўрисми, англизми Ҳиндни олса, Хоразм бир гузар ҳолатда оёқ остида қолади. Мен салтанат ишига аралашмоқчи эмасман, аммо унинг адоватли, зўравонлик мақомида эмас, сулҳ ва одоб доирасинда бўлишини истардим.

Оллоқулихон. Эллик йил кейин бўладиган воқеа гумони ва ваҳми билан бугунги тадбирлардан чилғиш тўғри бўлмас. *(шу пайт қабулхонада ҳеч кимга бош бермай, дарғазаб ҳолда Сўвирбой шитоб билан кириб келади)* Нима гап?!

Сўвирбой. *(Титроқ бир ҳолатда бошини кўтариб, Огаҳий томонга қарайди)* Нима бўлганини мана бу ярамасдан сўранг, хон ҳазратлари! Мени хароб қилди, покиза хонадонимни ҳаром қилди! *(Жимлик)* Мен хонадоним шаънини қон билан ювдим, қон билан!..

Оллоқулихон. *(Дарғазаб)* Сўвирбой?!

Сўвирбой. Энди мен Сўвирбой эмасман, хон ҳазратлари, энди мен қотилман! ёлғиз, ягона қизимнинг қотилиман! *(Сўвирбой йиғлаганча юзларини беркитиб, бошини эгади)*

Огаҳий. Санамжон!..

Сўвирбой. *(Шиддат билан бошини кўтаради, кўзларида ўт чақнайди)* Ҳа! Санамжон! Тилинг кесилгур, беномус! Унинг бошига етдинг-ку ахир!

Огаҳий. Водариг! Бу кўргуликларинг ҳам бормиди, эй худо?! Ё раб!.. Бу не кўргулик?! Менда не қасдинг бор эди ўзи?!

Ваҳким яна зулмин аён этти фалак,  
Бағримни гами ҳажр аро қон этти фалак!  
Кўз йўлидин ул қонни равон этти фалак,  
Охир манго, кўрки, қасди жон этти фалак!

*(Ғазал бошида бошланган муסיқа  
аста баландлайди)*

Даҳр дун айёрасиким, йўқ анго меҳру вафо,  
Пешаси кину нифоқу одати жавру жафо.

Йўқтурур асло ҳамул маккора қотил зотида,  
Заррача раҳму мурувват, қатрача шарму ҳаё.

*(Оғир жимлик)*

Қатл этар охир туман нокомлиғ тиғи била,  
Кимсаки бўлмиш онинг қайди ғамиға мубтало!

*(Муסיқа кучаяди)*

Бу жаҳон вайронастиким, онда роҳатдур адам,  
Маскан этмишдур они хайли ғаму фавжи алам.

Оғаҳий, чиқ ондину фақру фано йўлиға кир,  
Даҳр аро бўлмай десанг гар мубталойи банди ғам!

*(Оғаҳий шитоб билан чиқиб кетади, муסיқа  
авжланиб, кейин аста тўхтайдди)*

Отамурод. Тўхтатинг уни, хон ҳазратлари,  
тўхтатинг уни!

Ҳожиниёз. У бадкор жазодин қочмасин, тўхтатинг,  
олий ҳазрат!

Оллоқулихон. Бас қилинг! Айбдор бўлса, жазодин  
қутулмағай! Осмонга учса, оёғидин, ерга кирса қулоғидин  
тортиб жазосини берурмиз, валекин, аввал аниқламоғимиз  
лозим!

Отамурод. Нимасини аниқлайсиз, хон ҳазрат! Мана,  
даъвогар олдингизда бўлса, айбдор аниқ бўлса...

Ҳожиниёз. Диндан қайтган бу беҳаё, бу беномус  
мўътабар бир онлани бузса, аркони давлатга шак келтирса,  
дин пешволарини ҳақоратласа, бундай нобакорни қандай  
кечириш мумкин?! Унинг жазоси ўлим! Фақат ўлим!

Матёқуб. Ҳожиниёз! Бегуноҳ одамни жазолашни  
сўраяпсиз, ўлим деяпсиз, Олло таоло олдида жавоб бериш-  
ни ўйланг. Ахир Сўвирбойни гижгизлаган, Оғаҳийга қар-  
ши оёқлантирган, билъакс, ушбу мудҳиш фожиага ундаган  
сиз эмасми?!

Ҳожиниёз. Тухмат қилманг! Мен нени айтсам, билиб айтаман!

Матёқуб. Ҳа, сиз биласиз, билиб айтасиз, Огаҳийни бегуноҳлигини биласизу тухмат қиласиз, жазо сўрайсиз. Ахир у тонгдай бегубор, порса одам. Қизнинг ўлмида унинг тариқча айби йўқ. Аксинча, у қизга, ишқ деб, муҳаббат деб ўзингни ўтга урма, ота-онангни юзини ерга қаратма, мен уйли-элли одамман деб қанчалик азият чекди. *(Жимлик)* Хўш, ота бўлиб Сўвирбой Огаҳий билан бирор марта шул хусусда гаплашганмикан? Йўқ, гаплашмаган. *(Муфтига)* Сиз бўлсангиз жазо сўрайсиз.

Ҳожиниёз. Нега у бадкорни ёнини оласиз? Сиз уни қаламидан фойдаланиб, сохта обрў орттирмоқчисиз, биламиз...

Шиғовул. *(Унинг сўзини бўлиб)* Ўзингизни босинг, муфти ҳазрат! Сохта обрў сизга керак! *(Хонга қараб)* Хон ҳазратлари, аввал айтган эдим, сиз андак эътибор этмадингиз. Бизга маълум бўлишича, булар — қушбеги, муфти, Сўвирбой, Раҳмонберди маҳрам бирлашиб, салтанат тагига сув қуйиш учун бош бириктириб юрибдилар...

Отамурад. *(Унинг сўзини жаҳл билан бўлиб)* Тухмат қилма! Хон ҳазратлари, шиғовул тухмат қилаяпти!

Шиғовул. Қушбеги! Иззатингизни билинг! Бизда аниқ маълумот бўлмаса, биз уни икки дунёда овоза қилмаймиз. Сўвирбойнинг уйида, пайшанба куни, хон бўлишни орзу қилган сиз эмасму?! *(Шиғовул Раҳмонберди маҳрамга маъноли қарайди)*

Раҳмонберди. Бир қошиқ қонимдан кечинг, хон ҳазратлари! Қушбегини хонликка орзуманд этган муфти ҳазратлари бўлади. Ҳамма айб муфтида. Уни қизнинг уволи тутади. Санамжон бегуноҳ кетди...

Ҳожиниёз. *(Тутоқиб)* Оғзингни юм, аблаҳ, ярамас, сотқин!

Сўвирбой. *(Бошини шаҳд ила кўтариб, Раҳмонбердига)* Аввал қаерда эдинг?! Мен кўр бўлмасам, аъмо бўлмасам, сен аблоҳларга уйимни тўрини бераманми? Агар худо бўлса, қуръони карим ҳақ бўлса, сенларни тузим тутади, кўр бўласанлар, кўр! *(Жимлик)* Эй худо! Ортиқ чидолмайман, ол жонимни! *(Хонга)* Мен жаллодни жазоланг! Чақир жаллодингни. *(Алаҳсираб)* Жаллодингни чақир!..

Оллоқулихон. Олиб чиқинг, зиндонга ташланг! *(Сўвирбойни олиб чиқадилар, оғир жимлик)* Ҳали келиб-келиб, биз ўз сирмизни, салтанат асрорини сиз

ғаламисларга айтдикму?! (Жимлик) Қушбеги! Отангиздан хонадонимиз ёмонлик кўрмаган, сен ғаламисни не худо урди?! (Жимлик. Даҳшат билан) Кўрнамак! Хонликни истадингми? Ана тахт! Чиқ! Ўтир! (Оғир жимлик) Олиб боринг, бунга сўз ҳайф, уйига муқаффал қилинг! (Жимлик, қушбегини олиб чиқадилар. Муфтига) Сиз-чи?! Давлат тўнтарувчи дин аркони?!

Ҳо ж и н и ё з. (Талвасага тушиб) Хон ҳазратлари! Афү этинг, менда айб йўқ!

Оллоқулихон. (Тахт олдиға боради ва китобни олиб келиб муфтига узатади) Мана, қуръони карим! Онт ич! (Муфти қўлини узатмайди) Онт ич деяпман! (Муфти индамай тураберади) Олиб боринг бу ғаламисни, банди зиндон, қилинг! (Муфтини олиб чиқадилар. Раҳмонбердиға) Сен-чи, Сен? Жазонгни тила!

Раҳмонберди. (Довдираб) Хон ҳазрат!.. Хон ҳазрат!..

Оллоқулихон. Иккиюзламачи! Йўқол кўзимдан! (Раҳмонберди гапирмоқчи бўлади, лекин гапирмай чиқиб кетади. Оллоқулихон ўйчан) Биз не ғамдаю булар не ғамда... (Олисдан келадиган қўшиқнинг мусиқаси бошланади) Дунё борки. ғаламислик бўлади... Олло таоло бизни тутган йўлимиздан адаштирмағай (Чироқ аста-секин ўчиб қўшиқ авжланади)

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас,  
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас.  
Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсун, гар гадо,  
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам эмас.

Парда.

## 6-КЎРИНИШ

Парда мусиқа билан очилади. Оғаҳийнинг уйи. Йиллар ўтиб, соқол-мўйлови оқарган Оғаҳийга Жуманиёз ғазал ўқиб бераяпти.

## Жуманиёз

Оғаҳий, эмди манга ўлмакдин ўзга чора йўқ,  
Ким буқун жонимда дардин бениҳоят кўрмишам...

Устоз! Бу янглиғ изтиробларнинг адоғи борми? Мана, неча йиллардурким, Санамжоннинг фироқида куйиб-ёнасиз. Як-кабош ўтаяпсиз. Аёлингиз вафотиға ҳам йигирма йилдан

ошиб кетди. Қариндош-туққанлар, хеш-ақраболарингиз, якка ўтма, қариганда суянчиқсиз қоласан, уйлан деб айтишди, йўқ дедингиз. Ҳозир ҳам йўқ деяпсиз.

Ога ҳий. Ишқ ҳам Оллоҳнинг оғир меҳнатидур, Жумаёз. Кимки бу дардга гирифторм улса, тузалмоғи душвордур, магарам ниймони бутун бўлса.

Жуманиёз. Демак:

Чекарсан, Огаҳий тун-кун ул ой жавру жафосини,  
Бу қоттиғ меҳнат ичра чиқмаган жонингга салламно,—

деб топиб айтган экансиз-да.

Ога ҳий. Эҳ, Жумаёз, Жумаёз, не-не воқеалар содир бўлмади, не-не сувлар оқмади. Кимлар менга қасд қилмади, кимлар паст бўлмади... (Жимлик)

Жуманиёз. Сизга қасд қилганларнинг қайси бири обод бўлди? Ашъорингизни йўққа чиқармоқчи бўлганларими, ёмонотлиғ қилганларми, ё отдан йиққанларми, қайси бири? (Жимлик) Қушбегини зиндонда бўғиб ўлдиришди, муфти зиндонда чириди, Сўвирбойни қатл қилишди, Назар маҳрам ит ўлиминда ўлиб кетди. Азалдан авлиёга кесак отгани косаси оқармаган, устоз! (Шу пайт совға-саломлар билан Комил Хоразмий кириб келади)

Комил. Ассалому алайкум, устоз! Бардамсиз? Тани-жонингиз соғ-саломатми?

Жуманиёз. (Ўрнидан туриб) Ассалому алайкум!

Ога ҳий. Ваалайкум ассалом (ўрнидан туради), келинг, Комилжон, хуш кўрдик.

Комил. (Қучоқлашиб) Хон ҳазратларининг дуойи саломларини қабул этгайсиз

Ога ҳий. Ташаккур! Комил Хоразмийдай алломани келиши фақир учун катта совғадур! (Комил Хоразмий қўлидаги совғаларни Жуманиёзга беради ва ўтирадилар)

Жуманиёз. (Фотиҳа қилгач) Устоз, ҳозир мен чой дамлайман. (Хонтахта устида турган чойнакни, Комил Хоразмий олиб келган тугунчакни кўтариб, чиқиб кетади)

Ога ҳий. Қариндош-жамоатлар соғ-саломатми? Боргоҳ тинчми? Мирзаларингиз яхшими? Хон ҳазрат нечук?

Комил. Худога шукур, устоз, ҳаммаси яхши, боргоҳ ҳам, хон ҳам... валекин замон қалтис, узр, юмушлар билан бўлиб хабар ололмадик. Хон ҳам узрини айтди.

Ога ҳий. Зиёни йўқ, Комилжон, бошингиз омон бўлса бас. Бахтимга Жумаёз бор экан. Ҳам соз, ҳам суҳбат қилади. (Жимлик) Эшитдим, хон ажаб бир хуш наво



битибди, фақирнинг арзимас иншоси яна ҳам хушмавзун, хушжило бўлибдур.

Комил. Биз ҳам хушнуд бўлдик. Ҳазалу наво бирлашиб "Феруз" номи билан ўлмас бир мулк дунёга келмуш. Устоз, жамики ашъору тарих китоботингиз, не-не форсий ва арабийдан этган таржимларингиз сизни абадул-абад тарих авроқида боқий қиладур. *(Жимлик)* Хон ҳазрат "Таъвиз-ул ошиқин"ни китобот этишни сизга топширгандай, мақомларни қоғозга тушуришни менга топширди.

Огаҳий. Баракат топсин! Ҳамма замонларда хонлик учун, тахт учун, амал учун бир-бировини жонига қасд қилишган, осган, чопган, сўйишган, аммо бу сулоланинг палаги тоза! *(Жимлик)* Раҳимқулининг ҳиммати ёдингиздами? Отаси Оллоқулихон ўлганидан кейин укам Мадамин хон бўлсин деса, укаси, йўқ, оғам хон бўлсин деган эди. Бу янглиғ мувосалиқ юрт равнақи учун Оллонинг инояти эмасми ахир! *(Шу вақт саҳнага йиғлаб Жуманиёз киради)*

Жуманиёз. Мусибат, устоз! Ёқубхўжадан айрилибмиз! *(Муסיқа авжли чалинади, сўнг аста пасаяди)*

Огаҳий. Нима, нима? Нима дедингиз?!

Комил. Э, воҳ!

Огаҳий. Бу кўргулик ҳам бормиди пешонамда?! Наҳотки, ўғлим ўрнида ўғил бўлмиш яккаю-ягона суянчиғимдан жудо қилдинг, эй худо?! Шуни ҳам кўп кўрдингми мен нотавонга?! Мажруҳлигим каммиди? Ёлғизлигим каммиди? Санамжондан айрилганим каммиди, Танграм?! *(Жимлик)* Ахир мен не гуноҳ қилдим сенинг олдингда, эй Худо?!

Комил. Бардам бўлинг, устоз! Шундай дилбанд шогирдан жудо бўлдик!

Огаҳий. Шогирдмас, хушхулқ фарзанд эди!..

На фарзанд эрди отадик раҳим,  
Бу маъни бирла эмди бўлдим йатим...

Билинтурмас эрди... ўғилсизлиқим...  
Ўғилсизлиқ ичра... кўнгулсизлиқим...

*(Жимлик)*

Мани айлади эмди фарзандсиз!..

Уни ўрнига мени жонимни олсанг бўлмасмиди, эй Худо!.. *(Аста чироқ ўчиб, олисдан қўшиқ эшитилади)*

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас,  
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас.

Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсун, гар гадо,  
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам эмас.

Парда.

## 7-КЎРИНИШ

Парда "Бузрук" куйи билан очилади. Сарой, 5-кўринишнинг ўзи, лекин тахт йўқ, парокандалик, сарой руҳи йўқ. Саҳнанинг у ёр-бу ерида рус зобитлари, аскарлари ва бир-икки ўтиб, қайтади. Саҳнага Жуманиёз билан Эгам иккови ҳайрон бўлиб киришади.

Жуманиёз Э тавба, не кунларга қолдик. Қандай муҳташам Арк эди бу. Оёқ босишга ийманиб турардик, нечоғли файзли эди.

Эгам. Жуманиёз оға, хон ҳазратлари омонмиканлар?

Жуманиёз. Ким билади дейсан, бирв қочди дейди, биров ўрисларга асир тушди дейди, биров Кўпман ҳибсга олган дейди, ишқилиб, хабарлар бир-биридан хунук. Мана бир ойдан ошдики, ҳаммаёқда парокандалик, Эгамберган, бу ўрис деганинг бир очопат экан.

Эгам. Энди нима бўлади? Кунимиз не кечади? *(Шу пайт Сиддиқ хазинабон, паришонхотир, қўлида кичкина сандиқча билан кириб келади)*

Жуманиёз. Ассалому алайкум, Сиддиқжон!

Сиддиқ. Ваалайкум ассалом, хуш кўрдик. Худога шукур, саломлашадиган одам бор экан Аркда. *(Қўл олишиб кўришадилар, қучоқлашадилар)* Кунда келаман, девонхона бўм-бўш, кўринишхона бўм-бўш. Амирул умаро ҳам, Отажон тўра ҳам хон бўламан деб ўзлари билан ўзлари овора. Фозилу фузалодан дарак йўқ, дардингни кимга айтишни билмайсан. Боргоҳдаги ҳамма нарсани талон-торож қилди кофирлар! *(Ҳеч ким эшитмадимикан деб уёқ-буёғига аланглайди)*

Жуманиёз. Тўғри айтдингиз, биз ҳам не қиларимизни билмаймиз, кимга ҳисоб берамиз, кимга соз чаламиз. Мана, *(қўлидаги дуторни кўрсатиб)* дуторни кўтариб келавердим. Одамлар ваҳимада, худди охир замон бўлгандай.

Сиддиқ. Охир замон бўлмай бу нима? Хонни маълуми йўқ, қилар ишингни маълуми йўқ. Бугун не бўлади, эртага не бўлади, худо билади.

Жуманиёз. Наҳотки Олло таоло бизни фиғонимизни, бизни нидомизни эшитмаса?

Сиддиқ. Эй Жумаёз, хон ҳазратларини кароматли деганларида жон бор. "Фигон" демуш ғазалини бежиз айтмаган экан. Қани, ана шуни бир айтинг, баланд овозда айтинг! Юраклар қон бўлди-ку! Мана бу кофирлар ҳам эшитсин!

Жуманиёз. Ажаб бўлғай! *(Қўшиқ айтади)*

Қилурман ютиб шавқи лаълингда қон,  
Фигону фигону фигону фигон.

Юзинг то мани зордин айладинг  
Ниҳону ниҳону ниҳону ниҳон.

Кўзимга қоронғудир ондин бери  
Жаҳону жаҳону жаҳону жаҳон.

Тиларман кўзунг фитнасинин мудом  
Омону омону омону омон.

Эрур қошларинг ишқ эли қатлиға  
Камону камону камону камон.

*(Ҳеч кимга билдирмай аста Феруз киради ва қўшиққа қулоқ солиб тўхтади)*

Гули ҳуснунга етмасун даҳрдин  
Хазону хазону хазону хазон.

Кел, эй шўх, Феруз кўксини қил  
Макону макону макону макон.

Сиддиқ. *(Кўзига ёш олиб)* Баракалло!

Феруз. Баракалло! *(Учовиям ўринларидан туради)*

Сиддиқ. *(Йиғлаб)* Хон ҳазратлари, бор экансизу, ассалому алайкум!

Жуманиёз, Эгам. Ассалому алайкум, хон ҳазратлари!

Феруз. Ваалайкум ассалом!

Сиддиқ. Худога шукур, сизни соғ-омон кўрдик, мубҳамлик ҳам жонга теғди.

Жуманиёз. Ҳозиргина Сиддиқжон, хон ҳазратларининг шу ғазалини айтинг, боргоҳ эшитсин деб эди-я, ё тавба!

Сиддиқ. Хон ҳазратлари, бу кофирлар юртимизни хонавайрон этишди-ку! Энди фуқарони аҳволи не кечади?

Феруз. Куйинмангиз, бу тақдир иши, неки бўлса Олло изми билан бўлғусидур. Бундин ёмонидин худо сақласин. *(Саройга кўз ташлаб)* Тахт қани?!

Сиддиқ. Тахтни олиб кетишди, қонхўр итваччалар! *(Жимлик)* Хон ҳазрат, шунча йил хазинабонлик қилдим, бир чақага хиёнат қилмадим, лекин булар авом рискини, чақа ҳам қолдирмасдан, хазинадан сандиқ-сандиқ олтин кумушларни, кутубхонадан нодир китобларни олиб кетишди. Илойим буларни авомни кўз ёши тутғай!

Феруз. *(Алам билан)* Алҳазар! *(Муסיқа бошланади)* Ўрис шафқатсиз қилғилиқини қилди! Хоразм устига борлиқ хўрликни ёғирди, юрт оёқ ости бўлди... *(Жимлик)* Бойлик-ку топилар, лекин буюк аждодларимиз руҳи олдида бошимиз эгик, қаддимиз хамдур! *(Муסיқа паст оҳангда давом этиб туради, саҳнага ҳасса ушлаган Огаҳий била Комил Хоразмий кириб келади. Феруз Огаҳийнинг истиқболига юради, муסיқа баландлаб, аста тўхтайди)*

Ассалому алайкум, мавлоно! Не кунларга қолдик... Мана, ҳолимизни кўринг, ўрислар ҳукмрон.

Огаҳий. Хон ҳазратлари, энди афсусга ҳожат йўқ. Бир сиз эмас мағлуб. Бирлашмасликни оқибатидин бутун Турон замини мағлуб бўлди. Ушбу фожеани Қул Хўжа Аҳмад Яссавий пиримиз бундин 600 йиллар муқаддам башорат этганлар:

Минг икки юз саксон бир мунга эрур далил,  
Пайдо бўлғай ўзга эл, ислом қўлдин кетаро.  
Кофир келиб қишлағай, кўп мўминлар оч ўлғай,  
Осон қилғай бу ишни яратгувчи саттаро.

*(Жимлик)*

Комил Хоразмий. Водариг! Минг икки юз саксон бир-бу сичқон йили, хон ҳазратларининг тахтга ўлтирғон йилидур.

Феруз. Дарҳақиқат, ушбу йил ўрислар Туркистонга кирдилар, Хўжанду Тошканти олдилар, ё тавба!

Огаҳий. Бу кароматнинг тўғри чиқувини кўриб, ислом дунёси туғдирғон бу янглиғ даҳолар олдида нечук сажда қилмасмиз! *(Жимлик)* Сулҳ тузибсиз, мана Комил-жон айтди, хаттотлик этибди.

Феруз. Чорамиз йўқ эди, устоз, мағлубмиз ахир. *(Жимлик)* Қандай хонлик қилурмиз, тахт бўлмаса, нигин бўлмаса, қандай хонлик бу, лашкари бўлмаса, дарёда юришни манъ қилсалар, улардан бемаслаҳат бирор қадам ташлаб бўлмаса, эрк бўлмаса, бу қандай хонлик?!

Комил. Бундин кейин Тўрткўлни ҳам Петро-Александрўв дермушлар, ҳудудимизни ўрислар сақлармиш...

Феруз. Аркони давлатни улардан бемаслаҳат қўйиб бўлмаса, бунга қандай чидаш мумкин?!

Огаҳий. Матмурод девонбеги қани?

Феруз. Девонбегини ҳам, Раҳматулло ясовулбошини ҳам Кўпман ҳибсга олди. *(Оғир жимлик)* Аларни сургун этармуш... Мана сизга хонлик...

Огаҳий. Қаддингизни ростланг! Пароканда бўлган юртнинг хони қаддини букса, бошини эгса, юрт қаддини ростлай олмайдур. Хонлиқда бундан ҳам бадтар даврлар бўлган, лекин қуёш ўз йўлида, замин ўз меҳварида муқимдур. Олийҳиммат бобонгиз Мадримхон илк бор ислоҳот этиб юртни гуллатган, шуни эсингиздан чиқарманг. Амакингиз Оллоқулихон мана шу минг дошдан ортуқ Дишон қалъа деворини тўрт ҳафта ичида қурган-а! Тўрт ҳафтада! *(Жимлик)* Отангиз Саййид Маматхон юрт равнақи учун бор кучини сарф этди. Сиз шу улуғ сулоланинг мўътабар вориси, юртнинг хонисиз! Бугунги куннинг алғовдалговлари сизнинг ёш бошингизга тушмуш, буям Оллонинг бир синовидур. Ўкинманг!

Сиддиқ. Мавлоно тўғри айтдилар.

Жуманиёз. Устознинг умрлари узун бўлғай!

Эгам. Худодан сўровимиз ҳам шу!

Комил. Бугунги тушкунлик кунимизда устознинг Аркка, бу ерган келишлари — Олло таолонинг бизга кўрсатмиш карамидур. Раҳмат, устоз! Бир киши отга минади, минг киши бахтга минади дейдилар. Сиз бугун хон ҳазратларини тулпорга миндирдингиз, нурафшон ёхтиликқа йўл кўрсатдингиз.

Феруз. Ташаккур, устоз! Кўнглимни тоғдай кўтардингиз. Юртнинг нурли кунларида сиз ила баҳамжиҳатликда китобот этурмиз, авлодлар андин баҳраманд ўлурлар!

Огаҳий. Феруз дебон тўғри атабман мулаққабингиз! Толёингиз сарбаланд бўлғай! Камина баҳоли қудрат елкадошлик қилурман, тарих битурман! *(Аста мусиқа бошланади, Огаҳий саҳна олдига келади)*

Тарих салосилин қатламларида,  
Ранж ила битилган рақамларида,  
Бу кунлар фожеъи тарих бўлурким,  
Авлодлар олидида юзимиз ёруғ,  
Иймонимиз бутун бўлғай!

*(Муסיқа сал баландлайди)*

Келарким фараҳбахш, нурафшон кунлар,  
Ёдларлар бизни ҳур маъволарида.  
Огаҳий, Ферузнинг лутфин эъзозлаб,  
Айтурлар авлодлар наволарида...

*(Аста чироғ ўчиб, олисдан қўшиқ эшитилади)*

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас,  
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас.

Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсун, гар гадо,  
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам эмас...

Парда

*1996 йил.*

## ТАШКИЛДАГИ ҲАНГОМА

Икки кўринишдан иборат мусиқали комедия

Қатнашувчилар:

Рўзим ҳўжик  
Очил жинли  
Мавлон пашмак  
Назокат  
Сабохон  
Қумри  
Меҳри шокаланд  
Ўрин вафодор  
Матжон буломиқ  
Нурум нўс  
Собир сариминжиқ  
Қодир айрон  
Раққосалар

(воқеа шу кунларда бўлиб ўтади)

### 1-КЎРИНИШ

Рўзимнинг уйи, ўртада супа, ўнг томонда столда телефон, чап томонда сандиқ, унинг устида кўрпачалар тахланган. Парда шўх мусиқа билан очилади, сахнага Рўзим кириб келади, қўшиқ айтади.

### Р ў з и м

Наззи бону, Наззимжоним, қайдасан?  
Сансиз топмас лаззат, жоним қайдасан?

Лақирдиди юраккинам кўрмасам,  
Меҳрибоним, азиз жоним қайдасан?

Насиб этсин қўшағина қарримоқ,  
Бори дунём, хонумоним қайдайсан?

Наззи бону, Наззижоним қайдасан?  
Сансиз топмас лаззат, жоним қайдасан?

*(қўшиқ тугайди, шу оҳангда)*

Наззижон, ҳов Наззижон, қайдасан?

Назокат. *(ичкаридан)* Уйдаман, яхши келдингизми?

Рўзим. Келдим, келмай nera бораман. Чойинг тай-ёрми? *(ечинади)*.

Назокат. *(чиқмай)* Ҳозир. *(пауза)* Хамир қораяпман.

Рўзим. *(пешонасига уриб)* Тф-у! Чч, эй! Ўтин олиб келинг дегандиёв! *(бошини кўрсатиб)* Калла эмас, маховиги ишдан чиққан буста бу! Бўлмасам, бармоққа нох *(ип)* ҳам боғлаб кетвадим-ов ёддан чиқмасин деб. Йўлда икки-уч ерда ўтинли арва ҳам кўрдим, уйга ҳайдатмисанми, эй каллаварам!

Назокат. *(ичкаридан қўлини пешқийққа артиб чиқади)* Дадаси, обкелдингизми?

Рўзим. Йўқ, асли ина бу ошқовоқ, ошқовоқмисан ошқовоқ! Кўрмийсанми *(бармоғини кўрсатиб)* ина шу сафар ёддан чиқмасин даб бармоғима нох ҳам боғлаб кетвадим.

Назокат. Тандира ўзимни ёқайми, нашатин?

Рўзим. Қўй Наззи, қон этаверма, қўшнилардан олақўй.

Назокат. Дўконни нонини енг десам, ҳаммангизни зардангиз қайнайди, дағдагангиз ер ўяди, нон ёпай десам, бир чўп ўтин йўқ! Ҳар сафар қўшнилардан ўтин сўрайвериб уятдан ўлиб бўлдим. Қандай эрсиз? Уйни кирди-чиқдиси билан ишингиз бўлмаса, бозор-ўчар билан ишингиз бўлмаса, етар-етмас билан ишингиз бўлмаса, *(кўзига ёш олиб)* Сизга иш бўлса, театр бўлса бўлди. Хотин, бола-чақа керакмиди.

Рўзим. Наззи, қўйсанга, менга осонми, бу ерда сен эговлийсан, театрда режиссёр. *(Чўнтагидан қоғозларни чиқариб)* Ина, ина бу ролинг чиқмин турибди деб эзади. Нишатин? *(Пауза)* Муҳаббат изҳор қилишим керак.

Назокат. *(кесатиб)* Кимга?

Рўзим. Саҳнада, сув бўйинда, гужум тагинда.

Назокат. Устасиз-ку. Сизга на қийнмиш. Кўп кўрганмиз изҳори муҳаббатингизни.

Рўзим. Яна рашкми? Тушунтираяпман-ку, саҳнада, ролда. *(Пауза)* Сендан бошқа кимга ҳам керакман, кўнглингни тўқ тут.

Назокат. Навлин, кейинги ваҳда бошқачароқсиз, кўп нарса ёдингизда турмидўгин бўлди, хаёлпарастсиз.

Рўзим. Манга қара, Наззи, ҳамма нарса эмасдилов, вуми, на ёддан чиқса ҳам, ву ёддан чиқмайди.



Назокат. Қўйинг-е, ўлинг сиз бир, нердаги гапларни топасиз. Ман боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз, артистлик қиласиз.

Рўзим. Тўхта, шу артистлик ина шу ролда дим чиқмай турибди. Мундин мураккаб, қийин образ ўйнаган эмасман.

Назокат. Дим қийинми? На рол у?

Рўзим. Ман хотинидан айрилган одамман. Учрашиш учун гужум тагина келганмиз. У ҳам эрсиз хотин. (Пауза) Сен мана шу ерда тур.

Назокат. Қўйсангиза, театрни ғалвасини уйга олиб келманг.

Рўзим. Йўқ, ғалвас бу. Мани борим, ҳаётим шу. Тушунсанг-чи, ижодни дам олиши, шанба, якшанбаси, кеча-кундузи йўқ, доим ина бу (бошини кўрсатиб) излаб туриши керак. Қани тур.

Назокат. Яхши (Унга тик қараб турарди)

Рўзим. Ундаймас, сен эрсиз хотинсан, безраймай ерга қараб тур!

Назокат. Вой-бўй, нишатвардингиз-а, ина ерга қарадим.

Рўзим. Йўқ, ундай ҳам эмас, бу тақдир иши, сени каллангда бутун келажагинг, бола-чақанг тақдири, эл-юрт андишаси, ахир сен ўқимишли, маданиятли аёлсан, 2та боланг бор, менда 3та...

Назокат. Иккита боласиям борми? Унда унга эр нега керак?

Рўзим. Гап шунда-да, якка ўтсинми, болаларига ота, ўзига суянчиқ керак.

Назокат. Ҳозир суянчиқ эр борми, бири сизга ўхшаганми? Уни боридан йўқи.

Рўзим. Тўхтасанга, чалғитма, ман образга киришим керак, қани, тур.

Назокат. Яхши, ина турдим. (Ерга қараб ийманади)

Рўзим. (образга кириб) Келдингизми?.. Лолахон!.. Гапни... нимадан бошлашни билмай турибман... Худойим ҳаммани жуфти билан яратган. (Пауза) Начора, одам жуфтидан ажралса, қуш қанотидан ажралгандай гап экан. Биласизми, Лолахон, сиз билан мен яккамиз, якка қанотмиз! Бу дунёда яшамоқ учун қўшқанот бўлмоқ керак. Биласизми, бир-бировга севги изҳор қилиш тўлиқ муҳаббат эмас ҳали. Муҳаббат ардоқда, эъзозда, самимий ҳурматда! (Пауза) Асли 30 ёшида хотинини айирган, 40 ёшида хотини ўлган йигит бахтсиз йигитдур деб тўғри айтилган. Одам ўз жуфти

ҳалолени еру кўкка ишонмай ҳамиша ардоқлаши, қадрлаши, эъозлаши керак экан ўзи, кейин пушаймон қилиб юрмасин. (*Назокат кўзига ёш олади*) Лолахон! Менга осон тутманг. Пешонамга ёзилган ёзғит шу экан... Аввалги учрашувимиздан кейин кўп ўйладим, Сизни, болаларингизни, ўзимни болаларимни... Сизнинг фикрларингиз тўғрисидаям жуда кўп ўйладим... Буёғи энди Сизга ҳавола! (*Образдан чиқиб Назокатга*) Хўш, нима дейсан?

**Назокат.** Нима дердим, жуда ачинарли тақдир талқини бундан ортиқ қандай бўлиши керак. Мен ўзимни тутолмай қолдим, ҳаяжонланиб кетдим. Нимаси ёқмаган экан режиссёрингизга?

**Рўзим.** Унгами? Қуруқсан, ҳиссиётинг етишмаяпти деяпти.

**Назокат.** Бундан ҳам зиёд бўлса, одам фаришта бўлиб кетади-ку. (*Пауза*) Шошманг, нега Сиз, ўзингиз ролингиздагидай эмассиз? Нега ҳаётда шундай яшамасиз? Мени қийнайсиз, қадрламайсиз, аксинча, хўрлайсиз. Ҳали мен ҳам кетаман, шунда биласиз қадримни (*яна кўзёши қилади*).

**Рўзим.** Яна кўзёшими, кўнглимни бузма, ва ёш дарёсида беҳуда сузма. Тўхта, тўхтасанга, йиғини бас қил.

**Назокат.** Тўғридон, саҳнада бошқа, ҳаётда бошқасизлар. Шунинг учун ҳам сизларга ишонмайдилар. Тавба, ана у артист Абдусалом акани ўлди деб сизлар 3 марта жанозасига боргансизлар, лекин ву ётганмиш ўлмин, кейин ўлганида кўпчилик бормаган, ишонмаганлар.

**Рўзим.** (*кулиб*) Ҳали сан уни айтасан, уни қабристонга кўтариб боришда "Э, Абдусалом, тобутдан туш, энди буёғина ўзинг пиёда боравер, эйинда эйин қолмади-ку" деб кимдир айтгандан сўнг кулишганлар. Ўзинг биласан, йўлда одамлар машинадами, пиёдами, эшакдами, отдами тобутни кўтариш учун, елкасини тутуди, савобдан қолмайин деб тобутга интилади. Тобуткашларни кулишиб бораётганини кўрганлар, "Э, булар кинога тушиб юришибди эканлар" деб кулиб йўлларига кетаберганлар.

**Назокат.** Ана шуни айтаман, ўлик ҳам кулги сизларга.

**Рўзим.** Қизиқсан, йиғлаган билан тирилармиди, айтдим-ку, ҳазилкаш одам эди. Ҳозир ҳам Абдусалом ака биз учун ўлмагандин. Кунда эслаймиз. Бошқа касбда борми шундин, йўқ, так што бўлди қил, бошқа ёнга ўрлама, қорним оч, шу ҳар сафар сенга сўзламайман дейману, яна сўзлийвараман, билмийман ичингда магнитинг борми, ё бошқа нарсами, ҳайронман.

Шу пайт мусиқа чалиниб, Ўрин қўшиқ айтиб, қизларни ўйнатиб кира-  
ди. Қизларнинг қўлида гуллар, Ўриннинг қўлида пакет

### Ў р и н

Қўйларни сўй, қўйларни сўй,  
Қўй бўлмаса, хўрозни сўй.  
Шампонни оч, зейипни оч,  
Лим-лим атиб бизлара қўй,  
кейипни оч!

### Р ў з и м

Бу на зейиб, ву намиш қўй?  
Ҳе йўқ, бе йўқ, ву намиш тўй?

### Ў р и н

Тўя айлансин бу базм,  
Назокатхон таомидан,  
Беш-олти кун юргаймиздон,  
Атавармин бизлар ҳазм.

### Р ў з и м

Ву на базм, ву намиш қўй?

### Назокат

Ву на ташкил, бу нендин тўй?

### Ў р и н

(Рўзимга)

Билиб-билмаслика олма,  
Бори-буринг ўртага қўй!  
Ташкилни туз, зиқна бўлма,  
Боқиб юрган қўзингни сўй!

### Р ў з и м

Ташкил?

### Назокат

Ташкил?

## Рўзим

На ташкил, Ўрин?  
Бугун ташкила йўқ ўрин!

(ашула тамом бўлгач)

Менга қара Ўрин, бу на гап ўзи?

Ўрин. Ҳали хабаринг йўқми? Суюнчини бар!

Рўзим. Суюнчи? На суюнчи?

Ўрин. Ҳа саними, сан писмиқми, ер тагида илон юрса биласан.

Рўзим. Тушунтириб айтсанг-чи, нима гап ахир ўзи?

Ўрин. Бугун санинг уйингда, мана шу ерда (пауза) ташкил!

Рўзим. Ҳа, энамга тўйлик келибми?

Ўрин. Ундан ҳам зўр... Қўл қўйибдилар. (Қизлар ҳам кулиб тасдиқлашади).

Рўзим. Кимлар? Нимага?

Ўрин. Бугун, эрталаб, театрни бадий кенгашида ҳал бўлган.

Рўзим. Уф-ф! Қон атдингдон, на ҳал бўлган?

Ўрин. Сани... тақдиринг!

Назокат. Ўрин ака! Тушунтириб айтинг, на тақдир ахир?

Ўрин. Назокатхон, кейин биласиз, қозона қаранг. (Рўзимни кўрсатиб) Буни ҳам юраги питта гуппиллаб турсин.

Назокат. Сизларга тушуниб бўлмайди, сира тушуниб бўлмайди, баҳона бўлса, бўлди, товуғингиз тугса ҳам тўй берасизлар. Яхши ҳам хамир атганим (қизларни олиб ичкарига кетади).

Ўрин. (унинг орқасидан) Ина бу гаппингизга тасдиқ, галин, ичина озгина эт билан пиёз қўшсангиз, ажойиб этли патир бўлади. Паҳ-паҳ, ина майишат, ина ташкил, на дадингиз, Рўзимбой?

Рўзим. Дим яхши! Лекин тушунмин ўладўгин бўлдиқдон!

Ўрин. Биласан, кейин биласан дадим-ку.

Муסיқа чалиниб Мавлон киради, қўлида палов кади — ошқовоқ, узунроқ хили

Мавлон. Ассалому алайкўм!

Рўзим. (*кесатиброқ*) Ваалайкў-ўм! Ҳимм?!

Мавлон. Ҳеч! Ина бу Ўрин, Рўзим хўжикникида ташкил бор, биринг ҳам қолмай оёқингни алинга олиб боринглар деб эди, келдим, ҳа? Бутун калектип галётир, қани Ўрин, ташкилдан дарак йўқ. Шампонлар қани? 40 ланжи оқлар қани? Беш юлдузли қизилхон тўралар қани? Наполеонлар кўринмиди, а?

Рўзим. Ў-ў! Иштаҳанг дим карнай-ку сани, а?

Ўрин. Жониқаварма, пашмак! Ҳали бу ерда ҳаммаси бўлади, ҳар бир пашмаклар, лавзиналар бўлади, қисинма, ҳаммаси праб бўлади.

Рўзим. Ерик ошинг ҳам бўлади, еб адо атаврмийсан, ҳимм!

Мавлон. Дим сара, пашмак бўлса пашмак-дон! (*Рўзимга ошқовоқни бериб*) Ма! Буни қадринга санга ўхшаган кадичилар тушунади. Бутун элотингни сўвади, бу кадимисан — кади-дон лекин ўзи ҳам. Энди орроқ тур. (*Ўринга Ҳидоятхон образида*) Ўзимни вафодоримнан айланин, қани ина шу орқагинамни қашиб юбор (*Ўрин юқорироқини эриниброқ қашийд*) Ҳўрнимас, сал ошоқроқ, ана ўлманг, топдингиз, сал қаттиқроқ қашинг (*Ўрин қаттиқроқ қашийд*) Вунчамас вой-ей! Навалон алинг дош билан дамир, ўлинг сиз бир...

Ўрин. Бўлдими, пашмак?

Мавлон. Бўлди! Алингни ел егай илойим. (*Рўзимга*) Қани бизлара на хизмат?

Рўзим. Пашмак, ман бу ерли эмасман, ташкилни ўйлаб топган (*Ўринни кўрсатиб*) ина бу Исмамутда ис бўлса, исқаб борадиған вафодоринг билади, шундан сўра.

Ўрин. (*Мавлонга*) Галин ҳозир тандирда нон ёпишда, сан ўртани дуз!

Шу пайт мусиқа чалиниб Қумри билан Меҳри кириб келади

Қ у м р и

Оға дарам, боғингизда гул бодам,  
Хўжик дарам, биз келдик қутлуғ қадам.

Қумрининг лапарига ўйнаб турган Меҳри Рўзимни чаккасидан ўпиб "шокаланд" дейди ва у ҳам лапар айтади, Қумри ўйнайди. Уларнинг ўйинига ичкаридан қизларни айтиб чиқишади, улар ҳам ўйинга қўшилади.

Меҳри

Оға дарам, айлаб галдик хушхиром,  
Хўжик дарам, асли биз қутлуғ қадам.

## Ҳаммалар

Оға дарам, рӯмолинга гул бодам,  
Хўжик дарам, белбоғинга гул бодам.

## Қумри

Сари ипак тўнни турғани қурғай,  
Орқама ташласам ёйилиб турғай.  
Ошиғлиқни маънисини билганда,  
Ўргатиб-ўргатиб қочғани қурғай.

## Ҳаммалар

Оға дарам, рӯмолинга гул бодам,  
Хўжик дарам, белбоғинга гул бодам.

## Меҳри

Боғ ёна чиқвадим гулларни ичи,  
Ҳамма ёр ичинда бизни ёр киччи.  
Улласинда, киччисинда на гап бор,  
Қўйнина кирсангиз жаннатни ичи.

## Ҳаммалар

Оға дарам, рӯмолинга гул бодам,  
Хўжик дарам, белбоғинга гул бодам.

## Меҳри, Қумри

Бошлаған ташкилингиз муборак бўлғай!

*(ашула ва ўйин тамом бўлгач).*

Рўзим. Яна ташкил! Ўрин, бу икки санам ҳам ташкил дейдику. Кўргилигимиз алдимизда десанга.

Ўрин. Поҳ, худо етирди сизларни. Галин тандирда. *(ўйинчиларга)* Сизлар галинбийингиз ёнина боринг. *(Улар кетишади)* Пашмак!

Мавлон. Лавай!

Ўрин. Ол шокаладни, ёнида анжир мураббоси билан.

Қумри. Оббо Ўринбой ака-ей! Анжир мураббо тушган кўнглингиздан айланин.

Ўрин. Жоним, жонимни жунники!

Меҳри. Ина ўзимиз ўшатамиз дастурхон безашни,  
юринг, Қумрижон, шокаланд атамиз (*Ичкарига бирин-кетин кириб-чиқадилар, дастурхон тузата бошлайдилар. Шу пайт бошқа мусиқа ритмида қўшиқ айтиб Матжон бўлолик кириб келади*)

Матжон

Биз ҳам, Хўжик, миниб галдик машинни,  
Солсанг ҳам розиман турли йўллара.  
Буюравер, ест қиламан, бензин бор,  
Айт, кимларни олиб келай тўйлара?

Ўрин

Тўғри сўлла, бензин борми, буломиқ?

Матжон

Бор, бор! Бензин ҳирик Хўжик учун!

(*Қўшиқ тамом бўлгач Матжон Рўзимни ёнига келиб қучоқлайди*)

Чин юрагимдан табриклайман. Яхши, дим яхши, молодес, дим сўвиндим, Ҳақиқат бор-ов, худодан айланин.

Рўзим. Қўйсанга, буломиқ, бу на, Ўрин, ҳамманг маслаҳат атдингми?

Ўрин. Аввал сан Ташкилни қуюқ ат, кейин биласан.

Рўзим. Хун атдинг-до! Демак айтмайсан? Айтмасанг айтма, тузаверамиз!

Мавлон. Манга қара, Хўжик, худо ол қулим деса борми, дунё сеники.

Меҳри. Шокаланд бўлади, шокаланд!

Матжон. (*Рўзимга*) Қани, Хўжик, бизга на хизмат? Кимларни олиб келай?

Рўзим. Сиз Хўжик, ўтирасиз ина шу ерда компит атиб, бол атиб!

Матжон. Ажаб, Хўжик!

Матжон ўтиради, мусиқа чалинади, авж пардада қўшиқ айтиб саҳнага  
Очил кириб келади, қўлида пакет

Очил

Тўкин-сочин дастурхонли,  
Ташкил керакдур йигитга.

Қаймоқ-ёғли, асал-болли,  
Гурунг керакдур йигитга.

Мусиқа салки Лазги ритмига ўтади. Очил қўлидаги пакетни Қумрига беради, Меҳрини ўйинга тортади, ўзи ҳам қўшиқ айтиб ўйнайди

На дадинг, жоним Хўжик?

(Ўринга)

Вафодорим, сан на дадинг?

Рўзим  
(шу оҳангда)

Сан тарс йўнқа ҳам бормадинг,  
Бир сан етишмай турвадинг!

Очил

Омон-омон, воҳ-ей дадим,  
Чаккангга гул тақай дадим.  
Хўжик озонача гетмин,  
Ичингни бир ёқай дадим!

Ҳаммалар

Омон-омон, воҳ-ей дадим,  
Чаккангга гул тақай дадим.

Мавлон

Бало борми озонача,  
Ювжоқмисан қозонача?  
Очил

Ювсам мани Хўжик тўрам,  
Қиёматлик дангдуш жўрам.

Ҳаммалар

Омон-омон, воҳ-ей дадим,  
Чаккангга гул тақай дадим.

Ашула, ўйин тамом бўлгач, ҳаммалари кулишиб Очил билан кўришадилар. Мусиқа ритми ўзгариб, қўлида бир дона қовун билан қўшиқ айтиб Қодир айрон кириб келади



Қодир

Қовун-қовунлар дадим,

Ҳаммалар

Қайси қовунлар дадинг?

Қодир

Ола ҳомма, қарри қиз,  
Тилинг ёрар шираси.  
Гурвак чўпи, оқ новвот,  
Бешакдан йўқ сараси!

Очил

Келтирганинг бир қовун,  
Ўкчанга бир кир совун.

(кулги)

Қодир

Бири мингта деяди,  
Есанг эсинг кетади.

Ўрин

Шундан бошқа мулкинг йўқ,  
Суқмаған бир еринг йўқ.

Мавлон

Ёзада айрони ҳам бор.

Ҳаммалар

Айрони бор, ёр-ёр,  
Сайрони бор, ёр-ёр.

Очил. (*ашула тамом бўлгач*) Қодир, бу туякалла, э, э... бўрикалла хом дунака ҳам пул тўлаб олдингми? (*кулги*)

Қодир. На деб турибсан, санга пишган бўлди на, хом бўлди на, улли бўлса бўлди-дон санга (*кулги*).

Очил. Тўғри, сан биласан қовунни фарқини, сувсиз, қумлоқ ерда битган, ёнтоқа сопилгани мазали бўлади дейдилар (*кулги*).

Ўрин. Эй, Очил, ёнтоқа қовуннимас, харвузни сопадилар, калла, харвузни! (*кулги*)

Мавлон. Тўғри-дон, қавунни сувсиз ерда яхши бўлишини булар қаердан ҳам билади, а, айрон?

Қодир. Сан суқилишмин тур! Пашмак буккандин атмайин яна.

Меҳри. Қодирбарган, парво атманг, сўлливаради булар, аввал есинлар, кейин биладилар шокаланд аканини, на дадингиз, Қумрижон?

Қумри. Вуни мазаси ейиша боғлиқ, Меҳрижон!

Қодир. Қизлар, гапларинг дим тўғри, (*қавунни Меҳрига узатиб*) бу ейишга боғлиқ.

Қодир Рўзим билан қучоқлашиб турганда, бошқа мусиқа оҳангида қўшиқ айтиб Нурим нос кириб келади

Ўрин. Ина, Нурим нос ҳам келдилар. Келинг Нуримбой!

## Нурим

(*қўлидаги тугунчакни Матжон буломиққа бериб салки лазгида*)

Воҳ-ей, воҳ-ей, воҳ-ей,  
Жон Хўжик, жоним воҳ-ей.  
Жонингнан айланин воҳ-ей,  
Дастурхон бўлсин тах-ей.  
Ташкил бўлсин муборак,  
Пишсин қовурдоқ, барак!

## Ҳаммалар

Воҳ-ей, воҳ-ей, воҳ-ей,  
Жон Хўжик, жоним воҳ-ей.

## Нурим

Шампан, водканг қани, Хўжик,  
Хўроз даканг қани, Хўжик?  
Даканг хўроз топмасанг,  
Гал, ина сўй мани, Хўжик!

Ҳаммалар  
(кулишиб)

Воҳ-ей, воҳ-ей, воҳ-ей,  
Жон Хўжик, жоним воҳ-ей.  
Моҳи тобоним воҳ-ей,  
Сарви равоним воҳ-ей!

Ашула, ўйин тамом бўлгач, ҳаммалари кулишиб, қучоқлашадилар

Матжон. Кўрдингми, Хўжик! Нуримбой галгандан кейин ташкил бошқача бўлиб кетаверди.

Ўрин. Эшитдингми, Хўжик, Нуримбой на даб турибди? Даканг хўроз дейди!

Матжон. Бу ташкила, Хўжик, бир жонли сўймасаңг бўлмас!

Очил. Сани сўямиз, буломиқ, сани сўямиз! На кўп ҳозир-қассоб кўп!

Мавлон. Тўғри-дон, сеча сўйса ҳам қассоб сўйсин даган гап бор.

Ўрин. Сариминжиқ галиши керак эди-ку, нега келмади экан, телефон қилсаммикан? Яхшиси телефон эта қўйин, эйланмин галсин у. (телефонни олиб қўнғироқ қилади) Алё, аканг борми? Аканг? Чақир. (Унинг ёнига Мавлон келади)

Мавлон. Хўрозмас, Хўжик ташкила қўй сўйжоқ да, на дадим.

Очил. (Мавлонга) Яхши! (Телефонга) Алё, не галмин ўтирибсан? Оёқингни домори чакиб, чангтак бўлдингми, одамлар йиғналган бўлса, сан ҳаммадан бурун галишинг гарак ади.

Мавлон. Қўйни айт, қўйни!

Очил. Мавлонни гаппини эшитиб турибсанми? Хўжик ташкила қўй сўйжоқ, пичоқни олиб келавер, тез гал, тўхта, тўхта, Рўзим бир нарса демоқчи (Рўзимга) ҳа, на дийсан?

Рўзим. Пичоқни қўйи билан олиб келсин деб айт, қўйи билан.

Очил. Эшитдингми, сариминжиқ? Хўжик, пичоқни қўйи билан олиб келсин деб турибди. (Трубкани қўяди)

Рўзим. На дади?

Очил. На дар эди, жонли бўлмаса, сани сўямиз дади.

Рўзим. Вой пес-ей, тўйлардан не даган қўй тушади, бирни олиб галса, давлати чайпалами?

Мавлон. Тўғри-дон вафодор, Хўжикка азоб бераверасизлар, Хўжик драма, тўя бормиди, Сариминжиқа гун оша тўй, инсоф билан бўлгани яхши. Не деган ҳовлиқасизлар.

Нурим. Ҳовлиққан ҳолвага ёлчимас, Ўринбой, ҳовлиқанни ҳоли вой.

Қумри. Ҳовлиққан қиз эрга ёлчимас

Очил. Дим тўғри, Қумрижон тасдиқ, ина, буломиқ ҳовлиқиб од атвади (*кулиб*) А, буломиқ. Буломиқни булосанг ҳам буломиқ, буломиқни буломасанг ҳам буломиқ, а буломиқ?

Матжон. На даб турибсан, орқали? Агар нос ҳовлиқтирмаса, кўрар эдинг уни томошасини.

Мавлон. Ўзи ҳам пари, лекин дим галишган, кўзга ёқимли бўлиб галган акан свиданяға, анағар.

Ўрин. Анағарни дапкисини ҳам айт, Пашмак! (*кулги*)

Матжон. Лекин худо бараман деса, бераверар экан, ина нос, ина оёқ. Ҳозирга дўғин буни дапкиси (*орқасини кўрсатиб*) ина беримда турибди.

Қумри. Дапки дейсизми? На дапки? Ким дапти?

Матжон. Ким бўлар эди, ина бу нос. Ҳа, мани дапган оёқларинг тандира ўдин бўлғийдон.

Рўзим. Яхши бўлар эди, буломиқ, бугун бизни хотин ҳам тандира ўтин тапмин қисиниб турвади.

Меҳри. Тўхтаг, Рўзимбой оға! (*Матжонга*) Матжон оға, нишаб дапти нос оғам, айтиб барсангиза.

Ўрин. И-е, эшитмадим десангизлара? Шу свиданёдан кейин тўрамлар, 7 кун бюллетень олиб, ётиб турдилар.

Матжон. 5 кун, вафодор, 5 кун.

Ўрин. Яхши, бор 5 кун, лекин қизга ҳеч бало бўлгани йўқ. (*Кулги*) Қиз тиммитин. Ана шундан кейин лақаби буломиқ бўлди. (*Матжонга*) Тўғримми?

Қумри. Айтиб беринг, жон Матжон ака, айтсангиза.

Меҳри. Айтақўйинг, гаракситаварманг.

Ўрин. Ина, "қиз" ҳам шу ерда, на дадинг, Нуримбой?

Матжон. Қуйсангизлара, шу ёдима тушса, ҳозир ҳам дапки ёдима тушади, қўйинглар.

Очил. Айтавар, энди дапмийди.

Матжон. А, яхши, аса кийинсин.

Нурим. Аммо-лекин тарс йўнқа акансан-дон, шу-у вақтда бир кийиндим, бўлди-дон.

Матжон. Навлин, ина булар қўймин турибди-ку.

Ўрин. Яна бир кийин, қизлар ҳам кўрсинлар париваш ничик бўлишини.

Матжон. Манам образа киришим керак.

Нурим. *(образга кириб)* Образинг бошшингни есин сан жалотойни! Ҳозир кийинаман ина.

Меҳри билан Қумрининг орқасига ўтиб Нурим кийна бошлайди.

Матжон

*(образга кириб қўшиқ бошлайди)*

Белим боғлаб чиқсам узоқ йўллара,  
Йўл бошинда турган ёринг унутма.  
Сайрон этиб чиқсанг сунбул гуллара,  
Йўл бўйида қолгон ёринг унутма.  
Сансиз қоронғудир ёқти кунларим,  
Баланд куйлай десам чиқмас унларим,  
Раҳм атмасанг тутгай додим, хунларим,  
Саннан айро тушган ёринг унутма.

*(ашула тугаши олдидан Қодир яқинлашади ва тугаши билан)*

Қодир. Ҳа, Матжонбой, қўшиқ айтиб турибсиз?

Матжон. Эй, ўзим. Ишингни атсанга, ўтавер.

Қодир. Ҳайронман, сиз бу ерда ашула айтиб турибсиз, ву ерда бир жонон машинангизни даваракини айланиб юрибди.

Матжон. Йўқ-ей?

Қодир. Ҳа, қизмисан, қиз-дон, ака-а, бай-бай...

"Баланд бўйли, кенг қучоқли,  
Жонон керакдур йигитга,  
Йиқилғонда суянмакка,  
Дармон керакдур йигитга," –

деганларидек бир қилдан ясанган. Тавба, оқшом ҳам галвади, Сизни тополмабди.

Матжон. Йўғ-е, оқшомми? Эй хароб бўлсин бу кўна машин, оқшом помпаси кетвади.

Қодир. Сиз помпа қидиринг, ву сизни қидирсин. Сизда инсоф йўқ ўзи, шундай паривашни ҳам куттириб бўлами, ах, бай-бай. Бизларга шундини ҳеч бир йўлиқмади, йўлиқмади-дон. На берсанг ҳам, бори-бурингни барсанг ҳам арзийди, бай-бай.

Матжон. Қизиқсан-ов, Қодир, на варсанг ҳам арзийди дейсан, нима бора мани, на вараман, ойлиқ маошим помпаға етмийди ўзи.

Қодир. Келгандан сиздан фалон нарса бер деб тилхат оладими? Оғзингизга сизганини инъом этаверинг, ана машинага миндираман денг, қидистираманг денг, ажойиб мазоли пашмаклардан едираман, лавзиналар олиб бераман денг, фаранг рўмол олиб барман денг, осмондаги ойларни ваъда этинг, вой-бўй, ваъда бармака қийналасизми? Машинни ваъда этинг!

Матжон. Калланг борми сани, ҳукуматни машинини нишаб ваъда атасан?

Қодир. Вой-бўй, миндириб катаяса аттираман денг, қидистираман денг, шуни ҳам билмайсизми?

Матжон. Миндир дейсан, директор эшитиб қолса, ўзи бинзин йўқ, топган гаппингга қара, қўй, бўлмайди бу. Бошқа нишатса бўлар экан?

Қодир. Дим бўлмаса, ашула айтиб баринг, нови ади ву...

Эй ёр, санга ушбу жаҳон боғи аро гул,  
Бир ошиқи ҳайрон, дийдоринга шайдо...

Матжон *(давом эттиради)*

Ошиқни эрур кокили сунбулина мушкул,  
Ҳам ҳоли паришон, ҳам бошида савдо,  
То тушди фироқингда мани ғамзада кўнглум,  
Ҳар лаҳза ёнадур минг дардинг ичра?  
Эмди анга тутарға дами сабри таҳаммул,  
Йўқ меҳнати ҳижрон рам ила нигоро.

Қодир. Ина шуни айтинг, симобдин аримаса, ман сизни қулингиз бўламан! Нишатин? Айтиб галинми, ё борасизми?

Матжон. *(бироз ўйлаб)* Шу ерга айтиб галавар, ву ерда одамлар уёққа-буёққа ўтиб турибди. Санга хизмат бўлса ҳам, бир яхшилик эт, шу ерга айтиб юбор. Лекин Ҳайитбой ака билмасин. Биласан-ку вуни, эшитди тамом, директора чақади, ишдан айрилиб ўтирмайин, айтма лекин, на дадим санга.

Қодир. Яхши, эй, калла, қизиқмисиз, ўраға сичқон тушди гулдур-гуп, бир ҳазатинг, ҳозир юбораман. *(Чиқиб кетади)*

Матжон. Об-бо, ничик бўлди бу, а, ҳақиқатдан яхши кўриб қолгон бўлса эди, бўлмаса галами ву. Асли бахти кулган йигитман, бўлмаса тўпписини эгри қўйиб юрган ман-ман даган йигитлар дуриб, икки пуллик шопир ёнина галами? Бахтимнан айланин.

Шу пайт ноз билан қиз кийимида Нурум нўс кириб келади ва тўхтади. Жимлик, "қиз" ер чизиб, ийманиб тураберади

Салом. ("қиз" индамайди) Ассаламу алайкўм, яхшимисиз? ("Қиз" яхши дегандай бошини ирғитади)

Мани... кечиринг... шу... оқшом ҳам галган экансиз, лекин хароб бўлган помпа гап топди.

Нурум. (ноз билан аста) Бомбангиз на?

Матжон. Бомбамас, помба, пом-ба, э, йўқ пом-па! Сувни италидўғин матоҳ, лекин гараг важ, шу бўлмаса бўлмайди.

Нурум. Ўзи шундай, сиз эркак зотига ишонч йўқ. Баҳона топинг, туттирманг. Кеча расо кутди-им, бугун яна шунақа, кутди-им.

Матжон. Узр, машинлиқ ишингиз бормади? ("Қиз"ни гапиртирмай давом этади) Уялманг, сўрайверинг, машинни тузатиб эгарланган отдай атдим, доға, яъни, тоққа тирмашадўғин бўлди.

Нурум. Йў-ўқ, тушунмодингиз чоғи, манго... Сиз... ўзингиз... кероксиз... Тавбо, мен қарой, сиз қочинг. Ўзи шунақо, асли айб мендо, сизга ихлос қўйди-им. Оқшом дейсиз, бир-ир оқшоммас, кўп кундан берли кузатаман. Сизни-и арслондай келбатли-и юришингиз, гап-сўзиингиз, машинода ўтиришинги-из, машинодан туши-иб, меҳмонхонага кириб кетишинги-из, ҳаммаси мен ром қилгон...

Матжон. Йўқ-е, мани сира хабарим бўлмати-ов. Агар билганимда, юрган йўлингизни чангини гўззима, кўзимга, тўтиё атар адим.

Нурум. Алдайсиз, машингиз ёнида тургонимни кўргансиз, локин ўзингизни кўрмагонга соласиз. Айтган қўшигингиз бор-у "Йўл бошида турган ёрим"...

Матжон. Ҳова, ҳова, бор-бор, айтаман, ҳамма вақт шуни айтаман.

Нурум. Шу ашудангиз жудо таъсирли ашула-да. Манга бағишанганми деб кечалари уйқум қочиб кетади. Келганингизга мана бугун роппарасо 12 кун бўлди.

Матжон. Тўғри-тўғри 12! Нега шунча вақтдан бери индамадингиз?

Нурум. И-е, қизик гапирасиза-а, бўйнингизга осилайми? Вой, уяламан...

Матжон. Уялманг, ана машин, бозора борамиз, доға чиқамиз, кийсам дўли пул, айтганингизни муҳайё қиламан.

Нурум. Йў-ўқ, Сизни ўзингизни кўрсам, овозингизни эшитсам менга бас. Ҳалиги нима эди?..

Матжон. Унутмами?

Нурум. Ҳа-да!

Матжон. Ҳозир... ҳозир айтиб барраман (*йўталади ва бошлайди*)

Белим боғлаб чиқсам узоқ йўллара,  
Йўл бошинда турган ёрим унутма.

(*Нурум хиром этиб аста куйга мос рақс этади*)

Сайрон этиб чиқсанг сунбул гуллара,  
Йўл бўйида қолгон ёринг унутма.

Нурум. Раҳмат, акажон! Энди мен борай...

Матжон. И-и, борай? Қаёққа, нера ворасиз? Энди топишдиқ-қу! Дарровми? Йўқ, энди топдим даганда юбораманми? Энди кетиб бўлибсиз, жоним!

Нурум. Ахир...

Матжон. Ахир-пахири йўқ, сиз манга дим ёқиб қолдингиз. Юринг, уйга гирали, ҳечким йўқ, ҳаммаси чойхонада, юринг (*яқинлашади*)

Нурум. Йў-ўқ, қўйинг шопир ака, тегманг, кўрқаман!

Матжон. Қўрқманг, жоним, айтдим-ку ҳеч ким йўқ деб. Бир ҳазатали! Биласизми, ман сизни бошимда кўтариб юрирман. Қол десангиз шу ерда бутунлай қоламан, қул бўл десангиз қул бўламан, ўл десангиз, ўламан, лекин йўқ деманг, барака топинг, йўқ деманг, юринг!

Қўлидан тортқилайди, Нурум ноз этиб кейин босаберади

Юринг, ё машина мининг!

Нурум. Э, қўйинг, одамлар кўрса, шарманда бўламиз, тегманг!

Матжон. Йўқ! (*Нурумни маҳкамроқ торта бошлайди*) Ҳамма нарсага тайёрман! (*Қучоқлайди*) Кетсангиз ўламан! Жоним, қийнаманг, баракат топинг. (*Уни*



кўтармоқчи бўлади, шу вақт Нурум Матжонни ўзини кўтариб ерга ташлайди ва орқасига бир тепади) Ҳов-ҳов! А хароблар! Бу ейксонни оёқи навалон улли даб кўнглима галвад-ов. Сиз артислани алинанн ҳар бало галади. (Ўрнидан туриб уёқ-буёғини қоқиб, кулиб турган Нурумга қараб) Нага куласан, ҳа, бўйрада кул. Асли Қодир айрон расво, (пауза) шундин нарсани устиннан кулиб бўлами, хароб бўлғайсизлар. (Пауза) Лекин манга қара, шу гап шу ерда қолсин. Бир Ама т эшитса сурнай атади. На дадим?

Нурум. Яхши, лекин алингиза қиз бўлиб тушсам, хароб ата экансиз, ўлган акансиз.

Матжон. Яхши аласа, тушундингми, алжираб юрма яна.

Нурум. Яхши дадим-қу, галишдик (қўл ташлашади ва Нурум кета бошлайди)

Матжон. (кетаётган Нурумга) Эй! (ўртада тушиб ётган рўмолини кўрсатиб) ана ву матоҳингни олиб кет, э расво!

Ҳаммалар кулишади, Матжон билан Нурум образдан чиқиб ҳаммага кўшилиб улар ҳам кулишади

Очил. (кулгидан ёшарган кўзларини артиб) Ҳисоб! Ҳисоб, нўс! Буломиқни ўхшатдинг лекин, бай-бай! Аммо буломиқни ўзи ҳам ўлиб юрган акан, қул ҳам бўлаваржак, бола-чақадан ҳам кечжак, зўрсан, Нурум, зўрсан, лекин сани ўрнингда пашмак бўлганда борми, буломиқни Мажнун атар ади.

Ўрин. Тўғрилаб айт, Мажнун амас, жилли атар ади, тушундингми, жилли!

Очил. Тушундим, тишлаб олаварма, қутурғанмикан даб ўйламасинлар яна, вафодорим! (Кулишадилар)

Қумри. Очил акам тўғри айтдилар, шундайларни Мавлон оға дим ўхшатади, тўғрими ахир?

Ҳамма. Тўғри, тўғри!

Қумри. Ман ҳозир (кетади).

Қодир. На дасангиз данг, лекин Лекин Нурум ёмон қилмади, ўхшатиб ўйнади. Кийимни ярашқанини қаранг.

Шу вақт Қумри қўлида чопон, дўппи, белбоғ олиб келади

Қумри. Очил ака, ёрдамлашиб юборинг.

(улар кулишиб дарров Мавлонни кийинтиришади, Меҳри унинг юзига, қошига пардоз беради)

Мавлон. *(кийинаётиб)* Э, қўйсангизлар сизлар, текин томоша бўлса, ҳам бир ташкил қизаверсин.

Ўрин. Ташкилни қизгани шу, ноз атма, образа кир!

Рўзим. Ҳай Мавлон, ашуласини айтиб бошла.

Мавлон  
*(Ҳидоятхон образида)*

Ойхонга мафтун,  
Бўлди бағрим хун.  
Ёрни ишқида,  
Монанди Мажнун.

Ёрдан ўргилиб,  
Қурбони бўлай.  
Остонасида ҳу...  
Чилла ўлтирай,  
Остонасида ҳу...  
Чилла ўлтирай.

Ишқинг ўтига, ўргилай  
Оҳим дудига  
Куйсам бўлур,  
Куймасам ўлай.

Ёрнинг ёнида ҳуу  
Куймасам ўлай.  
Куймасам ўлай,  
Ёнмасам ўлай...

Бай-бай-бай... Бу боғда бир гули раъно очилибдур,  
Ҳар ғунчасидан бағрима тикан санчилибдур!

Ана, ана мўрча миён, писта даҳан, шаҳло кўз, ширмон юз.

Вой ўлай, биров кўриб қолмасин.

Майсарабону! Ҳой, Масарабону!

Ҳой-ҳууу... Майсарабону!

Қумри. Майсарабону билан Ойхон Волгаградга кетди!

Қодир. Уларни ахир Эронга кетиб, бизнес этиб юрибди давадилар-ку!

Меҳри. Қачон эди Эрондан келганлари.

Ўрин. Агар Майсара билан Ойхон савдогарчиликқа кетган бўлса, элотда тинч ўтирган хотин зоти қолмади десанга.

Мавлон. Иби-ей, тавба этдик-ей! Сира қуйруқ тут-  
тирмайдилар, қуйруқ туттирмайдилар, вой ўлсин...

Муסיқа чалинади, Мавлон пилдираб саҳнани бир айланади ва чиқиб ке-  
тади. Ҳаммалар кулишади, қарсак чалишади

## Парда

### 2-КЎРИНИШ

Парда муסיқа билан очилади. 1-кўринишдаги жой. Ҳаммалари ташкил  
тараддудиди. Саҳнага шаҳд билан Собир сариминжиқ кириб келади,  
қўлида қассоб пичоқлари.

Собир. Ўҳ-қў, жамоат жам-ку! Рўзим хўжикни пи-  
чоғи ёғ устинда акан-дон! Тинчликми, Рўзим?

Рўзим. Тинчлик, келавер, мен ҳам билмай доғдаман.  
Дуз дадилар, дузиб турибмиз. Ташкил дадилар, ина таш-  
кил.

Собир. Очил пичоқларингни олиб гал дади, ина  
галдим. Тўй бошладингми ё, Рўзим?

Очил. Бир кун ишга галмаганинг дарров билинди-ов,  
Сўвур!

Меҳри. (Очилнинг гапини бўлиб) Сўвуржон, бугунми  
эртага тўй. Бугунги ташкил тўйга уланса ёмонми. Ўзимиз  
шокаланд атиб "Тўйлар муборак"ни айтамыз, "Ёр-ёр" айта-  
миз! Қани, Қумрихон, (ҳаммага) қўшилинглар. ("Ёр-ёр"  
бошлашади)

### Меҳри, Қумри

Аввал бошдан худони ёд атали ёр-ёр,

Пайғамбарлар руҳини шод атали ёр-ёр.

"Ёр-ёр"га муסיқа жўр бўлади, раққоса қизлар чиқиб, рақсга тушишади

## Ўрин

Чимилдиқи тиллодан галин галди ёр-ёр,

Кўз қамашар жилодан галин галди ёр-ёр.

## Ҳамма

Ёр-ёр-ай, ёр-ёр-ай тўйдан дарак ёр-ёр-ай,

Тўйлар бўлсин муборак-ай, галин галар ёр-ёр-ай.

## Собир

Оқ юзинда қора холли галин галди ёр-ёр,

Тили сужи, асал-болли галин галди ёр-ёр.

## Ҳамма

Ёр-ёр-ай, ё-ёрай, тўйдан дарак ёр-ё-ай,  
Тўйлар бўлсин муборак-ай, галин галар ёр-ёр-ай.

## Очил

Ёр-ёр айтиб галамиз биз, тўй саники, ёр-ёр,  
Бўсағаси зар-тиллоли уй саники, ёр-ёр.

Ҳамма нақорат айта бошлаганида Очилнинг имо-ишораси билан Собир  
иккови саҳнадан аста чиқиб кетишади

## Ҳамма

Ёр-ёр-ай, ё-ёрай тўйдан дарак, ёр-ё-ай,  
Тўйлар бўлсин муборак-ай, галин галар, ёр-ёр-ай.

## Меҳри, Қумри

Қизни олиб янгаси галсин кулиб, ёр-ёр,  
Куёв тўра ташлар таҳа шайдо бўлиб, ёр-ёр

## Ҳамма

Ёр-ёр-ай, ё-ёрай тўйдан дарак, ёр-ё-ай,  
Тўйлар бўлсин муборак-ай, галин галар, ёр-ёр-ай.

"Ёр-ёр" тамом бўлгач, олисдан Аршин молчи қўшиғи эшитилади. Барча, раққосалар ҳам қулоқ қўйиб ҳайрон туриб қолишади. Очил саҳнага кичик скамейкани қўйиб тезда чиқади. Зебо ролида Собир саҳнага чиқади ва скамейкага келиб ўлтиради.

Собир. Яхшиям меҳмон келиб мени Оғамни қўлидан қутқазди, бўлмаса у еримни уқала, бу еримни уқала деб ҳоли жонимга қўймасди. Қани энди худонинг яхшигина бандаси бўлсаю тегиб олсам... Қаерда дейсиз ундай киши, топилармикан-а? Оҳ, қачон мани тўйим бўларкин? (*Эснай-ди*) Бахтли қизлар дим кўп дунёда, қачон мани бахтим очилар экан? Қачон? (*Собир аста уйқуга кетади. Саҳнага Вали ролида Очил аста кириб келади, жимлик, у Собир ухлаб ётган скамейка атрофини икки-уч марта айланиб, уёқ-буёғига аланглаб, аста-секин Собир ёнига ўлтиради. Уни аста сийпалаб қўяди. Шу вақт Собир керишиб эснай-*

ди, унга қўшилиб Очил ҳам эснайди ва бехосдан Собирни уйғотиб юборади)

Очил. Кечирасиз, яхши қиз, Рўзим хўжикни уйи шуми?

Собир. Сенинг нима ишинг бор?

Очил. Вой, тиллари мунча ширин. На даган мазали сўласиз!

Собир. Сиз ўзи ким бўласиз, яхши йигит?

Очил. Менга аввал ўзингиз айтинг, сиз ўзингиз ким бўласиз?

Собир. Мен шу уйнинг бекахони бўламан.

Очил. Оббо хўжик-ей, ҳали сизга ўхшаган жононни хизматкор атиб қўйибми? Вой писмиқ-ей, дурдим лекин.

Собир. Сиз ўзингизни кимлигингизни айтмадингиз-қу!

Очил. Мен ҳам ҳу уйларни хизматкориман.

Собир. Қайси уйларни?

Очил. Мана шу уйларни.

Собир. Вой, жинни бўлдингизми?

Очил. Вой, мени фариштам деманг, хурсанд бўлганимдан қанот боғлаб учиб кетаман.

Очил. Вой, нозлари хонни қизидан бўлакчая. Воҳ келишган қадди қоматингга қурбон бўлай!

Қўй, хонимни бек обориб, } 2 марта  
Тезлик ила тўй атсин . }

Сани ҳам ман оламан, } 2 марта  
Менда бир бек бўламан! }

Собир. Пулинг бор?

Очил. Бор-бор!

Собир. Пулинг бўлса бораман.

Очил. Манам сани оламан.

Собир. Сан мани яхши ёримсан.

Очил. Танамдаги жонимсан.

Собир. Қоронғи кечаларда,

Очил. Ёндирғон чироғимсан

### Собир

Мен тегаман ул кишига } 2 марта  
Унинг пули кўп бўлса. }

Унинг пули кўп бўлсаю } 2 марта  
Дарди ғами йўқ бўлса }

Собир. Пулинг бор?  
Очил. Бор-бор!  
Собир. Пулинг бўлса бораман.  
Очил. Манам сани оламан.  
Собир. Сан мани яхши ёримсан.  
Очил. Танамдаги жонимсан.  
Собир. Қоронғи кечаларда  
Очил. Ёндирғон чироғимсан.

Қўшиқ тамом бўлади, ҳаммалари қарсақ чалишади. Очил билан Собир чиқиб кетади. Саҳнага шитоб билан Сабохон кириб келади

Сабохон. Қачон тенглик бўлади? Қачон?! Қачонгача биз оғзи бўшлар хўрланамиз, дакки еймиз, қачонгача эзиламиз? Қачонгача худсоветинингиз бизни четлаб ўтади? Қачонгача?! *(Очил билан Собир ўз кийимларида қайтиб киришади)*

Ўрин. Ҳа пари, Сабохон, ўзингизни босинг. Тинчликми, нима гап?

Сабохон. Нима гапмиш! Билиб-билмасликка оласизлар. Яхши, мани хўрлаганингиз хўрлаган, лекин бизни арни на хўрлисизлар? Нери кам вуни? Кимдан кам у? *(Ўринни кўрсатиб)* Сиздан камми? *(Очилга)* ё сизданми? *(Рўзимга)* ё сизданми? *(Қолганларни кўрсатиб)* Э, булар ҳисобмас!

Собир. На даб турибсиз, ким ҳисобмас? Бизни айтиб турибмисиз? Биз ҳали ҳисобда йўқмизми?

Сабохон. Ҳа! Ҳали сан ўзингни бизлар билан тенг ҳисоблаб юрибмисан?

Қумри. Сабохон, ўйлаб гапираяпсизми, ахир...

Сабохон. Сан жим тур, ювилмаган қошиқ!

Қумри. Ким ювилмаган қошиқ?!

Сабохон. Сан!

Қумри. Манми ювилмаган?! *(Сабохонга яқинлашмоқчи бўлади, лекин уни Очил билан Меҳри ушлайди)*

Сабохон. *(дарғазаб)* Ҳа! Сан ювилмаган!

Қумри. *(Очил билан Меҳрига)* Юборинг мани! *(ташланмоқчи бўлади)*

Сабохон. Юборинг, ипини узиб юборинг! *(у ҳам Қумрига ташланмоқчи бўлади, уни Ўрин ушлайди)*

Қумри. *(Сабохонга)* Ким ит? Санга энди ит бўлдимми? Одамларни талаб турган ўзинг ит, сан ит!

Очил. Қўйсанга, Қумри, санга ким ит дади.

Ўрин. Сан ҳам қўй, Сабо, на бўлди санга?

Қумри. Эшитмадингизми, ипини узиб юборингмиш. Ҳозир кўрсатаман санга! *(Очил билан Меҳрининг қўлидан юлқиниб чиқиб, йўлини тўсмоқчи бўлган Ўриннинг елкалари устидан Сабохонга ташланади, лекин қўллари етмайди. Уринга)* Ўрин ака, қочинг! Қонимни қайнатманг! *(уни яна Меҳри билан Очил, Собирлар ушлашади)*

Сабохон. Қўйворинг, қўйворинглар! Саним сани, пашмак буккандин атаман! Ҳим! Ҳали сан мани совунимга кир ювмабсан!

Қумри. Иби, иби, ҳали сан совунли бўлдингми? Галиб-галиб ман сани совунинга кир ювадиган бўлдимми? Тўхта-тўхта, нега сан осмондан келасан? Нанга талтаясан?

Очил. *(Сабохонга)* Манга қара, Сабо, ҳеч ерда ҳеч гап йўқ, нега воғирди атасан? Одам деган сара сопли бўлиши керак.

Сабохон. И-е, ҳов, ҳали бу *(Қумрини кўрсатиб)* сара сопли бўлдимми?

Қодир. Қўйсангизлара, тўхтат, Сабо, сан ҳам, Қумри, бўлди қил, уят эмасми!

Ўрин. Қани, Сабохон, на гап ўзи? Тушунтирсанга, ҳеч нарсага тушунмай турубмиз.

Сабохон. Қилғилиқни қилиб, энди тушунмидўгин бўлдингизми? Қўй оғзидан чўп олмидўгин бўлдингизми? А, яхши, мани четлаганингиз четлаган, эримни нери кам? Қани айтинг, Жоббини ёмон ўйнадимми? Маттини ёмон ўйнадимми? Бобчинискийни ёмон ўйнадимми? Горациони ёмон ўйнадимми? А?!

Очил. Горациёмиш, бир оғиз сўзи йўқ, вуни ная мақтийсан?

Сабохон. Сўзлаган ролни ҳамма ўйнайди, ҳамма. Гамлетнинг фикри, ўйи, ички дунёси ким орқали очилади? Горациё орқали. Асли сизларни антеннангиз баланд эмас, тушунмайсизлар.

Ўрин. Ҳова, сани эрингни антеннаси баланд, дим дапада, тавба, осмондан келасан, сал ошоқа туш.

Сабохон. Нега тушушим керак? Начун тушаман?

Мавлон. *(образга кириб, ноз билан)* Сабохон, арингизни навалон мақтийсиз? Биламиз арингизни антеннасини мақтамасангиз ҳам.

Сабохон. Ҳа, нима бўлибди арима? Тиммитдин ар, армисан ар, ажойиб ар. Бир суқилишмаган сан эдинг.

Матжон. Ҳаммани талайверманг, тушунтиринг, на гап ўзи?

Сабохон. Сан Матжон суқилиш, помпангни зўт!

Матжон. Товба, чап ёниннан туриб галган ўхшайди бу. Уруш топаман даб галдингни?

Собир. Сабохон опа, жоним опажон, ная қисинасиз, ная бунча қизасиз! Ахир сизни бундин одатингиз йўқ эди-ку, на бўлди сизга?

Шу пайт иссиқ нон кўтариб Назокат қизлар билан киради ва тўхтаб қоладилар

Назокат. Хуш келибсизлар, мана иссиқ нон ҳам чиқди. Келинглар, ёғлиқ патир давадингизлар, ёғлиқ патир ҳам атдим, этли патир ҳам.

Ўрин. Раҳмат, Назокатхон, қўлингиз дард кўрмасин (нондан татийди) Асли ширапасни қизисиз-дон, навалон мазали.

Сабохон. Этли патир еяжакмисизлар? Ташкил бермоқчимисизлар? Баринг, армонсиз баринг, худсовет қарорини ювинг! (Пауза) Лекин, нега нега ҳар сафар бизни Тиллони четлаб ўтасизлар? Хўш, қачонгача? Мани кечиринг, Рўзимбой ака, мани сизга даъвом йўқ, тўғри, сиз ўтган йили ажойиб ролларни яратдингиз, арзийсиз, аммо бизни Тиллони айби на? Уям яратди-ку! Театрда йилнинг энг яхши актёри деган номни 2 одам олса, осмон узилиб ерга тушармиди? (Пауза) Энг яхши актриса деган номни ана, анавунга берибсизлар...

Ўрин. Гап бу ерда десанга. (Пауза) Роллар дадинг, Сабохон, роллар эмас, Рўзим рол яратди, рол! Шу роли билан ҳаммамизни кўзимизни очди бу дарвиш.

Очил. Сабохон, ўзинг гувоҳсан, ҳар сафар шу ролдан кейин парда ёпилғач, Рўзимни зўрға суяб олиб чиқадилар. Ахир сан ҳам таланти актрисасан, тушунишинг керак.

Назокат. Ҳаёт одамга бир марта берилади, иккимас. Ҳар сафар театрдан бўшанг, ишлананг дейман. Уйга келиб юрагини чангаллаб ётадилар. Кейинги вақтда дориларнинг ҳам таъсири йўқ. Икки марта ана шу ролидан кейин қон туфладилар (кўзига ёш олади, оғир жимлик)

Очил. Бизни касбимизни ҳамма ҳазлик, ўйин, енгил деб ўйлайди. Ахир саҳнада актёр ўғлидан, ё хотинидан, ё яқин одамидан ажралиб қолган одам образини яратиши



учун минг ўлиб, минг тирилади-ку! Бу нечоғ асаб билан дунёга келади. Лекин сиз, Назокатхон, эрингиз билан фахрланинг, жамоамизнинг гули бу одам.

**Назокат.** (*кўзидаги ёшини артиб*) Сизга айтиш осон, ҳали болалар ёш, уларни уйлантиришимиз керак, қиз узатишимиз керак, ахир яшаш ҳам керак-ку! Уйдаям ҳаловатлари йўқ, кечалари уйқусиз тунлар азобини тенг тортамиз, тоқайгача бундай яшаймиз? Тоқайгача?

**Ўрин.** Барибир актёрлик фахрли касб, улуғ касб, оллонинг инояти бу. Элнинг ҳурматидан, олқишидан ортиқ бахт борми дунёда! Мана, Сабохон қадр учун талашиб тўғри қилаяпти, аксинча, актёр ўз касбига лоқайд бўлса, ранжишимиз керак эди. (*Пауза*) Раҳмат, Сабохон. Йилнинг энг яхши актёри деган шарафга бу йил бўлмаса келаси йил албатта эришасиз.

**Сабохон.** Тўғри, мани лекин тезоблиғим бор, жаҳл чиққанда ақл кетади. Мани кечиринглар...

**Рўзим.** Менга ҳам сўз стадами йўқми? (*Пауза*) Сабохон асли бағри кенг аёл, актёр дилини актёр тушунади. (*Жимлик*) Назокат, жоним, мана кўраяпсанми, буларни шундай мени табриклар келишларини ўзи оиламиз учун катта қувонч эмасми, бахт эмасми. Ташаккур сизларга. Назокатим мени аямоқчи бўлади. Мани борим шу Назокат, борим шу. Театрсиз, томошабинсиз актёр сувдан қирғоққа чиқиб қолган баликдай гап. Театрсиз яшолмайман. Булар ҳам шундай. Яна бир бора қуллук сизларга.

**Очил.** Бой-бўй, абул буз атдинг-дон бу ерни, ҳамма гапинг тўғри, лекин дам олиш кунини (*Ўринни кўрсатиб*) ит азобинда йиғналган бўлсак, мақсада кўчсанга, бўлжақ гапни айт!

**Қодир.** Домоқ атдиг-дон, ташкилдан сўзласанга, Хўжик!

**Рўзим.** Домоқми? Бўлжоқ гапми? Ташкилми?

**Ҳамма.** Ҳова!

**Рўзим.** Сўвур!

**Собир.** Лаббай!

**Рўзим.** Қўйни сўясанми, қўчқорни сўясанми, хўкизни сўясанми, мани сўясанми, сўй! Ташкил ташкилга ўхшасин!

**Ўрин** Изи тўйга улансин!

Мусиқа чалинади, раққосалар ўйинга тушади, қўшиқ бошланади

## Р ў з и м

Театру масканимиз, уйимиз,  
Анинг билан жаранглидур куйимиз,  
Соз, қўшиқсиз ўтмас бирам тўйимиз,  
Тўй бўлсино, тўй бўлсино, тўй бўлсин,  
Дилларимиз хушнуд навоға тўлсин.

### Ҳамма

Тўй бўлсино, тўй бўлсино, тўй бўлсин,  
Дилларимиз хушнуд навоға тўлсин.

### Очил

Тўғри айтдинг, театр жон-дилимиз,  
Бир кун ишдан қолсак оғрир белимиз,  
Меҳнатимиз эъзозлайди элимиз,  
Тўй бўлсино, тўй бўлсино, тўй бўлсин,  
Дилларимиз сунбул сабоға тўлсин.

### Ҳамма

Тўй бўлсино, тўй бўлсино, тўй бўлсин,  
Дилларимиз сунбул сабоға тўлсин.

### Аёллар

Гаҳи Мажнун, гаҳи Фарҳод, гаҳи шоҳ,  
Гаҳи Лайли, гаҳи Ширин, гаҳи Моҳ,  
Тўйни файзи раққосалар худ чироғ,  
Тўй бўлсино, тўй бўлсино, тўй бўлсин,  
Дилларимиз хушнуд навоға тўлсин.

### Ҳамма

Тўй бўлсино, тўй бўлсино, тўй бўлсин,  
Дилларимиз хушнуд навоға тўлсин.

### Собир, Мавлон

Ошиқ Ғариб, Шоҳсанамчи, эй Хўжик,  
Моор, Гамлет, Отеллочи, эй Хўжик,

Тўй деб юрган Аршин молчи, эй Хўжик,  
Тўй бўлсино, тўй бўлсино, тўй бўлсин,  
Дилларимиз хушнуд навоға тўлсин!

### Ҳ а м м а

Тўй бўлсино, тўй бўлсино, тўй бўлсин,  
Дилларимиз хушнуд навоға тўлсин!

### П а р д а

# ЎГИЛТОЙ<sup>1</sup>

(Телбалар)

Муסיқали гротеск комедия

Қатнашувчилар:

Корризо Хешбоевич — катта корхона раҳбари  
Зарринахон — К. Хешбоевичнинг хотини  
Ўғилтой — уларнинг ўғли  
Холисбоев — мединститутнинг катта ўқитувчиси  
Саъва — Холисбоевнинг қизи  
Профессор  
Доцент

## 1-ҚИСМ

Чошгоҳ. Ўта бой ясатилган стол атрофида Корризо Хешбоевич ва хотини Зарринахон гоятда шод ҳолатда айланишиб, куйлашганча рақс тушмоқдалар. Ўғилтой улар ҳаракатига бепарво қараганча транзисторни солаш билан овора.

К. Хешбоевич

Ўғилтой шўх булбулим,  
Богда очилган гулим.

Зарринахон

Гоятда яйраб кетди  
Бугун шодликдан дилим.

Иккови

Ҳай-ҳай, яйраб-яшайлик,  
Қанду асал ошайлик.  
Йигит бўлди Ўғилтой,  
Завққа тўлиб-тошайлик.

---

<sup>1</sup> Ушбу пьеса Ҳайитмат Расул билан ҳамкорликда битилган.

## К. Хешбоевич

Ўғлим бўлар зўр одам,  
Менман ундан хотиржам.

## Зарринахон

Келажакда бахтиёр  
Қилар бизни шўх эркам.

## Иккови

Ҳай-ҳай, яйраб-яшайлик,  
Қанду асал ошайлик.  
Йигит бўлди Ўғилтой,  
Завққа тўлиб-тошайлик.

(ашула, рақс тамом бўлгач)

К. Хешбоевич. Буёққа бир боқсинлар, эркатойим!  
Зарринахон. Нигоҳингга интизорман, ойинг  
ўргилсин!

Ўғилтой. *(бепарво)* Нимаиди?

К. Хешбоевич. Муборак бўлсин!

Зарринахон. Табриклаймиз!

Ўғилтой. Нима билан?

К. Хешбоевич. И-е, етуклик аттестатинг билан!

Зарринахон. Олтин медалинг билан!

Ўғилтой. Бе, ҳақиқий олтин эмас, олтин суви берилган унга. Сандиқдаги олтинларга ҳеч ҳам ўхшамайди.

К. Хешбоевич. Жим! *(Пауза, сал юмшаб)* Энди ота ўғил, шу... биз... сизни ўқитмоқчимиз... дорил... дорил...

Зарринахон. Фунунда.

Ўғилтой. Майли, фунун бўлса, фунун-да, менга барибир.

К. Хешбоевич. Жу-да-а-а катта амалдор қилмоқчимиз... сизни!

Ўғилтой. Нима қилсангиз қилаверинг.

К. Хешбоевич. Ҳозир... *(хотинига)* нимаиди?

Зарринахон. Дорилфунун.

К. Хешбоевич. Ана, ана шу дорулфунуннинг зўр бир одами келади.

Ўғилтой. Кейин-чи?

К. Хешбоевич. Сизни шу одамга топширамиз.

Ўғилтой. Кейин-чи?

К. Хешбоевич. Катта одам бўласиз.

Ўғилтой. Кейин-чи?

Зарринахон. *(унинг сўзини бўлиб)* Кейин дадангизга ўхшаган амалдор бўласиз.

Ўғилтой. Амалдор дейсизми? *(Пауза)* У қассобдан каттами?

К. Хешбоевич. Амалдор бу-амалдор, қассоб, бу-қассоб. Амалдор буюради, қассоблар бажаради. Қассоб югурдак бўлади.

Ўғилтой. *(қотиб-қотиб кулади)* Югурдакмиш! Мана, қассоб Али ака, икки қаватли данғиллама уйи бор, ўзиям 150 кило атрофида, ҳеч югурмайдиам, мерседесда юради, айтгани-айтган, дегани деган. Югурдак дейсиз, қайтанги, бошқа катта одамлар импорт машиналарда келиб, қўл қовуштириб туришади.

Зарринахон. Ўғлим, Али акага бир одам қўл қовуштиради, даданга ўнта одам қўл қовуштиради.

Ўғилтой. Барибир қассоб зўр. Болалари бир жойдаям ўқимайди, қиладиган ишлари мол сўйиш, мазза!

К. Хешбоевич. *(бақириб)* Қўйсанг-чи! Қозонга яқинлашсанг қораси юқади деб тўғри айтишган. Унинг болалари билан ўйнама, уларникига борма, борма деб минг марта айтдим сенга! Нега борасан? Хўш, нега? Нега айтганимни қилмайсан?

Ўғилтой. Нега бақирасиз менга *(жазавага тушиб йиғлай бошлайди)*

Зарринахон. *(Ўғилтойга қўшилиб йиғлайди)* Нега болажонимга бақирасиз? *(ўғлига)* Қўй, хафа бўлма, ўғилгинам, эркатойим, сенинг пешонангга улуг одам бўлиш ёзилган.

Ўғилтой. *(баттар бақириб йиғлайди)* Кўрмайсизми, ойи, нега менга бақиради?

К. Хешбоевич. *(юмшаб)* Ке, қўй энди, йиғлама.

Зарринахон. Ана, эркатойим, эшитаяпсанми, даданг ҳам эзилаяптилар. Қўй, бўлди энди. Чарчадингми, қўзичоғим? Дамингни олақол, эркам, ухлайдиган пайтинг бўлди. Мана, даданг билан "алла" айтамыз.

Муסיқа чалинади К. Хешбоевич билан Зарринахон "алла" айтади

**Зарринахон**

Алла қўзим, алла-ё,  
Ширин сўзим, алла-ё.

Тандирда обдан пишган,  
Ширмой юзим, алла-ё.

### К. Хешбоевич

Алла айтсак ўзига,  
Уйқу келгай кўзига.  
Катта бўлиб Ўғилтой,  
Мафтун этгай сўзига.

### Зарринахон

Алла, алла, алла-ё,  
Соғ бўл, олтин калла-ё.  
Ҳар қадамда топганинг,  
Бўлсин лаълу тилла-ё...

Ўғилтой эснаб ўтиради. Дадаси билан ойиси уни авайлаб қўлтиғидан ушлаб ётоқхонага олиб кириб кетадилар. Мусиқа ўзгаради, саҳнага шўх кўшиқ айтиб Холисбоев кириб келади.

### Холисбоев

Дилларим чоғ, дилларим,  
Шодон ўтар кунларим.  
Ёронлар ҳимматидан,  
Доим бийрон тилларим.

Суянчиқлар бисёр-мўл,  
Қайга чўзсанг етар қўл.  
Чароғбонлар соғ бўлсин,  
Ёруғ қилган йўлларим.

Ёронлар ҳимматидан,  
Доим бийрон тилларим...

Шу вақт К. Хешбоевич ётоқхонадан чиқиб Холисбоевга кўзи тушади-ю димоғдор ҳолатта киради

К. Хешбоевич. Жуда хурсанд кўринадилар?  
Холисбоев. Э, ассалому алайкум, Кўрри-изо Хеш-  
боевич!

К. Хешбоевич. (қаҳр билан) Кўрризо эмас, Кор,  
Корризо-о, тушундингизми? Корризо, неча марта сизга  
қайтари-шим керак?

Холисбоев. Кечирасиз Кар, э, Кўр, э-э, Кор, Кор-ризо Хешбоевич, минг бор узр! Бу хато... бу аҳмоқлик бошқа қайтарилмайди.

К. Хешбоевич. (яна ҳам керилиб) Имтиҳонлар?

Холисбоев. Имтиҳонлар... имтиҳонлар кетаяпти.

К. Хешбоевич. Кетаяпти?

Холисбоев. Ҳа, бошлаб юбордик...

К. Хешбоевич. Ҳмм...

Холисбоев. Жуда зўр кетаяпти... Нуқул аълочилар топширган ҳужжатларини.

К. Хешбоевич. Аълочилар?

Холисбоев. Ҳа, Кўр... э, йўқ... Тфу!..

К. Хешбоевич. А?

Холисбоев. Ҳмм, сизга эмас!.. Узр, Ко-орризо-о Хешбоевич!

К. Хешбоевич. Ҳа, шундай денг. Энди бир гап бор сизга.

Холисбоев. Қулоғим ўзларида

К. Хешбоевич. Ўғилча... ўқиш...

Холисбоев. Ўзларининг ўғиллария? О, браво, браво! Акахонимизнинг ўғиллари!.. Яъни қарчиғайингиз ўқишга бел боғлайдию... Биз тайёрмиз! Сиз... сиз... ўғиллари учун хоҳлаган институт эшиклари очиқ!

К. Хешбоевич. Ҳалиги имти...

Холисбоев. Имтиҳон масаласими?

К. Хешбоевич. Ҳимм...

Холисбоев. Аввал қайси институтга киришларини билайлик, агар мед... бўлса...

К. Хешбоевич. Худди шундай... мед!

Холисбоев. Бажарамиз акахон, бажарамиз!

К. Хешбоевич. У... олтин медаллик!

Холисбоев. Олтин медал? Ундай бўлса яна ҳам соз! Қарчиғайингиз имтиҳондан бутунлай озод, меҳрибонимиз! Шундай бирров кўриниш берадилар, тамом.

К. Хешбоевич. Раҳмат!

Холисбоев. Э, э, раҳматингиз нимаси?.. Одамни уялтирманг, Қо-орри-изо-о Хешбоевич! Раҳматни биз айтишимиз керак сизга, чунки оламда сиз борсизки, биз бормиз, сиз йўқсиз-олам йўқ!.. Олам биз сиз... яъни менсиз ҳам бўлаверади. Лекин, сизсиз... сизсиз қуриб чўлга айла-ниб қолади!

К. Хешбоевич. Саҳрога!

Холисбоев. О, яшанг, соябонимиз, топдингиз, сиз-сиз олам саҳрога...



К. Хешбоевич. Биёбонга... Саксовулзорга, юлгунзорга, янтоқзорга... (*ўзининг сўзидан ўзи роҳатланиб қотиб-қотиб кулади. Холисбоев ҳам унга қўшилиб эгилиб-букилиб қаҳ-қаҳ ота бошлайди*)

Холисбоев. Вой умрлари узоқ бўлгур акахонимизей, вой меҳрибонимизей, ичакларим узилишига сал қолди-я!.. Кулкинги, чийиллоқ овозингиз бирам майинки!.. Бирам шифобахшки!.. Аслида дори-дармон ўзларининг овозларидан тайёрланса борми, (*қиқирлаб кулади*) ҳалиги "алвидо, ҳаёт" деб бу дунёдан кўз юмаётган беморлар ҳам дарров овозингиз касофатидан...

К. Хешбоевич. А?

Холисбоев. Э, узр! Мен, овозингиз шарофатидан ўлаётган беморлар ҳам дарров дик этиб оёққа туриб кетади демоқчийдим...

К. Хешбоевич. Ҳимм...

Холисбоев. Узур! агар... агар... сиз хўп десангиз, мана шу вайсақи тилимни дарров шартта кесиб кучугингиз олдига ташлайман!

К. Хешбоевич. Кучук... йўқ...

Холисбоев. Ундай бўлса... ундай бўлса... ўзингизнинг олдингизга...

К. Хешбоевич. Нима?..

Холисбоев. Ҳалиги ўлиб кетган бўри босарингиз олдига ташлайман!.. Сизнинг сояйи девлатингизда тилсиз бўлиб юришнинг ўзиям биз учун катта бахт!..

К. Хешбоевич. Бўрибосар... Бўрибосар...

Холисбоев. Эҳ, қандай зўр, забардаст, ўзингиздақа паҳлавонсиёқ ит эди-я!.. (*йиғлаб*) Оҳ, бўрибосар, бўрибосар, бевақт ўлиб, бизларни доғу ҳасратда қолдириб кетдинг-а! Дафн маросимида хуни гирён йиғлаганларимиз (*хўнграб йиғлайди*). Энди сени қайдан ахтариб, қайлардан топман!.. Сен ўлгунча, менинг қора лайчам ўлса бўлмасмиди, мен ўлсам бўлмасмиди!.. (*К. Хешбоевичга юзланиб*) Ўлайми, а, ўлайми?!

К. Хешбоевич. Ўлманг, кераксиз!

Холисбоев. Раҳмат, соябонимиз, раҳмат!

К. Хешбоевич. Ҳозир жўнатамиз...

Холисбоев. Институтгами?

К. Хешбоевич. Ҳимм...

Холисбоев. Майли, ҳозир десангиз, ҳозир. Нимада?

К. Хешбоевич. Машинада... Ўзи!..

Холисбоев. Йўқ, йўқ, Қорри-изо-о Хешбоевич!.. Икки чақиримча рудда ўтириб қарчиғай чарчаб қоладилар-а!

*(телефонни бураб)* Мудроқ Аллахонович, ҳозир Тиллабой Заргаровичга айтинг, зудлик билан машиналарида акахонимиз Қўрри-изо-о Хешбоевични келсин! *(трубкани қўяди)* Бу ёғидан кўнгиллари тўқ бўлсин! *(музиқа бошланади, икковлари куйлашади)*

Холисбоев

Кўнгиллари тўқ бўлсино, тўқ бўлсин,  
Сизга кимки душман бўлса, йўқ бўлсин!

К. Хешбоевич

Бизнинг айтган ҳар калима сўзимиз,  
Душманларнинг кўксин тешар ўқ бўлсин.

Холисбоев

Ўқ бўлсин-о, душман бари йўқ бўлсин,  
Ҳар сўзингиз ёвга отар ўқ бўлсин!

К. Хешбоевич

Не истайсиз-бари бўлар муҳайё,  
Ваъда битта, бундан кўнгил тўқ бўлсин!

Холисбоев

Биз ўлсак ҳам минг-минг аср яшанг сиз,  
Бу дунёнинг бор неъматин ошанг сиз!

К. Хешбоевич

Оҳ, азизим, Ўғилтойни ўқитиб,  
Бизни чексиз саодатга бошланг сиз.

Иккови

Бошга қўнгай ҳумо қуши-бахт қуши,  
Бизга тегмас одамзоднинг қарғиши.  
Чунки ҳардам яшайсиз соф-мусаффо,  
Бу сўзларни тинглаб олсин ҳар киши...

*(Рақсга тушиб турганларида Доцент кириб келади)*

Доцент. Салом!

К. Хешбоевич. Келинг.

Доцент. Машина деган экансизлар.

Холисбоев. Тилла Заргарович келсин дегандим-ку!

Доцент. Улар йўқ эканлар. Кейин мени юборишди, хизмат?

Холисбоев. (К. Хешбоевичга) Ўғилча чиқсинлар, машина тайёр!

К. Хешбоевич. Ҳозир (ичкари киради).

Холисбоев. (доцентга еб қўйгудек тикилиб) Бу уйда тилингизга эрк беракўрманг! Акс ҳолда кесиб ташлашади!

Ичкаридан Ўғилтойни етаклаганча К. Хешбоевич ва Зарринахонлар чиқишади

Ассалому алайкум, акахонимизнинг рафиқаларию сарвар Ўғилтойлари!

Зарринахон. Ваалайкум ассалом, мана шогирдингиз сизга...

Ўғилтой. (тўсатдан Холисбоевга) Сўйяпсизми?

Холисбоев. Лаббай?

Ўғилтой. Ҳалиям сўйяпсизми ўша ҳўкизларни, қас-сооб?

Холисбоев. Мен... мен... қассоб эмасман, докторман!

Ўғилтой. Мен сизни ҳар кўрганда турқингизга қараб, қассобсиз деб ўйлардим.

Холисбоев. Сиз сал адашиб денг...

Ўғилтой. Йўқ, бари бир қассобга ўхшаб кетасиз-ов!

Холисбоев. Нималар деяпсиз? Мен табобат олами соҳиблариданман! Ибн Сино, ҳалиги... яна ким бор эди? Эсим қурсин...

К. Хешбоевич. Шолохов!

Холисбоев. Йўқ, у боксчи-ку!

Доцент. Шлохов-ёзувчи, садағанг кетайлар, машҳур ёзувчи!

Зарринахон. Ана, ёзувчи экан, боксчингиз нимаси, дадаси?

К. Хешбоевич. (кесатиб) Сиз жим туринг!

Зарринахон. Хўп хўжайин, хўп.

Ўғилтой. Бўпти, мен сизга шогирд тушаман, жону дилим қассоблик! Бошқа касб менга керак эмас! Кунига йигирмата ҳўкизнинг бошини оламан, қорнини ёраман! Ана ундан кейин... ундан кейин яйрайман-яшнаймаман, ўйнаймаман-куламан, куйлайман-ўйнаймаман.

*(Муסיқа чалинади. Ўғилтой куйлайди)*

Қўлларимда ялтирайди пичоғим,  
Даста-даста пулга тўлар қучоғим.

Тинглангиз ҳой, бошқа ишга ҳушим йўқ,  
Гўшт бурдалаб ўтар менинг ҳар чоғим.

Маст қиламан қассобларнинг тўрасин,  
Топиб келинг ҳўкизларнинг сарасин.

Сони ила сағрисини қай йўсин,  
Нимталашни мендан келиб сўрасин.

Қани, пахан, беринг менга пичоқни,  
Мўмай пулга тўлдираман қучоқни.

К. Хешбоевич. Йўқ, йўқ, ўғлим! Асло йўқ! Бунга  
рози бўлмаيمان! Мени, бизни иснодга қўйманг!

Зарринахон. Юзимизни эл олдида ерга қаратманг!  
Ялинамиз, ёлборамиз тойчоғим, асло ундай қила кўрманг!

Ўғилтой. Йўқ, мен фақат қассоб бўламан! Гап та-  
мом, вассалом!

Доцент. Жуда яхши!

Холисбоев. Нимаси яхши?!

Доцент. Ҳар ким ўзи севган касбини эгалласа яхши-  
да! Қассоблик ҳам ёмон касбмас!

Холисбоев. Ақл ўргатманг! Боринг, ташқарида ту-  
ринг!

Доцент. *(кескин)* Хўп, хўп! *(чиқиб кетмай туради)*

Холисбоев. Сизга айтаяпман, сиз аралашманг! Бу  
киши улуғ, зўр доктор бўлиши керак! Боринг деяпман,  
ташқарида туринг!

Доцент. А, хўп дедигу! *(шахдам чиқиб кетади)*

Холисбоев. *(унинг орқасидан)* Тавба!..

Ўғилтой. *(Холисбоевнинг сўзини бўлиб)* Майли, май-  
ли, нима дедик, лекин...

Холисбоев. *(Ўғилтойга)* Биласизми, умуман доктор-  
лик... ҳалиги... медиклик ҳам қассоблик касбидек бир гап...  
Айниқса, жарроҳликка ўқисангиз қассобликдан деярлик  
фарқи йўқ. Одамларнинг... беморларнинг қоринларини ёра-  
верасиз пориллатиб. Ичакларини бемалол суғуриб олавери-  
шингиз мумкин, кейин хоҳласангиз жойига қўйишингиз  
мумкин, хоҳласангиз бошқа бировга. Наркоз бергандан кей-  
ин улар нима қилганингизни билиб ўтиришармиди!

К. Хешбоевич. Ана, эшитдингизми?

Зарринахон. Хўп денг ўғлим, хўп денг.

Ўғилтой. Йўқ, йўқ, йўқ!

К. Хешбоевич. Ахир олтин медал олгансиз-ку?!

Зарринахон. Ҳа-я.

Ўғилтой. Мен эмас, сиз олгансиз уни, олтин бериб олгансиз ўша олтин медални, дадажон. Энди ўзингизга сийлов бўлсин ўша олтин медал.

Холисбоев. Ҳой укажоним! (Унинг оёғига йиқилди) Хўп десангиз-чи, ота-онангизнинг орзусини хазон қилманг. Мендек машҳур шифокорни сиздек улуғ инсон фарзандини буюк врач қилиб чиқаришдан маҳрум этманг! Хўп денг, азизим, хўп денг, бўмаса, бўлмаса ҳозироқ ўзимни чавақлаб, мана шу ерда, оёғингиз остида чавқлаб ташлайман! Ўзимни сиз учун қурбон қилвораман! Шу ерда, ҳозироқ!

Ўғилтой. (Холисбоевга анойи такилади) Жинни!

Холисбоев. Лаббай?

Ўғилтой. Жинни!

К. Хешбоевич. Ким жинни?

Зарринахон. Жинни ким?

Ўғилтой  
(сакраганча куйлайди)

Мен, мен, сиз, сиз, у, улар,  
Бойқуш доим ку-кулар.  
Жинни кулар жиннидан,  
Демак йўқ бунда соғлар...

Холисбоев қўрққанча орқага тисарилаётиб қўли телефонга тегиб кетади ва беихтиёр трубкани олиб, шоша-пиша телефон номерини тера бошлайди

Холисбоев. Алло! Профессор!.. Тез етиб келинг! Карризо-о, э, йўқ, Кар эмас, Қор, Кор-ри-зо-о Хешбоевичнинг уйларига... Ҳозироқ! (трубкани қўяди)

Ўғилтой  
(куйлашда давом этади)

Булут устида ҳўкиз,  
Осмонда чопар қассоб,  
Дардим сўрмас битта қиз,  
Кўзларимда ёш ҳалқоб...

К. Хешбоевич билан Зарринахон ўғилларининг бу ложарам ҳолатидан аввал ҳангу манг бўладилар, сўнгра йиғлай бошлайдилар

Холисбоев. (ўзича) Дардим сўрмас битта қиз деди-ми? Тушунарли... (телефонда номер тиради) Алло! Қизим!.. Саъвахон!.. Тезда Хешбоевич акангларникига етиб кел, гап бор!

Шу пайт аптечка қутчасини кўтарган профессор ҳовлиқиб кирадию бир чеккадаги курсида ўтирганча ҳалослай бошлайди

Холисбоев. Хайрият-ей, келдингизми, профессо-ор?

Профессор. Келдим, келдим, келдим... уф, дори, дори беринглар! Нафас ололмаяпман, дори!

Холисбоев. Ол-а, (профессорнинг аптечка қутчасидан дори излай бошлайди) Қанақа дори беришим керак сизга, профессор!

Профессор. Билмайман, уф! Билмайман, уф! Билмайман уф!..

Холисбоев. Мен ҳам билмайман (битта таблеткани олиб профессорнинг оғзига тикади). Таваккал! (бироздан сўнг) Энди қалайсиз, профессор?

Профессор. Сал, яхши... яхши... яхши...

Холисбоев. Хайрият-ей! (ўзича) Ишқилиб ишимни худо бир ўнглади-я.

Профессор. Қани бемор? Бемор қани?

Ўғилтой. Жинни!

Профессор. Лаббай!

Ўғилтой. Жинни!

Профессор. Тушунарли... Демак, бемор сиз? (Ўғилтойнинг олдига бориб, бошига ёғоч болға билан бир туширади)

Ўғилтой. Жинни!

Профессор. Тўғрими?

Ўғилтой. Тўғри!

Зарринахон. Вой пешонам...

Ўғилтой. Жинни!

Профессор. Тўғрими?

Ўғилтой. Тўғри!

К. Хешбоевич. Бахтимиз қаро бўлди шекилли.

Ўғилтой. Жинни!

Профессор. Тўғрими?

Ўғилтой. Тўғри!

К. Хешбоевич. Аниқроқ гапирсангиз-чи, садағангиз кетай, нима тўғри ахир?

Ўғилтой. Сенларнинг жинниликларинг, телбаликларинг тўғри деяпман.

Профессор. Ё алҳазар! Бу ерда ким соғ, ким жинни ўзи? Аниқ диагноз қўймасдан туриб нега бу ерга чақирдиларинг мени? Мен бу аҳволда ҳеч қайсингизни даволай олмайман. Бу ерда жинни биттами ёки тўрттами? (ҳаммалари бир-бирига қарашади) Ана билмайсизлар. Мен ҳам билмайман, хайр!

Профессор чиқиб кетади. Улар бир-бирларига шубҳали қарай бошлашади. Шу пайт ноз юришлар билан куйлаганча Саъва кириб келади

### Саъва

Мастона юрак, парвоз айла сен,  
Саодат қанотида.  
Дилнавоз алёр, парвоз айла сен,  
Садоқат қанотида.

Дилбар ҳаётни эъзоз айлаб,  
Толма, эй шакар забон.  
Инсонлар тараф парвоз айла сен,  
Адолат қанотида.

Эй, шайдо дилим, ҳар замон бу он  
Наззора айла хуррам.  
Бир барно томон парвоз айла сен,  
Муҳаббат қанотида...

Ўғилтой ҳамма нарсани унутиб, беихтиёр юрганча, қиз қаршисига келди

Холисбоев. Ана қизим Саъвахон келдила, келинг қизим!

Ўғилтой. Чиндан ҳам Саъва экансиз, Саъвадай зўр сайрар экансиз!

К. Хешбоевич, Зарринахон ва Холисбоевлар Ўғилтойнинг соғ эканлигига ишониншгач, бир-бирларига имо-ишора қилганларича орқалари билан юриб саҳнадан чиқишади

Саъва. Дадам бу ерга мени нимага чақирдиларкин?  
Ўғилтой. Балки касални даволатиш учундир.

Саъва. Қани касал? Ким касал?  
Ўғилтой. Мен!  
Саъва. Сиз?  
Ўғилтой. Ҳа!  
Саъва. Мен, мен... варч эмасман. Ўқишга энди кияр-  
ряпман.  
Ўғилтой. Қанақа ўқишга?  
Саъва. Медицина институтига!  
Ўғилтой. Ўз хоҳишингиз биланми?  
Саъва. Йўқ, дадамларнинг хоҳишлари билан, ахир да-  
дамлар мединститутда ишлайдилар, қолаверса ота касби...  
Ўғилтой. Шунақа денг?  
Саъва. Ўзим ўқитаман, ўзим алоҳида дарс бераман  
деяптилар. Бир амалаб битказсам бўлди-да. Ахир жуда  
кўпчилик шунақа қилишаяпти-ку.  
Ўғилтой. Мен... Мен эса, қассоб бўлмоқчиман!  
Агар... агар... Сиз... менга тегсангиз, мен сизни гўшт билан  
боқаман! (Пауза) Эҳ, ҳамма жойингиз... уйимиз гўштан  
тўлиб-тошиб кетади. Тегасизми?  
Саъва. Нималар деяпсиз? Дадамлар опамларни фақат  
медикка турмушга берганлар. Опамлар ҳам медиклар.  
Қассобга мени беришмайди.  
Ўғилтой. Ахир мен... Биласиз-ку...  
Саъва. Ўғилтой, мен ҳам... мен ҳам ёмон кўрмайман  
сизни, лекин...

Шу пайт мусиқа бошланади Ўғилтой зорланиб куйлайди

### Ўғилтой

Биласан-ку, севаман сени,  
Нега, жоним, қийнайсан мени?  
Қон айлама юрагимни, ёр,  
Ёнгинамда бўлгин ҳар куни.

Йўқса дардим бисёр ортади,  
Бедорликда тонглар отади.  
Чеҳра олим бўлиб заъфарон,  
Ажал ўз комига тортади.

Кел, ваъдани бер менга, дилдор,  
Мен ошқман, сен қилмагин ор.  
Ёрим бўлсанг, кўтарай бошга,  
Сўзлари бол, эй қуёш, рухсор...



## Саъва

Ёринг бўлайин, зоринг бўлайин,  
Ваъдага вафо айласанг, жоним.  
Сенинг, оҳ, қандайин ёринг бўлайин,  
Жонга юз жафо айласанг, жоним.

Сиёғинг беқиёс, юзларинг яхши,  
Боққанда ёнгувчи кўзларинг яхши.  
Шайдо дил ороми, сўзларинг яхши,  
Севгидан афсона сўйласанг, жоним.

Кўнмасанг сўзимга, сенга бермаслар,  
Сен каби ошиқни кўзга илмаслар,  
Сўзларинг маъносин асло билмаслар,  
Ҳар асно зорланиб куйласанг, жоним...

Ўғилтой. Демак, мен сизга уйланишим учун доктор бўлишим керак, шундайми?

Саъва. (уялгансимон) Ҳа.

Эшик орқасида бекиниб турган Корризо Хешбоевич, Зарринахон ва Холисбоевлар саҳнага отилиб кирадилар

Холисбоев. (Ўғилтойга) Энди сиз доктор бўласиз, зўр доктор бўласиз, медицина институтида албатта ўқийсиз! Кейин...

К. Хешбоевич. (унинг сўзини бўлиб) Кейин, тўй қиламиз!

Холисбоев. Кейин сиз менга куёв...

К. Хешбоевич. Саъвахон бизга келин!..

Зарринахон. Доктор қизга қайнона ўзим бўламан, келинимдан ўргилай! (Саъвахонни қучади)

Парда

## 2-ҚИСМ

Пешин пайти. Холисбоевнинг иш кабинети. Холисбоев врач кийимда у ёқ-бу ёққа юриб шодон куйламоқда.

Холисбоев

Ишлар силлиқ кетяпти,  
Бари аъло, фақат беш.

Кунларим шод ўтяпти,  
Барча ҳозир менга эш.

Хўп равон мақсад йўлим,  
Юлдузга етар қўлим.  
Қайда бўлмай одамлар,  
Гул тутар сўлим-сўлим.

Шу пайт Холисбоев танимайдиган қиёфада, яъни мўйлов қўйган, шля-  
пада, қора кўзойнакли доцент кириб, томоша қилганча туриб қолади,  
Холисбоев уни танимасдан куйлашда давом этади

Эҳ, омадим бор экан,  
Омадсизлар хор экан.  
Таянчи йўқ одамнинг,  
Орзуси бекор экан.

*(Доцент қарсак чалади)*

Доцент. Офарин! Қойил! Ҳақиқатдан ҳам омади  
чопган, зўр одамсиз, тақсир.

Холисбоев. Тақсир? Қанақа тақсир? Мен профессор-  
ман! Билдингизми?

Доцент. Узр, узр! Омимиз-да, тақсир, оми.

Холисбоев. Яна тақсир дейди-я, мен профессорман  
дедим-ку сизга! Қулоқ борми ўзи?

Доцент. Бор, ҳурматли пр... про...

Холисбоев. Фессор!

Доцент. Фессор, ҳа, фессор, қулоқ ҳозирча бор.

Холисбоев. Фессормас, Про-фессор!

Доцент. Ҳа, ҳа, проф-ессор.

Холисбоев. *(жаҳл билан)* Хўш, хизмат?!

Доцент. Ўзларидан даво, нажот истаб келдик, пр-  
оф-эссор.

Холисбоев. И-е, қанақа даво, қанақа нажот?

Доцент. Аъзои баданим қақшаб денг, бир ҳафтадан  
бери уйқу менга, мен уйқуга зор, у ҳам етмагандай мана  
бу тилим...

Холисбоев. Азизим, менинг вақтим зикроқ, бошқа  
врачга боринг...

Доцент. Йўқ, йўқ, йўқ! Бормайман!

Холисбоев. Нима, жиннимисиз?

Доцент. Йўқ, йўқ, йўқ, нимаиди?

Холисбоев. Бўлмаса борингда!

Доцент. (унинг чўнтагига нимадир солади) Илтимос, аҳволим оғир, жудаям оғир. Мана кўринг (оғзини катта очиб, тилини чиқаради)

Холисбоев. (чўнтагига солинган нарсани ушлаб-ушлаб кўради) Нега аввалроқ келмадингиз? Касални ўтказиб юборибсиз-ку. Ҳозир... даволаймиз, тузатамиз, хўш, мана шприц...

Доцент. Шприцингиз қайнатилганми?

Холисбоев. (бепарво) Сиз даволанишни билинг, шприцнинг иссиқ-совуғи билан нима ишнингиз бор.

Доцент. И-е қонга микроб тушса нима бўлади?

Холисбоев. Ҳеч нима бўлмайди.

Доцент. Шундай денг?

Холисбоев. Шундай... (шприцга дори сўрдиришни эплай олмайди) Қанақа қилишарди-я? Эҳ, лаънати-ей...

Доцент. Шошманг (шприцни унинг қўлидан олиб, дори сўрдира бошлайди) Бир пайтлари, бировлар, шунақа қилишарди (шприцни дорига тўлдириб, озгинасини учидан отилтириб Холисбоевга беради) Мана марҳамат, олинг.

Холисбоев. (ҳайрон) Сиз буни қаердан биласиз?

Доцент. Шу энди кўргандим-да.

Холисбоев. Бало экансиз-ку. Ўзим ҳам билардим, шунақа қилишларини... Шу, ассистентларим қиларди-да бунақа ишларни... ҳмм... хўш, қаерингизга тиқай?

Доцент. Нимани?

Холисбоев. Нинани.

Доцент. Шприцни денг.

Холисбоев. Ҳа, шприцни, барибири эмасми, тавба!

Доцент. Аввал диагнозни аниқланг-да!

Холисбоев. Ҳали эшикдан кириб келганингиздаёқ кўз билан аниқлаганман.

Доцент. Кўз билан? (киноя билан) Нима дардим бор экан?

Холисбоев. Умуман, умуман дард сизда тиқилиб ётибди.

Доцент. Масалан?

Холисбоев. Масалан, масалан ароқ ичсангиз бошингиз оғир экан, оч қолсангиз, қорнингиз қулдирайди, шамоллаганда йўталар экансиз, уйингиз қизиб кетса, терлаб-пишиб денг...

Доцент. Э, тўхтанг доктор, тўхтанг, мен ароқ ичмайман, бошим оғримайди, оч қолиб овқат емайман, қорин қулдирашини тушимда ҳам кўрмаганман, газ паст, уй қизмайди, демак, терламайман, хўш яна...

Холисбоев. *(шивирлаб)* Бўлмаса, азизим, ўзингиз айта қолинг.

Доцент. Э, айтдимۇ тилим деб, тилим ўз-ўзидан узайиб кетган, билдингизми?

Холисбоев. Бори йўғи шуми? Ҳозир ҳамманинг тили узун. Замон тили узунларники.

Доцент. Илтимос, фалсафа сўқманг! Мен тўғри маънода айтаяпман, тилим оғригандан айтаяпман. Тилим оғригандан оғзимга сифмаяпти.

Холисбоев. *(қўлидаги шприцни ҳавода ўйнатганча)* Демак, консилиум!

Доцент. Консилиум? У нима деганингиз?

Холисбоев. Маслаҳат!

Доцент. Ким билан?

Холисбоев. Свежий каллалар билан, дипломантлар билан, яъни куёвим ва қизим билан *(қўнғироқ қилади)* Алло! Ўғилтой билан Саъваой менинг олдимга киришсин! *(трубкани қўяди)*

Доцент. Нима, улар сиздан ҳам зўрми?

Холисбоев. Ҳозир биласиз-да қанақалигини. *(Шу вақт изма-из Саъва билан Ўғилтой врач кийимида кириб келишади)* Мана бу одамнинг тили узайиб кетибди, ўз-ўзидан. Даволаб қўйинглар. Мен ҳозир келаман. *(Чиқиб кетади)*

Саъва. *(Доцентга узоқ тикилиб)* Шундайми?

Доцент. Нима шундайми?

Ўғилтой. Тилингиз узайиб кетгани ростми деб сўраяптилар.

Доцент. Рост.

Саъва. Қани, кўрсатинг.

Доцент. *(тилини чиқаради)* Мана.

Саъва. Ё худо! Тилингиз бир қулоч келади-ку!

Доцент. Ҳимм...

Саъва. *(Ўғилтойга)* Нима қиламиз?

Ўғилтой. Кесиб ташлаймиз!

Доцент *(кескин ўрндан туриб)* Олти йил медикликка ўқиб, ҳеч балоям бўлмабсан-да, қассоб! *(шаҳд билан чиқиб кетади)*

Ўғилтой. У... у... нима деди?

Саъва. Қассоб деди.

Ўғилтой. *(доцентнинг орқасидан саҳна четига келиб)* Сен, сен минг йил ўқисанг ҳам ўша... ўша қассоб ҳам бўлолмайсан, қаллоб!

Саъва. Э, қўйинг ўша шўргумшуқни! Бизга деса тили осилиб, тизвасига тушмайдими!

Ўғилтой. Майли, беморми, бемор. *(Лирик оҳангда)*  
Мен ҳам бемор, сиз ҳам бемор! *(Куй чалинади, қўшиқ бошланади)*

### Ўғилтой

Сўзларингга ўзимман хумор,  
Забони бол эй севгили ёр.  
Беморларга асло ҳушим йўқ,  
Ахир ўзим кўйингда бемор.

### Саъва

Бемор эмас, ошиқи зорсиз,  
Мажнун мисол офати жонсиз.  
Ёки ўзим Зулайхо бўлсам,  
Сиз Юсуфжон-жонга оромсиз.

### Иккови

Вомиқ Узро, Зуҳро-Тоҳирлар,  
Тенг бўлолмас севгида бизга.  
Даркор эмас бизга, азизим,  
Касб ила кор севгидан ўзга.

Қўл ушлашиб, бўстонда кезиб,  
Биз кирайлик, жонгинам, юзга.

Шу пайт Холисбоев К. Хешбоевич ва Зарринахонларни қувноқ ҳолда бошлаб киради

Холисбоев. Хўш, нима қилдиларинг?

Саъва. Ҳалиги, тили узунними?

Холисбоев. Ҳа.

Саъва. Кетди!

Холисбоев. Қаёққа?

Саъва. Бобомдан нарига!

Холисбоев. Майли! Мана, болаларим! Сизларни ҳақиқий доктор бўлганингиз билан, диплом билан табриклагани падари бузрукворингиз ва волидаи муҳтарамангиз ташриф буюрдилар! *(Шу тантанаворлик руҳида)*  
Ҳурматли Кар, э, Кўр, э...

К. Хешбоевич. (унинг сўзини сал жаҳл билан бўлиб) Кар ҳам эмас, кўр ҳам эмас, Кор! Кор! тушунасизми йўқми?!

Холисбоев. Ҳа, ҳа Ко-орризо-о Хешбоевич! Ўзингиз, муборак қўлларингиз билан (қўлидаги дипломларни бериб) мана буларнинг муқаддас дипломларини тантанали равишда топширсангиз! (Беради)

К. Хешбоевич. Жоним билан!

Зарринахон. Тўғри айтаяптилар, илойим сизга ўхшаган бообрў бўлсин фарзандларимиз, топширинг дадаси, топширинг!

К. Хешбоевич ўгли ва келинига дипломларни топшириб пешоналаридан ўпади

К. Хешбоевич. Муборак бўлсин!

Зарринахон. Муборак бўлсин! Замонамиздан ўргилай!

Муסיқа чалинади, К. Хешбоевич билан Зарринахон иккови куйлашади

### К. Хешбоевич, Зарринахон

Замон-замон, бизнинг замон,  
Фаровон ҳаёт.  
Бу шодликка жўр бўл, эй сен  
Еру коинот.

Яшна-яшна, завол топма,  
Ўғлон, бўл омон!  
Омон бўлсин сенга даврон  
Берган ҳур замон.

Сизга энди мунтазир эл,  
Дипломли ёшлар.  
Бахтимизга омон бўлинг,  
Сиз олтин бошлар...

Қўшиқ тамом бўлгач, улар кетма-кет Ўғилтой билан Саъвани бағирларига босиб табриклашадилар. К. Хешбоевич ниҳоятда қувонганидан ҳушини йўқотиб, энтика бошлайди

Холисбоев. И-е, вей, сизга нима бўлди, акахоним?!  
Зарринахон. Ҳушидан кетяпти! Отангизга укол қилсангиз-чи, ўғлим!  
Ўғилтой. А? Укол?

Зарринахон. Бўлинг тезроқ!

Ўғилтой. Ҳозир! (Қўлидаги дориларнинг бир нечасини шприцга сўрдириб, К. Хешбоевичга укол қилади. Отаси кўксини чангаллаганча эгилиб қолади, сўнгра атрофга лоқайд боққанча қиқир-қиқир кула бошлайди. Зарринахон кўрқувга тушади)

Зарринахон. Вой ўлмасам! Сизга нима бўлди дадаси?! (К. Хешбоевич қаҳқаҳа отади) Вой юрагим! (Зарринахон юрагини ушлаганча ҳушидан кета бошлайди)

Саъва. (Ўғилтойга) Ҳой! Ойингизга қаранг!

Ўғилтой. И-е, буларга нима бўляпти ўзи?! (Саъвага) Дарров укол қилинг!

Саъва. Йўқ, йўқ! Мен, кўрқаман! Укол қилолмайман!

Ўғилтой. Ана халос! Олти йил ўқигансиз-ку ахир!

Саъва. Барибир билмайман!

Ўғилтой. Э, нари туринг!

Ойисига ҳам пала-партиш укол қилади. Бироздан сўнг Зарринахон ҳам чийилдоқ овозда эри К. Хешбоевичга қўшилиб қиқирлаб кула бошлайди

Саъва. (Ўғилтойга) Нима қилиб қўйдингиз? (Дадасига) Дада, нималар бўляпти?

Холисбоев. (ҳаяжонда) Нималар қилиб қўйдингиз, куёв?!

Ўғилтой бепарво куйлайди, дадаси К. Хешбоевич билан ойиси Зарринахон телбаларча унинг қўшиғига рақс тушадилар

### Ўғилтой

Зўр докторман, докторман,

Дардни отар ўқдирман.

Билимдонлик бобида,

Ғоят кўнгли тўқдирман.

Қани, қани, ўйна, ҳей,

Қани, қани, куйла, ҳей.

Гулдек касбим бор қўлда,

Кўп йил ўқиб бахт топдим.

Бир уколда отамни,

Онамни ҳам қулатдим.

Қани, ўйна, ўйна, ҳей,

Қани қуйла, куйла, ҳей.

Холисбоев. *(ҳар тарафга бемақсад чопади)* Вой, вой! Тамом бўлдим! Энди нима қиламиз? Энди бу ёғи нима бўлади? Да... дад... дадангиз, ойингизни жинни қилиб қўйдингиз-ку, док...тор!

Ўғилтой. *(бепарво)* Тузалтир!

Холисбоев. Лаб...бай?!

Саъва. Тузалтиринг! *(Ўғилтой билан Саъва чиқиб кетишади)*

Холисбоев. *(уларнинг орқасидан)* Э, мен... ахир қандай қилиб жинни... одамни... *(бирдан телефонга ёпишади)* Алло!.. Алло!.. Профессор!.. Профессор! Қутқаринг?.. Балодан!.. Акахонимиз! Кўр, э, Кар, э, тфу! Сизгамас-ей! Жинни! Э, сизмас! Акахонимиз Ко-ор-ри-зо-о Хешбоевич хотинлари билан жинни!.. Ҳа профессор! Тез етиб келинг!

Холисбоев бир К. Хешбоевич олдига боради, у уни олдига солиб сахнани айлантириб қувлайди, ундан қочиб Зарринахонинг олдига боради, у ҳам сахна айлантириб уни қувлайди. Шу пайт биринчи пардадаги профессор мудраганича кириб келади ва ҳеч нимага эътибор қилмасдан, бир четда турган курсига ўтиради. Профессор ўтирган пайтда яна ҳеч кимга эътибор бермай К. Хешбоевич билан Зарринахон бир-бирларига қараб қиқирлашга тушган бўладилар. Холисбоев профессор томонга югуруклаб келади.

Холисбоев. Келдингизми, профессор! Нима бўлди? Нега кирганингизданоқ ўзингизни курсига ташладингиз?

Профессор. *(кўзи юмуқ ҳолда)* Дармоним йўқ. *(Холисбоев таажжубда уёқ-буёққа юради. Ўйлаб-ўйлаб, ёнидан бир нима олиб профессорнинг чўнтагига тиқади, профессорнинг тили дарҳол калмага кела қолади)* Дарм... д-д-д... *(дик этиб оёққа туради)* Шуми беморлар? *(Югуриб уларнинг олдига боради)* Бу нима деган гап? Бу ярамас ҳол! Бу, бу кечирилмас ҳол! Безобразия! Биз... сиз... бундай бўлмаслигимиз керак! Чек қўйишимиз керак ҳалиги... нималарга! Тушунарлими?

Холисбоев. Тушунарли, профессор!

Профессор. Нима тушунарли, а, нима тушунарли?

Холисбоев. Ҳалиги нима... тушунарли, профессор!

Профессор. *(куйиниб)* Саломатлик посбонига ялқовлик ярашмайди, шуни биласизми?

Холисбоев. Биладан, домла, биладан.

Профессор. Биласиз-а, биласиз *(профессор Заррина билан К. Хешбоевичга янада яқинроқ бориб, уларнинг кўзларига кетма-кет узоқ тикилади, К. Хешбоевичга)*



Кўрсатинг, кўрсатинг, кўрсатинг! (К. Хешбоевич унга муштини кўрсатади) А? Яхши... яхши... ҳоз-зир... (Профессор уларнинг атрофида анча парвона бўлади, тек туриб ўйлайди, сўнгра Холисбоевга "буларни олиб кетинг" ишорасини қилади)

Холисбоев. Ҳозир. (Чиқиб тезда куёви билан қизини бошлаб киради ва дадаси билан ойисини олиб чиқиб кетиш лозимлигини ишора қилади. Ўғилтой билан Саъва К. Хешбоевич билан Зарринахонни олиб чиқиб кетишади)

Профессор. Ишлар...

Холисбоев. Нима ишлар?

Профессор. Чатоқ!

Холисбоев. Чатоқ?

Профессор. Ҳа, чатоқ!

Холисбоев. Йўқ, йўқ! Ундай бўлиши мумкин эмас! Профессор, бир илож қилиб уларни...

Профессор. Ҳеч иложи йўқ, энди улар кетадилар!

Холисбоев. Кетади? Қаёққа?

Профессор. У ёққа!

Холисбоев. У ёгингиз нимаси?

Профессор. Бувиларининг олдига! Сиз тушунадиган одамсиз, ахир сиз ҳам докторсиз.

Холисбоев. Ҳе, энди биз... (бирдан илтижо қилиб) Лекин, профессор, бир иложини қилмасангиз бўлмайди, тушунаюпсизми, бўлмайди!

Профессор. (илмоқли қилиб) Шундай денг.

Холисбоев. Шундай, шундай, профессор!

Профессор. Тушунарли... Демак, бир иложини қилиб уларнинг дардига даво топиш керак, шундайми?

Холисбоев. Ҳа, ҳа, шундай, шундай профессор!

Профессор. Ҳимм... Нима қилиш керак?... Нима қилиш керак?.. (У уёқдан-буёққа юра бошлайди. Холисбоев ҳам уни оғзига қараганча эргашиб юрабошлайди) Бир иложини топиш керак денг, бир бало қилмоқ керак денг...

(Шу пайт яна бошқа қиёфада доцент киради)

Доцент. Салом!

Улар. Салом, келинг?

Доцент. Ўтирсам майлими?

Улар. Марҳамат, ўтиринг.

Доцент. Мен халқ назорати қўмитасиданман!

Холисбоев. (ўта мулозамат билан) Хуш келибсиз бизнинг мўътабар даргоҳимизга!

Профессор. *(эгилиб)* Қадамларига ҳасанот!

Холисбоев. Сиз борсизки, биз бормиз. Халқ назоратчиларининг, яъни сизларнинг ҳозирги қилаётган ишларингиз умуман... умуман... таҳсинга лойиқ!

Профессор. *(кўзига ёш олиб)* Билмадим, сизлар бўлмаганда бизнинг ҳолимиз не кечарди. Бизлар фақат сизга таяниб иш кўрамиз! Шунинг учун ҳам ҳамма ишларимиз сип-силлиқ кетяпти.

Холисбоев. Яшасин халқ назоратчилари! Яшасин таянчларимиз! Ур-рее!.. Ур-рее!

Профессор. *(ҳайрон Холисбоевга)* Мен, мен нима қилишим керак?

Холисбоев. Бақиринг!

Профессор. Нима деб?

Холисбоев. Яшасин, ур-рее, деб.

Профессор. Яшасин! Ур-реее!

Доцент. Бас! Етар!

Профессор. Урр-ре-е-ее!

Доцент. Бас қилинг! *(бирдан улар жимиб қолишади)* Бизга хушомадгўйлик, лаганбардорлик кетмайди! Мақсадга кўчайлик. *(Пауза)* Бизга етиб келган маълумотларга қараганда, *(жимлик, чивин учса билинадиган даражада жимлик. Холисбоев билан профессорнинг бутун вужудлари қулоққа айланган)* хўш, бизга етиб келган маълумотларга қараганда, қандайдир уколдан иккита одам жинни бўлиб қолганмиш! Хўш, бу ЧПнинг айбдори ким?!

Холисбоев. Ким бўларди, ўша доктор ўғли-да!

Доцент. Ўша уқувсиз докторни ким ўқитди?

Иккови. Бизлар.

Доцент. Демак бош айбдор сизлар!

Холисбоев. Қанақасига?

Профессор. Нега энди?

Доцент. *(Холисбоевга)* Сиз қизингиз билан куёвингиз атрофида 6 йил парвона бўлдингиз. Табобат сирларини уларга ўргатиш ўрнига, ҳеч нарса ўргатмадингиз! Оқибатда улар шифокор эмас, дилозор, одамларнинг кушандасига айланди! Қани айтинг-чи, медицина санъатидек чинакам, ҳақиқий санъат дунёсида туғма қобилиятсиз одамларнинг яшаши мумкинми? Ҳақиқий медицина ходими бўлиш учун табиий истеъдод зурлигини биласизми?

Холисбоев. Сиз халқ назоратчисиман деб ўзингиздан кетманг!

Профессор. Истеъдодсиз ҳам яхши медик бўлиш мумкин, шунинг учун ҳам ўқитаяпмиз.

Холисбоев. Акаси жонидан, медицина тахминларга асосланган фандур!

Доцент. *(асабий)* Қотиллар!

Профессор. Лаббай?

Холисбоев. Нима дедингиз?!

Доцент. Сиздақа тахминларга таяниб иш кўрадиганлар, буйрак санчигини кўричак деб диагноз қўйишади, йўғон ичак яллиғланишини рак деб диагноз қўйишади. Мавҳум фикрлар, тахминлар асосида уларни тиф остига ётқизиб қиймалашади. Медицинада тахминларга таяниб иш кўриш бу инсонни очикдан-очиқ ҳалокатга бошлаш дегани-ку ахир! Қани айтинг-чи, ўшанақа тахминчиларнинг қотилдан қанақа фарқи бор?! Медицина дунёсида сизга, Холисбоев, сизга, ўртоқ профессор, ўрин йўқ, сиздақа тахмин билан иш кўрадиганларга ўрин йўқ! *(Доцент ясама соқол-мўйловини ечиб оладию уларга еб қўйгудек тикилади. Улар саросимада қотиб қоладилар)*

Холисбоев, Профессор. Доцент?!

Доцент. Мана шундай тубан, иблисона яшаганларингдан кўра, ўлганларинг минг карра яхши эмасми, аблаҳлар!

Шу пайт Ўғилтой билан Саъванинг лапарига ўйнаб, телбанома К. Хешбоевич билан Зарринахонлар кириб келадилар. Улар куй жўрлигида лапар айтиб киришади

## Ўғилтой, Саъва

Ўйнаси-о, ўйнасин,  
Яйрасин-о, яйрасин.  
Ўғилтой, Саъвахонлар,  
Булбул бўлиб сайрасин.

Қўшигимиз қандай соз,  
Дилларимиз мудом ёз.  
Ота-она соғ бўлса,  
Бизлар доим сарафроз.

Ўйнасин-о, ўйнасин,  
Яйрасин-о, яйрасин.  
Ўғилтой, Саъвахонлар,  
Булбул бўлиб сайрасин!

К. Хешбоевичнинг кўзлари Холисбоев билан профессорга тушиши билан, чўқморни боши узра кўтариб, урмоқ учун улар томон ташланади. Улар додлаганларича саҳна айланиб қоча бошлашади. Ўғилтой билан

Саъва эса бу манзарани қотиб-қотиб кулганча томоша қилиб туришади. Улар ахири ҳолдан тойиб йиқилишади. Зарринахон эса сочлари ёйилган ҳолатда ерга мук тушиб жимгина ўтирибди. Бир оздан сўнг К. Хешбоевич Холисбоевга ғарибона тикилади.

Холисбоев. Ҳозир, ҳозир... ҳаммаси жойида бўлади! Ҳозир даволаймиз сизларни... Ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасизлар!.. Профессор!

Профессор. Вой-дод!

Холисбоев. Э, жиминг-ей! (Пауза) Нимадир қилиш керак, аммо нима?!

Доцент. Бунинг чораси бор! (Холисбоев, профессор иккови ялт этиб қарашади. У чўнтагидан дори чиқаради) Мана шу таблеткадан бир донадан ичилса, жинниликдан фориг бўлишади.

Профессор. Ў! Қандай яхши!

Холисбоев. Наҳотки?!

Доцент Худди шундай.

Холисбоев. Илтмос, доцент укагинам, беринг дарҳол!

Доцент. Йўқ, домла! Мана булар (Ўғилтой билан Саъвани кўрсатиб) дипломларидан воз кечсалар, таблеткани бераман!

К. Хешбоевич билан Зарринахонлар лоқайду лекин Холсбоев, Профессор, Ўғилтой, Саъвахонлар ҳайрон бўлиб қотиб қолишади

Холисбоев. (зўрға тилга кириб) Ахир...

Профессор. Шунча меҳнатлар..

Доцент. Йўқ, меҳнатларингиз қоронғуликка отилган ўқдай гап. (Пауза) Гапим гап!

Ўғилтой. Майли, менга қассоблик яхши! Ур-рее!

Саъва. (йиғлаб) Мен-чи?

Ўғилтой. Жим бўл! Доцент акам ўшанда ҳар ким ўзи севган касбини эгалласа яхши деб тўғри айтган эканлар, сен ҳам ишсиз қолмассан.

Доцент. Ана бу бошқа гап! (Шундан кейин доцент К. Хешбоевичга ва Зарринахонга битта-битта таблетка ичиради. музиқа аста бошланади ва К. Хешбоевич билан Зарринахон секин-аста ўз ҳолатларига қайта бошлайдилар)

К. Хешбоевич. Нима гап, а, нима гап?

Зарринахон. Бизга нима бўлди?

К. Хешбоевич. Ухлаб турдикми?

Доцент. Ҳа, ухлаб турдингизлар, лекин ҳақиқий уйқудан энди уйғондингизлар.

Холисбоев. Раҳмат сизга, уагинам!  
Профессор. Ташаккур, ғоят мамнунмиз!  
Доцент. Ўз қиёфамизни йўқотмайлик ҳеч қачон!  
(мусиқа чалинади, ҳаммалари куйлайди)

### Ҳ а м м а

Биз эришдик сизни чандон  
Шод қилишга, эй дўстлар.  
Биз эришдик ғам уйин  
Барбод қилишга, эй дўстлар.

### Э р к а к л а р

Соғ бўлинглар, омон бўлинг,  
Яхши қолинг кўргунча.  
Иқболингиз бўстонида,  
Жамол очсин гулгунча.

### А ё л л а р

Севги гаштин суринг, ёшлар,  
Фарзанд кўринг, уй қилинг.  
Биз яна келганда элга,  
Бирга яйраб тўй қилинг.

### Ҳ а м м а

Биз эришдик сизни чандон  
Шод қилишга, эй дўстлар,  
Биз эришдик ғам уйин  
Барбод қилишга, эй дўстлар!  
Эй дўстлар, ҳо, эй дўстлар!

Омон бўлинг азиз элда,  
Эй кўзлари юлдузлар...

*(Томошабинларга таъзим қилишади)*

### П а р д а

## ИККИ КАРРА ИККИ — БЕШ

(Икки қисмдан иборат мусиқали комедия)

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

Рашид — 7-синф ўқувчиси  
Нурзод  
Суҳроб  
Наргис  
Асад  
Исмаат  
Рашиднинг синфдошлари  
Жавлон — Рашиднинг дадаси  
Сабоҳат — Рашиднинг ойиси  
Ҳамид — физика ўқитувчиси  
1-қўшни  
2-қўшни  
3-қўшни Адҳам ака

### I ҚИСМ

#### 1-КЎРИНИШ

Ҳовлининг орқа томонида оғилхонага ўтадиган пастак айвон, узоқдан ёнган молхонанинг олдида хашақлар тартибсиз сочилиб ётибди. Мусиқа билан парда очилади. Саҳнада шовқин-сурон, чироғ ёниб-ўчиб турибди, молхона ёняпти, одамлар уёқдан-буёққа чопиб ўтишяпти.

1-Овоз. Молни ҳайда! Тезроқ ҳайда! Рашид жонинг борми, қимирласангчи! Бўл-бўл!

2-Овоз. Қисталоқ шамолни кучайганини қара, челакни узат, сувни узат, Нурзод, имиллама!

3-Овоз. Жавлон, хашакни ёнмайдиган жойга ташла! Паншаха қани, паншаха?!

Сабоҳатнинг Овози. Олов уй томонга ўтмасин!

1-Овоз. Оловга тупроқ сеп, тезроқ бўл!

3-Овоз. Ҳовлиқма, ҳарқалай олдини олдик.

Жавлоннинг Овози. Худога шукр,  
қўшниларикига ўтмади.

Сабоҳатнинг Овози. Жавлон ака! Яхшилаб қаранглар, хашак тагида олов қолган бўлмасин тагин. *(Аста-секин чироғ ёнади, муסיқа пасаяди. 1-Қўшни, 1-Овоз соҳиби, келиб чеккадаги тўнка устида ўтиради, қўлида паншаха)*

1-Қўшни. Тавба, молхона қандай ёниши мумкин? Худди биров атайлаб қилгандек-а.

2-Қўшни. Яхшиям кундуз куни ёнди, ҳарқалай уйда эдик, олдини олдик. Ҳайронман, нега ёнади ахир? Свет бормаган бўлса, газ бўлмаса, қандай ёнади? *(1-Қўшига қараб)* гапингизда жон бор, биров атайлаб қилгандек.

Сабоҳат. Биз кимга ёмонлик қилган эканмиз, кимга?! *(йиғлайди)*

Жавлон. Бас қилсанг-чи, мол-ҳол омон, бошимиз омон, шукр қилсанг-чи! Лекин, ким ёқди экан, тавба!

3-Қўшни. Ўғлингдан сўра.

Жавлон. Ўғлимдан?

3-Қўшни. Ҳа, мен ер чопаётган эдим, бирдан молхонани ёнаётганини кўрдим. Шу пайт молхонадан Рашид биланг ўртоғи, ҳа, ҳалиги ким эди, Нурзод бўлса керак, чопиб чиқишди. Мен паншахани олиб югурдим, улар сув сепи бошлашди, улар билиши мумкин.

Жавлон. Қани улар?

Сабоҳат. Юрвидилар югуришиб.

Жавлон. Топ, тез чақир! *(Сабоҳат чиқиб кетади)*

2-Қўшни. Хўп, Жавлонбек, бизга рухсат, ҳаммаси, худого шукр, яхшилик билан тугади. Ташвиш қилма, молхонангни битказамиз. *(Қўшинлар чиқиб кетади, Сабоҳат билан Рашид ва Нурзод саҳнанинг иккинчи тарафидан кириб келишади)*

Жавлон. *(Сал жимликдан сўнг)* Молхонага ўт кетганда молхонадан чиқиб сизлар, сув сепибсизлар, Адҳам ака кўрибди. Ё молхонага ўт берган сенларми? *(Жимлик)* Хўш, нега жимсиз? Гапиринг, нима бўлди?

Рашид. Дада, биз...

Жавлон. Нима биз?

Рашид. Биз ёқмоқчимасдик, лекин бирдан хашакка ўт кетди.

Жавлон. И-е, қандай ўт кетади?

Нурзод. Ўз-ўзидан ёниб кетди.

Сабоҳат. Ўз-ўзидан нега ёнади, қандай ёнади? Гургурт чақдингизми?

Рашид. Йўқ... Қозон хашакдан узоқда эди.

Жавлон. (*қизишиб*) Молхонада қозон нима қилади?

Рашид. Қозонни эксперимент учун, тажриба учун молхонага мен олиб кирган эдим.

Сабоҳат. Қайси қозонни, қанақа тажриба? Қанақа тажриба яна?!

Рашид. Ўзимизни овқат пиширадиган қозонни, тажриба қилмоқчи эдик.

Сабоҳат. Вой шўрим! Қанақа бола бўлаяпсан, кимга ўхшадинг, тажрибанг адо бўладими йўқми? (*эрига*) Бу боришида бутун уйни ўтга беради бу ярамас. Сизга неча бор айтдим, сизни бўлса парвойингиз палак, доим ўглингизни ёнини оласиз, мана оқибати. Мен бўлсам бировлардан гумон қилиб, уларни қарғаб ўтирибман. Ўзингдан чиққан бало деб шуни айтадилар-да. Ҳов, менга қара, ўзинг ёниб кетсанг, ё Нурзод ёниб кетса нима бўларди? Бола эмас, гап ўтмайдиган бир бало бўлдинг-ку! Қачон одам бўласан, қачон?!

Жавлон. Ойингни гапида жон бор, ойинг тўғри гапираяпти, бугун молхонани, эртага уйни ёқасанми? Шуми тажрибанг? Аввал тажриба деб акумуляторга заряд берадиган випрямитилни буздинг, кейин ўртоғларим билан гаплашаман деб радиони буздинг. уйни элактр билан қиздираман деб тўкка тушишингга оз қолди. Нега шулардан хулоса чиқармайсан? Ёшмассан-ку! Сенинг тенгларинг, ана Шоҳбозни қара, молга қарайди, ерга қарайди, дадасининг кўмакчиси. Нега шулардан ўрнак олмайсан?

Сабоҳат. Бўладиган бола ёшлигидан маълум. Бунингизга гап таъсир қилмайди, ўлгудай ўжар, қайсар.

Жавлон. Тажрибангни мактабингда қил, молхонада бало борми. Нега дарсга бормасдан молхонада юрибсизлар? Мен маллиминг билан гаплашаман. Асли сенларни жинни қилиб қўйган ўша, буюк физикларинг.

Рашид. Дада, унда айб йўқ.

Жавлон. Бўлмаса кимда айб?

Нурзод. Бизда, айб бизда. Чет тили муаллими йўқ, дарс бўлмади. Ўрнига тўп тепинглар дейишди. Жавлон ака, қачонгача бекорда-бекорга тўп тепамиз ахир. Қайтанга биз Рашид икковимиз эксперимент қилмоқчи эдик, тўғри келмади, бундай бўлиб чиқди.



Рашид. Дада, ойи, бизларни кечиринг.

Нурзод. Кечиринг бизларни, энди бундай қилмай-миз.

Рашид. Мактабга ҳам бориб юрманг, дада, бизни устимиздан ҳамма кулади, илтимос.

Жавлон. Бўпти.

Сабоҳат. Қилғилиқни қилиб қўйиб, яна кулмасинлар дейди-я. Кулсинлар, кулаверсинлар.

Жавлон. Ке, қўй, шукр қил. Ҳаммаёғим ҳўл бўлди, кийимларни алмаштирайлик, юр. (*Кетишади*)

Рашид. Нурзод, нега қозон тешилди?

Нурзод. Мен ҳам ҳайронман.

Рашид. Алюмин қозон 700 градусда эриши керак, Кремний — 1400 градусда эрийди. Хўш, нега кремнийни алюмин қозонга солгандан кейин дарров эриб кетди, қозон тешилди, нега? Оловни энди ёққан эдик-ку?

Нурзод. Демак (*ўз калласини кўрсатиб*) Э, калла, алюмин билан кремнийни қўшса, дарров эрир экан-да. Тўхта-тўхта, ахир шунинг ўзи катта кашфиёт эмасми?

Рашид. Ҳовлиқма, буни нимаси кашфиёт (*югуриб бориб тешик алюмин қозонни олиб келиб кўрсатади*) Мана бу алюмин қозон 700 градусда эриши керак, тўғрими?

Нурзод. Тўғри.

Рашид. (*қўлига иккинчи темир парчасини олиб*) Мана бу кремний, бу 1400 градусда эриши керак, тўғрими?

Нурзод. Тўғри.

Рашид. Тўғри бўлса, нега оловни ёққандан кейин, алюмин қозонга кремнийни ташласак, нега қозон тешилди? Хўш? (*жимлик*) Оловнинг иссиқлик даражаси 300-400 градусга ҳам етмаганди, тўғрими?

Нурзод. Гапинг тўғри, кашфиёт бўлиши учун алюмин билан кремний икковини бирга қўшилганда эриш градусини топишимиз керак.

Рашид. Тўғри, қани қандай топамиз, қандай аниқлаймиз?

Нурзод. Эҳ, аниқласак эди, янги бир нарса кашф этган бўлар эдик. Номиниям ЭР ЭН, РН дердик.

Рашид. ЭР ЭНнинг нимаси?

Нурзод. Рашид ва Нурзод! Қалай?

Рашид. Э, қўйсанг-чи, аввал уни топиш керак. Яна синов, яна эксперимент қилишимиз керак. Уни

қаерда қиламиз? Қандай қиламиз? Қандай қилиб эритамиз икковини? *(пауза)* Чўян қозонда эритсак қандай бўлар экан?

Нурзод. Ҳали бир қозонни ҳисобини қилавер, ҳали замон ойинг сенга кўрсатади қозон машмашасини.

Рашид. Э, уйда қозон кўп.

*(шу пайт музиқа чалинади, саҳнага Сухроб билан Наргис шўхлик ила кириб келишади)*

Сухроб. Ҳа, қочоқлар! Дардан қуён бўлиб не ютдинглар?

*(қўшиқ бошлайди)*

Мазза қилдик, югурдик хўп, тўп тепдик,  
Шу лаззатдан қочиб сенлар не ютдинг?  
Рақибларни тўпсиз роса елдирдик,  
Улар ўн, биз саккиз бўлсак ҳам ютдик!

На қ о р а т

Оҳ-оҳ, роса мазза қилдик, ўйнадик,  
Икки соат чопиб ҳам ҳеч тўймадик.

Н а р г и с

Дардан қуён бўлиб не орттирдингиз?  
Балки мисни олтинга дўндирдингиз?  
Ё чинорга гулни пайванд этдингиз?  
Сўйланг, нени бузиб, не ёндирдингиз?

С у х р о б , Н а р г и с

Оҳ-оҳ роса мазза қилдик, ўйнадик,  
Икки соат чопиб ҳам ҳеч тўймадик.

Р а ш и д

Қўйиб берса ўн соат ҳам чопасиз,  
Бекорчиликдан ҳам лаззат топасиз.  
Бунга йиғлаш керак, сизлар ўйнайсиз,  
Тавба, нега ҳеч ўйиндан тўймайсиз?

(Рашид нақорат айта бошлаганда Наргис  
ўйинга тушади)

### Нақорат

Бекорчиликдан яйрайсиз, ўйнайсиз,  
Тавба, нега ҳеч ўйиндан тўймайсиз?

### Нурзод

Тегмасак ҳам не халақит берасиз?  
Билимдан бўш кўкрагингиз керасиз.  
Бошингизда хомхаёллар кераксиз,  
Бу юришда, айтинг, қайга борасиз?

### Рашид, Нурзод

Бекорчиликдан яйрайсиз, ўйнайсиз,  
Тавба, нега ҳеч ўйнашдан тўймайсиз?

(қўшиқ, ўйин тамом бўлгач)

Суҳроб. Бекорчи деб таъна этманг, қатанги биз сизларни ўрнингизни билдирмай, уларни ютдик. Аммо лекин мазза қилдик. Вей, шу кетишда чет тили ўқитувчиси бўлмаса, мактаб бўйича чемпион бўлишимиз ҳеч гапмас.

Наргис. Ҳайронман, жадвалга чет тилидан кейин албатта физкултура дарси қўйишади.

Суҳроб. Шуниям билмайсанми, э калла, ўқитувчи йўқ, бизларни мазза қилсин деб атайлаб шундай қилишади.

Рашид. Нега севиначан? Қизиқсан-а, ана дадамни айтиши бўйича, аввалги одамлар 3-4 тилни билган, эшитдингми, 3-4 тил!

Суҳроб. Оббо, ҳали ўз тилингни эпласанг-чи, 3-4 тилни нима кераги бор мияни ачитиб.

Нурзод. Мияни ачитиб дейсан, чет тилини нима кераги бор дейсан, эшитдингми, чет тилини биладиган биз тенги болаларни Англияга, Америкага, Германияга ўқишга юбормоқчи эмишлар. Сен бўлсанг чет тилини ўқитмаганига хурсанд бўласан.

Рашид. Ана шулар 5-6 йилдан кейин ҳаммамиздан ўзиб кетади, билсанг. Биз бўлсак, тўп тепиб, кўча чангитиб юраберамиз хурсанд бўлиб. Ахир тўп деганни дарсдан кейин тепиш керак, э, калла! (жимлик)

Суҳроб. Ол-а, қаёққа ўзишади, сендан ўзолмайдилар. Сен икковинг, мени айтди дейсизлар, катта профессор бўласизлар, академик бўласизлар!

Наргис. Мен бўлсам, чет тиллар институтига ўқишга кираман.

Суҳроб. Чет тилини билмай қандай кирасан?

Наргис. Бизга ўқитувчи келмаса, бошқа мактабга ўтаман.

Суҳроб. Бизни ташлаб-а?

Наргис. Ҳа, биздан кейин ҳам болалар бекорчилик қилиб, кўча чангитсинми?

Нурзод. Сенга омад тилаймиз, Наргис! Демак яна 7-8 йил болалар кўча чангитар экан-да.

Рашид. *(Суҳробга)* Сен бўлсанг ўқимаганингга севи-насан, мақтанасан, қойил қилдим дейсан.

Суҳроб. Шошма, нега менга осилаяпсан? Нима, сен ўқиб Эйнштейн бўлмоқчимисан, ё Менделеевми? Ньютон-мисан? Эй, профессор! Пастроқ туш! Бори-йўғи тўртта рақам биласану, кекирдагингни чўзасан, ақл ўргатасан, "профессорлик" қиласан! Ақлни ўзингга топ! Сенга ўхшаган нимжон профессордан менга ўхшаган пишиқ, бақувват одам керак, э, мижғов, олифта, қурумсоқ!

Рашид. Ким мижғов? *(ташланмоқчи бўлади, уни Нурзод ушлайди)* Ким олифта? Ким қурумсоқ?!

Суҳроб. Вой-вой *(кулади)* Сен! Ол-а, жудаям қўрқиб кетдим!

Рашид. Катта кетаверма! *(Нурзодни қўлидан чиқиб, Суҳробнинг ёқасига ёпишмоқчи бўлади)*

Суҳроб. Юбор, тўрткўзни қўйиб юбор! Ғажиб ташлайман! *(тишларини ғижирлатади)*

Рашид. *(кўзойнагини тўғрилаб)* Ҳақорат қилма, ҳақорат қилма! Сенга ўзи ким қўйибди керишишни! Ашулачи Чайковский!

Суҳроб. Э, чаласавод профессор, Чайковский ашула-чимас, нега жириллайсан билмасанг *(мушт кўтаради, Наргис йўлини тўсади)*

Наргис. Бас қилларинг!

Суҳроб. Ҳозир чархпалак қилиб ташлайман!

Наргис. *(бақириб)* Бас қилларинг! Жўжахўроздай дарров жиққамушт бўласизлар, уят эмасми?! *(Суҳробга)* Рашид билан Нурзодни олдига борайлик деб бошлаб келган сен-ку! Энди жанжал қиласан.

Суҳроб. Нега мени Чайковский дейди, ашула айтганим учунми? Ахир мен ашула айтишни яхши кўраман.

Рашид. Бировлар устидан кулишни ҳам де.

Суҳроб. Ана, яна бошлайди.

Нурзод. Қўйсанг-чи, Суҳроб, кеккайишни нима кераги бор. Ўзинг зўрсану, дарров оловдай лов этасан. Чайковский буюк одам, шунга ўхшасанг нимаси ёмон.

Наргис. Тўғри-да, Суҳроб, сени талантинг бор, шунинг учун ҳам сени ҳамма Чайковский дейди. Ахир бутун мактаб сенинг ашулангни олқишлайди. Буни нимаси ёмон. *(лирикага берилиб)* Мен сизларга ўхшаган машҳур одамлар ичида юрганимдан қувонаман, ҳавас қиламан. Биласизларми, 20-мактабдан Суҳробдек хушовоз ашулачи, Рашиддек буюк физик, Нурзоддек улуғ химик...

Нурзод. *(Наргиснинг сўзини бўлиб)* Наргисдек машҳур чет тили ўқитувчиси.

Наргис. Тўғри, айтиб юришади. Қани буюклар, ярашайлик *(Суҳробни қўлини ушлаб)* Доим мен сизларни яраштириб юришим керак. Ахир ўзларингиз бир-бирингни кўролмасдан туролмайсиз. Қани, Рашид, қўлингни бер!

Рашид. Мана.

Наргис. Қани, Нурзод, сен ҳам қўлингни бер.

Нурзод. *(қўлини чўзиб)* Мана. *(ҳаммаси қўл ташлашади)*

Наргис. Уришганни юзи қора! Қани *(қўлларини юбормай)*

Уришганни юзи қора,  
Сўкишганни сўзи қора.  
Сўкиш чиққан тилларга,  
Чиқсин илойим яра!

*(кулишадилар)*

Келишдикми?

Ҳаммаси. Келишдик! *(Ҳаммалари кўкраklarини керишади, Рашид кўзойнагини тўғрилайди, юзларига табассум қалқади. Суҳроб опера овози билан қўшиқ бошлайди)*

Суҳроб

Келинг дўстла-ар, келди-и, ба-ҳор,  
Очилди гу-у-ул, кулди гул-зор!

## Н а р г и с

Учиб келди қалдирғочлар,  
Сочин ёйди мажнунтол.  
Эй қалдирғоч, қалдирғоч,  
Ўлкамизда мангу қол!

## Н а қ о р а т

*(Ҳаммаси айтади)*

Эй қалдирғоч, қилдирғоч,  
Ўлкамизда мангу қол.

## Р а ш и д

Хуш келди, Наврӯз келди,  
Ой чиқди, чиқди ҳилол.  
Уйимиз сенга очиқ,  
Қалдирғочим, кирақол!

## Ҳ а м м а с и

Эй қалдирғоч, қилдирғоч,  
Ўлкамизда мангу қол!

## Н у р з о д

Сумалакдан яйрар дил,  
Қувват берар мисли бол.  
Тўкин бўлсин дастурхон,  
Қалдирғочим, қола қол.

## Ҳ а м м а с и

Эй қалдирғоч, қилдирғоч,  
Ўлкамизда мангу қол.

*(ашула тамом бўлгач)*

Рашид. *(шу лирик нафосда)* Биласизларми, Наргис тўғри айтди, Сухробсиз бизга ҳам нимадир етишмагандай

бўлади. Уришсаям яхши кўрамиз. Ҳозиржавоб, топогон, зўр бола! Бир оғиз гап билан йиғлаб турганни кулдиради.

Нурзод. Мард ҳам. Эсингдами, Рашид, химия дарсида мен буни қандай сақлаганман.

Рашид. Анаву ашула айтган сафарими?

Суҳроб. Кейин бўйнимга олдим-ку.

Нурзод. Шунинг учун ҳам мард деяпману сени.

Наргис. Лекин ашулани сен айтдинг, ўқитувчидан таёқни (*Нурзодни кўрсатиб*) бу еди. Химия дарсидаям ашула айтадим, э калла.

Суҳроб. Янги ашулага куй топиб ўтирган эдим.

Рашид. Нурзоднинг жавобиям ўшанда антиқа бўлган-а, Суҳроб, эсингдами, муаллим: ким ашула айтди деса, Нурзод: қиндчага ўхшайдиганми, деганда ўқитувчи шошиб қа, қа деди. Нурзод эса шартта, эшитмадим, дегандан бўлди кулги, бўлди кулги.

Нурзод. Бу Суҳробнинг анекдотига ўхшайди-да.

Рашид. Нимайди, ҳалиги қочиб бораётган одамни кўрдингми деганими? Суҳроб шунақамиди, ўзинг айт.

Суҳроб. Унақа эмас, бир одамни кетидан бошқаси қувиб келаётган экан. Чорраҳага келиб адаштирибди, шунда бир йўловчидан шошиб сўрабди: ва улар ўртасида шундай савол-жавоб бўлибди: (*образга кириб*)

— Амаки, шу ердан бир одам тез югуриб ўтмадими?

— Новчароқ одамми?

— Худди шундай, новчароқ.

— Бошида телпаги ҳам бормиди?

— Бор эди, бор эди.

— Ёқали пальтодамиди?

— Худди ўзи, худди ўзи.

— Шими кўкмиди?

— Униси эсимда йўқ, эсимда йўқ.

— Хўш, оёғида... оёғида крассовкамиди?

— Худди шундай, амаки, худди шундай.

Амаки бадгар шошмасдан (*Суҳроб ҳаракати билан кўрсатади*) нос шишасини чўнтагидан излаб, ахийри топиб чиқаради-да, шошмасдан кафтига ташлаб, аста эзғилаб, тилини тагига ташлаб, пастга бир туфуриб, жавоб берибди:— Йўқ, кўрмадим,— дебди. (*ҳаммалари қотиб-қотиб кулишади*).

Нурзод. Унгача қочаётган одам аллақачон кўздан ҳам ғойиб бўлади.

Наргис. У амаки қочоқнинг шериги бўлмасин тагин.  
Суҳроб. Йўқ, шовилмайдиган, дунёни сув боссаям тўпигига чиқармайдиган феъли кенг одам.

Нурзод. Ўзимизни Субҳон отага ўхшайдиган одамда. Биттаси келиб Субҳон отадан Абдували аканинг уйини сўрабди.

Рашид. Қани-қани.

Нурзод. Уларнинг ўртасида бўлиб ўтган савол-жавобни эшитинг. *(образга кириб)*

— Ассалому алайкум, ота

— Ваалайкум ассалом.

— Абдували аканинг уйи қаердалигини айтолмайсизми?

— Абдували... Абдували, тегирмончими?

— Худди ўзи, тегирмончи.

— Ўғли шопирми?

— Ҳа, ўғли шопир.

— Келини шаҳарликми?

— Ҳа, ҳа, келиндари шаҳарлик бўлиши керак.

— Бўлиши керак эмас, шаҳарлик... Хўш, ўғлим, бундай қиласиз, мана шу йўлдан тўғри кетасиз, олдингиздан катта дангиллама уй чиқади, у эмас, ариқдан ҳатлайсиз, ўнгга юрасиз, кўчани охирида олдида қудуқли уй чиқади, у эмас,— Субҳон ота ҳар сафар уй чиқади деганида шу уймикан деб ҳалиги йигит суюниб тасдиқлаб турган бошини ирғаб *(Нурзод яна образга кириб)*, кейин чапга йўл чиқади, сиз унга бурилманг, тўғри юринг, кейинги айланмада чапга юринг, чинорли катта бир ҳовли чиқади, у эмас, ундан кейин *(Нурзод ўз овозида)* Субҳон ота шу пайт аввал бу чўнтагини, кейин бошқа чўнтагини обдан кавлаб, нос шишачасини чиқаради, баландроқ кўтариб, нос бор-йўқлигини кузатади, бир чимдимни кафтига солиб, шишачасни оғзини маҳкамлаб чўнтагига солгач, бармоқлари учига озгина нос олиб, бурнини ҳар иккала тешигига ҳам исқайди, мазза қилиб аксиради *(Нурзод яна образга киради)*

— Соғ бўлинг, отахон.

— Раҳмат, ўғлим.

— Арзимамайди.

— Нега энди арзимас экан?

— Шундай айтдим, қўйдимда.

— Хўш, қаерга келган эдик?

— Қудуқли уйга дедингиз шекилли.



— Йўқ, қудуқли уйдан ўтдик-ов... Ҳа, чинорли уйга келдик, илтимос, чалғитманг. Ана энди чинорли уйдан ўтиб, сал юрсангиз яланглик чиқади, тўғрига юрманг, у тўқайни йўли, сиз айланма йўл билан кун ботишга қараб юринг. Бироз юргангингиздан кейин пастак ҳовлини кўрасиз.

— У ҳаммас,— дебди йигит.

— Ўлманг, топдингиз, уяммас.

— Майли ота, сизниям қийнаб қўйдим, бошқа бировдан сўрарман,— дея ҳалиги одам шошиб Субҳон ота олдидан қочиб кетаётса, ота унинг орқасидан қичқирармиш:

— Шошманг, ҳў йигит, яқинлашиб қолдик. Бироқ ҳалиги одам станинг сўзларини эшитмай шошиб кетаётганмиш. Ота эса ҳайрон бўлиб ўзига-ўзи: "Тавба, одамларга ҳам ҳайронсан, бунча шошмасалар, бажонидил айтиб бераман десанг, тоқат қилиб эшитмайдилар-а, ё тавба" деб бош чайқай-чайқай йўлига қараб аста равона бўлган. *(ҳаммалари кулишади)*

Рашид. Қойил, Нурзод, бунисини эшитмаган эканман, Сухроб, менга қара, нариги уйдан ўтасан, у эмас, қудуқли уйдан ўтасан у эмас, кейин чапга буриласан...

Сухроб. Уяммас! *(ҳамма кулишади)* Зўр, зўр! *(Ўйноқи мусиқа чалнади, Сухроб қўшиқ бошлайди)*

Чапга юрдинг, уяммас,  
Ўнга юрдинг, уяммас,  
Сўрагани айби йўқ,  
Ким сўраса адашмас.

### Нақорат

Сўрагани айби йўқ,  
Ким сўраса адашмас.

*(Сухроб ўзи айтиб бўлгач, ўйинга тушади ва қўшиқ давомидан навбатма-навбат болаларни ўйинга тортади.)*

### Нурзод

Моддаларнинг хоссасин,  
Олов бузиб, тузади.  
Ким хатодан қўрқмаса,  
Тажрибада ўзади.

## Ҳаммаси

Ким хатодан қўрқмаса,  
Тажрибада ўзади.

## Рашид

Мис ялтироқ олтинмас,  
Илмсиз ажратиб бўлмас.  
Риёзат чекмагунча,  
Исбот ҳам этиб бўлмас.

## Ҳаммаси

Риёзат чекмагунча,  
Исбот ҳам этиб бўлмас.

## Наргис

Икки карра икки беш,  
Дейди бизни буюклар.  
Кўп қийин буни англаш,  
Англаш сайин қотар бош.

## Ҳаммаси

Кўп қийин буни англаш,  
Англаш сайин қотар бош.

*(ашула ва ўйин тамом бўлгач)*

Рашид. *(Наргисга)* Нима, ишонмаяпсанми?

Наргис. Албатта, ким ишонади.

Суҳроб. Тўғри-да, икки карра икки беш эмасда,  
тўрт! Бу чўпчагингга анқовлар ишонади.

Нурзод. Демак, ишонмайсан?

Суҳроб. Йўқ.

Наргис. *(Рашидга)* Йўқ-йўқ, ишонтиролмайсан.

Рашид. Нега тушунмайсизлар, мана, иккита тенглама тузамиз, тўрт учун ҳамда беш учун. *(Бир каттароқ қоғоз топиб шоша-пиша ёза бошлайди)* Мана, тўрт учун: ўн олтидан оламиз ўн иккини, ундан ҳам оламиз тўртни, неча қолади? нўл (16-12-4=0), мана иккинчи тенглама, беш учун: йигирма беш минус 15 минус ўн баробар нўл. Нўл нўлга тенг, демак, *(яна овоз чиқариб ўқиб ёзади)* 16-12-4=25-15-10

Энди тенгламанинг чап тарафидан тўртни, ўнг тарафидан бешни қавсдан чиқарамиз (яна ўқиб ёзади) тўрт, қавсни очамиз ва ёзамиз тўрт олув уч олув бир баробар бешни қавсдан чиқарамиз, қавсни очамиз ва ёзамиз беш минус уч минус икки, тўғрими?

Суҳроб, Наргис. Тўғри!

Рашид. (*ёзиб кўрсатади, уни томошабинлар ҳам кўради*) Мана,  $4(4-3-1)=5(5-3-2)$

Қавслар қисқариб кетади, нима қолади?

Нурзод. Тўрт баробар беш

Рашид. Тўғрими?

Суҳроб, Наргис. Тўғри!

Рашид. Демак, ёзамиз тўрт баробар беш (*ёзиб кўрсатади*)  $4=5!$  Яъни икки карра икки тўртимиз нечага тенг экан? Бешга (*ёзиб кўрсатади*)  $2 \times 2=5$ . Марҳамат, мана беш! Сенлар айтгандай икки карра икки тўртмас, бешга тенг экан! (*жимлик*)

Наргис. Вуй, икки карра икки беш!

Суҳроб. Ҳиҳ! топган формуласига қара! Мана (*бармоқларини кўрсатади*) икки бармоқ, яна икки бармоқ, неча? Тўрт

Наргис. Ҳа, тўрт.

Суҳроб. Беш эмас ахир!

Рашид. Гап шунда-да, лекин тенгламада хато жойи борми?

Наргис. Йўқ.

Рашид. Баракалло, мана кўраяпсан-ку, икки карра икки беш!

Суҳроб. Ҳа, бу ерда тўғри, лекин икки дунёда икки карра икки беш эмас, тўрт.

Рашид. Бунга ҳамма билади. Мана, кичкинтойнинг қўлига ўйинчоқ машина бер, нима қилади? Дарров бузиб, ичида нима борлигига қизиқади, тўғрими?

Суҳроб. Тўғри.

Рашид. Мана мен, кичи вақтимда, дадам магнитофон олиб келганлар, ичидан ашула чиқиб турган магнитофонни бузиб, ичига нон майдалаб солганман, ашулачини қорни очиқиб қолмасин деб нон берганман.

Нурзод. Суҳроб, Рашиднинг гапида жон бор, ҳозир бузмайсан-ку, ашулачига нон ҳам бермайсан? Тўғрими?

Рашид. Тўғри! Нега кичкиналигимизда ҳамма нарсага қизиқиб нега, нега, нега деб савол берардигу, каттайган

сари ана шу қизиқиш йўқ, нега? Ахир эртақларда одамлар учар гиламларда учишган-ку! Нега биз учмаймиз?

Суҳроб. Сен ўзинг доим бошоғриги жумбоқларни топиб юрасан...

Наргис. Қани ҳамма ўйласа, топогон бўлса, Рашид тўғри айтади, нега биз шу нарсаларни жумбоқ деймиз, нега ҳақиқатга айлантиришга уринмаймиз? Дунёга иккинчи, учинчи келиш-чи?!

Суҳроб. Э, буларнинг бари фантастика! Хом хаёл, чўпчак!

Рашид. Нега шунга фантастика деймиз, хомхаёл деймиз, нега?! (*жимлик*) Менимча, ҳамма нарсани борлиғича қабул қилмаслик керак, уни йўқдан бор бўлишини, ўзгаришини, бошқа нарсага ўтиб кетишини, бари-барисини ўйлаш керак. Қизиқмасанг яшашдан мақсад нима? Икки карра икки тўрт эмас, беш деб, уни исбот этиш керак! (*ҳаммалари ҳайратланиб Рашидга қарайди*)

Суҳроб. Оббо, мана бош оғриги. Тавба, сенга қараса, барча кишилар ҳамма нарсани ағдар-тўнтар этиб, нега бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди, нега қизил гулнинг биттасини ҳиди бор, биттасининг ҳиди йўқ, нега олманинг бир ёғи қизил, бир ёғи оқ, нега баъзан баъзан сийрак булут бўлганда ёмғир ёғадию, қуюқ бўлганда, ёғмай ўтиб кетади нега деб бош қотиришсинми? Ана шу бош оғриги ўзингга буюрсин!

Наргис. Мана ҳаммамиз учун жумбоқ! (*Суҳробга*) Сен ҳам анойи эмассан, билиминг зўр. Нега аълочи эмассан? Нега химияни, физикани, математикани ёқтирмайсан?

Суҳроб. Шуларга тоқатим йўқ, йўқса буларга кўрсатиб қўярдим генийлик қанақа бўлишини. Майли, булар гений бўлаверсин. Мен буларни мадҳ этаман, куйлайман. (*қўшиқ айтади*)

Куйлаймано, куйлайман.

Буларни шарафлайман.

Икки карра икки беш,

Шиори деб мақтайман.

Рашид

Бу не овоз десалар,

Булбул деймиз, бу булбул.

Қайси гулни ҳиди бор,  
Билар қайси ҳидидсиз гул.

### Наргис

Олган билан минг таълим,  
Ҳамма билмас ҳид таъмин.  
Сиздан бўлмас бирор наф,  
Бўлсангиз ҳам зўр олим.

### Нурзод

Бунча нозик киноянг,  
Таънанг ҳам бош устина.  
Хушрўй этибди ўсманг,  
Қўйилган қош устина.

*(қўшиқ тамом бўлади, кулишадилар)*

Рашид. *(Нурзодга)* Топдинг, жудаям топдинг. Нишонга тўғри тегди.

Наргис. Қанақа нишон, нимани топди?

Рашид. Қошингнида.

Наргис. *(араз аралаш, қош чимириб)* Нима бўлибди қошимга?

Рашид. Биламиз.

Наргис. Нимани биласан?

Рашид. Қошингга ўсма қўйганингни-да.

Нурзод. Нима учун, ким учун бўяшингни ҳам биламиз. Гулнинг ҳидига ишқобозларни ҳам биламиз...

Наргис. Бор-е, боринг-е, академиклар! *(югуриб чиқиб кетади)*

Суҳроб. Тўхта, Наргис!

Нурзод. Бор, сен ҳам чоп!

Суҳроб. *(кетмоқчи бўладию тўхтайд)* Нима, ҳақиқатдаям жиннимисизлар? Беҳуда хафа қилдиларинг.

Нурзод. Шамол бўлмаса, дарахтнинг барги қимирламайди. Нега аразлайди бўлмаса? Ё нотўғрими?

Суҳроб. Йиғиштир, бемаза. *(шу пайт саҳнанинг бошқа тарафидан бир қучоқ гул кўчатлари кўтариб Асад кириб келади)*

Асад. Ҳа, шумтакалар, бормисизлар? Худди шайтон тангасини иргитганда оёғиги тагига тушгандай доим сизларни шу ердан топса бўлади.

Суҳроб. (*Асаднинг қўлидагини кўрсатиб*) Бу нима?

Асад. Гул, гул кўчати. (*ерга қўяди*)

Нурзод. Гул кўчати? Қаердан олдинг?

Асад. Узумини е, боғини сўрама, дейишганини эши-маганмисан?

Рашид. Қаерга эсмоқчисан? Ҳовлингтами?

Асад. Йўқ.

Нурзод. Нима қилмоқчисан?

Асад. Сотамиз.

Рашид. Уйингдан олдингми?

Асад. Йўқ дедим-ку сенга, нима эзаверасан!

Рашид. Ўғирладингми?

Асад. Ўғирлаганим йўқ, шундай олдим.

Нурзод. Қаердан?

Асад. Қаердан, қаердан, экилган жойидан, хиёбондан.  
У ерда барибир ўсмайди, қуриб қолади. Ҳар йили экишади.

Суҳроб. Ботаникадан нўлсану, Мичурин бўл-а.

Рашид. Сенга ўхшаб ўғирлашади, шунинг учун ҳам ўсмайди.

Асад. Ҳў олифта, бу ўғирликмас!

Рашид. Нима бўлмаса, албатта ўғирлик.

Асад. Ўғирликмас деяпман сенга!

Рашид. Ўғирлик бўлмай нима? Агара сени мелисага топширса, у кўрсатарди буни нима эканлигини сенга. Битта кўчатни қанча туришини биласанми?

Асад. Хўш, қанча?

Нурзод. Бозорда ҳозир 50 сўм.

Рашид. Ана, қўлингдаги 10 кўчат — 500 сўм. Демак, ўғирлик!

Асад. Ҳў, ақли, жиғимга тегаверма лекин, охири ёмон бўлади (*жимлик*) Менку гул олдим, лекин одамлар, катталар янги экилган мевали кўчатларни суғуриб олиш-аяпти, кўчалардан олишаяпти. Уларниям жазола, мелисага бер, судла. Ундан катта ўғрилар ҳам бор билсанг, вақти келса биз ҳам айтамыз...

Рашид. Мен судлай олмайман. (*афсусланиб*) Судла-сам эди, ўзим билардим нима қилишни. Шунинг учун ҳам кўчаларимиз кўримсиз, боғларимиз чала. Ким ўз рисқини ўз кесади. Ахир биз қачон жоймизни, яшаш жоймизни боғ-роғга айлантирамыз? Қачон?

Асад. Э, қачон қараса, ақл ўргатасан. Мана шу мағзавалигинг учун ҳам бу ерга келмоқчимасдим.

(Суҳробни кўрсатиб) Мана бу сўтакни излаб келдим.  
(Суҳробга) Юр, буларни сотамиз, шаҳарга тушиб ўйнаб келамиз.

Суҳроб. Йўқ, бормайман. Рашид тўғри айтиб турибди, келиб-келиб гул сотамизми? Яна, ўғирлик гул! Бормайман.

Асад. Бормайсан?!

Суҳроб. Бормайман.

Асад. Йўқ, оғайничалиш, борасан.

Суҳроб. Бормайман деди-ку сенга.

Асад. Шунақами? Нима, айтайми?

Суҳроб. Нимани айтасан?

Асад. (сал жимликдан сўнг Рашид билан Нурзодга)  
Сенлар чиқиб турларинг.

Рашид. Мен қаяққа чиқаман, уй меники, ўзинг жўна!

Асад. Чиқ деяпман сенга (Суҳробни кўрсатиб) Буни билан гаплашадиган гапим бор.

Рашид Нима гапинг бўлса айтабер, бизда сир йўқ.

Асад. Жуда бор, бўлгандаям жуда катта сир бор. Чиқиб тур, 5 минутга чиқсанг ўлиб қолмайсан.

Суҳроб. (Хавотирланиб) Майли чиқ, чиқинглар (Рашид билан Нурзод пича туриб чиқиб кетишади)

Асад. Хўш оғайничалиш, нега бормайман дейсан? Нега олифтагарчилик қиласан? Анаву чивриндилар олдида нега мени гапимни қайтарсан? Нега мени ерга уриб бормайман дейсан?

Суҳроб. Нега боришим керак?

Асад. Демак, бормайсан? Бўпти, унда ўзингдан кўр. (жимлик) Анаву ақлли ойисининг тилло билакузугини симобга солиб эритганини, эксперимент қилганини сен менга айтиб бергансан-а. Ҳозиргача ойиси момоларидан қолган ноёб тилло билакузукни йўқолди деб жинни бўлиб юрибди. Бу сирни ошкор қилиб юборишим мумкин. Аммо бу сирни фош бўлишида бош айбдор ким? Сен! Мен-ку бу сирни билмасдим, сен айтиб бергансан. Ҳозир чақириб айтайми?

Суҳроб. Аблаҳ! Сен ўзингни пасткашлигинг билан мени кўрқитмоқчимисан? Мараз (унинг ёқасидан олади)

Асад. Ким мараз? (уям ёқасидан олиб уради)

Суҳроб. (мушт қайтариб) Сен! Сен мараз, сотқинсан!

Асад. *(Сухробни қаттиқ итариб ташлаб)* Чийиллама! Ўғримиш-а! Тилло билакузак ўмарган улар оппоғу, тўрта кўчат олган мен ўғриманми? Хўш, ким ўғри? Мелисага топшириш керак деб кекирдагини чўзади. Билиб қўй, мен уларга кекирдагини чўздириб кўймайман, сениям! *(жимлик)* Нима қиласан? Борасанми, йўқми? *(Сухроб жавоб бермайди, Асад индамай ердаги гул кўчатларини олади)* Бўбти, ўзингдан кўр, мен кетдим.

Суҳроб. Тўхта, бораман. *(Рашид ва Нурзод кетган томонга қараб бақиради)* Рашид, Нурзод, мен Асад билан кетдим.

Парда

## 2-ҚИСМ

Парда мусиқа билан очилади. Саҳна худди биринчи кўринишнинг ўзи, лекин узоқда кўриниб турган молхона тартибга тушган, сочилиб ётган хашақлар йиғиштирилган.

Айвонча устунни тагида стул, стол. Столда радио ускуналари. Рашид қулоғида наушник билан радио тўлқинларини ушляяпти, ҳар хил овозлар радиодан чиқиб турибди. Суҳроб билан Наргис Рашиднинг ҳаракатларини завқ билан кузатаяпти, ҳайратланиб бир-бирига қарашади. Рашид ҳаяжонланаяпти. Узуқ-юлуқ товушлар гоҳ эшитилиб, гоҳ йўқолаяпти.

Рашид. Нурзод! Нурзод! *(овоз келмайди)*

Наргис. Уф! Жавоб бермаса-я?

Суҳроб. *(Наргисга)* Ҳовлиқаверма, ахир бугун биринчи марта бўлаяпти.

Рашид. Нурзод! Нурзод! *(Яна жавоб йўқ. Аппарат қаттиқ шанғиллайди, узуқ-юлуқ мусиқа овози эшитилади)*

Суҳроб. Ана-ана, ушладинг шекилли?

Рашид. Йўқ.

Наргис. Наҳотки, биринчи эфиринг чиппакка чиқса. *(Бирдан Нурзоднинг овози эшитилади)*

Нурзод, Овози. Рашид! Рашид!

Рашид. *(ҳаяжонланиб бақиради)* Нурзод! Нурзод! Эшитаман! Мени эшитаяпсанми? *(жимлик, яна Нурзоднинг овози эшитилади)*

Нурзод, Овози. Рашид! Эшитаяпсанми, Рашид? Нега жимсан? *(Рашид аппаратларнинг симларини кавлай бошлайди ва бақиради)*

Рашид Нурзод! Нурзод!



Нурзод, Овози. Эшитаяпман, Рашид! Гапир! Эшитаяпман, ур-а!

Суҳроб. Ур-ре! Ур-ре! Эфир кетди!

Наргис. *(ҳаяжонланиб)* Яшанглар, болалар! Яшасин генийлар! *(муסיқа чалинади, болалар қуёнаб ҳаммаси ўйинга тушади. Рашид ҳам наушнигини олиб қўйиб ўйинга тушиб кетади. Ирғишади, қучоқлашишади)*

Суҳроб. Биринчи эфир билан табирклайман. Тан бераман, генийсан. Болалар гений деб беҳуда лақаб қўйишмаган, яшаворинглар!

Рашид. *(қулоғига наушникни кийиб)* Нурзод! Нурзод! Бизларни эшитаяпсанми, ўйнапмиз!

Нурзод Овози. Эшитаяпман! Эшитаяпман!

Рашид. Бугун 15 апрел, бизнинг эфирни туғилган куни, буни қайд этиш керак!

Нурзод Овози. Буни зўр айтдинг, нишонлаймиз! Яша жўра!

Суҳроб. *(Рашидга)* Сўра-чи, ашула эшитилармикан?

Рашид. Эшитаяпсанми, Нурзод, ашула эшитилармикан?

Нурзод Овози. Ҳа, эшитилади.

Рашид. Бўлмасам биринчи эфирда биринчи ашулани жўрамиз Суҳроббек дала меҳнаткашлари учун ижро қилдилар!

Суҳроб. *(ўўталади)* Биринчи эфир, қанақа бўларкин? Ҳаяжонланаяпман. *(яна ўўталади)*

Наргис Қўрқма, бошлайвер.

Суҳроб Бўпти! *(муסיқа бошланади, Суҳроб ашулани образга кириб куйлай бошлайди)*

Пахтага ким қўйди меҳр, топди шон, топди шо-он!

Ишлаганга кулиб боқар бу замон, бу за-мон,

Қаранг тонгдан сочар бахтли нур замон, нур за-мон,

Омон-омон, келди замон-ҳур замон, ҳур за-мон!

Суҳроб, Наргис

Қаранг тонгдан сочар бахтли нур, замон, нур за-мон,  
Омон-омон, келди замон-ҳур замон, ҳур за-мон!

Суҳроб

Эрта тонгдан ғайрат билан экайлик, экай-лик,  
Униб чиқсин шона-шона чигитлар, чигит-лар,

Кейин барча ўйнаб-ўйнаб терайлик, терай-лик,  
Қизларга шўх гул тутсинлар йигитлар, йигит-лар.

Суҳроб, Наргис

Қаранг тонгдан сочар бахтли нур, замон, нур за-мон,  
Омон-омон, келди замон-ҳур замон, ҳур за-мон!

Наргис

Қўй-қўзини ҳайдар тонгдан чўпонлар, чўпон-лар,  
Қучоқ очиб кутар адр томонлар, томон-лар,  
Қайтишини кутар ҳамма замонлар, замон-лар,  
Ўсма қўйиб қора қоши камонлар, камон-лар.

Суҳроб, Наргис

Қаранг, тонгдан сочар бахтли нур замон, нур за-мон,  
Омон-омон, келди замон-ҳур замон, ҳур за-мон!

Суҳроб

Ишлаганнинг бахти кулар, бахти ҳей, бахти ҳей,  
Яхшиларнинг йўли доим ёқти ҳей, ёқти ҳей,  
Кимлар дейди ёрим мани ёқди ҳей, ёқди ҳей,  
Менга эса кулиб қуёш боқди ҳей, боқди ҳей!

Суҳроб, Наргис

Қаранг тонгдан сочар бахтли нур, замон, нур за-мон,  
Омон-омон, келди замон-ҳур замон, ҳур за-мон!

Рашид. Яллеси ҳам бўлсин!

Суҳроб.

*(яллани қўшиқча улайди)*

Ялла десангиз ялла,  
Алла десангиз алла.  
Хушнуд этинг бизларни,  
Мисдан олиб зўр тилло!

## Суҳроб, Наргис

*(Наргис ўйинга тушади)*

Ялла десангиз ялла,  
Алла десангиз алла.  
Хушнуд этинг бизларни,  
Мисдан олиб зўр тилло!

### Рашид

Тавба, қизиқ сўзингиз,  
Ўйланг ахир ўзингиз,  
Мисдан тилло бўларми,  
Борми сизларда калла?

### Наргис

Сизни гений зўр калла,  
Бизни калла эмасми?  
*(кулишадилар)*  
Барчани қувонтирган,  
Бизни ялла эмасми?

Суҳроб *(Рашидга)*

Қани қўшил ҳў калла!

### Учови

Ялла десангиз ялла,  
Алла десангиз алла.  
Хушнуд бўлармиз биркун  
Мисдан олиб зўр тилло!

*(ашула, ўйин тамом бўлгач)*

Нурзод Овози. Яшанглар! Яшаворинглар! Булбул бўлинглар-ей!

Рашид. Радио эшитувчи ўртоқлар! Шунинг билан яна радио тўлқинларида учрашгунча хайр!

Нурзод Овози. Эртага шу пайтда учрашгунча хайр!

Рашид. Нурзод! Нурзод! Келавергин.

Нурзод Овози. Хўп, ҳозир. *(Рашид аппаратини ўчиради, наушникни қулоғидан олади, мусиқа чалинади, болалар ғалаба нашидасидан завқланиб қўшиқ айтишади, ўйнашади)*

## Суҳроб

Ўнгимми бу ёйинки туш,  
Ўйинга туш, ўйинга туш.  
Қўшиқ учди мисоли қуш,  
Ўйинга туш, ўйинга туш.

## Суҳроб, Наргис

Ҳаволанди сўз мисли қуш,  
Ўйинга туш, ўйинга туш.  
*(Учови ҳам ўйинга тушиб кетишади)*

## Наргис

Қойилман-ей, қойилман-ей,  
Тўрт баробар бешинга-ей.  
Икки карра иккидан-ей,  
Беш ясаган бошинга-ей.

## Учови

Ҳаволанди сўз мисли қуш,  
Ўйинга туш, ўйинга туш...

*(ашула ва ўйин тамом бўлган)*

Суҳроб. Шунча уринишларинг беҳуда кетмади, қойил. Мени ихтиёримда бўлса, сенга ҳайкал қўярдим. Худо ҳаққи, мактаб олдида.

Рашид. Қўйсанг-чи.

Наргис. Ҳали бу илк қадам, биринчи ютуғинг, бу боришда ҳали бизни танимасанг керак. *(шу пайт саҳнага Нурзод хомуш кириб келади)*

Суҳроб. *(Нурзодни қучоқлаб)* табриклайман, жўра, табриклайман! *(Нурзодни бу шодиёналардан хурсанд)*

бўлмаганини кўргач) Шундай катта имтиҳондан ўтдинг, жўра, нега хомушсан?

Нурзод. (уни силтаб) Э, қўй-ей, яқинлашма, жўра дема мени.

Рашид. Нима гап? Нега захрингни сочасан? нима бўлди?

Нурзод. Нима бўлганини (Сухробни кўрсатиб) мана бунданг сўра, мана бу сотқиндан сўра!

Рашид. Тушунтириб гапирсанг-чи, нима гап?

Наргис. Нега уни сотқин дейсан? Кимни сотибди?

Сухроб. Ўлай агар, ҳеч нарсани тушунаётганим йўқ.

Нурзод. (Сухробга) Кимга айтгандинг?

Сухроб. Нимани?

Нурзод. Тилло билакузукни!

Сухроб. (оғир жимликдна сўнг) Ҳа, гап бунда де... Мен аҳмоқ! Мен ярамас! Пишмаган хомкалла, нега унга айтдим. Тўғри, мен айтдим, ўзимга яқин тутиб айтган эдим.

Рашид. Кимга?

Сухроб. Асадга. Сени бувингдан қолган билакузукни симобга солиб эритди деб мен аҳмоқ айтган эдим.

Нурзод. Ахир бу сир эди-ку! Нега айтдинг? Мана бугун бутун мактаб билибди, ҳаммага ёйган.

Сухроб. Қанақа ёяди?

Рашид. Нега ёяди?

Наргис. Вой пасткаш-ей!

Нурзод. Биздан қасд олмоқчи бўлган.

Рашид. Нега?

Нурзод. Нега дейсан-а, кўчат ўғирлаб сотганини биз кўрганмиз, бозорга кетганини биз кўрганмиз. Лекин у қўлга тушганини биздан кўрган. Унингча, боғбонга ҳам биз айтганмиз, милисага ҳам биз айтганмиз. Мактабга хат келганини ҳам биздан кўрган. Мана нима учун қасд олмоқчи бўлган у.

Сухроб. Пасткаш! Ахир биз айтмадик-ку!

Рашид. (Сухробга) Пасткаш дейсан-а, бозорга унинг билан бирга боргансанку! Нега қинғир йўлдан қайтармадинг? Сен ҳам айбдорсан, ҳаммамиз айбдормиз, айтишимиз керак эди, уни йўлдан қайтаришимиз керак эди.

Сухроб. Нега мени аралаштирасан?! Аралаштирма, мени у мажбур қилди. Билсанг, билакузукни гуллаб

қўймасин, ойингга чақмасин деб борганмин. Аблаҳ, лекин барибир айтибди.

Нурзод. Энди нима қиламиз? *(жимлик)*

Наргис. Тўғриси айтиш керак, тилло узук эриб, йўқолди дейиш керак.

Нурзод. Тилло йўқолгани йўқ, симобда эриган, холос. Симоб қуёшда учиб кетади, тилло қолади.

Рашид. *(ўйчан)* Гап тиллодамас, гап узукда, билакузукда. Эҳ, ойимнинг момоларидан қолган эсдалик, ноёб нарса эди-я. Ойим учун ундан катта давлат йўқ эди. Э, хомкалла, нега шундай қилдим, нега? Нега санъат асарини буздим, мен аҳмоқ? Шартмиди шундай қилиш? тажриба, тажриба, нима кераги бор эди шу тажрибани? Ойимга нима дейман? Ойим эшитсалар адои тамом бўладилар энди.

Суҳроб. Мени кечиринглар. Рашид, мени кечир, аҳмоқлик қилдим, айтмасам бўлар экан.

Нурзод. Рашид, куйинаверма, бирибир бу сир қачон бўлмасин очиларди.

Наргис. Яхшиси, бориб ойингга айтайлик, тушунтирайлик, тажриба учун қилинди деб айтайлик. Ойинг тушунадилар.

Рашид. Ахир мен, билакузукни катта бўлгач ўз ҳолига қайтараман, ойимни қувонтираман деб юрган эдим. Мана, билакузукинги топилди демоқчи эдим. Энди-чи, энди... Ойим мени кечирмайдилар. *(шу пайт Адҳам ака ўғли Исматни қувиб киради)*

Адҳам. Қанақа боласан? Кимга ўхшадинг? Бизни уруғда мактабдан қочган одам бўлган эмас. Нима етишмайди сенга? Нима? *(шу вақт Рашид ҳеч кимга сездирмай аста чиқиб кетади)* Уст-бошинг бутун бўлса, дафтар-қаламинг бут бўлса, ўқишингга шароит бўлса, эндигина 7-синфда ўқиётган бўлсанг, нега мактабдан қочасан?

Исма т. Боргим йўқ ўша мактабга.

Адҳам. Нега?

Исма т. Биров келдингми- кетдингми демаса, ҳеч ким ҳеч нарса сўрамаса, бориб нима қилдим.

Адҳам. *(болаларни кўрсатиб)* Мана, булар бинойидек ўқишяпти, нега сен норозисан?

Исма т. Қизиқсиз-а, дада, дарсларни класкўм ўтади, ўқитувчилар бозорда.

Суҳроб. Нега унақа дейсан, ҳаммасиям бозорда эмаску!

Исмат. Ҳа, бор, ашула бор, физика бор, химия бор, бошқа нима?

Наргис. Она тили-чи?

Исмат. Қўйсанг-чи, она тилини класкўм ўтади, неча кундан бери тарихчи йўқ, география-чи?

Наргис. Жудаям туҳматчи бўлиб кетибсан.

Исмат. Тилимни қичитма, ўқитувчиларни махтабга нарса олиб келиб сотиб юришлари ёлгонми? Туҳматчи дейсан, бундай ўқигандан кўра, мен ҳам бозорга бораман, ҳамма шунақа қиляпти, бозорга чопаяпти.

Адҳам. Маҳмаданаликни бас қил! Бозорга бориб оилани боқадиган бўлдингми, зумраша, ёмонлардан ўрнак олгунча, яхшиларга, мана буларга эргаш. Сен айтаётган бозорчи болаларнинг фойдасидан зарари кўп. Савод олишдан ҳам одам безийдими? Сенларни ҳозирги ташвишларинг фақат ўқиш бўлиши керак, тушундингми? Ўқитувчиларга сен баҳо берма, ўқишингни бил, баҳона топма. Мактабдан қолганингни яна эшитсам, унда ўзингдан кўр, адабингни бераман, каллаварам. *(шу вақт Рашиднинг ойиси Сабоҳат челақда сув олиб молхона тарафга ўтиб кета бошлайди)*

Сабоҳат. Ассаломалайкум, Адҳам ака.

Адҳам. Валайкум, тинчмисизлар?

Сабоҳат. Раҳмат, молларга сув берай девдим, болаларга ишонса, мол ҳаром ўлади.

Адҳам. Тўғри, ишониб бўлмайди. буларга иш буюрсанг, ақл ўргатади. *(Сабоҳат "ҳа" дегандай кулимсираб кета бошлайди)*

Наргис. Ая, челақни менга беринг. *(бориб қўлидан олмоқчи бўлади)*

Сабоҳат. Қўявер қизим, ўзим, оғирмас. Молларнинг ҳолидан ҳам хабар олмоқчийдим.

Наргис. Йўқ, беринг. *(қўлидан олади ва иккиови молхона томон кетишади)*

Адҳам. *(Исматга)* Ўт, олдимга туш, юр, сенга ўхшаган бозорчидан ўргилдим, юр! *(шу пайт молхонадан Сабоҳат билан Наргиснинг "дод"лагани эшитилади)*

Сабоҳат Овози. Вой болам! Нуридийдам, шўрим қурсин!

Наргис. *(овози)* Дод, Рашид, нима қилиб қўйдинг! *(Адҳам ака билан Нурзод молхонага югуради. Суҳроб*

билан Исмат ҳайрон қотиб қолишади ва сал туриб улар ҳам югуришади. Улар молхонага етиб-етмай ичкаридан Адҳам ака Рашидни кўтариб чиқади)

Сабоҳат. (додлашда давом этиб) Бу не кўргулик! Нима учун бундай қилдинг, болам?

Рашид. (Адҳам ака супага яқинлашганда) Қўйворинг, ўзим.

(Адҳам ака уни аста пастга қўяди)

Сабоҳат. (йиғлаб "дод" солганча) Жонингда нима қасдинг бор эди, болам? Ёшгина умрингни хазон қилмоқчи бўлдингми?! Нега бундай қилдинг? Нега? Шўрим қурсин мени, сени бундай аҳволда кўргандан ўзим ўлиб кетганим яхши эмасмиди? Нега мени ўтга ташлаб кетмоқчи бўлдинг?! (шу вақт Сабоҳатнинг йиғисига 1-Қўшни, 2-Қўшни ташвишли киришади, саҳнанинг иккинчи тарафидан Жавлон билан физика ўқитувчиси Ҳамид кириб келади)

Жавлон. Нима гап, Сабоҳат, тинчликми? Нима бўлди?

Сабоҳат. Сўраманг, бу воқеани гапиргандан тилсиз қолганим яхши!

Адҳам. Тинчланинг, Сабоҳат, тинчланинг, ўзингизни босинг.

Сабоҳат. Қандай тинчланай, қандай ўзимни босай, яккаю ягона кўзимнинг оқу-қораси ўзини осмоқчи бўлса, буни кўргандан ўзим ўлганим яхшимасмиди? Шўрим қурсин, шўргинам қурсин!

Жавлон. Осмоқчи дейсанми? Нега осадилар? Тушунтирсанг-чи! Йиғламай гапир!

Сабоҳат. Яхшиям Наргис билан икковимиз молга сув берамиз деб молхонага кирганимиз. Кўрсак, бўйнида арқон, ўзини осмоқчи бўлиб турибди.

Наргис. (йиғлаб) Сал кечиксак қутқаролмасдик, оёғи остидаги тўнкани теполмай турган экан.

Адҳам. Буларни додлаганига биз югурдик. Нима экан десак, Рашиднинг бўйнида арқон. Эй, нодон бола.

1-Қўшни. Оббо боласи тушмагур-ей, ҳаётдан безадиган нима иш қилиб қўйдингки, ундан безасан?

2-Қўшни. Ҳаётни булар ўйин билади.

Адҳам. Тўғри, бўлмаса шундай қилармиди.

Ҳамид. Рашид, қулоғимга ишонмай турибман, нега бундай қилдинг! Ўз жонингга қасд қиладиган нима айб қилдинг? (Рашид жавоб бермайди)



Жавлон. Нурзод, Суҳроб, нима бўлди? Нима гап бўлди?

Нурзод. Ҳайронмиз, ҳеч гап бўлгани йўқ.

Суҳроб. Қайтанги, биринчи марта радиодан Нурзод билан гапиришди.

Наргис. Эфирни туғилган куни.

Жавлон. Қанақа эфир?

Нурзод. Муаллимимиз Ҳамид акани схемаси бўйича синаб кўрдик, натижаси зўр бўлди.

Ҳамид. (*Рашидга*) Рашид, сени шундай қилишингга ҳеч ақлим бовар қилмайди. Нега шундай қилдинг? Хўш, нега?

Рашид. (*аста*) Ойимни аядим.

Жавлон. Нима-нима? Ойимни аядим? Тавба, аяган одам шунақа қиладимиз, э, бадбахт!

Сабоҳат. Нима деяпсан, Рашид, нималар деяпсан? Нега мени аясан?

Рашид. Билиб қолсангиз нима бўларди.

Сабоҳат. Нималар деяпсан, нимани, жон болам, нимани? Нега мени қийнайсан? Гапларинг пойма-пой. Тунтириброк гапир жон болам.

Рашид. Узукни... Билакузукингишни... мен олиб, симобда эритган эдим... Сизни қийналишингизга қандай чидардим... (*йиғлайди, оғир жимлик*)

Сабоҳат. Нега йиғлайсан! Шунинг учун жонингга қасд қилдингми?! Битта билакузук экан, бутун ҳаётим сеники-ку.

Рашид. Момоларингиздан мерос нарсангизга жоним ачийди. Лекин, ойи, барибир олтин йўқолгани йўқ, мен уни катта бўлгач, яна билакузукка айлантираман, қайғурманг ойи.

Жавлон. Мана, Ҳамид, сени тажрибаларингни оқибати! Уйдаги аккумуляторларни яксон қилди-индамадик, радиоларни бузди индамадик, молхонага ўт қўйди-индамадик, охири келиб жонига қасд қилди! Шуми сени буларга берадиган таълиминг?!

1 - Қўшни. Жавлонбой, ҳозирги болалар болаликни завқини билмайди. Аввалгидек буларни юпанадиган ўйинлари қани? Булар бир бола бўлиб бекинмачоқ ўйнаганми? Чиллик ўйнаганми? От-от ўйнаганми? Йўқ, буларни калласида тажриба, тўрт-беш каналда телевизор, видео, компьютерлар. Ўзлари муштдек бўлиб отамни гапирди. Тавба, қачон бола бўлади булар?

Адҳам. Мана, бизни шумтака, мактабдан қочиб, ўқитувчиларни айблайти, билими ошиб кетганмиш.

2 - Қўшни Билим-билим дейсизу, биз оқиб турган сувга туфламасдик ҳаром бўлади деб. Лекин ҳозирги болалар-чи? На ҳаромни билади, на адабни. Бирорта автобусда кесилмаган ўриндик борми? Синмаган деразаси борми? Кўчат эксанг, эртаси йўқ, ё суғуриб ташлашади, ёки ўғирлашади. Шуми ҳозирги берилаётган таълим?

Ҳамид. Ҳа деб ҳамма айбни мактабга ағдариш инсофданмас. Болаларни ҳам беўрин айбланганг, бу яхшимас. Аксинча, уларни илмга меҳрли қилмоқ керак. Ахир бунга биз ҳаммамиз дахлдормиз! (*жимлик*) Қайси биринг мактабга келиб болангизни ҳолидан хабар олдингиз? (*жимлик*) Ана, битта саволга жавоб беролмайсиз, саволлар эса беҳисоб. Ахир булар ёш ниҳол-ку, қаёққа эсанг, шуёққа кетади. (*болаларни кўрсатиб*) Раҳмат буларга, тажриба қилишади, нимадир ихтиро қилишади, излайдилар, топадилар, янглишадилар. Лекин, бириничи адашишдан қўрқиб жонига қасд қилишлик, ожизлик белгиси. Рашид! (*пауза*) Мана бугун мен ўзи хушxabар билан келувдим. (*ҳамма унга ялт этиб қарайди*) Мана, (*қўлидаги хатни кўрсатади*) мана бу хат учун мен бир умр қилган меҳнатимга ачинмайман. Ахир ўйлаб кўринглар, узоқ бир қишлоқдаги иккита болага қатор экспериментлари учун Академиядан мақтов хати келадию, биз суйинмай, ким суйинсин! Ҳали кўрасиз, Рашид билан Нурзод катта олим бўладилар, академик бўладилар! Қишлоғимизнинг номини жаҳонга ёядилар!..

Т а м о м

## ДАПАГУРУНГ

Инсон руҳиятини, кайфиятини, бир сўз билан айтганда кўнглини кўтарадиган, қалбини тозартирадиган омиллардан бири бу чин қалбдан чиққан беғубор кулги, ҳазил-мутойибаю ҳангомалар, латифалару дўстлар йиғинидаги дапагурунглар.

Тўртта одам бир жойга, албатта, дўстона гурунглашиш, кўнгилларини ёзиш учун йиғилади.

— Ассалому алайкум, на гап, на гурунг?— деб кирсангиз:

— Ҳей... Дапагурунг,— дейишади.

Шу бир оғиз дилрабо сўзда қанчалар самимият, нечоғлик ички бир қониқиш мужассам.

Азал-азал бизнинг дапагурунгларимиздаги қаҳ-қаҳадан патиклар (шифт) дарпанган, томлар ларзон берган.

Шу боисдан ҳам кўп ҳаётий лавҳаларни ўз ичига олган суҳбат-гурунгларни қаламга олдик ва бир сўз билан "Дапагурунг" дея номладик.

Бу дапагурунгларда оламдан ўтган, ҳозирда яшаб турган таниқли санъаткорларнинг, элимизда машҳур одамларнинг ҳаётий лавҳалари, уларнинг ичакузди ҳангомалари, ўткир жавоблари, кулги онлари гурунг этилади.

Ушбу "Дапагурунг"ни қаламга олишдан мақсад, асосан учта. Биринчидан, марҳум, оламдан ўтган устоз санъаткорларимиз бизнинг давраларимизда, гурунгларимизда, йиғинларимизда орамизда бўлсалар деган ният. Иккинчидан, биз билан елкама-елка яшаб ижод этаётган, турли соҳаларда ишлаётган, элимизнинг машҳур кишиларининг ҳазил-мутойибаларини ҳамма билан баҳам кўришлик. Учинчидан, ушбу битиклар орқали одамларнинг кайфиятини, руҳиятини, кўнглини кўтариш.

Дейдиларки, руҳияти тетик одамга касал яқинламайди. Соғлом одамнинг эса иши унумли бўлади.

## БУНДАН КЕЙИН ҚАЙСИ ОТИЗГА УТАМИЗ?

Бир пайтлари барча маданият ходимлари — театр, кутубхона, вилоят ва шаҳар маданият бошқармаларининг жамоалари 5-6 автобус бўлиб, вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи Ганжа Ёқубов бошчилигида пахта йиғим-теримига бирга боришарди. Бу масъулиятли сафарбарликдан четда қолиш қаттиқ қораланганлигидан на кекса, на ёш-бирорта одам қатнашмасдан қолмаган.

Бир сафар пахта теримига Хонқа туманининг Охунбоев номли колхозига боришганда, маданият ходимларини сийлаб, терим машинасига ажратилган ерни беришган. Магарам пахта теримига келганларнинг бари астойдил терганда ҳам, 15-20 кунда адо бўлмайдиган даражада серҳосил, бир текис очилган, жуда катта отиз экан. Бир қоп янги этакларни келтириб ўртага тўкишибди. Шунда Ганжа Ёқубов битта этакни олиб, кекса устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаевнинг белига шахсан ўзи ҳурмат ила боғлабди.

— Ҳаммалари этакларни битта-битта талашиб олишаётса, Ҳожихон ака:

— Менга яна бир этак беринглар,— дебди.

— Уста, ҳали шу бир этак билан тераберинг,— дейишса,

— Э-би, ахир бу тўлса, нима қиламан,— дермиш.

Ҳамкасблар устознинг бу ҳазилидан кулишиб, пайкаллар оралаб кета бошлаган эканлар, терим бўйича катта:

— Тўхтанглар-ов, биродарлар тўхтанг! Ҳозир ҳар қайсингизга тегишли пайкалларни бўлиб берамиз,— дея санай бошлаган,— Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўқиз, ўн!— Бу Матёқуб Раҳимов, сизга! Бир, икки, уч... ўн!— бу Ваҳобжон Фаёзов, сизга! Бир, икки, уч... ўн!— бу Ҳожихон уста, сизга!

Шундай қилиб санаб, ҳаммаларига номма-ном бўлиб кетаётса, Ҳожихон аканинг ҳаммага таниш ширали овози жаранглабди:

— Ўртоқ Ганжа Ёқубов! Ўртоқ Ганжа Ёқубов!

Йўл четида раис билан ненидир маслаҳатлашиб турган Ганжа Ёқубов бирдан сергакланиб, уста томонга юзланган:

— Лаббай, уста!

— Бир савол берсам майлими?

— Нима савол? Майли беринг!

— Бу отизни териб бўлгандан кейин қайси отизга (да-лага) ўтамыз?

Санъаткорлар кулгисидан тутлардаги чумчуқлар гур этиб осмонга кўтарилган.

## ҚАЙСИНИ СЎЯЙ

Қўшкўпир тумани марказида Банк бува деган бир сахий, дастурхонли одам бўлган. Ўзи ширапазлик билан шуғулланиб, новвот, печак ва турли қандолат муҳсулотларини пишириб сотган. Катта савдо ишлари билан ҳам машғул бўлган бу тагдор одамникида вақти-вақти билан Хоразмнинг улкан санъаткорлари йиғилишиб тонг отар базмлар қуришган.

Бир куни Шерозий меҳмонга келган. Банк бува қўй сўйиб, яхши ўлтириш қилган. Базм бир жойга борганда, Банк бувани хотини чақирган:

— Бу ёққа чиқиб кетинг.

— Ҳа, нима гап, омонликми?— деб ташқарига чиқса, эшик олдида Комилжон Отаниёзов турган,— И-е, Комилжон, кел, кел, қани ичкарига кир,— дебди Банк бува.

Комилжон Отаниёзов кирганидан кейин базм янада авжига чиққан, ашула, соз бўлиб турганда Банк бувани яна хотини чақирган:

— Буёққа чиқиб кетинг.

— И-е, нишатавердинг-а,— деб Банк бува ташқарига чиқса, ичкаридагилардан беҳабар Ҳожихон Болтаев келиб турганмиш.

— Иби, Ҳожи эшон, қайси шамол учирди, қани, ичкарига киринг,— дея Ҳожихон акага кўп мулозамат кўргазиб, Банк бува базмни яна ҳам қизитиб юборибди ва янги келган меҳмонлар шарафига яна бир қўй сўймоқни кўнглига тугиб:

— Хўжаёз қассобни чақириб чиқ,— дея боласини қассоб кўшнисиникига юборган. "Хўш, хизмат" деб келган Хўжаёз қассобга Банк бува:

— Шерозийни ўзини сўвжақ эдим, бўлмади. Энди, (Ҳожихон ака билан Комилжон акаларни кўрсатиб) булар ҳам галиб қолди. Яна бир қўй сўймасанг бўлмас,— деган.

Қассоб "хўп" деб чиқиб кетган ва салдан кейин қайтиб келиб, баланд овозда Банк бувадан сўрабди:

— Бува, бува! Қўйларни қайсисини сўяй?

Банк бува сал тўхталиб, меҳмонларга бир-бир қараб, Мадраҳим Шерозийга шаъма қилиб, шерози жунли қўйни назарда тутган ҳолда шўхлик билан жавоб берибди:

— Шерозини ётиравар!

Хоразм санъатининг учта улкан устони бараварига Банк буванинг ҳам топқирлигига, ҳам саховатлигига жавобан қотиб-қотиб кулганлар.

### ЭШИТУВЧИЛАРДАН ҲАМ СЎРА

Ҳожихон ака билан бир йигит саломлашиб ўзини таништирган:

— Мен палонкас ашулачиман.

— Яхши, яхши,— дебди Ҳожихон ака.

— Уста, ман сиздан бир нарсани сўрижақ эдим.

— Хўш, хўш.

— Шу, ман қўшиқ айтсам бошим оғрийд.

Ҳожихон ака ашулачи йигитга ялт этиб қараб сўрабди:

— Дим қаттиқ оғрийдими?

— Ҳовва.

— Ҳим...— дея бироз ўйга толибди Ҳожихон ака ва кулмасдан астойдил кўнгил берган:

— Шу, ашула айтганингдан кейин, ашулангни эшитган одамалардан ҳам сўра-чи, уларнинг боши ничик акан...

### ТЎЛМАСА НИМА ҚИЛАМАН

Бир пайтлари вилоят театрларининг ўзаро алмашув гастроллари бўларди. Бир йили Хоразм театри Қашқадарёга борса, келаси йили улар Хоразмга келарди. Театр жамоалари жуда катта дабдаба билан кутиб олинар эди. Айниқса, санъатни жони-дилидан севган Рўзимат ака Ғойибовнинг Қашқадарёда биринчи котиб бўлган йиллари Огаҳий номли театр гастроллари жуда доврўқли шов-шувлар ила ўтар, артистлар шарафига базмлар уюштирилар эди.

Катта концертдан сўнг бир сафар Шаҳрисабзда ана шундай файзли базм уюштирилган. Банкетни Шаҳрисабз райкомининг биринчи котиби бошқарган, раҳматли Рўзимат Ғойибов ҳам қатнашган.

Базм қизиб, авжланган вақтида қадаҳ сўзи навбатини тўсатдан Ўзбекитсон халқ артисти Султонпошша Раҳимовага бериб қоладилар.

Йигинларда ҳеч гапирмайдиган, ҳаётда ҳам ўта содда Султонпошша опа ўзининг номини эшитиб ҳангу манг бўлиб олвираб қолган:

— Иб-и, ўлгий адим ман... на дейман энди, ман қурғай адим,— деб уёғига — буёғига қараганча ўрнидан турмай ҳовлиқа бошлаган. Шунда рўпарасида ўтирган Аҳмаджон ака Машарипов, (уни театрдагилар Чайковский деб атайдилар) Султонпошша опага далда берган:

— Тур ахир ўрнингдан, Султон, тур, тур! Бирна да ахир!

— На дейман, ман ўлгай адим,— дея Султонпошша опа ўрнидан туриб ён — атрофга олазarak бўлиб қараган, ҳаммаларнинг жимиб қолганидан бадтар хижолат чека бошлаган.

Аҳмаджон Машарипов, ўзи тез гапирадиган одам, у ҳам ҳовлиққанидан, усти-устай, гастролларни ташкил этиб юрган раҳбар сифатида Султонпошша опга йўл-йўриқ кўрсатган:

— На дер адинг, раҳмат де, ҳозир пахта йиғим-терим вақти,— ўзи шипшиб турганига қарамай, овозини янада пастлаб, тез-тез гапирган — пахта планларингиз тўлгай де!

Султонпошша опа бирдан қошларини чимириб:

— Қизиқ гапирасан, Амаат, планлари бажарилмаса нишатаман,— дермиш.

#### ЧАҚМОҚ УР

Огаҳий театрининг комик артисти Қаландар Бойжонов қўй сотиб олиш учун бозорга чиққан. Уни бозорчилар таниб дарров ўраб олишган.

— Сиз театрининг артисти Қаландар Бойжон эмасми-сиз?

— Ҳова, ҳа?

— Ина бу қўйни олинг, жуда мазали қўй,— деб бир сотувчи уни ҳоли-жонига қўймаган. Шунда Қаландар ака худди қовун олаётгандай:

— Мазали дейсанми, қани аласа, чақмоқ ур! — дебди.

Қаландар аканинг бу жавобидан бозор аҳли қотиб-қотиб кулармиш.

#### ЯХШИ ТЕРИМЧИНИНГ ЎРНИ ДАЛАДА

Пахта йиғим-теримига сафарбарлик ҳар йили ўзига яраша масъулият ва қатъиятлик билан ўтади. Бу сафарбарликдан театр жамоаси ҳам мустасно эмас. Артистлар-

нинг орасида ҳам терим илғорлари ва қолоқлари мавжуд. Теримда ҳамиша энг кўп терадиганлар бошида яхшигина актёр Аваздат Жуманиёзов турган. У дурустгина ташкилотчи бўлиши билан бирга беғубор, тоза кўнгили, содда одам бўлган. У кунига 120-130 килодан ошириб пахта тергани ҳолда, пайкаллар орасига ташлаб кетган пахталарини ўзи қопларга солиб, ўзи топширган.

Республикада хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Сафоев Аваздатдан ўрнак олиб 40-45 килодан пахта териб топшира бошлаган. Нима бўлгану Аваздат ака бир мусибат боис 3-4 кунга рухсат олиб қишлоғига кетган. Шу кундан эътиборан Маҳмуджон аканинг кунлик унуми пастлаб, 15-20 килога тушиб қолган.

— Ҳа, энди бироз мазам йўқ,— деб юрган одамнинг Аваздат ака теримга келиб тушгандан кейин иш унуми яна ошиб кетган. Буни сезган маъмурлардан Аваз Бобожон:

— Маҳмуджон, ҳойнаҳой, Аваздатга билдирмай, ёнмаён терган бўлиб, ўмариб юрибди. Келинлар, Аваздатни ошпаз қиламиз, Карим кучан пахта терсин,— дебди. Ўша пайтда театр директори бўлиб ишлаган Санъат Девонов эрталаб эълон қилибди:

— Ошпазлик қилаётган Карим ака бугундан эътиборан пахта теради, Аваздат ошпазлик қилади.

Карим ака ҳам, Аваздат ака ҳам "хўп бўлади" деб турган эканлар, орқада ўтирган Маҳмуджон аканинг фиғони чиқармиш:

— Нега Аваздат овқат пиширармиш, яхши терадиганларнинг ўрни далада! Аваздат пахта териши керак!

## БУ УСТАНИНГ КИССАСИ

Ҳожихон аканинг бир шогирди жуда ихлос билан устага хизмат қила бошлаган. Тўю маъракаларга бирга борар, ўт-сувига қарар, ишқилиб, устознинг меҳрини қозониш учун алпатакда-елпатак (ўта югурдаклик ила) хизматда бўлган.

Шогирднинг кийимлари ҳам эскироқ эмасми, устознинг раҳимдиллигидан фойдаланиб, бир куни кўйлагини сўраб олиб кийган, бир куни шимини дегандай. Ахийри бир сафар:

— Уста, кимсан машҳур Ҳожихон аканинг шогирди деган номим бор, тўйларда менинг устимдан кулганлари



— сизнинг устингиздан кулганлари, бир костюмингизни бериб тулинг, янги костюм олгунча кийиб юраман,— дебди.

Устоз рози бўлиб, костюмини бериб тўйга олиб кетибди. Тўй қизигандан-қизиб, "танга сози" бошланиб, ўйинчиларга пул қистиришаётса, ҳалиги шогирд оз-моз қайроқ ҳам қоқар экан, пулларни олиб, чўнтагига ураётганмиш. Ҳожихон ака билан бирга борган даста аъзоларининг фиғони чиқиб:

— Ҳей, пулни чўнтагинга уришга уялмайсанми? Буёққа олиб кел, кўпига қўш,— дейишса, у:

— Нима деяпсизлар, бу чўнтак меники эмас, устани киссаси бу, устаники,— дея давра ўртасига қараб йўрғалаб кетаберган.

Даста аъзолари "бу не шаккоклик" дегандай устозга қарашса, Ҳожихон ака:

— Тўғри, тўғри, поҳ анағор-ей, шогирд эмас, бу кишим энди устамиз бўлдилар,— дея беғараз кулиб, созни давом эттираберганлар.

## ЭРТАДАН ТЕАТРГА КЕЛМАЙМАН

Театрнинг режиссёри Ҳ. Исломов янги бир йигитни бошлаб келган. Жамоага янги келган артист йигит, умумий кўринишларда чиқишига қарамай, режиссёрга яқинлигиданми, оёқ олиши сал бошқачарароқ, беписандроқ туюлгани боис, ҳаммиша шўхлик қилиб юрадиган Солай ака Девонов гримёрга:

— Бугунги спектаклда шу янги йигитни бир "яхшилаб" грим қилиб қўйсанга,— дебди обдан "тушунтириб."

Машшот устоз санъаткорнинг айтганидан ҳам зиёдроқ этиб бажарибди, яъни унинг юзига аввал елим суртган, унинг устидан грим қилиб, яна елим суртаётса, театрнинг соддадил актёри Ҳўсин Ҳўжаев:

— Нима қилаяпсан? — дебди гримчига дашном билан.

— Солай акам айтдилар,— дебди маънодор этиб секингина.

Алқисса, спектакль тугаган, ҳаммалар гримхонага кириб, юзларини гримдан тозалаётса, ҳалиги янги йигитнинг тошойна олдида юзидан гримни ололмай фиғони чиқаётганмиш:

— Эртадан театрга келмайман, театрни елкамни чуқури кўрсин, келмайман ишга.

Театрнинг кўп йиллар бош дирижёри ва директори бўлиб ишлаган Абдушариф Отажонов шоир ва драматург Раҳим Бекниёзнинг "Икки ўт ўртасида" деб номланган драмасига ажойиб мусиқа басталаган.

Ана шу мусиқали драмадаги "Бобойжоним" дуэтини Ўзбекистон халқ артисти Бикажон Раҳимова ва Республикада хизмат кўрстаган артист Маҳмуджон Сафоевлар жуда қиёмига етказиб ижро этишарди. Ҳақиқий Хоразмнинг нафаси уфуриб турганиданми, ижрочиларнинг ноёб маҳоратларими, бу дуэт бағоят машҳур бўлиб кетди ва театрнинг ҳам кунги қишлоқларга чиқиш дастурида албатта бўлар эди.

Театрнинг эрталабки "беш" минутлигида кимлар шу куни қаерда концерт қўяди, кимлар саҳнада, кимлар кичик залда нимани репетиция қилади, хуллас, театрнинг бир кунлик иш режаси эълон қилинади. Агар бирор куни йўқламада, қишлоққа кетувчилар рўйхатида Маҳмуджон аканинг номи чиқмаса, "беш" минутликдан кейин ўзича тўнгиллайди:

— И-и, нега бизларни ёзмайдилар, нега бизлар концерта бормас эканмиз!

Агар номи чиқса:

— Бор, ака, ман бормийман, ҳа деб бизларни ёзаверасизларми! — дея ўтирган жойида ловуллади.

Ана шундай йўқламалардан бир куни театрнинг труппа бошлиғи Аваз Бобожонов:

— Бугун фалон колхозда концерт, фалон, фалон, фалонкаслар боради. Концертда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Маҳмуджон Сафоев,— Маҳмуджон акага қараб, сўнг Бикажон Раҳимовага тикилиб, овозини сал баландлаб, давом этган,— иккинги, "Бобойжон" имни чиройли қилиб ўйнаб келасизлар.

Шунда бирдан Маҳмуджон ака:

— Бу на, ҳар куни бизларни ёзаверасизлар,— дея бақириб, орқа ўриндиқда номи чиққанидан болалардай севиниб ўтирган Бикажон Раҳимовага қиё ўгрилиб, дўқ қилган,— ина шу топади, ина шу ёздиради, ҳамма гап ина шундан чиққан!

Бикажон опа қошларини ўзига хос анойи чимириб:

— Тавба, тавба этдим, худойим, мани на ишим бор, манга на вунда,— дея жиғи-бийрон бўлармиш.

## КОНЦЕРТНИ ҲАММОМДА ҚЎЙИШ КЕРАК ЭКАН-ДА!

Театрга янги келган созандаю хонандани аслида, халқ таниган, билимдон мусиқачилар, ҳофизлар синовдан ўтказишади.

Оқилов деган ёш бир хонандани синов пайтида Шариф Болтаев, Бекжон Отажоновга ўхшаган машҳур ҳофизлар йиғилишиб:

— Қани нима айтасан, нима чаласан? — деб сўрашибди.

— Тор чаламан, ашула айтаман.

— Хўш, қани бирор нарса айт, бадний кенгашдан аввал эшитиб кўрайли,— дея уёқ- буёғига қарашиб, ёшроқ созандаларнинг бировига,— мусиқахонадан торни олиб чиқ,— дейишибди.

Бирпасда Оқиловнинг атрофига қизиқувчилар тўпланган.

— Э уста,— дебди Оқилов,— мен торсиз ҳам айтавераман.

— Дим яхши,— деган Бекжон ака,— ботирга яроғ не керак!

Ҳаммалар кулишган. Оқилов бу кулгига заррача эътибор қилмай қўшиқ бошлаган:

Етти йилги кетган ёрим...

Қўшиқ давом этаверган, на усул бор, на овозида тон, на шира, унинг устига хаста. Шу пайт кимдир торни кўтариб кирган:

— Мана тор.

Оқилов торни олиб, созламасдан қўшиқни келган жойидан варанглатаверган, қарашса, хонандаликдан йироқ, лекин ҳаваси баланд.

Янги хонанда синовчиларнинг ранги-рўйидан англайдики, қўшиғи, овози, сози буларга маъқул эмас, ҳафсалалари тушган, Шунда Оқилов Шариф Болтаевга қараб:

— Уста, менинг овозим ҳаммомда яхши чиқади,— дебди жиддий бир оҳангда.

— Ҳа,— деярмиш Шариф ака,— сен театрда ишга кирсанг, колхозларга концертга борсак, томошани колхознинг ҳаммомида қўяр эканмиз-дон, яхши, яхши...

Одамларнинг кулгиси орасида Бекжон ака:

— Бир ҳаммом қуриб, Икариус машинани орқасига тиркаб юрсак, борган ерда одамлар ҳам қўшиқ эшитади, ҳам ювинади десангиз-а! — дея кулгини янада авжлатган.

Ишга кирмоқчи бўлган янги хонанда роппа-роса ишониб:

— Қандай яхши, поҳ,— деб кулгига қўшилган экан.

### АНА, ҲАММАНИКИ ДИШОНДА ЭКАН

Бир ўлтиришда машҳур ҳофиз Ҳожихон аканинг бирдан эсига келган шекилли, машҳур дуторий қўшиқчи укаси Нурмават Болтаевдан сўраган:

— Оқшом касалланибсан деб эшитдим, ҳа, на бўлди?

— Ай, почкамни шамоллатибманми, бироз мазам бўлмади.

— Бочкамни? Ҳа, дишондамади?

— Новви?

— Бочканг!

Ёнида ким биландир гапга алаҳсиб ўтирган дадам тушуниб-тушунмай, ака-укаларнинг гапига аралашган:

— Бизни болалар бочкани ҳамавақт дишонда қўядилар, ичкари киритмайдилар. Помидор тузлайдиларми, бодринг тузлайдиларми, барибир, бочка дишонда туради.

— Ана, ака, эшитдингизми? Самандар аканикиям дишонда турар экан, бир сизники ичонда.

Ҳожихон ака аввалига гап нимадалигини ангишмай, кейин жамоат кулгисига қўшилиб:

— Биз ҳам дишонга чиқармасак бўлмас экан,— дея ҳазилни авжлатиб юборган.

### АКАДЕМИЯГА КИР

Республикада хизмат кўрсатган артистлар Шариф Султонов, Отамурод Бекжоновлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Матниёз Юсуповнинг ҳурмати учун, уникага вақти-вақти билан кириб, ҳол-аҳвол сўраб туришлари одат тусига айлангани боис, бир сафар борсалар, Матниёз ака ичкарида дам олаётган экан, ҳовлида янги меҳмон бир йигит у-бу юмушларни қилиб юрган эмиш.

Матниёз ака буларнинг келганида хабар олиб туриб чиққинича, Шариф ака билан Отамурод меҳмон йигит билан танишибдилар.

— Жумабой Тожимовман,— дебди у буларнинг саволларига жавобан,— Хоразмдан, Янгибозорданман, Тошкентга ўқишга келдим. Матниёз акамга Солай акам хат бериб

юборган эдилар, тўғри шу ерга келдим. Матниёз акам ёрдам бериб турибдилар, мусиқа билим юртига ўқишга кираяпман.

— Имтиҳонлар қалай?

— Ёмон эмас, бугун йиқилдим, шуни домлага айтжақ эдим.

— Нимадан йиқилдинг? — Шариф ака ҳамдардлик билдирмоқчи бўлиб сўрабди.

— Сольфеджиодан.

— Ҳа-а,— дебди Шариф ака чўзиб ва Отамуродга аста кўз қисганча, Жумабойга "астойдил" тушунтирибди,— Сен нима қиласан билим юртига кириб, умрингни 4 йили ўтиб кетади. Яхшиси бира тўла ўқишга консерваторияга кир. Бир йил зиёд ўқийсан, лекин 9 йилдамас, 5 йилда олий маълумотли бўласан.

Бу гап Жумабойга жуда маъқул тушибди, тап-тайёр халоскорларига "қандоғ бўлар экан" дегандай кўзларини жовдиратиб турганда, ичкаридан ҳассасига суяниб Матниёз ака чиқиб келган.

— Ҳа Шарифбой, Отамурод, яхшимисизлар, яхши юрибсизларми? — дея Матниёз ака айвончадаги курсига ўтирган.

Улар ҳам ҳол-аҳвол сўрашгач, Шарифбой ака Жумабойга "гапиргин" деб имо этган. Жумабой бироз ўйланиб:

— Ман яна йиқилдим,— дебди.

Қайбир хаёлларидан фориг бўлмаган Матниёз ака аввалига тушункирамай, одатига кўра кўзларини тепаларга тикканича:

— Ҳим, яхши, яхши,— деган.

Шариф ака билан Отамурод Матниёз аканинг феъл-атворини яхши билганликлари учун, сал чеккароққа чиқиб, Матниёз акага сездирмай, яна Жумабойга, "тушунтириброқ айт, биз айтгани айт, консерваторияни айт" қабилида имо-ишора этганлар. Шунда Жумабой дадиллашиб:

— Уста, мен билим юртига кирмайман, бошқасига кираман,— дебди.

— Бошқа нера кирмоқчисан?

— Шу бира тўла консерваторияга кирсамми дейман.

— Ҳим, яхши, яхши,— дебдию Матниёз ака гап нимадалигини энди тушуниб, тутоқиб сўраган,— Қаерга?!

— Консерваторияга.

— Консерваторияга?! — Матниёз аканинг бадтар жини кўзиб,— Ҳай, Шариф, ина бунга қаранглар, консерваторияга кирармиш. Ҳай, буни калласи ишлайдими! Ахир кон-

серватория деганга билим юртини битириб кирадилар! — Матниёз аканинг шу ерга келганда нафаси етмай, бўғилиб бақира бошлаган,— Кир! Кир! Ундан юқорироққа кир!

Бечора ёшгина Жумабой нима гап бўлганига тушунмай, "сўзимни қаери хато экан" деб бир Матниёз акага, бир Шарифбой акаларга гуноҳкорона жовдираб боқармиш. Булар ҳам Жумабойга қараб, гўё "Матниёз ака нега бунчалик жиғибийрон бўлаётган экан, тушунмадик", деганларидай елкаларини ҳайратомуз қисармишлар.

Ҳеч нарсадан беҳабар Матниёз ака эса, муштдай болаларнинг осмондан келишини сингдиrolмай, фиғони кўкка ўрмалаб, ҳеч ўзини босолмай ичкари кириб кетган. Энди унинг овози ичкарилардан бўғилиб чиқаётганмиш:

— Консерваториямиш-а! Тўғри бориб Академияга кир! Академияга!..

### МЎЙЛОВНИ БЕРИНГ

Бир вақтлари Огаҳий номли вилоят театрида Ёломонов деган патсгина бўйли, яхши гримёр ишлаган. Жуда яхши одам бўлган, соқолларни ҳам яхши тўқийдиган, ҳамма билан дўстона муносабатди бўладиган, феъли кенг экан. Шу боисдан спектаклларнинг охиригача ҳам ўтирмай, баъзан-баъзан соқол-мўйловларни артистларнинг ўзларига ташлаб кетар, эртасига йиғиштириб олар экан.

Нима қилгандаям тартиб-интизомнинг бузилиши маъмуриятга ёқинқирамагани учун, дакки эшитавермай деб Ёломонов театрга битта шогирд олиб келади. Шогирднинг ҳам бўйи пастгина, чаққонгина экан.

Шогирд 5-6 кун ишлагандан кейин қарасалар, жуда театрбоп, бўладиган бола. Бир куни спектаклдан сўнг уни театрнинг отахон, комик актёрларидан бири Солай ака Девонов ёнига имлаб чақирган:

— Биласанми,— дебди гримини артаркан,— бугунги "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" спектаклини халққа манзур бўлиб ўйналишида устанг Ёломоновнинг хизматлари катта,— гримчи бола "тўғри-тўғри" дея шошилиб соқол-мўйловларни йиғиштиришга кетаётса, уни тўхтатиб Солай ака сўзида давом этган,— тўхта, сўзимни охиригача эшит, жониқаварма, бу спектаклда соқол-мўйлов кўп, устанг Ёломонов яхши одам, сен уни қадрлашинг керак. Ҳар бир соқол-мўйлов биласанми қанча туради?

— Йўқ.

— Ана билмайсан, яна шашасан. Бўлмасам эшит, бир соқол-мўйлов бозорда 1000 сўм туради... Театрда бир одам бор, шу вақти-вақти билан мўйлов ўғирлаб сотади. Шундан огоҳ бўл.

— Ким у? — дебди хавотирланиб шогирд бола.

— Ҳозир кўрсатаман,— Солай ака шогирд болани етаклаб саҳнага олиб чиқади.

Саҳнада одатдагидек театрнинг жонкуяр бутафори Карим кучан гилам, у-бу нарсаларни йиғиштириб юрган бўлади.

— Ина, кўрдингми,— дейди Солай ака шогирд болага Карим кучанга сездирмай,— ана шу одам мўйловини ечмай қуён бўлади, огоҳ бўл, на дадим.

— Хўп бўлади, ёшулли, хотиржам бўлинг,— дейди бадтар хавотирланиб шогирд.

— Бўпти,— дея Солай Девонов саҳна четидан узоқлашади.

Шогирд бола тез-тез юриб Карим кучанни олдига яқинлашганда, Карим ака ҳеч нарсадан беҳабар бир ашулани "ғингирлаб", нарсаларни бутафорхонага олиб кетади ва қайтиб келганида, шогирд бола унинг мўйловига ёпишади:

— Мўйловни беринг, уялмайсизми? Ҳамма соқол-мўйловларни топшириб кетди, сиз эса топширмадингиз!

Шогирд бола Карим кучаннинг ҳақиқий мўйловини ҳеч тортиб ола билмасмиш.

— Жиннимисан?!— тутоқиб кетган Карим ака,— мен сени даб-дуруст, яхши бола экан деб юрсам, қип-қизил жинни экансан-ку! Асли Ёломонов соғ эмас, бўлмаса, сенингдек аҳмоқни театрға олиб келармиди...

Саҳна тўрида кўринмай турган Солай Девонов бу машмашадан қотиб-қотиб кулармиш.

## УЛУҒЛАР УЧРАШУВИ

1970 йилларнинг охирида қайси бир юбилей муносабати билан таниқли ёзувчи Ҳамид Ғуллом Хоразмга ташриф буюрди. Шундан бир-икки кун олдин "Совет Ўзбекистони" газетасида у кишининг "Кўнглима бир гул ғамидин" деб бошланувчи Мунис ғазалига мухаммаси эълон қилинган эди.

Эрталаб ишхонамда шу мухаммасни ўқиб ўтирсам, телефон жиринглаб қолди. Оғам, забардаст шоир Эркин Самандар, телефонда обкомнинг ўша пайтдаги мафкура

бўйича котиби Собир Шералиевич билан Ҳамид акани бизникида меҳмон бўлажакларини айтди ва бирга Тошкентга кузатиб қўямиз деди.

Улкан адиб билан бир пиёла чой устида суҳбатимизни ўйлаб кўнглим ёришиб кетди, Ҳамид аканинг газитда эълон қилинган ушбу янги мухаммасини бирон-бир ҳофиз ижро этса, тарихий воқеа бўлар эди деган фикр кўнглимдан ўтди ҳамда муаллиф учун ҳам бу кутилмаган бир қувончли дақиқалар бўлувининг гувоҳи бўлардик. Халқимга беихтиёр қўшнимиз, машҳур ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон ака Болтаев келди, аммо анча кексайиб қолган ҳофиз бир кунда ёдлаб айтишга рози бўлармикан деган андиша андак қароримни сусайтирди. Шундай бўлса ҳам бир уриниб кўриш мақсадида тушлик пайти Ҳожихон аканинг уйига бордим.

Ҳожихон ака уйда эканлар, устига-устак кайфияти ҳам яхши экан, мени кўриб-ку, яна ҳам очилиб кетди. Барибир дабдурустдан мана шу мухаммасни ёдлаб, айтиш керак демасдан мақом тўғрисида, ғазалиёт тўғрисида анча гаплашдик, гап орасида Ҳамид аканинг Хоразмга келиши, у кишининг мумтоз адабиётимизнинг билимдони, талай мухаммаслар битгани, хусусан Муниснинг ғазалиги боғалаган ажойиб мухаммаси кунни кеча республика газитида чоп этилгани тўғрисида алоҳида ургу бериб ўтдим, Муниснинг ғазали ҳам зўр-да:

Кўнгулма бир гул ғамидин сончилибдур хорлар,  
Оҳким, ҳар хордин жонимдадур озорлар.

— Ҳовва,— деди Ҳожихон ака,— кўп яхши ғазал-дон. Мунис ҳам маҳкам шоир ахир.

Ҳожихон акани қизиқтириш учун яна бир байтини эслатдим:

Турфа айёраки, дин нақдин олурда турраси,  
Урганурлар андин ўғрилиқ ишин таррорлар.

— Поҳ,— деди Ҳожихон ака яйраб,— айтган-ов лекин!

— Шу ғазални ёд олиб айтиб юрганингизга неча йил бўлди экан? 50 йил бўлгандир-ов.

— Бўлгандир... кўп замон бўлди.

— Охирги марта қачон айтдингиз?

— Новвини?

— Бай-бўй, сўзлашиб ҳазатдик-дон, "Таррорлар"ни?



— Ҳа-а,— бироз ўйланиб қолди Ҳожихон ака,— ёдимда йўқ.

— Агар қўлингизга дуторни олсангиз, ёдингизга келадими?

— На билай...

Икковимиз ҳам бир дақиқа жим қолдик. Салдан кейин, эртага бўладиган учрашув ҳақида ҳаяжонланиб сўзлаб бердим.

— Ҳамид Ғуломникига урушдан кейинги қайси бир йили тўйига борганман, ўғлини суннат тўйига-ёв. Кўп яхши тўй бўлвади, ўзи ҳам яхши одам экан.

— Ҳамид ака Мунисни ана шу машҳур ғазалига мухаммас боғлабди, ина,— такроран айтиб, газитни кўрсатдим ва бошдан-оёқ ўқиб бердим. Ҳожихон ака бошини қуйи осилтириб, бепарводай ўтирганиданми, андак хафаландим.

Бир вақт Ҳожихон ака бошини кўтариб, мийғида, ўзига хос лаб четида ним табассум билан:

— Кўп яхши мухаммас бўлибди лекин,— деди ва қўшиб қўйди,— баракат топсин.

Ҳожихон ака оғир хўрсинди.

— Агар ушбу мухаммасни арабча алифбода ёзиб, Бекжонни доираси ичига яшириб айтилса, ажаб бир тарих бўлар эди-да,— дедим.

Ҳофиз индамади. Дастурхонга фотиҳа ўқиб ўрнимдан турдим. Ҳожихон ака яна индамади. Аста чиқиб кетдим.

Республикада хизмат кўрсатган артист Бекжон Отажонов беқайтариқ одамшаванда эди раҳматли.

— Э, менга арабча ёзув билан кўчиртириб беринг, кечқурун бориб устани кўндираман. Эртага айтган вақтингизда эгарланган отдай тайёр бўлиб борамиз.

Бекжон аканинг бу сўзидан кўнглим тоғдай ўсди.

Алқисса, Ҳожихон ака билан Бекжон Отажонов иккалови Ҳамид акалардан қарийиб бирор соатлар олдин яхши кайфиятда бизникига кириб келишди. Уларни меҳмонлар учун тузатилган хона ёнидаги кичик ҳужрага таклиф этдим, ўтириб ҳазил-мутойиба қилдик, лекин мухаммас тўғрисида бир оғиз индамадим, улар ҳам сўз очишмади. Мен учун Ҳожихон акадай улуғ санъаткорнинг айтилган вақтда ташриф буюриши ўзи бир катта тарих. Шу орада Ҳамид акалар келиб қолишди. Уларни қучоқ очиб кутиб олдик. Суҳбат қизигандан-қизиб бораётганда Ҳамид акага:

— Машҳур ҳофиз Ҳожихон ака қўшнимиз бўладилар, уйларида бўлса, чақириб чиқайми?— дедим.

Ҳамид ака бирдан ҳаяжонланиб кетдилар:

— Яхши бўлар эди. у кишининг соғликлари дурустми? Ажойиб иш бўлардида кўришсак. У киши бизникига тўйга борганлар, Унгаям 30 йиллар бўлди-ёв. Илоҳим уйларида бўлсин-да.

Мен мамнун ҳолатда уларнинг рухсати билан чиқиб, бироз ҳаялладим-да, Ҳожихон ака билан Бекжон акани бошлаб кирдим. Ҳамид ака билан Ҳожихон ака қучоқлашиб узоқ туриб қолдилар. Бир-бирларини тавоб этдилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб, бир пиёладан чой ичишгач, навбат қўшиққа келди.

Ҳожихон ака "Катта суворий"ни салдом билан бошлади. Унинг жарангдор овозига хона кичиклик қилиб деразалар дириллаб кетди. Шундай улкан ҳофиз билан юртдош бўлганимдан, замондош бўлганимдан гурурим вужудимга сизмайди десангиз.

Ҳожихон ака "Суворий"нинг "Савти"сига Ҳамид аканинг кечаги газитда эълон қилинган мухаммасини, худди бир асрдан бери куйлаб юргандай жўшқин руҳиятда ижро этди. Доира ичига ёпиштириб қўйилган мухаммасини мен ҳам унутдим, чунки Ҳожихон ака бирор бир сўзни тутилмасдан шундай ижро этдики, уни ёд олмаганига шубҳаланиш гуноҳ бўлар эди. Ҳамид аканинг бўлса, ҳайратдан оғзи очилиб қолди.

Қўшиқ тамом бўлди. Айтилган "Савти" мухаммаси муаллифи тўғрисида Ҳамид акадан бошқа ҳеч ким деярли сезишмади. Оғам ҳам бу сирдан воқиф бўлмагач, қўшиқни табиий бир ҳолда қабул қилди. Мен ҳам "анойи" соддалик билан сездирмадим.

— Уста, "Савти"га айтган мухаммасингизни қачон ёдлаган эдингиз?— дея сўради Ҳамид ака сархуш жимликни бузиб.

Ҳожихон ака одатича бироз жим турди-да:

— Урушдан бурунмиди жоним, кейинмиди, ёдимда йўқ, кўп замон бўлди,— жиддий, бепарво оҳангда.

Ҳамид ака бадтар ҳайронланиб бир менга, бир Ҳожихон акага, бир меҳмонларга ҳайрат ила боқаяпти. Мен ҳеч нарсага тушунмагандай анқовланиб ўтирабердим.

Ҳожихон ака Ҳамид аканинг ўнғайсизланаётганига эътибор бермаётгандай, гўё ўз хаёллари билан банд ўтирибди. Бу ҳолатни узоққа чўзмаслик учунми, Ҳожихон ака:

— Нор дегани новви?— дея Ҳамидакага қаради.

Ҳамид ака ҳофизга жавоб бериш ўрнига негадир узоқроқ жим қолди ва хаёл аралаш:

— Норми?— деди саволига савол билан ва бироз сукут

сақлаб,— Нор — Туя,— дегач, Ҳожихон ака анойи жилмайди,— Норнинг иккинчи маъноси,— давом этди салдан кейин Ҳамид ака,— анордир.

Ҳожихон аканинг юзига табассум югурди, бирдан ёш боладай қувнаб:

— Ина бу Комилжон,— дея менга юзланди,— кеча сизни мухаммасингизни ўқиб берди, қудратимиз етганча ёдладик, етмаганини,— чилдирма ичини кўрсатиб,— ина бу ера ёзиб ёпиштирган экан Бекжонбой, шунга қараб айтдик...

Оғам билан Собир Шералиевич гап нимадалигини тушуниб, устозга ташаккур айтишди, Ҳамид акани кўрсангиз, ўрнидан шитоб билан туриб Ҳожихон акани қучоқлади, қувончдан намланган кўзлари ила меҳр тўла нигоҳ ташлаб, не деярини билмайди. Мен эса, бу буюк алломаларнинг фаройиб ҳолатларига қараб, улуғликнинг нечоғли содда ва нечоғли зеболиги олдида яна бир бор таъзим этдим...

#### ЭЛ АРДОҒИДАГИ САНЪАТКОР

Бундан ўттиз уч йил муққадам, 1964 йилнинг январь ойида, катта ўғлим Баҳромбекнинг туғилгани боис қувончдан оёғим ерга тегмай бораётган бўлса керак. Комилжон Отаниёзов кўчада мени учратиб, ёнидаги шогирдлари, Республикада хизмат кўрсатган артист Бекжон Отажонов ҳамда чилдирмачи Отаназар акаларга кулиб қараб:

— Бу адашимизнинг келиши бошқачароқ,— деди ва менга юзланиб, ҳамишаги илиқ меҳрибонлик билан сўради,— На гап? Омонликми? Олтин топқан... дин оғзингиз йиғналмиди?

Комилжон ака юксак маданият соҳиблигидан менга нисбатан "қул" иборасини ишлатмади, зеро менинг мавқеим ва ёшимга кўра айтса ҳам балки хафа бўлмасдим, чунки мақол-мақол-да. Барибир катта боши блан шуни ўзига эп кўрмаганини, қолаверса ҳаммаҳалламиз, негаки Комилжон акадан ташқари маҳалламизда Ўзбекистон халқ артистлари, улкан ҳофиз Ҳожихон Болтаев, Матёқуб Раҳимов, Каримжон Раҳимов, Мадрим Бобожонов, машҳур комик актёр Қаландар Бойжонов, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Маҳмуджон Сафоев, Онабиби Очилова, Каримжон Исмоилов, Робия Отажонова, театрнинг етакчи артистлари Салима Ҳожиева, Бибижон Искандаро-

ва, бастакор, хушовоз хонанда Озод Иброҳимов ва бошқа қўшиқчию раққосалар истиқомат қилганлари учун андак эрқаланишимиздан ҳам Комилжон ака мени ўзига яқин олиб беписандлик билан муомала қилиши мумкин эди-ку, деб то ҳануз ўзга бир меҳр ила ҳайратланиб юраман.

Комилжон аканинг саволига қандай жавоб қилсам экан дея фикрлаб турсам, Бекжон ака:

— Мирзабоши ўғил кўрдилар,— деб қолди.

Раҳматли Бекжон ака билан қалин дўст эдик. Устозининг исми Комилжон бўлганидан, исмим билан мурожаат қилишни ўнғайсиз кўрганиданми, Бекжон ака менга ё Комил Хоразмийга нисбат бериб, "Мирзабоши", ё "Мавлоно" дер эди.

— И-и, яхши, яхши,— деди кулимсираб Комилжон ака,— кўзингиз ойдин.

— Ойдинда бўлғайсиз.

— Кўзойдинга киришимиз керак экан.

— Маъқул иш бўлар эди, уста,— деди чилдирмачи Ота-назар ака.

— Бугун бўшмиз, тўй ҳам йўқ, театр ҳам отдих,— дея Комилжон ака менга ўгирилиб,— бугун уйдамысиз?— деб сўради.

— Ҳов-ва,— дедим, гарчи тунги 12 да сменага тушишим керак бўлса ҳам, негаки у пайтда Тошкент тўқимачилик институтини яқиндагина битказиб, Урганч пахта тозалаш заводида смена слесари бўлиб ишлардим.

— Бўпти,— деди Комилжон акам,— кечда борганмиз бўлсин, лекин ҳечкимга айтманг. Дадангиз, акангиз Эркинбой (Эркин Самандар), ўзингизу биз, бир гурунглашиб ўтирамыз.

Кечқурун Комилжон ака билан эрталаб кўрган иккита шогирдидан бошқа, беқайтариқ гижжакчи Олланзар Ҳасанов, қўшнаичи Қурамбой ака, хушовоз жияни Матмурод акалар қўлларида асбоблари билан кириб келишди. Бу "гурунглашамиз"нинг маъносини сал тушунқирмай Бекжон акадан секин "бу на гап" дегандай сўрасам, у киши аста тушунтирди:

— Адаш ёш бўлса ҳам нозиктаъб, қилни қирқ ёради, унинг ёнида созни бундайроқ чалсак бўлмас дедилар устоз, жамоа жам бўлиб, ҳаммамиз келавердик.

Комилжон акадай улкан санъаткорнинг созу қўшиққа бу қадар масъул ёндашиши, юқорида айтганимдай, ҳали бирорта на шеърий, на насрий китоби босилмаган, амал курсисидан хийла йироқ, фақат араб ва форсий сўзларни

луғат билан бирмунча таҳлил қила оладиган, мусиқа мактабининг бошланғич синфларида сабоқ олган мендай ёш бир йигитга, санъат ихлосмандига бу янглиғ илтифоти буюк одамларгагина насиб этишлигини ўйлаб, кўнглим тоғдай ўсди.

Смена вақтигача бир умр эсда қоладиган жуда ширин суҳбат ва соз бўлганини ҳозиргача ботиний бир ғурур билан эслаб юраман.

Оғаҳий номли вилоят театрининг бош режиссёри, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ибодулла Ниёзматов Комилжон акани ўзгача бир меҳр билан тилга олади:

— Комилжон аканинг ишга ўта масъуллиги, айна пайтда бағоят камтарлиги санъат аҳлига сабоқ бўладиган ўзига хос бир мактабдир. "Режиссёр болам,— дерди у киши,— менга навбатни ўзинга маъқул ерда берақолгин". Концертдан сўнг халқ олқишидан суюниб, "Нечукман?" дер экан, қувончдан кўзлари худди ёш болаларникидек чарақлаб кетарди.

Бу йил таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланадиган Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти, ардоқли санъаткор Комилжон Отаниёзовнинг созу қўшиққа масъуллиги, камтарину эл хизматидаги хокисорлиги қўшиқсевар халқимиз оғзида дoston бўлиб келмоқда.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши . . . . .	. 5
Эсселар . . . . .	. 9
Хива дилбанди . . . . .	. 9
Қадр . . . . .	. 15
Муҳаққир мураббий . . . . .	. 20
Ғаройиб томошалар . . . . .	. 24
Санъат — саодат мулки . . . . .	. 29
Театр — дорул-ижод . . . . .	. 33
Туркия сафари ҳақида икки оғиз сўз . . . . .	. 40
Комил Хоразмий — Матниёз Девонбегими? . . . . .	. 46
"Рост" бўлса, рост чалингиз! . . . . .	. 58
Дил каломи . . . . .	. 62
Улуғлик мартабаси . . . . .	. 66
Ҳейканик . . . . .	. 70
Лангар . . . . .	. 77
"Ғарчи эрурман тлиби Ферзу" . . . . .	. 85
"Лайли ва Мажнун" . . . . .	. 94
Драмалар . . . . .	. 99
Оғаҳий . . . . .	. 99
Ташкилдаги ҳангома . . . . .	. 135
Ўғилтой . . . . .	. 164
Икки карра икки — беш . . . . .	. 190
Дапагурунг . . . . .	. 219

Адабий-бадий нашр

Комил Аваз

ХИВА ДИЛБАНДИ

Эселлар, драмалар

Муҳаррир У. Қўчқор

Рассом М. Карпузас

Безаклар Муҳаррири Ю. Габзалилов

Техмуҳаррир Т. Смирнова

Ушбу китоб Ҳожихон Болтаев номли  
жамғарма ҳомийлигида чоп этилди.

Босмахонага 24.01.97 берилди. Босишга 14.02.97 рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. 1-нав босмахона қоғози. Тип. Таймс гарнитураси. Юқори босма 12,60+0,21вкл шартли босма тобоқ 14,0+0,75вкл нашр босма тобоғи жами 10000 нусха. 4582 буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 174-96 рақамли шартнома.

“Ёзувчи” нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002. Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.

Аваз Комил.

Хива дилбанди: (Эсселар, драмалар).— Т.: Ёзувчи, 1996.— 240 б.

Ўзбек халқининг санъат чаманида рангбаранг гуллар кўп. Ҳар бир вилоятнинг, ҳудуднинг ўз усули, ўз анъанаси, ўз йўли мавжуд. Бу чаманда Хоразм диёрининг ҳам ўз ўрни, ўз таровати бор. Олимлар, шоирлар, созандаю хонандаларга бой, дунёга не-не алломалар берган бу диёр ҳамон ўз анъаналарини давом эттирмоқда. Шоир, драматург Комил Аваз ушбу китобида ана шу ўлкадаги санъат ва адабиёт муаммолари ҳақида фикр юритади. Тўпламга ижодкорнинг драматик асарлари ҳам киритилди.